

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.АБДУҒАНИЕВ, А.А.АБДУҒАНИЕВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини
мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан олий ўқув юртларининг
иқтисодий таълим йўналишилари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2003

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

A.ABDUGANIEV, A.A.ABDUGANIEV

ECONOMY OF AGRICULTURE

This textbook is recommended by the group of “controlling scientific organizations activities of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

TASHKENT- 2003

Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисоди -
(дарслик) - Т.: ТДИУ, 2003 – 257 бет.

Дарсликда қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг назарий, услубий ҳамда амалий асослари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида ёритилган; тармоқда амалга оширилаётган ташкилий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти Республика Президенти И. Каримов асарларига ва амалиётдаги меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда баён этилган; қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхоналар, тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар, йўллар батафсил кўрсатилган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов

Тақризчилар: и.ф.н., проф. А.С. Султонов;
и.ф.д., проф. Б.Т. Салимов;
и.ф.н., проф. Х. Хўжакулов

Abduniev A., Abduganiev A.A. Economy of agriculture (Textbook). –Т.: TSEU, 2003 - 257 pages.

In the textbook theoretical, methodical and practical bases of formation of free market relations in agriculture are reflected in a level of requirements of the national program of a professional training. Value and essence organizational and the economic reforms spent for branch are written on the basis of the President I.Karimov's as well as on the basis of acting normative documents. The textbook provides scientific analysis of present condition of using material resources and manpower of agriculture; shows ways and problems of increasing their efficiency in the future.

Responsible editor: doctor of economic science, prof. Holmuminov Sh.R.

References: candidate of economic science, prof. Sultonov A.S.;
doctor of economic science, prof. Salimov B.T.;
candidate of economic science, prof.Hujakulov X.

КИРИШ

Ўзбекистон аграр-индустрлашган республика. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкан. Чунки унда республика ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмига яқини, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизга яқини яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақазо этмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шакллариининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллариини аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллариини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Юқоридаги муаммоларнинг эркин бозор иқтисодиёти шароитидаги қонун-қоидаларини, барча муносабатларнинг мазмун, моҳияти, сабаб ва оқибатларини, тушунчаларини, уларнинг қишлоқ хўжалигида қай даражада, қандай шаклда амал қилаётганлигини, келажақда такомиллаштириш йўллариини «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фани ўрганади. Аммо бу масалалар батафсил ёритилган дарслик ва қўлланмалар бизда йўқ ҳисоби. Ушбу дарслик ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида яратилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида давлат устуворлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг йўналишлари, аҳамияти ҳамда мазмунини ёритишда Республика Олий Мажлисида қабул қилинган қонунларга, Президент И. Каримов асарларига, Президент фармонларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосландик. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган асосий иқтисодий муносабатларнинг, тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини Республика Макроиқтисодиёт ва Статистика ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари маълумотларидан фойдаланиб, жадваллар,

диаграммалар, графиклар ёрдамида ёритишга интилдик. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари ва Республика мувофиқлаштириш комиссияси тавсия этган намунавий дастур асосида ёзилган бу дарсликда ўқитишнинг янги, замонавий, технологик хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳар бир мавзунинг қисқача мазмуни баён этилган, назорат ва муҳокама учун саволлар ҳамда асосий адабиётлар рўйхати келтирилган.

Мазкур дарслик асосан университет ва институтларда иқтисодий таълим йўналиши бўйича ўқитаётган талабалар учун мўнжалланган. Ундан узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти масалалари билан шуғулланувчи ўқитувчилар, талабалар, аспирантлар, тадбиркорлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Дарслик қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига оид муаммо ва масалаларнинг мазмун ҳамда моҳиятини тушунишга, уларни тармоқ ишлаб чиқаришига татбиқ этиш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашади, деган умиддамиз.

Муаллифлар ушбу дарсликнинг тузилиши, таркиби, муаммолар мазмунининг баён этилиш тартиби ва услуби бўйича билдириладиган барча таклиф – фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилиб, уларни кейинги нашрларда эътиборга олишга ҳаракат қиладилар, дарсликни тайёрлаш ва чоп этишга ёрдам берганларнинг барчасига сидқидилдан самимий миннатдорчилик билдирадилар.

I бoб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ. «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

1.1. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. У аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг эса хомашёга бўлган талабини қондиради.

Ҳозирги даврда аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95–97 фоизга яқини шу тармоқда етиштирилади. 1997-2001 йилларда мамлакатимиз миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 26-30 фоизи қишлоқ хўжалиги, 12-16 фоиз саноат, 6-8 фоиз қурилиш, 5-6 фоиз транспорт ва алоқа тизимининг ҳиссасига тўғри келади. Келажакда бошқа тармоқлар изчил ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бир оз камайиши мумкин. Лекин шунга қарамай, тармоқнинг иқтисодий салоҳияти республика иқтисодиётида сезиларли даражада бўлаверади. Чунки республикаимиз аграр-индустрлашган давлатдир.

Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшамокда. Жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашмокда. Тармоқда маҳсулот етиштириш учун 25,8 млн. га қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилмокда. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган умумий ер майдонининг 74,6 фоизини ташкил этади. Маълумки, энг унумдор ерлар суғориладиган ерлардир. Уларнинг 95,1 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмокда.

Тармоқда, шунингдек, Ўзбекистон саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган минглаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар, озуқа моддалари ва бошқа воситалар ишлатилмокда. Бу маҳсулот етиштириш ҳажмини йил сайин кўпайтира бориш имконини бераяпти. 2000 йили республикада аҳоли жон бошига 159 кг дон, 122 кг пахта, 29 кг картошка, 107 кг сабзавот, 34 кг гўшт, 147 кг сут маҳсулотлари етиштирилди. Кўриниб турибдики, улар тиббиёт меъёрларига нисбатан анча кам. Демак, келажакда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш лозим. Бу борада муайян ишлар қилинди. Жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакллантирадиган, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилишини таъмилаш имкониятини берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмокда. Бу жараён йил сайин кучайтирилаверади. Натижада келажакда қишлоқ хўжалигининг юқори суръатларда ривожланиши таъминланади, республика иқтисодиёти юксалади.

1.2. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг предмети ҳамда вазифалари

Қишлоқ хўжалиги асосий мақсадига эришиши учун турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади, ишлар, хизматлар бажарилади, улар талабни қондириш мақсадида тақсимланади, сотилади. Корхоналар, бирлашмалар, тармоқлар (туман, вилоят, республика) миқёсида кечаётган бу жараёнлар эркин бозор муносабатлари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Уларни назарий ва амалий жиҳатдан талаб даражасида ҳал этиш учун республикада туб ислохотларни амалга ошириш зарур.

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган, марказдан режали бошқарилган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида давлат устуворлигида қишлоқ хўжалигида талабга жавоб берадиган, самарали ҳуқуқий, ташкилий иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими яратилмоқда: мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилмоқда, натижада эркин мулкӣ муносабат вужудга келмоқда, тадбиркорликнинг ҳар хил турларини яратиш, уларни ривожлантириш йўлидан борилмоқда, ер-сув ислохотлари амалга оширилмоқда; тармоқнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурслари (ер-сув, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти)дан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, даромад, фойда ва уларнинг тақсимланиши, инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, тармоқ ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда агросаноат интеграциясини халқаро муносабатлар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими яратилиб, улар такомиллаштирилмоқда, ривожлантирилмоқда.

Юқорида таъкидланган иқтисодий муносабатлар тизимини яратишда халқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табиий, ижтимоий, иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланиш тақазо этилади. Демак, қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёни ривожлантирилишини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш ва уларни ҳаётга жорий этиш масалаларини, йўлларини ўргатиш «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг ҳам предмети, ҳам мақсади ҳисобланади. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фани предмети (мақсади)ни ҳал этиш учун қуйидаги асосий вазифалар ечимининг назарий, услубий асосларини ўргатиш лозим:

1. қишлоқ хўжалигининг босқичма-босқич ривожланишини, унинг республика иқтисодиётидаги ўрни, аҳамияти ҳамда ўзгариш қонуниятларини аниқлашни;
2. тармоққа давлат раҳбарлигини, унда амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотлар мазмуни ва моҳиятининг ҳолатини, уларни ривожлантириш йўллари, масалаларини кўрсатиш;
3. қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик турлари, уларнинг фаолиятига баҳо бериш ва такомиллаштириш йўллари;

4. тармоқнинг чекланган ер-сув, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва улардан тадбиркорлик билан самарали фойдаланиш даражасига иқтисодий баҳо бериш тартибини ўрганиш, уларни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари асослаб бериш;
5. қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган доимий ва ўзгарувчан, ўртача харажатларни, уларнинг таркиби ва камайитириш йўллари, етиштирилган маҳсулотнинг ҳажмини, сифатини, самарали тақсимланишини ҳамда пул оқимларини ўргатиш;
6. тармоқда иқтисодий муносабатларни амалга оширишда фойдаланилаётган баҳоларнинг тизимини, таркибини, мазмунини, даромад ва фойдани аниқлаш, уларни оқилона тақсимлаш йўллари кўрсатиш;
7. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қай даражада ихтисослашганлигини, жойлашганлигини ҳамда ички ва ташқи интеграциялашганлигини ва бошқа масалаларини ўрганиш.



**«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг предмети
(мақсади)ни тадқиқ қилиш, ўрганиш усуллари**

«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фани ўзининг мақсад ва асосий вазифаларини ҳал этишда барча иқтисодий муносабатларни диалектик материализм таълимотларига асосланиб, эмперик ҳолда тадқиқ этади. Амалга оширилаётган иқтисодий воқеаларни индуктив ҳамда дедуктив усулларга асосан ўрганиб, иқтисодий мушоҳада қилиш ҳамда «анализ», «синтез» усулларида кенг кўламда фойдаланилади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги иқтисоди билан шуғулланувчи иқтисодчилар иқтисодий муаммолар ҳал этилишини таъминлайдиган сиёсатнинг иқтисодий принципларини, механизмларини илмий жиҳатдан асослаган ҳолда шакллантириб боришлари лозим. Бунинг учун даставвал ҳар бир муаммога тааллуқли бўлган илмий, услубий, статистик маълумотларни, мисолларни тўплаб, уларни турли усуллар ёрдамида таҳлил қилишлари, шу асосда ҳар бир иқтисодий принципга, механизмга таъсир этувчи омилларни реал хўжаликлар, тармоқлар миқёсида аниқлашлари керак.

Ҳар қандай иқтисодий принцип ва механизмнинг амал қилишини аниқлашда даставвал назарий ғояларга, сўнгра уларнинг амал қилишига асосланилади. Бу жараён муаммони тадқиқ этишнинг дедуктив усули деб номланган. Юқоридаги масалани тадқиқ этишда, ўрганишда даставвал маълумотлар, воқеалар, фактлар ўрганилади. Назарий ғояларни яратиш жараёни эса индуктив тадқиқ этиш усули деб номланган. Демак, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ҳар қандай иқтисодий муаммони аввал унинг назариясидан, яъни ғоясидан амал қилишига қараб ўрганиш ёки бу муаммонинг амалиётга жорий этилишидан, яъни амалиётдаги ҳолатига асосланган ҳолда ғоя ёки назариясини яратишга қараб тадқиқот олиб бориш мумкин. Иккала ҳолатда

хам иқтисодий принципларнинг, механизмларнинг, муаммоларнинг ечими самарали аниқланиши керак. Иқтисодчилар ўз ғояларига, тахминларига, айрим воқеаларга, маълумотларга асосланган ҳолда яратган ёки шакллантирган ғояларини, тахминларини гипотеза, яъни асосланмаган ғоя, деб аташади. Илмий ёки амалий гипотезалар индуктив ва дедуктив тадқиқот усуллари ёрдамида шакллантирилиши мумкин. Юқорида таъкидланган тадқиқ қилиш, ўрганиш усуллари қўлланган ҳолда яратилган, шакллантирилган принциплар, механизмлардан фойдаланиб, у ёки бу муаммони ҳал этишнинг иқтисодий сиёсати, стратегияси белгиланади. Яратилган иқтисодий сиёсатни жорий этиш механизмлари ва уларни амалга ошириш усуллари иқтисодчилар мукамал ўрганишлари лозим. Масалан, республика қишлоқ хўжалигида мулкнинг турли шакллари барпо этиш ғояси бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги назарий ғояларга ва уларнинг амалиётда ҳал этилишига асосланган. Муаммони тармоқда ҳал этишда республика қишлоқ хўжалиги амалиётидаги ҳолатлар, мисоллар, маълумотлар асос қилиб олиниб, бу жараён тобора ривожлантирилмоқда ва чуқурлаштирилмоқда.

Демак, иқтисодчи мутахассислар қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантириш ғояларини яратиб, уларни амалиётга татбиқ этиш механизмларини мукамал билишлари зарур. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг мақсад ва вазифаларини тадқиқ қилишда иқтисодий-математик усуллар тизимидан, электрон–ҳисоблаш машиналаридан, компьютер техникалардан кенг қўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Фаннинг мақсад ва вазифаларини ҳал этиш масалалари статистик, норматив ҳамда хўжалик маълумотларига асосланиб, юқоридаги усуллар ёрдамида тадқиқ этилади.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фани тармоқда амалга оширилаётган ташкилий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар мажмуасининг назарий асосларини, йўналишларини, самарадорлигини мавжуд тадқиқот усуллари ёрдамида ўргатиш орқали талабаларда тармоқ иқтисодиёти бўйича иқтисодий мушоҳада қилиш, уни ривожлантиришга оид муаммоларни қўйиш, ҳал этиш, самарадорлигини ошириш, йўналишларини белгилаб бериш қобилиятини шакллантириб, бозор иқтисоди талабларига жавоб бера оладиган аграр-иқтисодчилар тайёрлашга кўмаклашади.

8.1. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Фаннинг предмети (мақсадини), вазифаларини ўрганишда «Иқтисодиёт назарияси», «Макроиқтисодиёт», «Микроиқтисодиёт», «Деҳқончилик асослари», «Чорвачилик асослари», «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш», «Меҳнатни ташкил этиш, нормалаштириш», «Статистика назарияси», «Иқтисодий кибернетика» каби фанлардан олинган назарий ва амалий билимларга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, макроиқтисод,

яъни республика иқтисодини ўрганмасдан, билмасдан қишлоқ хўжалиги иқтисодини, унда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар, уларнинг аҳамиятини баҳолаб бўлмайди. Иқтисодий қонунлар, категориялар, улардан ҳар бирининг мазмунини, ҳаракат қилишини ўзлаштирмасдан қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатлар тизимини тўғри ва самарали амалга ошириш, меҳнатни тежаш ва унинг унумдорлиги ривожлантирилишини белгилай олиш гумон. «Микроиқтисодиёт» фанидан талаб ва таклиф қонунларини ўрганмасдан қишлоқ хўжалигида қаерларда, қандай маҳсулотларни қанча миқдорда етиштириш зарурлигини тўғри белгилаш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўзгарувчан, доимий ҳамда ўртача харажатлар мазмунини, миқдорини, таркибини яхши билгандагина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун сарфланадиган харажатларни, маҳсулот таннархини ва уларни тежаш йўллари оson ўзлаштириб олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш воситаларини қаердан, қандай қилиб сотиб олиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни қачон, қимга, қандай тартибда сотиш ва бу жараёнларни бошқариш масалаларини, «Менежмент ва маркетинг» фанидан олган билимлар ёрдамида самарали ечиш мумкин. Демак, талабалар ўзаро узвий боғланган барча фанлар мазмунини яхши ўрганишлари лозим.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни, ҳиссаси улкан. У аҳолини озиқ-овқат, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашё билан таъминлашдек вазифани бажармоқда. Келажакда мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш объектив зарурит ҳисобланади. Бу муаммони самарали ҳал этиш механизмларини, йўллари аниқлаб олиш зарур. Улар эса «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанида батафсил ёритилади. Чунки бу фан тармоқнинг барқарор иқтисодий негизини яратиш асосида уни ривожлантиришни таъминлай олиш қобилиятига эга бўлган иқтисодий муносабатлар тизимини илмий асосланган ҳолда яратиш ва уларни изчиллик билан босқичма-босқич ҳаётга жорий этиш усулларини, йўллари тарғиб этади.

Иқтисодий муносабатлар тизимини мукамал ўзлаштириш учун назарий ҳамда амалий жиҳатдан асосланган тадқиқот усуллари оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалиги ривожланишини ҳамда самарадорлиги юксалишини таъминловчи иқтисодий муносабатлар амалиётга татбиқ этилишини ҳал қилувчи механизмлар, усуллар ва йўллари чуқур ўзлаштириш учун иқтисодий, ташкилий ҳамда айрим технологик фанларни билиш лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- I. Қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётида қандай ўрин тутади?
- II. Қишлоқ хўжалиги ҳамда «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг мақсади нима?
- III. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг мақсадини ифодаловчи асосий вазифалар нималардан иборат?
- IV. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанида қандай асосий усуллардан фойдаланилади?
- V. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини баён этинг.

Асосий адабиётлар

- Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993
- Абдуғаниев А. Бозор муносабатларини жорий этишдаги муаммолар. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №3, 1993.
- Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.
- Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.
- Йўлдошев З.Й. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш. Тошкент, 1996.
- Йўлдошев З. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти. Тошкент, 1992.

II боб. ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Агросаноат мажмуасининг зарурлиги, мақсади, вазифалари ва таркиби

Республикаимиз эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши таъминланаётган йилларда мамлакат аҳолисининг ўртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3 фоизга ўсмоқда. Шу билан бирга саноат корхоналари сони ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бу ҳолат республикада хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ривожлантирилишини тақозо этмоқда. Бу муаммоларни ечиш учун энг аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва у билан узвий боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш ҳамда қайта ишлаш тармоқларининг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлашга эришиш, сўнгра тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказувчи тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш лозим.

Кўришиб турибдики, қишлоқ хўжалигини барқарор равишда ривожлантириш, самарадорлигини юксалтириш учун уни янги қишлоқ хўжалик машиналари, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, ёқилғи ҳамда ёғловчи материаллар, қурилиш материаллари, озуқа моддалари билан тўлиқ ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажақдаги ривожи даставвал унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятига бевосита, шунингдек, аграр соҳанинг равнақи унга хизмат кўрсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини қурувчи, ирригация-мелиорация ва кимёвий, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги эса тармоқда етиштирилган хомашёлардан аҳолининг барча талабларини тўлиқ ва сифатли қондира оладиган озиқ-овқат, газлама, кийим-бош, оёқ кийим ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг серқиррали фаолиятига ҳам боғлиқ.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, республика фуқароларининг тайёр озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг тўлиқ қондирилиши бу муаммо ҳал этилишини таъминлашда қатнашувчи барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқардагилар саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқларнинг техникавий,

технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий боғланишини объектив ҳолда тақозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халқ хўжалиги миқёсида меҳнат тақсимоти амалга оширилишини таъминлашлари зарур. Юқорида таъкидланган тармоқлар ягона мақсад йўлида ўзаро боғланиши натижасида республика агросаноат мажмуаси шаклланади. Мамлакат агросаноат мажмуасининг асосий мақсади аҳолини сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу муаммо улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал этилиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиради фаровон яшашини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу масалага Республика ҳукумат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда, яъни агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Республика агросаноат мажмуасида мақсадга эришиш қуйидаги асосий вазифалар ечилишини тақозо этади:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар мақсадга мувофиқ ҳолда ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро узвий боғланишини таъминлаш;
- мажмуа таркибидаги корхоналарни барча омилларни эътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ оқилона жойлаштириш;
- уларнинг ихтисослаштирилиши ва интеграциялашувини таъминлаш;
- самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида барча корхоналарни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, уларда илғор технологияларни жорий этиш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табiiй, капитал, меҳнат) тадбиркорлик билан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш орқали доимий ва ўзгарувчан харажатларни камайтириб, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни зарур миқдорда ишлаб чиқариш уларни истеъмолчиларга етказиб бериб, кўпроқ фойда олишни таъминлаш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ўртасида улар маҳсулотларини ўзаро самарали айрибошлаши таъминладиган нархларнинг мақсадга мувофиқ миқдорини маълум муддатларга белгилаш;
- мажмуада фаолият кўрсатаётган раҳбар, ишчи ва хизматчиларнинг малакаларини ошириш, улар меҳнатларининг миқдorigа, пировард натижасига кўра рағбатлантирилишини ривожлантириш ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг таркиби қуйидаги 4 та бўғиндан ташкил топиши мумкин:

1-бўғин — агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари. Улар таркибан - кишлок хўжалик машинасозлик, тракторсозлик саноати; кимё саноати; нефть маҳсулотлари саноати, микробиология саноати; озиқ-овқат машинасозлик,

станоксозлик саноати; курилиш материаллари саноати ва бошқалардан ташкил топади. Уларнинг кўлами, айниқса, машинасозлик ва станоксозлик саноати тармоқларининг кўлами республикадаги барча омилларни эътиборга олган ҳолда чекланган.

Шу бўғиндаги тармоқларнинг асосий мақсади агросаноат мажмуаси таркибидаги, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва унга ирригация-мелиорация, техника таъминоти ва таъмирлаш, кимёлаштириш, зооветеринария, электрлаштириш хизматларини кўрсатувчи ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи пахта тозалаш саноати, дон маҳсулотлари, мевасабзавотузум саноати, гўшт-сут саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ва ниҳоят, тайёр маҳсулотларни етказиб беришда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари (машина, трактор, станок, кимёвий воситалар, ёқилғилар, озуқа моддалари) билан таъминлашдир. Демак, биринчи бўғин таркибидаги тармоқлар ривожланишни таъминлайдиган моддий-техника базасини барпо этишга улкан ҳисса қўшади. Уларнинг моддий-техника базаси талаб даражасида шакллантирилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилиб, механизациялаштирилиб, электрлаштирилиб, жонли меҳнат сарфи қискартирилиб, меҳнат унумдорлигининг юксалиши таъминланади. Улар шу тармоқлардаги меҳнат характерини ўзгаришига таъсир этади, яъни оддий меҳнат индустрлашган меҳнатга айланиб боради. Бу соҳа тармоқларида минглаб корхона фаолият кўрсатиб, жами ички маҳсулотнинг 65-70 фоизи яратилмоқда.

2 – бўғин – агросаноат мажмуасининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигидан ташкил топади. Унинг барча тармоқлари–ўсимликчилик ҳамда чорвачилик тармоқларида саноат тармоқлари учун хомашёлар (пахта хомашёси, бошоқли донлар, каноп, зиғир, қанд лавлаги, жун, тери, кунжут, узум), аҳоли истеъмоли учун эса гўшт, сут, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари етиштирилади.

Тармоқда 2003 йилнинг 1 январига 1877 та ширкат, 80 мингга яқин мустақил фермер, 100 тага яқин давлат хўжаликлари, 3,5 млн. га яқин оилавий-деҳқон хўжалиги ҳамда хўжалик ҳисобидаги 18 та корхона, 24 та бюджет ташкилоти ва инвестицион маблағлардан молиялаштириладиган 1 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги барча хўжаликлар 2002 йили 5,2 млн.тонна дон маҳсулотлари етиштиришга эришдилар. Шундан 58,7 фоизи йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланган ширкат ҳамда давлат хўжаликлари ҳиссасига, 27,2 фоизи фермер хўжаликлари ва 14,1 фоизи оилавий деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади. Барча хўжаликлар 773 минг тонна картошка етиштирган. Шундан 7,2 фоизи жамоа, ширкат ва давлат, 3,7 фоизи фермер ва 89,1 фоизи оилавий деҳқон хўжаликларида етиштирилган. Шу йили етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 9,9 фоизи фермер, 65,5 фоизи оилавий деҳқон хўжаликлари қолган қисми йирик товар ишлаб чиқарувчилар улушидир.

Пахта хомашёсини етиштириш билан асосан йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланган жамоа, ширкат ва давлат хўжаликлари шуғулланмоқдалар. Чунки улар шу соҳага ихтисослашган. Уларда пахта хомашёсини етиштириш учун зарур бўлган тадбиркорлик билан бирга барча турдаги зарур ишлаб чиқариш воситалари мавжуд. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, пахта хомашёсини етиштириш билан фермер хўжаликлари ҳам шуғулланмоқдалар. Бироқ республикада етиштирилган пахта ялпи ҳосили салмоғида уларнинг ҳиссаси унчалик катта эмас.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий, яъни марказий тармоғи ҳисобланади. Унинг барқарор ривожланиши ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ҳамда истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқлар фаолиятига боғлиқ. Чунончи, улар қишлоқ хўжалик корхоналарини талаб этилган барча турдаги техникалар, кимёвий воситалар, ёкилғи-ёнилғи, қурилиш материаллари, станоклар билан ўз вақтида таъминлаб, мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларини арзон ва сифатли таъмирлаб, тармоқнинг ривожланишини таъминлайдиган хизматларни кўрсатиб, унда етиштирилган маҳсулотларни йиғиб-териб, қайта ишлаб, истеъмолчиларга сифатли ҳолда етказиб берсалар, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган бўладилар. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши натижасида мажмуа таркибидаги тармоқларнинг ҳам юксалиши таъминланади. Масалан, тармоқнинг кўлами кенгайса, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб ортади. Бу талабни қондириш учун саноат тармоқлари интенсив фаолият кўрсатиш билан ҳажман кенгайишга ҳам эришишлари лозим. Тармоқда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг барқарор равишда ўсиши уларни қайта ишловчи тармоқлар самарали фаолият кўрсатишини талаб этади. Демак, агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун республика қишлоқ хўжалигини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва замон талаби асосида бошқаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу муаммони ҳал этишда тармоқнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиш зарур. 2003 йилнинг бошига тармоқни ташкил этиш ва бошқариш билан Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги шуғулланмоқда.

Унинг таркибида:

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши;

сув хўжалиги тармоқлари;

ўрмон хўжалиги тармоқлари мужассамлашган.

Вазирликнинг мақсади ва фаолият кўрсатиш йўналишлари қилиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидагилар белгиланган:

қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича илм-фаннинг барча йўналишларини жаҳон андозаларига мослаштирган ҳолда ривожлантириш;

фан-техника тараққиётини эътиборга олган ҳолда ягона фан-техника сиёсатини ва мониторингини амалга ошириш;
селекция, уруғчилик ва наслчилик билан шуғулланадиган фанларни тартибга солиш ҳамда ривожлантириш;
қишлоқ ва сув хўжалигида амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини тартибга солиш, унинг мониторингини амалга ошириш;
деҳқончилик, чорвачилик тизимларини такомиллаштириш, ривожлантириш, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган машиналар тизимини, технологияларни барпо этиш;
эркин бозор талабини эътиборга олган ҳолда экинларни алмашлаб экиш сиёсатини амалга ошириш, уни таъминлайдиган даражада экинларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга эришиш ҳамда мониторингини бажариш;
наслчиликни, уруғчиликни ташкил этиш;
чорвачилик учун барча сервис хизматларини ташкил этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
давлат сув кадастрини юритиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, сув хўжалиги объектларидан тўлиқ фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирларни амалга ошириш;
ўрмон хўжалигини ривожлантириш, ўрмонларни назорат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;
тармоқ талабини қондирадиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларни оқилона, самарали рағбатлантириш ва бошқалар.

3- бўғин. У қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ҳамда унинг ривожланишига хизмат кўрсатадиган тармоқлар, жумладан, экинларни, чорва ҳайвонларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоғи; қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча техникаларга сервис хизмати кўрсатадиган тармоқ; тармоқда йирик бино-иншоотларни қурувчи, мавжудларини таъмирловчи тармоқ; тармоққа зооветеринария хизмати, шунингдек, ҳашаротларга, зараркурандаларга, бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида кимёвий хизмат кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалигини ёқилги, ёнилғи ва ёғловчи материаллар ҳамда электроэнергия билан таъминлайдиган тармоқлар ҳам шу соҳа таркибига киради.

Юқорида таъкидланган тармоқлар қишлоқ хўжалигига барча турдаги ишларни, хизматларни ўз вақтида, сифатли кўрсатишлари натижасида турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга улкан хисса қўшадилар. Жумладан, улар техникаларни таъмирлаб, экинлар экиладиган майдонларни

агротехник муддатларда сифатли ҳайдаб, экишга тайёрлаб, экиб, униб чиққан ўсимликларга ишлов бериб, етиштирилган ҳосилни белгиланган муддатларда сифатли йиғиб олиш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдорини оширишга, уларнинг сифатини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатадилар. Уларни оқилона ҳамда уддабуронлик билан сотиш натижасида эса қишлоқ хўжалик корхоналари фойда массасини кўпайтиришга эришишлари мумкин.

Бу тармоқлар юқори унумли техникалар ёрдамида барча турдаги иш ва хизматлар механизациялаштирилишини, автоматлаштирилишини, электрлаштирилишини ҳамда кимёлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиб, жонли меҳнат сарфи камайтирилиши эвазига меҳнат унумдорлиги даражаси ошишига муайян ҳисса қўшадилар. Бу соҳадаги тармоқларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик корхоналарига барча турдаги хизматларни, ишларни муддатида, сифатли бажаришдир.

4-бўғин. Унга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, жумладан, пахта тозалаш, донни, канопни, қанд лавлагини, гўшт ва сутни, тамакини, сабзавот ва полиз маҳсулотларини, мева, узумни қайта ишлаш, енгил ва бошқа саноат тармоқлари; бозор талабини эътиборга олган ҳолда тайёр маҳсулотларни улгуржи ва чакана ҳолда етказиб берадиган савдо тармоқлари киради. Республика агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи барча тармоқларни 1-чизмадан кўриш мумкин. Бундай туркумлаштириш маълум даражада шартли ҳам ҳисобланади. Ҳозирги даврда мамлакат агросаноат мажмуасига 2210 га яқин корхона киради. Буларга фермер хўжаликлари ҳам қўшилса, унда уларнинг умумий миқдори 85 мингдан ошади.

Республика агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантиришда мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ҳамда ижтимоий инфратузилмаларнинг ҳам аҳамияти, таъсири улкан. Улар агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқларнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида банк, суғурта, инвестиция, солиқ, лизинг, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маънавий, маданий, санат, коммунал хизматларни амалга оширадилар. Шунинг учун барча мажмуалар ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли ҳолда амалга оширилгани маъқул.

2.2. Агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги муносабатлар

Агросаноат мажмуасининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро узвий боғланган қуйидаги босқичлар мавжуд:


- агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- мажмуа такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш, техникавий ва технологик хизматларни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли товарларини истеъмолчиларга етказиб бериш.

Масалани, тўғри ва самарали ҳал этиш учун барча босқичлар ўртасидаги муносабатлар ҳамма турдаги қонунлар асосида самарали амалга оширилишини таъминлаш лозим. Бу муносабатларни уларнинг мазмун ҳамда шаклини эътиборга олган ҳолда қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: ҳуқуқий, ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ва ижтимоий.

1-чизма

Республика агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи тармоқлар



Бозор иқтисодиёти шароитида барча турдаги эркин муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилиши зарур. Шунинг учун ҳам республикамызда бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга мамлакат Олий Мажлиси томонидан қонунлар босқичма-босқич қабул этилаётганлиги яққол далил

бўлади. Уларга агросаноат мажмуаси таркибидаги барча хўжаликлар, албатта, риюя этишлари лозим. Шунинг учун улардаги раҳбар ва мутахассислар барча қонунларнинг мазмунини ҳамда уларни амалга ошириш йўллари яхши билишлари керак. Лекин ҳаётда доимо ҳам шундай эмас. Чунончи, бир корхона иккинчисидан зарур бўлган маҳсулотни шартнома асосида сотиб олиб, унинг ҳақини вақтида тўламайди.

Бундай ҳол қонун талаби тўлиқ бажарилмаётганлигидан далолат беради. Ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги таъминланиши керак.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз ишлаб чиқаришларининг ривожланишини ва самарадорлиги юксалишини таъминлаш мақсадида сифатли, арзон, экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган зарур қишлоқ хўжалик машиналарини, кимёвий воситаларни, ёқилғи, ёнилғи материалларини бевосита саноат тармоқларидан сотиб олиш учун шартнома тузадилар. Улар шунингдек, техникаларини таъмирлатиш, ерларини хайдатиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш мақсадида ихтисослашган машина-трактор парклари билан, ҳашаротларга ҳамда зараркурандаларга қарши кураш мақсадида эса кимёвий хизматларни амалга оширадиган ташкилотлар билан, экинларнинг сувга бўлган талабини қондириш учун сув хўжалиги ташкилотлари билан шартномаларни расмийлаштирадилар. Шартномаларнинг шартлари бажарилишини томонлар, албатта, таъминлашлари керак. Шунда буюртмачининг ҳам, бажарувчининг ҳам фаолияти самарали бўлиб, яхши натижаларга эришилади. Лекин амалиётда буюртмани бажарувчилар шартномада кўрсатилган муддатда техникаларни, минерал ўғитларни, кимёвий воситаларни, ёқилғини, озуқа моддаларини истеъмолчиларга етказиб бერмаяптилар, уларни сув билан тўлиқ таъминламаяптилар. Бундай камчиликлар аксарият ҳолларда шу тадбирлар тўғри ташкил этилмаганлиги оқибатида юз бермоқда. Мажмуадаги муносабатлар мақсадга мувофиқ ташкил этилмаганлиги етиштирилаётган маҳсулот миқдорида, унинг сифатида салбий таъсир этади. Чунончи, талаб этилган сув экинга вақтида берилмаслиги оқибатида аввало, унинг ўсиши сусайиб, ҳосил тўплаши камаяди, талаб этилган техника вақтида бориб, ҳосилни териб олмаса, ҳосил салмоғи камайиб, сифати пасаяди. Шунинг учун шартномада кўрсатилган шартлар муддатида, сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган барча чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун томонлар жуда интизомли, масъулиятли, бир-бирига ҳурматда, маданиятли бўлишлари керак. Бу бозор иқтисоди муносабатларининг энг муҳим талабидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар фаолиятининг ривожланиши ва самарали бўлиши иқтисодий муносабатлар амалга оширилишига ҳам бевосита боғлиқ. Масалан, мажмуа таркибидаги тармоқлар ўртасида товар айирбошлаш жараёнида пул-товар муносабатларини амалга оширишда эквивалентликни, яъни мутаносибликни сақлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Гап бу ерда баҳо ҳақида бормоқда. Бунда талаб ва таклиф қонунларининг талаблари ҳам инкор этилмаслиги шарт.

Демак, баҳолар талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ўзаро мутаносиб бўлиши мақсадга мувофиқдир. Лекин агросаноат мажмуасида бундай мутаносиблик, афсуски, тўлиқ таъминлангани йўқ. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари билан қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган саноат корхоналари маҳсулотларининг баҳоларини белгилаш масаласи доимо саноат тармоқлари фойдасига ҳал этилмоқда. Жумладан, 1991-2002 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси уларнинг турлари бўйича 70-90 марта ошган бўлса, саноат маҳсулотларининг баҳолари эса 700-900 мартага ўсган. Улар ўртасидаги ўсиш фарқи **1 га 10 ни ташкил этган**. Яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси 1 марта ошган бўлса, шу тармоқда фойдаланилаётган, саноат маҳсулоти ҳисобланган ишлаб чиқариш воситаларининг баҳолари 10 мартага ошган. Қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат тармоқлари маҳсулотларининг баҳолари ўртасидаги номутаносибликни яна кўйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин:

1991 йилда бир дона «ТТЗ-80» маркали тракторни сотиб олиш учун 3,7 тонна пахта хомашёсини сотишдан олинган пул етган бўлса, 2002 йилда шу тракторни сотиб олиш учун эса 89,7 тонна пахта хомашёсини сотиш керак бўлган. Бу борадаги мутаносиблик 1991 йилда 1:3,7 бўлган бўлса, 2002 йилда 1:89,7 бўлган, яъни фарқ 24,2 мартани ташкил этган.

Шунингдек, хизмат кўрсатувчи корхоналар бажараётган хизматлар учун нархлар асосланмаган ҳолда юқори даражада эканлигига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Жумладан, 2002 йилда туманларда барпо этилган машина-трактор парклари 1 гектар шоли майдонидаги ҳосилни ўриб, янчиб берганлиги учун 38 минг сўмдан (Қорақалпоғистон Республикасида) 78 минг сўмгача (Тошкент вилояти хўжаликларида) ҳақ олганлар. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига ерларни ҳайдаш, ғалла, пахта ҳосилини йиғиб- териб бериш учун ҳам юқори нархлар қўймоқдалар. Бундай ҳоллар техника-таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналар фаолиятида ҳам мавжуд.

Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, акционерлик корхоналарига айлантирилиши натижасида тўлиқ иқтисодий эркинликка эгадирлар. Шунинг учун улар талаб ва таклифни ҳамда ўзларининг бозордаги ўрнини эътиборга олган ҳолда маҳсулотларига эркин баҳоларни белгиламоқдалар. Қишлоқ хўжалик корхоналари эса давлат мулки ҳисобланган ерларда маҳсулот етиштирмоқдалар, шунингдек, етиштирилаётган асосий маҳсулотлар (пахта, ғалла, шоли)га давлат буюртмаси мавжудлиги туфайли бу маҳсулотларнинг харид нархлари давлат томонидан белгиланмоқда. Бу масалани келажакда қишлоқ хўжалигига оид давлат дастурлари ишлаб чиқирилиши билан алмаштиришга босқичма- босқич ўтиш натижасида ҳал этиш имкониятиларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Давлат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавсумийлигини эътиборга олган ҳолда корхоналар фаолияти бир меъёردа амалга оширилишини

таъминлаш мақсадида йилнинг биринчи чорагидаёқ давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар қийматининг 50 фоизи миқдоридаги маблағни қишлоқ хўжалик корхоналарига ўтказиб бермоқда. Бунинг учун Республика Молия Вазирлиги қошида давлат буюртмаларига керак бўлган маҳсулотларни сотиб олиш мақсадида махсус фонд ташкил этилган. Бу фонддан ўтказилган маблағ эвазига қишлоқ хўжалик корхоналари ёқилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари учун бутловчи материаллар сотиб олишлари керак. Чунки бу маблағ айнан шундай харажатлар учун сарфланиши қатъий белгиланган, уни хўжаликлар бошқа мақсадларга сарфлай олмайди. Бунинг махсус банк назорат қилади. Республикада шу масала билан асосан акциядорлик- тижорат «Пахтабанк»и ва «Ғаллабанк»и шуғулланмоқда.

Бу соҳада ҳам иқтисодий эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга оид тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлашга ҳаракат қилиш зарур. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналари етиштираётган маҳсулотларининг сифатини яхшилаб, уларни ички ва ташқи эркин бозорга чиқариб, сотиш йўллари кидиришлари керак. Бунинг ҳуқуқий асослари яратилган. Улардан фойдаланиш учун маҳсулот сотувчилар савдо-сотиқ билан боғлиқ бўлган барча ташкилий, иқтисодий муносабатларни яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Агросаноат таркибидаги корхоналар ўртасида пул-товар муносабатларини амалга ошириш жараёнида ҳам узилишлар юз бермоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари саноат корхоналаридан пахта териш машиналарини, ҳайдов ва чопиқ тракторларини, минерал ўғитларни, кимёвий воситаларни, ёнилғи, ёқилғи материалларини олиб, уларнинг ҳақини белгиланган муддатда тўлай олмаётирлар. Худди шундай ҳолат хизмат кўрсатувчи корхоналарининг бажарган ишларига, хизматларига ҳақ тўлаш борасида ҳам содир бўлмоқда. Қайта ишлаш саноати корхоналари эса қишлоқ хўжалик корхоналаридан пахта хомашёсини, дон маҳсулотларини, сабза-полиз, боғдорчилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини шартномлар асосида сотиб оламоқдалар. Афсуски уларнинг ҳақини белгиланган муддатларда тўлай олмаётирлар. Бундай ҳоллар мажмуа таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий беқарорлиги шаклланишига маълум даражада сабаб бўлмоқда. Чунки уларнинг ўзаро қарзлари ортиб бормоқда. Бундай ҳолни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин. (1-жадвал)

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги айрим тармоқлар корхоналари
ўртасидаги ўзаро қарзларнинг ўзгариши (млн.сўм)

№		1998 йил		2001 йил		2002 йил	
		деби торлик	креди торлик	деби торлик	креди торлик	деби торлик	креди торлик
1.	«Ўзпахтасаноат» уюшмаси	4759,2	4821,65	35594,3	2855,1	747,9	59,2
2.	«Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси	263,9	264,99	521,45	215,3	197,6	81,25
3.	«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси	310,5	142,2	896,4	287,4	288,7	202,1
4.	«Ўздонмахсулот» корпорацияси	762,1	6145,63	535,3	9314,3	70,2	151,6
5.	«Ўзбексавдо»	186,3	309,45	302,1	655,1	162,2	211,7
6.	«Ўзёғмойтамакисаноат»	254,8	985,7	1165,0	1919,0	457,2	194,7
7.	«Ўзенгилсаноат»	207,7	75,64	90,8	320,5	43,7	423,7
8.	«Ўзавтотранс»	52,2	1671,3	416,6	4886,6	798,1	292,4
9.	«Ўзқишлоқхўжаликтаъминот- тузатиш» қўмитаси	1456,8	7982,35	2033,3	23987,9	139,6	300,5
10.	«Ўзбекнефтгаз»	181,6	1370,9	958,4	676,6	527,7	49,4
11.	Энергия назорати	53,97	2498,1	605,7	2342,3	1122,3	93,8
12.	«Ўзозиковқатсаноат»	73,5	303,8	232,2	653,2	315,9	215,0
13.	«Ўзқишлоқхўжаликкимё»	95,14	13640,6	1485,1	15924,5	1561,0	116,7
14.	«Ўзжамоақурилиш»	133,6	924,9	298,65	1269,66	223,5	137,3
15.	«Ўзагроводоканал»	19,8	487,5	53,1	772,6	268,2	158,5
16.	«Ўзагрокоммуналхизмат»	31,8	396,1	57,0	245,8	179,2	62,0
17.	Хусусий чорва фермалари	673,6	174,0	664,0	216,8	98,6	124,6
18.	Дехқон хўжаликлари	1498,0	941,2	6779,4	2402,3	452,6	255,2
19.	Жамоа-ширкат хўжаликлар	20954	101610,3	51029,9	189206,2	243,5	186,2

* Республика Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдаги маълумотларнинг далолат беришича, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар барча тармоқларда мавжуд, лекин энг кўп кредиторлик ҳамда дебиторлик қарзлари жамоа ва ширкат хўжаликларига тўғри келмоқда. Агарда улар 1998 йилгача барча сотган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун 101,6 млрд. сўмлик ҳақни қайта ишлаш корхоналаридан олишолмаган бўлса, 2002 йилнинг бошига келиб бу кўрсаткич 189,2 млрд. сўмга етган ёки унинг умумий миқдори шу йиллар ичида 86,2 фоизга ўсган. Бу маблағларни вақтида тўламаган корхоналар «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, «Ўзпахтасаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, «Ўздонмахсулот» компанияси ва бошқа тармоқлар таркибидадир.

Қишлоқ хўжалик корхоналари сотган маҳсулотлари учун маблағларини вақтида олаолмаганликлари сабабли улар ҳам «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитаси, «Ўзқишлоқхўжаликкимё», «автотранспорт», «энергетика» ва бошқа тармоқларнинг маҳсулотлари, хизматлари учун тўланадиган маблағларни вақтида бера олмаётирлар. Булар шу тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бузилаётганлигидан далолат

бермоқда. Натижада корхоналар ўртасида ўзаро ишончсизлик муҳити ривожланмоқда. Корхоналар қарз маблағларини қонун йўли билан ундириш учун хўжалик суждларига мурожаат этмоқдалар, улар эса тушган даъволарини кўриб, тегишли қарорлар чиқармоқдалар. Шунинг натижасида вақтдан ютқазиб, маблағларини ола оламётганликлари оқибатида мажмуа таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариши талаб даражасида ривожланмаяпти.

Демак, келажакда агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг пул-товар муносабатлари асосида йўлга қўйилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

2.3. Агросаноат мажмуасининг ҳолати, иқтисодий-ижтимоий самарадорлик даражаси

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзаро боғланиши, яъни интеграциялашуви натижасида меҳнат тақсимоти амалга оширилмоқда. Бу ҳол агросаноат мажмуаси ихтиёридаги барча ресурслардан, шу жумладан, чекланганларидан ҳам самарали фойдаланилишини таъминлашга, техника ва технологияларни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришга, автоматлаштиришга, электрлаштиришга, компьютерлаштиришга ҳамда тармоқларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган. Улар талаб даражасида амалга оширилиши натижасида харидоргир, рақобатбардош озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Улар истеъмолчиларга сифатли ва қулай усуллар билан етказиб борилиши натижасида аҳолининг шу маҳсулотлар билан таъминланиши даражаси ортиб, мажмуа таркибидаги тармоқларнинг фойдалари кўпаяди. Натижада агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлиги юксалади.

Агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлик даражасини қатор кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Жумладан, Республика агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулоти. У мажмуа таркибидаги тармоқлар корхоналари бир йил мобайнида ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ва кўрсатган хизматлар миқдоридан ташкил топади. Ялпи маҳсулотнинг миқдори ҳар бир тармоқ бўйича абсолют, яъни натурал кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади (тонна, дона, банка, литр, шиша идишда, тонна.км, эт.гектар.). Бу кўрсаткич ёрдамида агросаноат мажмуасидаги тармоқлар ялпи маҳсулотининг миқдори алоҳида- алоҳида аниқланиб, аввалги йиллардаги рақамлар билан таққосланиб, тармоқларнинг қандай ҳолатдалиги аниқланади. Масалан, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари 1997 йилда 2852 дона трактор, 1049 дона пахта териш машиналари ишлаб чиқарган бўлса, 2000 йилда тегишлича 954, 337 донадан ишлаб чиқарган. Бу рақамлар шу муддатда тармоқ маҳсулотларининг камайиб бораётганлигини исботлайди. Шу йилларда қишлоқ хўжалигида ғалла етиштириш 2,1 млн. тоннадан 5,2 млн.

тоннага етгани унинг ҳажми 2,5 мартага ошганлигини кўрсатади. Натижада нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Пахта хомашёси етиштириш ҳажми 1991-2002 йилларда 4,1 млн. тоннадан 3,2 млн. тоннага тушган, яъни 20 фоизга камайган. Шунинг натижасида пахта толасининг миқдори ҳам 1,2 млн.тоннадан 1,05 млн. тоннага тушган ёки 12,5 фоизга камайган. Бундай ҳол ўсимлик ёғи, совун ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келган. Шу йилларда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш нисбатан ошган.

Лекин бу натурал кўрсаткичлар агросаноат мажмуасининг умумий ҳолатини ифодалай олмайди. Бунинг учун агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулотининг қийматини аниқлаш лозим. Ялпи маҳсулот қиймати мажмуа таркибидаги барча корхоналар бир йилда ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларнинг, кўрсатган хизматларнинг бозор баҳоларидаги қийматидан иборат. Айрим корхоналарда ишлаб чиқарилган баъзи маҳсулотларнинг маълум бир қисмидан корхона ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун фойдаланилади, маълум миқдордагиси эса шу йилнинг ўзида сотилмай қолади.

Ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашда маҳсулотларнинг бир неча марта ҳисобга олинишини бартараф этиш мақсадида, агросаноат мажмуасининг барча тармоқларида яратилган қўшилган қиймат суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки қўшилган қиймат – бу, корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хомашё ва материаллар қиймати (амортизация суммасидан ташқари) чиқариб ташланганидан сўнг қолган қисмининг бозор баҳоларидаги қийматидир. Мажмуа ялпи маҳсулотининг ҳақиқий баҳолардаги қийматини республика ялпи миллий маҳсулоти таркибидаги салмоғини аниқлаб, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ва ўзгаришини ҳам аниқлаш мумкин. Агарда агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулотининг республика ялпи миллий маҳсулотидаги салмоғи ўсаётган бўлса, ялпи миллий маҳсулот ошган ҳолда мажмуанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни юксалаётганлигидан далолат беради. Агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулотининг ҳақиқий баҳоларда ҳисобланган қийматидан шу йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичларни, жумладан, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини, меҳнат унумдорлигини, фондлар қайтимини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Агросаноат мажмуаси иқтисодиётини қатор йиллардаги ўзгаришини аниқлаш учун унинг ялпи маҳсулоти қийматини ўзгармас, яъни қиёсий баҳоларда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда қиёсий баҳо сифатида 1996 йилдаги ўртача баҳолар олинмоқда. Шу тартибда ялпи маҳсулотнинг қиймати аниқланиб, уни аввалги йиллардаги рақамлар билан таққослаш орқали агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулоти қийматининг ўзгаришини аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, ялпи маҳсулот қийматига ва бошқа кўрсаткичлар даражасига баҳолар ўсишининг таъсири бартараф этилади. Агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулотининг 1996 йил баҳоларидаги қиймати мажмуанинг реал ялпи маҳсулоти эканлигидан далолат беради. Шу реал ялпи маҳсулот

киймати кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда агросаноат мажмуасида қатор йиллардаги меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, сиғими каби кўрсаткичлар даражасини аниқлаб, уларнинг ўзгаришини ҳам билиб олиш, бу кўрсаткичларни мажмуа таркибидаги тармоқлар миқёсида аниқлаб, уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мумкин.

Агросаноат мажмуасининг тармоқлари бўйича мамлакат экспортидаги, яъни валюта тушумидаги салоҳияти, яъни улуши. Уни билиш учун агросаноат мажмуаси тармоқларидаги корхоналарнинг экспорт қилган маҳсулотларига, хизматларига олинган валюта шаклидаги ҳақ тушумларининг бир йиллик йиғиндисини аниқлаш зарур. Уни ягона валюта бирлигида кўрсатиш учун АҚШ долларига давлат курсига биноан аниқлаш лозим, келажакда ўз мавқесини ошириб бораётган еврода ҳам ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Агросаноат мажмуаси барча валюта тушумининг республика жами валюта тушумига нисбати билан мажмуанинг салмоғини аниқлаш мумкин. Ҳозирги даврда бу кўрсаткичнинг салмоғи 60 фоизга яқинлашиб қолган. Шундан 24-26 фоизини пахта толасини сотишдан олинаётган валюта ташкил этмоқда.

Ҳозиргача ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 95,3 фоизи четга экспорт қилинмоқда. Шунинг натижасида сезиларли миқдордаги валюта республикага олиб келинмоқда. Агарда 1992 йилда ишлаб чиқарилган 1250,8 минг тонна пахта толасидан 1066,9 минг тоннаси четга экспорт қилиниб, 890,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги чет эл валютаси олинган бўлса, 2001 йили ишлаб чиқарилган 1250,8 минг тонна пахта толасининг 829,4 минг тоннаси четга сотилиб, 912,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги чет эл валютаси республикага тушган. Ҳар бир тонна пахта толаси 1100 АҚШ долларига сотилган. Шу билан бирга маълум миқдордаги озиқ- овқат маҳсулотлари ҳам четга сотилмоқда. Уларни сотиш натижасида олинган валюта 2000 йилда 76,2 млн., 2001 йили 58,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Айрим агросаноат маҳсулотлари экспорти натижалари

	Ўлч. бирл.	Йиллар									
		1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Ишлаб чиқарилган пахта толаси	Минг тонна	1250,8	1356,0	1253,2	1254,0	1175,0	1141,9	1147,1	1021,6	1025,2	957,1
Шундан: Экспорт қилингани	Минг тонна	1066,9	1184,5	1187,6	1025,3	1077,7	980,3	908,6	1118,7	778,3	829,4
Экспортдан тушган валюта	Млн. АҚШ доллар	890,4	1211,6	1516,7	1798,9	1748,3	1579,4	1361,0	906,2	897,1	912,4
Экспорт қилинган агро озик-овқат маҳсулотлари	Млн. АҚШ доллари					30,9	60,0	33,3	62,2	76,2	58,2

эвазига олинган валюта											
------------------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

*Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Демак, мамлакат экспорт салоҳиятини белгиловчи муҳим кўрсаткич бўйича қишлоқ хўжалиги билан «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг салмоғи катта. Бу яхши, лекин келажакда пахта толасини четга сотишнинг мақсадга мувофиқ миқдорини сақлаган ҳолда уни қайта ишлаб, истеъмол учун тайёр ҳисобланган халқ истеъмоли товарлари экспортга чиқарилишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида сабзавот, полиз ҳамда боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириб, олинган сифатли, экологик жиҳатдан тоза ҳисобланган тайёр маҳсулотларни ҳам чет элларга сотишни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш вақти келди.

Бу муаммони ҳал этиш жараёнида республикада қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши, янги иш жойларининг ташкил этилиши, савдо соҳаларининг тараққиёти таъминланади. Натижада нафақат иқтисодий, балки аҳолини иш билан таъминлашдек ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муаммо ҳам маълум даражада ҳал этилади.

Аҳолининг озик - овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан таъминланганлик даражаси. Бу кўрсаткичнинг мутлақ даражасини аниқлаш учун агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилган маҳсулотлар (турлари бўйича) миқдорини республика аҳолисининг умумий сонига тақсимлаш лозим. Шунда жон бошига тўғри келадиган маҳсулот миқдори аниқланади. Агарда унинг миқдори йил сайин ортиб, тиббиёт меъёрларига яқинлашса, у ҳолда бу аҳолининг яшаш шароити юксалаётганлигидан, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши таъминланаётганидан далолатдир.

Агросаноат мажмуаси, тармоқлари ва корхоналарида фойдаланилаётган, сарфланаётган ишлаб чиқариш фондларининг, қилинаётган харажатларнинг самарадорлиги. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулотини, миллий маҳсулотини ҳамда соф фойда суммасини ишлаб чиқариш фондларига, харажатлар суммасига тақсимлаш зарур. Шунда 1 сўмлик ишлаб чиқариш фондлари, харажатлари эвазига олинган ялпи маҳсулот, миллий маҳсулот ҳамда соф фойда суммаси аниқланади. Агарда бу кўрсаткичларнинг мутлақ (абсолют) миқдори ошиб борса, у ҳолда бу фондларнинг, харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги ошаётганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуаси тармоқларининг, корхоналарининг рентабеллик даражаси. Уни аниқлаш учун тармоқларнинг, корхоналарнинг соф фойдасини жами харажатлар суммасига тақсимлаб, натижани 100 га кўпайтириш лозим. Чунки бу кўрсаткич фоизда аниқланади. Шу билан биргаликда агросаноат мажмуасининг ижтимоий самарадорлигини аниқлашда

бир қанча кўшимча кўрсаткичлардан, жумладан, тармоқлар бўйича бир кишининг ўртача ойлиги, кадрларнинг билимлилик салмоғи, аҳоли жон бошига кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва бошқалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сўнгги йилларда республика агросаноат мажмуасида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Агарда 1993 йилда республика қишлоқ хўжалигида 2,2 млн.тонна дон маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2002 йилга келиб бу миқдор 4,7 млн. тоннани ташкил этди. Натижада нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1993 йилдаги 506 минг тоннадан 2000 йилга келиб 750 минг тонна етди ёки 48,2 фоиз ошди. Бу аҳолининг нон ва нон маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси юксалишига олиб келди.

Шу йиллар ичида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,7 фоизга, этил спирти (пищевой) ишлаб чиқариш 3,6 мартага кўпайди (3-жадвал).

3-жадвал

**Республика агросаноат мажмуасида ишлаб чиқарилаётган айрим
маҳсулотлар миқдори***

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар							
		1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Дон маҳсулоти	Минг тонна	2142,4	2466,9	3215,2	3562,0	3775,6	4147,7	3600	3002
Пахта толаси	Минг тонна	1356,0	1253,2	1254,0	1175,0	1141,9	147,1	1021,6	1025,2
Нон ва нон маҳсулотлари	Минг тонна	506	618,4	571,3	486,6	545,2	717,2	739,0	749,4
Озуқабоп ем	Минг тонна		1287	533,8	730,3	688,6	726,3	767,4	665,2
Этил спирти (озуқа)	Минг дал	977	1037	1705	2251	3379	4049	3818	3572
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	Минг тонна	78,3	57,3	38,2	22,9	30,1	44,3	125,4	121,6
Узум виноси	Минг дал	8,3	6,9	6,6	7,7	7,7	6,1	6,4	5,6
Ўсимлик ёғи	Минг тонна	290,4	301,7	230,7	232	234,6	189,3	195,9	2113

*Республика Макроиктисодиёт ва Статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Эслатиб ўтиш керакки, республикада гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтиш босқичининг дастлабки йилларида анчага қисқарган эди. Лекин 1999 йилдан бошлаб бу соҳада ҳам ўзгаришлар бўлмоқда. Умуман олганда, агросаноат мажмуасининг фаолияти аста - секин ривожланиб бормоқда. Натижада айрим соҳаларининг иқтисодий самарадорлиги юксалмоқда.

**2.4. Озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари мажмуаси. Давлатнинг
озиқ-овқат хавфсизлиги**

Республика ҳукуматининг энг муҳм вазифаларидан бири аҳолининг истеъмол товарларига нисбатан ўсиб бораётган талабини қондиришдир. Чунончи, аҳолининг озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиши натижасида уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос яратилади. Бу муаммони агросаноат мажмуаси ҳал этади. Агросаноат мажмуасида барча тармоқлар ўзаро уйғунлашиши (интеграциялашуви) ҳамда ихтисослашиши натижасида аҳолининг икки хил мақсадини қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилиши зарур.

Улардан биринчиси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. У озиқ-овқат маҳсулотлари мажмуасини ташкил этади. Унга нон ва нон маҳсулотлари, қандолат, шакар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, чой, узум виноси, коньяк, ароқ, турли хилдаги консервалар ва бошқа маҳсулотлар киради. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари инсон организми учун зарур моддаларни бериб, унинг соғлом ўсишини таъминлайди.

Шу билан бирга агросаноат мажмуаси аҳоли учун ҳаёт кечириш жараёнида фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқаради. У халқ истеъмоли моллари мажмуасини ташкил этади. Унда оёқ кийими, кийим-бош, газламалар, саноат спирти, техника ёғлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шу мажмуа ривожланиши билан аҳолининг яшаш шароити ўзгаради. Бу ерда аҳолининг зарур бўлган бошқа буюмлар, воситалар, шунингдек, уй-жой билан таъминланиши, унга турли хилдаги хизматлар кўрсатилиши ва бошқалар ҳам эътиборга олиниши керак.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам боғлиқ. Чунки мамлакат миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми унга бўлган мамлакат эҳтиёжини ташқи омилларга (чет эл давлатларига) боғланмаган ҳолда таъминлаши лозим. Шунинг натижасида мамлакат миқёсида сиёсий - иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорлик таъминланади. Ўзбекистон Республикаси СССР таркибида бўлган даврда унинг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талаби асосан республикага четдан келтириладиган маҳсулотлар эвазига қондириларди. Бу ҳолатни республика мустақиллиги даврида сақлаб қолиш мутлақо мақсадга мувофиқ эмас эди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати ўтиш даврининг биринчи йилларидан бошлаб ғалла мустақиллиги сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Бунга эришиш учун самарали ҳисобланган пахта хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга ҳаракат қилинди. Натижада «иккинчи нон» ҳисобланган картошка етиштириш ҳам ривожлантирилди. Ҳозирги даврда маҳсулотнинг бу тури чет элдан сотиб олинаётгани йўқ, чунончи, бу борада ҳам давлат хавфсизлигига эришилмоқда, лекин ҳозирги даврда республика аҳолисининг гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, ёғ маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси тиббиёт нормативига нисбатан анча паст. Бу масалани ҳал этиш мақсадида агросаноат мажмуаси марказий бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини интенсив

ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда чорвачилик тармоқларини устувор суръатларда ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, паррандачиликни саноат негизида ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қорамолчилик, қўйчилик билан шуғулланадиган нодавлат корхоналари учун ҳар томонлама иқтисодий имкониятлар яратилмоқда. Уларни молиявий маблағлар билан барқарор равишда таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилмоқда, солиқ имтиёзлари берилмоқда, уларнинг ишлаб чиқаришлари учун зарур бўлган, чет эллардан келтириладиган воситалар божхона тўловларидан озод этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқ истеъмоли моллари миқдорини кўпайтиришга йўналтирилган тадбирлар ҳисобланади.

Аҳолининг озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан таъминланишини юксалтириш учун энг аввало, агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини, фан-техника янгиликлари ҳамда илғор, самарали технологиялар ишлаб чиқаришга изчил жорий этилишини ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлаш зарур. Шу билан бирга мажмуа таркибидаги қайта ишлаш тармоқлари кўламини кенгайтириб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириб, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаб, сифатли сақлаб, аҳолига ўз вақтида етказиб берилишига эришиш лозим.

Юқорида таъкидланган муаммоларни ҳозирги замон талаби даражасида ҳал этиш учун:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги машинасозлик, нефть, кимё ва бошқа саноат тармоқлари қишлоқ хўжалигини ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни арзонроқ, сифатли, унумдор ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашлари ;
- қишлоқ хўжалик тармоқлари мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланган ҳолда талабни қондирадиган миқдорда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари ;
- қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишини таъминлаш мақсадида уларга турли хилдаги хизматларни вақтида, сифатли ва арзон нархларда амалга ошириш, жумладан, экинларни сув билан, техникалар, кимёвий воситалар, ўғитлар, озуқа-ем, ёқилғи, ёнилғилар билан, техникаларни таъмирлаш ва хизматлар кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни нобуд этмасдан вақтида, сифатли тайёрлаб, қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш лозим. Бунда маҳсулотларни сотиб олиб, қайта ишлаш корхоналари кўламини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, республика Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, қишлоққа саноатни олиб бориш керак. Шу билан тармоқдаги аҳолининг иш билан таъминланиши, реал даромад олиши учун катта имконият яратилади;
- республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги барча ўзаро муносабатларни (баҳолар, солиқлар, тўловлар.)

такомиллаштиришга ва уларни эркинлаштиришга қаратилган тадбирларни ҳамма бўғинларда ишлаб чиқиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга эришиш керак.

Бу тадбирлар туфайли аҳолининг озиқ-овқат ҳамда истеъмол товарлари билан тиббиёт меъёрлари даражасида таъминланишига эришилади. Бу ҳол давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланганлигидан далолат беради.

Қисқача хулосалар

Республика иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлашдек сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифани ҳал этишда мамлакат агросаноат мажмуасининг аҳамияти катта. Шунинг эътиборга олган ҳолда агросаноат мажмуасини оқилона шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бунда мажмуа таркибини тўғри шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Агросаноат мажмуасининг марказий бўғини қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Уни ривожлантириш учун барча турдаги воситаларни ишлаб чиқарувчи тармоқларни, ҳар хил хизматлар бажарувчи соҳаларни ҳамда шу тармоқда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи ва уларни талабни қондириш мақсадида истеъмолчиларга сифатли қилиб етказиб берувчи тармоқларни ўзаро боғлиқ ҳолда мақсадга мувофиқ ташкил этиш, жойлаштириш зарур.

Агросаноат мажмуасининг иқтисодий, ижтимоий самарадорлигини аниқлаш мақсадида тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Бунда уларнинг мақсад ва вазифаларини эътиборга олиш керак. Агросаноат мажмуасини ривожлантириш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга халқ истеъмоли моллари ҳажмининг кўпайишини, уларнинг сифати яхшиланишини таъминлайди.

Келажакда агросаноат мажмуасини ривожлантириш учун қишлоқларда мажмуа билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш, улар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- Агросаноат мажмуасини шакллантиришнинг зарурлигини исботланг.
- Агросаноат мажмуасининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
- Агросаноат мажмуаси таркибига нималар киради?
- Агросаноат мажмуасининг ривожланишини қандай кўрсаткичлар ифодалайди, улар қандай аниқланади?
- Агросаноат мажмуасининг республика иқтисодиётидаги ўрнини қандай кўрсаткичлар ифодалайди ва улар қандай аниқланади?
- Агросаноат мажмуасининг озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари мажмуаларини шакллантиришдаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
- Агросаноат мажмуасининг давлат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этишдаги аҳамиятини изоҳлаб беринг.

Асосий адабиётлар

- Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи Тошкент, «Ўзбекистон». 1993.
- Абдуғаниев А. АСКда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш муаммолари. «Ҳаёт ва иқтисод», №7, 1992.
- Абдуғаниев А. Агросаноат мажмуаси иқтисоди. Услубий қўлланма. Тошкент, ТИҚХМШИ, 2001.
- Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО «Поигрон», 1992.
- Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемў. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.
- Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Ш 606. БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ДАВЛАТ РАХБАРЛИГИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН АГРАР- ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР

3.1. Ўтиш даврида қишлоқ хўжалигига давлат рахбарлиги

Қишлоқ хўжалиги республика халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғидир. Шунинг учун ҳам бу тармоқда ўтиш даврида бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган муносабатлар тизимини барпо этиш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки маъмурий-буйруқбозлик асосида марказдан режали бошқарилган иқтисодиёт шароитидаги қишлоқ хўжалигидаги давлат якка ҳокимлиги (қанча майдонга қандай экинлар экилиши, қандай маҳсулотларни, қанча микдорда ишлаб чиқариш зарурлиги, уларни қатъий белгиланган баҳоларда сотиб олиш, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, даромадни тақсимлаш, мулкӣ муносабатларда ва бошқаларда) тармоқда бозор иқтисоди муносабатларини талаб даражасида шакллантириш имкониятини бермайди. Дарҳақиқат, бозор иқтисоди аввалги иқтисоддан тубдан, шаклан ва мазмунан фарқ қилади. Бозор иқтисодига ўтишда, шунингдек, бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигида маълум муносабатларни қонунлар доирасида ҳал этишда давлатнинг рахбарлиги бўлиши лозим. Лекин у қишлоқ хўжалигидаги корхоналарнинг тўлиқ эркинлиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарур. Қишлоқ хўжалигига давлат рахбарлиги асосан давлат бош ислоҳотчи сифатида муттасил амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

«Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.»¹ деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов. Шунга асосланган ҳолда давлат қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди муносабатларини барпо этиш мақсадида ислоҳотлар мажмуасини ишлаб чиқди ва уларнинг ҳуқуқӣ асосларини ҳам яратмоқда. Бунга республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қуйидаги қонунлар, Президентнинг фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол мисол бўлади:

Ўзбекистон Республикасининг:

1. «Корхоналар тўғрисида» ги;
2. «Мулк тўғрисида» ги;
3. «Ижара тўғрисида» ги;
4. «Тадбиркорлик тўғрисида» ги;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 йил, 59-60 бетлар.

5. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги;
6. «Инвестициялар тўғрисида» ги;
7. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги;
8. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги;
9. «Ер кодекси»;
10. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги;
11. «Меҳнат кодекси»;
12. «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида» ги;
13. «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида» ги;
14. «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги;
15. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида» ги;

қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори, Республика Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва бошқа фармонлари шулар жумласидандир. Мамлакатимизда давлат раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ҳамда солиқлар тизимлари ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилинмоқда. Давлат, шунингдек, фан, техника, илғор ва самарали технологиялар тизимларини тармоқ миқёсида ишлаб чиқишга ҳам, қишлоқ аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишга ҳам раҳбарликни амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалигида 1991-2001 йиллар давомида давлатнинг бевосита раҳбарлигида аграр ислохотларнинг негизи ҳисобланган ер ва мулк ислохотлари, давлат ва жамоа хўжаликлари негизида шаклланган ва мазмунан янги жамоа, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналарига давлатнинг раҳбарлик қўлами нодавлат хўжаликларга нисбатан кўпроқ. Шу билан биргаликда ўтиш даврида давлат талабини эътиборга олган ҳолда жамоа ва ширкат, фермер хўжаликларига ҳам қанча пахта, ғалла ва шоли маҳсулотлари етиштириш давлат буюртмаси шаклида белгилаб берилмоқда. Бу ҳол кейинчалик камайиб, уни эркин бозор қонунлари асосида шартномалар бўйича амалга ошириш таъминланади. Демак, келажакда қишлоқ хўжалигига давлатнинг раҳбарлиги янада такомиллаштирилади. Бунинг учун давлатнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурлари ишлаб чиқилади. Уларда томонларнинг манфаатларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни рағбатини фақат манфаат таъминлайди. У моддий, маънавий ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат бу тармоқ билан боғлиқ бўлган тармоқларни ҳам (хизмат кўрсатувчи, қайта ишловчи, сотувчи) ислох қилишга алоҳида эътибор берди. Натижада бу тармоқлардаги давлат корхоналари давлат акциядорлик корхоналарига, ташкилотларига айлантирилди. Масалан, пахта заводлари, ун, нон, ёғ-мой, гўшт комбинатлари, консерва заводлари ...

Натижада шу тармоқларда бозор муносабатларини эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлган турли шаклдаги мустақил корхоналар, бирлашмалар, уюшмалар ташкил этилди. Уларнинг серқиррали фаолиятларини самарали бошқаришни таъминлаш қобилиятига эга бўлган тармоқ ташкилотлари ҳам давлатнинг бевосита раҳбарлигида ташкил этилиб, такомиллаштирилмоқда. Чунончи, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан уйғунлаштирилиб, ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига айлантирилди. Унга 2001 йилда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳам қўшилди. 2003 йилда шу вазирлик таркибига «Сут гўшт саноати», «Парранда саноати» акционерлик тармоқлари ҳам қўшиб юборилди. Натижада бу йирик вазирликнинг мақсади ва вазифаси тубдан ўзгартирилди. У ҳозирги даврда қишлоқ, сув ҳамда ўрмон хўжаликларида иқтисодий ислохотларнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланмоқда.

Шу билан биргаликда «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик жамияти, Ер ресурслари қўмитаси, «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликлизинг» акционерлик компанияси, Ўзбекистон деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди. Ислохотлар фақат тармоқларда янги вазирликлар, концернлар, компаниялар ташкил этишгагина эмас, балки қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган хўжаликлар ва тармоқларнинг бошқарув тизимини бозор иқтисоди талабларига мослаштиришга қаратилмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар тармоққа ички ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шароитлар яратмоқда. Булар пировард натижада қишлоқ хўжалигининг янада ривожланишини, самарадорлиги ошишини таъминлайди.

3.2. Ер ислохоти, унинг амалга оширилиши

Республикамиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер-сув ресурсларининг аҳамияти беқиёс. Чунки улар ёрдамида мамлакатимиз ички ялпи маҳсулотининг тўртдан уч қисми, халқимиз истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг 95 фоизи етиштирилмоқда. Шундай экан, улардан келажакда янада тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланади. Уни ҳал этиш мақсадида Республика ҳукумати томонидан сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ер, сув, мулк тўғрисидаги қонунлар, кодекслар қабул қилинди. Уларда республикада ерларга, сувларга эгалик қилиш, улардан мақсадга мувофиқ ҳамда самарали фойдаланиш борасидаги муносабатлар тизими ва уларни амалга ошириш тартиби кўрсатилган. Ер-сув

ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида «Ер...сув...умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»¹ деб алоҳида таъкидланган.

Республикамиз жами ер майдонига умуммиллий бойлик, давлат мулки сифатида эгалик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Олий Кенгаши зиммасига юклатилган. Олий Кенгаш ўз ваколатидаги ер муносабатларининг айрим масалаларини халқ депутатлари қишлоқ, шаҳар, посёлка, туман ҳамда вилоят кенгашлари ва уларнинг ижроия қўмиталари зиммасига юклаган. Улар юқорида келтирилган қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ерларни улардан оқилона, самарали фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларга маълум муддатга ҳақ тўлаш эвазига фойдаланиш учун бермоқдалар. Демак, улар ер ислоҳотини амалга оширишга маъсулдирлар. Чунки улар ерларни самарали фойдаланиш учун ҳақиқий эгасига бериш билан боғлиқ бўлган масалаларни хал этадилар.

Сўнгги йилларда ерлар қонунда белгиланган тартибда қишлоқ хўжалик корхоналарига турли муддатларга фойдаланиш учун ҳақ тўлаш эвазига (ер солиғи) ижарага берилмоқда. Масалан, 2002 йилнинг бошига республикамиз жами ер фондининг 56,3 фоизи ёки 25,3 млн. гектари жамоа ҳамда ширкат хўжаликларига, 642,4 минг гектари эса мустақил фермер ва деҳқон хўжаликларига узоқ муддатга фойдаланишга берилган.

Шу билан биргаликда республика фуқароларига шахсий ёрдамчи хўжаликларини, жамоа боғдорчилигини, узумчилигини яратиш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва уни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириш шарти ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан белгиланган миқдорда ер берилмоқда. Демак, шу қоидага мувофиқ ерни авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириш таъминланган. Яъни шу ерларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи фуқароларга умрбод берилган. Бу республикамиз ер ислоҳотидаги энг муҳим ютуқ ҳисобланади. Лекин фуқаролар қонунларда кўрсатилган шартларни бузсалар, уларнинг ерга меросхўр сифатида эгалик қилиш ҳуқуқи юқоридаги ташкилотлар томонидан бекор этилиши ҳам кўрсатилган. Ислоҳот натижасида республика қишлоқ ҳудудларида яшаётган фуқароларга умрбод фойдаланиш учун 1990-2002 йиллар давомида 600 минг гектарга яқин қишлоқ хўжалик ерлари берилди. Бу майдон Андижон вилоятининг қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан 2,2 марта, Фарғона вилоятиникига нисбатан 1,8 баробар кўпдир. Ерларни бериш натижасида 3,2 млн. дан ортиқ оиланинг ер билан таъминланганлик даражаси ҳозирги даврда қондирилган. 2001 йилнинг бошига келиб мамлакат аҳолиси ихтиёрида 625,8 минг гектар томорқа ерлари бор эди. Аҳоли берилган ерга қонун доирасида эгалик қилиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш натижасида юртдошларимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга улкан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент . Ўзбекистон 1992 й.

хисса қўшмоқда. 2001 йилда аҳоли ихтиёридаги ерлардан республикада етиштирилган жами дон маҳсулотларининг 19,3 фоизи, картошканинг-80 фоизи, сабзавотнинг-74,8 фоизи, полиз маҳсулотларининг-64 фоизи, узумнинг-35 фоизи олинган. Шунингдек, томорқа хўжаликларида жами гўшт маҳсулотларининг-91,1 фоизи, сутнинг-93,6 фоизи етиштирилган. Таъкидлаш керакки, ерларни юридик шахсларга узоқ муддат фойдаланиш учун ижарага бериш жараёнида маълум қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Масалан, мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган фермер хўжаликлари фойдаланиш учун ер сўраб ўзи жойлашган ҳудуддаги туман ҳокимлигига ҳамда хўжаликнинг раҳбарига ёзма равишда мурожаат этмоқдалар. Лекин бу масала айрим ҳолларда белгиланган 1 ой муддатда ҳал этилмаётир. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Дарҳол ер бериш учун туман халқ депутатлари ижроия қўмиталарининг ихтиёрида бўш ерлар йўқ. Демак, улар сўзсиз хўжалик раҳбарларига мурожаат этадилар. Хўжалик раҳбарлари эса ўз ихтиёрларидаги ерларни осонликча беришмайди. Чунки уларнинг зиммасида давлат буюртмалари бор, қолаверса, шу ерлардан маълум миқдорда фойда оладилар. Шундай экан, хўжаликлар ихтиёридаги ерларни мустақил фермер, деҳқон хўжаликларига олиб беришда юқорида кўрсатилган масалаларнинг ҳал этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Шу билан биргаликда мустақил фермер ва деҳқон хўжаликларига ерларни кишлок хўжалик йили бошланмасдан ҳамда кузги дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг берилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ер муносабатларини ривожлантириш мақсадида Президент И.А. Каримов томонидан 1994 йил май ойида «Ерлардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида» махсус фармон имзоланган. Шу фармонга кўра, маълум миқдордаги ер майдонларини хусусий мулк сифатида «ким ошди» савдоларида сотишга рухсат этилган. Бу улкан сиёсий аҳамиятга молик тadbирдир. Шундай экан, сотилиши белгиланган ер майдонининг дастлабки баҳосини белгилаш билан боғлиқ бўлган илмий-tadқиқот ишларини ташкил этиш лозим. Унда қандай ерлар сотилаётганлиги, уларнинг қандай жойда жойлашганлиги, коммуникациялар тизимининг ривожланганлиги, олинаётган фойда миқдори, инфляция коэффиценти ва бошқа масалалар эътиборга олиниши лозим.

Ерлардан фойдаланганлик учун ягона ер солиғининг 1999 йил 1 январдан жорий этилиши муносабати билан янги муаммо шаклланмоқда. Чунки аввал ер солиғи тўлиқ маҳаллий бюджетга ўтказилар эди. Эндиликда эса бу масала тўлиқ ҳал этилмаган. Чунки ҳозирги ягона ер солиғи таркиби бир нечта солиқлардан ташкил топган. Лекин уларнинг қандай тақсимланиши тўлиқ кўрсатилмаган. Оқибатда маҳаллий бюджет эвазига ерларнинг сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган маблағлар миқдори қисқариши ерларнинг иқтисодий унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таъкидланган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ер муносабатлари такомиллашишини таъминлайди.

3.3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

Марказдан режали бошқарилган иқтисодиёт йилларида қишлоқ хўжалигида: **а)** давлат мулки; **б)** колхоз-кооператив мулки; **в)** шахсий мулк шакллари мавжуд эди. 1992 йилгача республикамиз қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган мулкнинг 99,9%ини давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этарди. Қишлоқ аҳолисининг шахсий мулки эса жуда ҳам кам эди. Бундай ҳол бозор иқтисоди талабларига жавоб бермайди. Бозор иқтисоди шароитида мулкчиликнинг турли шакллари ва эркин мулк муносабатлари мавжуд бўлиши, бунда хусусий мулкчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу масалани ҳал этиш учун ҳуқуқий асослар яратилди: «Мулк тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва қарорлар, фармонлар қабул қилинди. Шуларга асосланган ҳолда тармоқда босқичма-босқич мулкчиликнинг қуйидаги турлари ташкил этилмоқда: а) чекланган миқдорда давлат мулки сақланмоқда; б) жамоа мулки, уни турлари кенг миқёсда ташкил этилмоқда; в) хусусий, шахсий мулк ҳам ривожлантирилмоқда; г) аралаш (қўшма) мулкнинг ташкил этилишига имконият яратилмоқда. Юқоридаги қайд этилган мулкчилик шакллариининг ҳажми қишлоқ хўжалигида ҳам босқичма-босқич ўзгариб бормоқда. Давлат мулкининг ҳажми, салмоғи қисқариши ҳисобига жамоа, шахсий, қўшма ва хусусий мулк шакллариининг миқдори ҳамда салмоғи ошмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1992 йили 224 та давлат хўжалиги (совхозлар) иқтисодий аҳволи ночор бўлганлиги учун жамоа хўжаликларига, уларнинг мулки эса жамоа мулкига айлантирилди. 1993 йилдан бошлаб жамоа ҳамда давлат мулкига асосланган хўжаликларнинг мулки ширкат мулкига (пайчиликка асосланган) айлантирилди. 1998 йилдан бошлаб зарарга (уч йил давомида) ишлаётган жамоа ва ширкат хўжаликлари мустақил фермер хўжаликларига танлов асосида айлантирилмоқда. 2003 йилнинг бошига келиб барча жамоа хўжаликлари негизида 1866 та ширкат хўжалиги ташкил этилди. Эндиликда туманлар миқёсида фермер хўжаликлари уюшмалари тузилмоқда. 2003 йилдан бошлаб Фарғона вилоятидаги Ёзёвон туманида, Бухоро вилоятидаги Ромитан туманида, Сирдарё вилоятидаги Меҳнатобод ва Музробод туманларида фермерлар уюшмаси ташкил этилади. Тугатилаётган, санация қилинаётган корхоналарнинг мулки фермер хўжаликлари ўртасида белгиланган тартибда тақсимланмоқда. Шунинг натижасида шахсий мулк барпо этилмоқда. Давлат мулки кейинчалик сотиш шарти билан ижарага берилиши натижасида ижара мулкига айлантирилмоқда; ишчи-хизматчиларнинг хўжаликлардан олаётган даромадлари, ўз маблағлари ҳисобига давлат мулкининг маълум қисмини (акцияларини) сотиб олишлари натижасида ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги мулкни аҳолига сотиб, улардан ўзлари, шунингдек, ёлланган меҳнатдан фойдаланиш натижасида хусусий, шахсий мулк ташкил этилиб, ривожлантирилмоқда. Хусусий мулкчиликни ривожлантиришда давлат

иқтисодий ёрдам бермоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги чорвачилик фермаларини сотиб олишда давлат сотиб олувчиларга имтиёзли (фоизсиз) кредитлар ҳам берди. Натижада қишлоқда мулкдорлар синфи вужудга келиб, уларни давлат ўз ҳимоясига олган. Мулкни давлат тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни келажакда ҳам ривожлантирилиши, такомиллаштирилиши зарур. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган мулкдорларнинг уйғунлаштирилиши (мулк тармоғидаги салмоғи бўйича) натижасида қўшма мулк барпо этилмоқда. Қўшма мулкчиликни ривожлантиришда чет эл юридик ҳамда жисмоний шахслари ҳам қатнаштирилиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш натижасида нодавлат мулкнинг салмоғи ортиб бормоқда. 2003 йилнинг бошига келиб қишлоқ хўжалигида нодавлат мулкнинг салмоғи 99 фоизни ташкил этган. Нодавлат мулкчиликка асосланган хўжаликларнинг фаолияти юксалмоқда. Уларда экилаётган экинларнинг ҳосилдорлиги, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги ошиши ҳисобига фойда кўпайиб, рентабеллик даражаси юксалмоқда. Бу, албатта, мулк ислохотининг натижасидир. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда келажакда қишлоқларда хусусий ва шахсий мулкчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳақиқий мулк эгасига айланган қишлоқ аҳли ундан оқилона ҳамда самарали фойдаланиши табиий.

3.4. Молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислохоти

Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида молия, солиқ, кредит ҳамда баҳолар тизимини ислоҳ этиш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки давлат мулкчилигига асосланган корхоналарнинг фаолиятини молиялаштириш, уларга вақтинча фойдаланиш учун бўш бўлган маблағларни кредит шаклида бериш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг харид қилиш баҳолари давлат томонидан марказдан режали тарзда амалга оширилар эди. Эркин бозор иқтисодиёти шароитида эса корхоналар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган маблағларни энг аввало ўзлари ишлаб топишлари керак. Маблағ етишмаган ҳолларда уни четдан ўзаро манфаатли тарзда олишга, ишлаб чиқарган маҳсулотларини эса бозор талаблари асосида сотишга ҳаракат қилишлари лозим. Шундай экан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич давлат раҳбарлигида ўтилаётган даврда республикамиз қишлоқ хўжалигида молия, кредит, солиқ ҳамда баҳолар ислохоти қай тарзда амалга оширилмоқда?

Бу ўринда таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик ерларига, йирик ирригация-мелиорация иншоотларига нисбатан давлат мулкчилиги сақланиб қолганлиги туфайли янги ерларни комплекс ўзлаштириш, фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ирригация ва мелиорация тадбирлари, йирик ирригация-мелиорация иншоотларини куриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилмоқда. Қишлоқ ҳудудларида экологик муҳитни соғломлаштириш билан

боғлиқ бўлган тадбирларга ҳам, қишлоқ хўжалигидаги уруғчилик, селекция, наслчилик, ветеринария соҳаларига ҳам маблағлар бюджетдан берилмоқда. Бундан ташқари тармоқдаги давлат ташкилотларининг фаолиятлари ҳам бюджетдан ажратилаётган маблағлар эвазига молиялаштирмоқда. Ширкат, фермер, мустақил деҳқон хўжаликлари эса ишлаб чиқариши учун талаб этилган маблағларнинг асосий қисмини ўз ҳисобларидан сарфламоқдалар.

Улар ишлаб чиқариш воситаларини ўз фойдалари, амортизация фонди ҳамда асосий воситаларни тугатишдан олаётган маблағлари ҳисобидан харид қилмоқдалар. Бундай маблағлар етишмаган ҳолларда четдан вақтинча бўш бўлган маблағларни манфаатли равишда жалб этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шунингдек, бу жараёнда ҳомийларнинг ажратмалари, турли хилдаги кредит институтларининг вақтинча бўш бўлган маблағлари, барча инвесторларнинг сармоялари жалб этилмоқда. Бунда ўзаро манфаатлар эътиборга олинмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналари акционерлик-тижорат банкларидан асосий воситалар учун узоқ айланма воситалар учун эса қисқа муддатли кредитлар оладилар. Уларни олишда кредит ставкаларининг фоиз даражасига ҳамда қайтариб бериш вақтининг бошланишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Лекин ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналари кам фойда олаётганлиги, рентабеллиги пастлиги учун кредит институтлари уларга жуда ҳам оз миқдорда кредит маблағлари бермоқдалар. Бу уларнинг талабларини мутлақо қондира олмаяпти. Шунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналари банклардан кредит олиш учун етиштираётган маҳсулотларини ва оладиган даромадларини ҳам гаровга қўйишлари керак.

Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида давлат эҳтиёжлари учун талаб этилмаган миқдордаги пахта, ғалла, шоли маҳсулотлари етиштиришни давлат бюджетидан махсус фондлар орқали молиялаштириш амалга оширилмоқда. Лекин бу маблағ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўлган ёқилғи, ёнилғи, минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналари бундай маблағларнинг атиги 7 фоизинигина иш ҳақи сифатида сарфлаши мумкин. 93 фоизи юқоридаги йўналишлар учун сарфланади. Бу борада хўжаликлар учун эркинлик берилмаган. Келажакда бу жараёни қисман бўлса ҳам такомиллаштириш, яъни корхоналарга бундай маблағларни сарфлашда эркинлик бериш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Чунончи, «Инвестицион фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Демак, эндиликда корхоналар ҳамкорлар қидириб топишга ҳаракат қилишлари керак. Шунингдек, давлат каналлари орқали келаётган инвестицияларнинг бир қисмини қишлоқ хўжалигига йўналтириш ҳам фойдадан холи эмас.

Ўтиш даврида қишлоқ хўжалик корхоналаридан олинаётган солиқлар тизими ҳам такомиллаштирилмоқда. 1999 йилгача улар даромад, ер, сув, мулк, акциз ва бошқа турдаги солиқларни, тўловларни тўлар эдилар. 1999 йилнинг 1

январидан бошлаб корхоналардан ягона ер солиғи олинмоқда. Унинг миқдори ер унумдорлигига(ернинг бал бонитет классларига) қараб белгиланади. Лекин ягона ер солиғи миқдорини (ставкасини) аниқлаш тартибини хўжаликлар билмайдилар. Улар туман солиқ инспекциялари томонидан берилган ставкалар бўйича солиқ суммасини аниқлаб, белгиланган муддатларда маҳаллий бюджетга ўтказадилар.

Ягона ер солиғининг жорий этилиши хўжаликлар учун анча қулайлик туғдирди. Чунки 10 та солиқ тури бўйича ҳисоб-китоб қилгандан кўра, ягона солиқни ҳисоблаш анча енгил. Лекин ягона ер солиғи жорий этилиши билан бюджетга тўланаётган сумма қисқариш ўрнига ошди. Бу ҳол хўжаликларни анча ўйлантирмоқда. Шунинг учун унинг ставкаларини кўриб чиқиш ҳозирги вақтда хўжаликлар учун энг муҳим масала ҳисобланади. Чунки сўнгги йилларда тупроқ унумдорлигининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. 1992 йилгача кишлок хўжалик корхоналари етиштираётган барча маҳсулотларини эркин сотиш имкониятларига эга бўла бошладилар. Бу тармоқда баҳолар ислоҳоти амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги даврда хўжаликлар етиштираётган маҳсулотларини бир қанча турдаги нархларда сотмоқдалар. Жумладан:

16. давлат эҳтиёжига керак бўлган пахта, буғдой, шолининг режалаштирилган ҳосилга нисбатан 30 фоизини давлат харид нархларида;
17. етиштирилган ҳосилнинг давлат буюрмаларидан ортиғини ҳамда давлат эҳтиёжи учун олиш маҳсулотларни олувчилар билан тузилган шартномаларда кўрсатилган келишилган баҳоларда (уларни шартнома баҳолари ҳам деб аташади);
18. эркин сотиладиган маҳсулотларни эркин баҳоларда сотмоқдалар;
19. хўжалик ичида истеъмол қилинадиган ёки фойдаланиладиган маҳсулотларни эса уларнинг таннархларида ўтказмоқдалар.

Булар бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун уни келажакда янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қисқача хулосалар

Республикада эркин бозор иқтисодиётини барпо этиш ва ривожлантириш учун кишлок хўжалигининг барча соҳаларида бозор муносабатларини шакллантириш объектив зарурият ҳисобланади. Бу масалани ягона тизим шаклида давлат раҳбарлигида босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Амалга оширилиши зарур бўлган агроиқтисодий ислоҳотларнинг ҳукукий асослари яратилмоқда. Буни Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари исботлайди.

Ҳукукий ҳамда меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалигида:

20. ер ислоҳоти амалга оширилмоқда. Бунда ерга нисбатан умуммиллий бойлик деб қаралмоқда, яъни давлат мулкчилиги сақланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга ердан фойдаланишга эгалик қилиш ҳуқуқи берилмоқда;

21. мулк ислоҳотини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Натижада тармоқда нодавлат мулкчилик шаклларида жамоа, хусусий, шахсий ҳамда аралаш мулкчилик турлари босқичма-босқич барпо этилиб, ривожлантирилмоқда;

22. шаклан ва мазмунан афзал туб молия, кредит, солиқ ва баҳо ҳамда ташкилий-таркибий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакат қишлоқ хўжалигининг маълум даражада ривожланиши таъминланмоқда. Лекин бу жараён ҳам бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам келажакда барча йўналишлар бўйича иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарур. Асосий эътибор қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишини таъминлайдиган шахсий ва хусусий ҳамда аралаш мулкчилик турларини ривожлантиришга, солиқ, молия-кредит ва баҳо ислоҳотларини такомиллаштиришга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- Қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлиги қандай амалга оширилмоқда?
- Аграр-иқтисодий ислоҳотлар йўналишлари қандай амалга оширилмоқда?
- Ер ислоҳоти қандай тартибда амалга оширилмоқда?
- Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш деганда нимани тушунасиш?
- Мулкни хусусийлаштириш деганда нимани тушунасиш?
- Молия-кредит ислоҳотлари қандай амалга оширилмоқда?
- Солиқ ва тўловлар тизимининг ўзгаришини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар, 1992.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. — Тошкент. «Адолат». 1993.

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси», Тошкент, «Адолат», 1994.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 232-сонли қарори. «Халқ сўзи», 1998, 27 май.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 79-сонли қарори. «Халқ сўзи», 2003йил, 15 феврал.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.

Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали. 1997 йил, 3-сон.

IV бoб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУЛК ВА ТАДБИРКОРЛИК ШАКЛЛАРИ

1. Мулк ва тадбиркорлик ҳақида тушунча, унинг иқтисодий негизи, шакллари

Қишлоқ хўжалигининг асосий мақсадига эришиш тармоқда тадбиркорлик фаолиятлари амалга оширилишини тақозо этади. Тадбиркорлик -мулкчилик субъектларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатиш натижасида фойда ёки даромад олишга қаратилган ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишидир. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик қишлоқ хўжалигида ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда улар Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлари талабларига қатъий риоя этишлари зарур. Улар фаолиятларини самарали амалга оширишлари учун мустақкам иқтисодий негизга эга бўлишлари керак. Уларнинг иқтисодий негизини эса мулк ташкил этади. Мулк Ўзбекистон Республикасида қонунга биноан қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- **Хусусий ҳамда шахсий мулк.** Бу шаклдаги мулк эгаси ўз мол-мулкига хусусий, шахсий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Хусусий ҳамда шахсий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнати ва ёлланма меҳнатни қўллаши орқали шаклланади.

- **Ширкат (жамоа) мулки.** Бу мулк таркибига қишлоқ хўжалигида жамоа корхоналарининг, ширкат ва оила мулки ҳисобланган фермер, деҳқон хўжаликларининг, ижара корхоналарининг ҳамда бирлашмаларнинг мулклари киради.

- **Аралаш мулк.** Бу мулк турли хилдаги мулкчилик шаклларининг ўзаро манфаатли уйғунлашиши натижасида шаклланади. Жумладан, республика қишлоқ хўжалигидаги жамоа, ширкат ва давлат мулкчилигига асосланган хўжаликларнинг чет эллардаги корхоналар билан бирикиб фаолият юритиш мақсадида ташкил этган қўшма корхоналари.

- **Давлат мулки.** Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган давлат корхоналарининг мулки.

- **Бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар мулки.** Мулкчиликнинг бу шаклига асосланган ҳолда чет давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ҳамда жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган мустақил корхоналарни ёки ўз бўлимларини, ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқ объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бино ва иншоотлар, уй-жойлар;

- куч ва ишчи машиналар, жиҳозлар;
- транспорт воситалари, асбоб-ускуналар;
- ҳисоблаш, компьютер техникалари;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик дарахтлар (боғлар, тоқлар, тутлар);
- етиштирилган маҳсулотлар;
- пул маблағлари, қимматли қоғозлар;
- ёнилғи, ёқилғи ва ёғловчи материаллар;
- маҳаллий ва минерал ўғитлар, кимёвий воситалар;
- ем-хашак, озуқа, кўчат, уруғликлар;
- ишчи-хизматчиларнинг қобилиятлари...

Тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун четдан ўзгаларнинг маблағларини ҳам жалб этишлари мумкин. Тадбиркорларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, уни ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Мулк тўғрисида» ги қонун ва бошқа қонунларда батафсил ёритилган.

Мавжуд бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда аграр-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида республика қишлоқ хўжалигида турли мулкчиликка асосланган тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари фаолият кўрсатмоқда:

давлат, жамоа ва кооператив (ширкат)ларнинг мол-мулкларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш асосида бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга оширилаётган жамоа тадбиркорлиги;
 фуқаро шахсий ва хусусий мол-мулки асосида ёлланма, шахсий меҳнатга асосланган ҳолда амалга оширилаётган тадбиркорлик;
 жисмоний ва юридик шахсларнинг (республика ҳамда хорижий давлатларнинг) мол-мулкларини қонунларда белгиланган тартибда жалб этиш асосида амалга оширилаётган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

Республика қишлоқ хўжалигида ҳозирги даврда юридик ҳамда жисмоний шахс мақомига эга бўлган тадбиркорликнинг қуйидаги субъектлари ҳамда шакллари фаолият кўрсатмоқда:(2-чизма)

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлари, ҳамда шакллари



4.2. Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари

Республика қишлоқ хўжалигида 1991 йилдан бошлаб сиёсий, иқтисодий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган туб аграр-иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Давлат бош ислохотчи бўлган бу жараёнда тармоқдаги давлат мулкчини унинг тасарруфидан чиқаришга, негизида нодавлат мулкчилиқни ва шунга асосланган нодавлат хўжалиқларини ташкил этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунда ерга умуммиллий бойлик сифатидаги давлат умумхалқ мулкчилиги сақлаб қолинмоқда. Бошқа мулклар эса давлат тасарруфидан босқичма-босқич чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда. 1990 йилда давлат мулкчилигига асосланган хўжалиқлар, яъни совхозлар 1038 та эди. Улар Ўзбекистонда XX асрнинг 30-йилларида ташкил этила бошланган.

Республиканинг Қарши ва Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона худудларида янги ерларни ўзлаштириш натижасида кенг миқёсда давлат хўжаликлари ташкил этилди. Давлат хўжаликлари – совхозлар ташкил этилишида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ эвазига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда юритиш учун зарур бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларини давлат томонидан ўрнатилган улгуржи баҳоларда сотиб олишарди. Улардан фойдаланган ҳолда фаолият юритиб, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларини давлат томонидан белгиланган харид нархларда давлат ташкилотларига сотарди. Олинган ялпи маҳсулот ҳамда фойда суммалари давлат молия-иқтисод органлари томонидан ўрнатилган тартибда тақсимланарди. Бунда асосий эътибор давлат манфаатларини ривожлантиришга қаратилган, давлат хўжаликларига тўлиқ эркинлик, яъни мустақиллик берилмаган эди. Шунинг учун улар юқори ташкилотлар томонидан белгиланган конун-қоидаларга бўйсунган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланар эдилар. Улар асосан пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, республикада етиштирилаётган маҳсулотларнинг сезиларли қисмини ишлаб чиқарардилар. Бу хўжаликлар 1990 йилга келиб республикада етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 37,5 фоизини етиштирадилар. Лекин улар иқтисодий негизи, фаолият юритиш мазмуни бўйича эркин бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермасди. Шунинг учун ҳам давлат мулкчилигига асосланган совхозлар негизида туб ташкилий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши зарур бўлди. Ислохотлар жараёнида уларнинг негизида даставвал жамоа хўжаликлари (колхозлар), кейинчалик ширкатлар ҳамда мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Республика ҳукумати қишлоқ хўжалиги олдидаги муҳим вазифаларни эътиборга олган ҳолда бир қанча муаммоларни ўз зиммасига олган. Бунда давлат бош ислохотчи эканлигини исботламоқда. Ҳозирги даврда республика ҳукумати аграр сиёсатининг стратегик йўналишларини ҳамда тактикасини белгилаб, уни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Ҳукуматнинг асосий эътибори қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари ягона фан-техника сиёсатига асосланган ҳолда ривожланишини таъминлашга қаратилган. Бу ниҳоятда муҳим муаммо ҳисобланади. Чунки фақат илм-фан, янги, самарали техника ҳамда илғор технология барча ютуқларнинг асосий негизидир. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида республика ҳукумати қишлоқ хўжалигида давлат хўжаликларини сақлаб, уларнинг фаолиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги маркази ташкил этилган. Марказ таркибида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда давлат хўжаликлари мавжуд. 2002 йилнинг бошига марказ таркибида 100 тага яқин давлат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар эвазига қишлоқ хўжалигининг

ривожланишини таъминлайдиган куйидаги илмий ғояларни яратиш, синаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқдалар: уруғчилик, наслчилик, кўчатчилик, янги, сермахсул, тезпишар навларни яратиш, уларни ривожлантириш ғоялари, муаммолари; ирригация-мелиорация ишларини ривожлантириш муаммолари; иқтисодиётда эркин бозор иқтисоди муносабатларини яратиш ва уларни чуқурлаштириш муаммолари; янги техника, илғор технологияларни яратиш, агротехника тадбирларини такомиллаштириш муаммолари ва бошқалар.

Аграр иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган даврда шаклланган давлат мулки ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган давлат корхоналари давлат мулки асосида тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига эга. Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка нисбатан ўз хоҳиши билан қонун доирасида фаолият юритади.

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган давлат хўжаликларидаги меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳам мол-мулки мавжуд. Бу мулк давлат корхонаси тугатиладиган бўлса, унинг бюджет, банклар олдидаги ва бошқа қарзлари тўланганидан сўнг корхонанинг меҳнат жамоасига берилади. Бу тартиб ҳам маълум даражада ислохотларнинг натижаси ҳисобланади.

Марказ таркибидаги илмий-тадқиқот институтларида яратилаётган янгиликлар энг аввало давлат хўжаликлари ишлаб чиқаришида синалиб, сўнгра амалиётга татбиқ этиш учун тавсия қилинмоқда. Лекин ҳозирги даврда у хўжаликларга маҳсулот етиштириш борасида давлат буюртмалари берилмоқда. Бу ҳол уларнинг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун келажакда уларни ўз вазифаларини бажаришга йўналтириш зарур. Қишлоқ хўжалигидаги давлат хўжаликлари ҳозирги даврда (2000й) тармоқда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 1 фоизини бермоқда. Келажакда уларнинг моддий-техника асосини мустаҳкамлашга, малакали илмий кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

4.3. Жамоа ва ширкат хўжаликлари, уларнинг ривожланиши

Қишлоқ хўжалигида ўтган асрнинг 80-йиллари охири 90-йиллари бошида жамоа хўжаликлари ҳисобланган 887 та колхоз фаолият кўрсатиб, республикада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 35 фоизини берарди. Уларнинг иқтисодий негизини жамоа мулки ташкил этарди. Лекин мулкчиликнинг бу шакли унинг ҳақиқий мазмуни, моҳиятига мос эмасди. Чунки амалиётда улар давлат тасаруфида эди. Бундай ҳол бозор иқтисоди талабларига тўғри келмасди. Шу боис бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан тармоқдаги давлат хўжаликлари негизда жамоа хўжаликлари босқичма-босқич қайта ташкил этила бошланди.

Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, 1990 йилларгача улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга маълум даражада ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Улар ўша йилларда тармоқда етиштирилаётган пахтанинг 41 фоизини, ғалланинг 37 фоизини, сутнинг 36 фоизини берарди. Лекин уларнинг фаолиятлари ҳам давлат хўжаликлари каби тўлиқ давлат томонидан бошқариларди. Яъни уларда маҳсулотлар етиштириш жараёни давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, етиштирилган маҳсулотларни давлат ўз ташкилотлари ёрдамида ҳукумат томонидан белгиланган харид баҳоларида мажбурий равишда сотиб олар эди. Олинган ялпи ва соф даромад эса ҳукумат томонидан белгиланган тартибда тақсимланар эди. Бунда жамоанинг эрки, ҳуқуқи тўлиқ эътиборга олинмас эди. Демак, у хўжаликларда амалга оширилган иқтисодий муносабатлар бозор иқтисоди муносабатлари талабларига мос эмас эди. Бундай ҳолларни бартараф этиш мақсадида аввало жамоа мулкчилигига асосланган жамоа хўжаликларида ҳақиқий бозор иқтисоди муносабатларини барпо этишга алоҳида эътибор берилди. Бунда республикада амалга оширилаётган ер ислохотида асосланган ҳолда мавжуд жамоа хўжаликларида давлат мулки ҳисобланган ер фойдаланиш учун 10 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга ижарага берилди. Улар ердан фойдаланганлик учун белгиланган муддатда ижара ҳақи тўлайдиган бўлишди. Ижара ҳақи 1999 йилдан бошлаб ягона ер солиғи шаклида тўланадиган бўлди. Шу билан бирга «Мулк тўғрисида»ги қонун талабига мувофиқ у хўжаликларда ҳақиқий жамоа мулкчилиги ташкил этилмоқда. Мулкчиликнинг бу шакли жамоа хўжаликлари негизида ширкат хўжаликлари ташкил этиш орқали шакллантирилмоқда. Унинг ҳуқуқий асоси яратилган. Олий Мажлис томонидан 1998 йилда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида»ги қонун, унинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси 1998 йилнинг 15 июлида қабул қилган 229-сонли қарор амалда.

Ширкат хўжалиги деб, қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматларни бажариш мақсадида фуқароларнинг пайчиликка асосан оилавий пудрат асосида уюшиб, эркин, мустақил фаолият кўрсатадиган, юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритиш субъектига айтилади. Улар ўтиш даврида қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг асосий, яъни йирик товар ишлаб чиқарувчи шакли бўлиб қолмоқда. Уларнинг ихтиёрига қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисми узоқ муддатга, яъни 10-50 йилга ижарага фойдаланишга берилмоқда. Уларнинг иқтисодий негизини, яъни мулкчини пай (улуш) асосида ташкил этилган пайчиларнинг жамоа мулки ташкил этади. Ширкат хўжаликларининг барча мулки (ерларнинг қийматини қўшиб) аъзоларига пай шаклида бўлиб берилади. Шунинг натижасида ширкат аъзолари мулк эгаси бўлмоқдалар. Бу ҳол уларга барча мулкка эгалик қилиш, бу мулкдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Мулк ва мулкый муносабатлар ниҳоятда мураккаб ҳамда муҳим масаладир. Уни талаб даражасида ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликлари заминида қайта ташкил этилади. Фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжалигини ширкат хўжалигига айлантириш хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси

қарорига асосан амалга оширилади. Ушбу қарор ўзгартирилаётган хўжаликнинг кредиторларига ҳам ёзма равишда етказилади.

Шу қарорга асосан ширкат хўжалигига айлантирилаётган хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ва аъзоларидан иборат комиссия тузилади. Туман ҳокимининг қарори билан комиссия ишида туман ҳокимлиги, молия ва солиқ идоралари, банклар, касаба уюшмаси вакиллари иштирок этадилар. Комиссия зиммасига ниҳоятда муҳим масалалар юклатилган. Улардан бири янги ташкил этилаётган ширкат хўжалигининг Устав лойиҳасини тайёрлаш. Унда қуйидаги масалалар батафсил ақс эттирилиши лозим:

4. **Умумий қоидалар.** Бунда ташкил этилаётган ширкат хўжалигининг номи; қайси жамоа хўжалиги асосида ташкил этилганлиги; хўжаликнинг юридик шахс мақомига эга бўлиши, маъсулияти, бурчи, манзили ҳамда фаолият муддати қайд этилади.

5. **Ширкат хўжалиги фаолиятининг мақсади ва соҳаси.** Бунда хўжаликнинг кенг қиррали фаолиятининг туб мақсади кўрсатилади. Мақсад ниҳоятда теран, мазмунли барча имтиёзлар эътиборга олинган ҳолда баён этилиши, у муваффақиятли ҳал қилинишини таъминловчи соҳалар аниқ, батафсил ёритилган бўлиши керак.

6. **Ер участкаси ва ундан фойдаланиш.** Бу бўлимда хўжаликка фойдаланиш учун бериладиган ернинг миқдори, муддати, давлат мулки эканлиги учун сотилиши, гаровга қўйилиши, айирбошланиши мумкин эмаслиги; ерлар қандай ерлардан иборатлиги ҳамда ўлчами, сифати, камайтирилмаслиги, улардан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги, фуқароларга, пудратчиларга берилиш тартиби ва бошқалар кўрсатилади.

7. **Ширкат хўжалиги мол-мулкани шакллантириш тартиби.** Бу бўлимда хўжаликнинг умумий мулки, унинг таркиби, яъни қандай мулклардан, манбалардан ташкил топиши, мулкни шакллантиришда қатнашиш тартиби ва ниҳоят, хўжаликнинг мулкка эгалик қилиши қайд этилади. Фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари амалдаги қонун талаблари асосида белгиланиши зарур.

8. **Устав жамғармаси ва уни тақсимлаш.** Бу бўлимда Устав жамғармаси, унинг миқдори, таркиби, яъни қандай жамғармалардан қандай миқдорда, фоизда ташкил этилиши, пай жамғармасининг мулкый пайларга тақсимланиши, мулкый пайнинг бошланғич қиймати, тасдиқланиши, Устав жамғармасини кўпайтириш тартиби, манбалари ўз аксини топиши лозим.

9. **Ширкат хўжалигининг аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.** Бу бўлимда кимлар, қандай тартибда хўжалик аъзоси бўла олиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ширкат хўжалиги ташкил бўладиган пайтда аъзолар таркиби, уларнинг бошланғич мулкый пайлари миқдори, уларни ақс эттириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ҳамда рағбатлантириш, ширкат хўжалигига аъзоликнинг тугатилиш тартиблари баён этилиши керак.

10. **Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкый пайлари ва уларнинг ҳисоби.** Бу бўлимда ширкат хўжалиги аъзоларининг пай жамғармасидаги

мулкий пайлари миқдори, уларнинг шакллантирилиши, тақсимланиши, уларга дивидентлар бўлаш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжат, пай жамғармаси, хўжалик аъзоларининг мулкий пайларини ўзгартириш, мулкий пайларини ҳужжатлаштириш тартиблари ва бошқа масалалар акс эттирилади.

VI. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби. Бу бўлимда ширкат хўжалиги фойдасини тақсимлаш бутунлай хўжалик тасарруфидалиги, зарарни қоплаш тартиби, хўжалик даромади (фойдаси)нинг тақсимланиши, мулкий пайлар бўйича дивидентларини шакллантириш ва бўлашни таъминлайдиган меъёрий ҳужжат ва ниҳоят, дивидентларнинг бўланиш тартиби ёзилади.

VII. Пайларни ажратиб бериш ва мерос қилиб қолдириш бўлимида қандай ҳолларда мулкий пайларни ажратиб бериш ва уларни мерос қилиб қолдириш тартиби кўрсатилади.

VIII. Ширкат хўжалигининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари. Бу бўлимда хўжаликнинг умумий мажлиси ҳамда тафтиш комиссияси бошқарув органи эканлиги, уларнинг вазифалари, ваколатлари, бошқарув органлари раҳбарларининг сайланиши, вазифалари ва бошқалар акс эттирилади.

IX. Ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот бериш, ширкат хўжалиги фаолиятини текшириш тартиби. Унда хўжаликда ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисобларини юритиш, иқтисодий ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш масалалари, хўжалик фаолияти ёритилади.

X. Ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби. Бунда хўжаликларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ҳамда тугатиш шартлари, тартиблари кўрсатилади.

Устав билан биргаликда комиссия ширкат хўжалигининг Устав жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳам тузиши зарур. Низомнинг *1-бўлими* умумий қоидалардан иборат бўлиб, унда ширкат хўжалиги пай, бўлинмас ширкат ҳамда Устав жамғармаларининг, етиштирилаётган маҳсулотларнинг, мол-мулкларнинг эгаси эканлиги, улардан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эгалиги акс эттирилади.

2-бўлим. Устав жамғармасини шакллантириш масалалари акс эттириладиган бўлим бўлиб, унда ширкат хўжалиги Устав жамғармасининг аҳамияти, уни шакллантириш манбалари, бу манбалардан фойдаланиш, жамғарма миқдорини ўзгартириш тартиби, асосий ва айланма воситалар, маблағлар таркиби батафсил ёзилади.

3-бўлим. Устав жамғармасини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш кўзда тутилган бу бўлимда хўжаликнинг Устав жамғармаси пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармалардан ташкил топиши, пай жамғармаси бош қисм сифатида ширкат хўжалиги аъзолари ўртасида тақсимланиши, хўжалик пай жамғармасининг умумий суммаси ва аъзолар мулкий пайларининг миқдори

хўжалик аъзоларининг умумий мажлисида бегиланиши, дивидентларни тақсимлашда пай жамғармаси таркибига ер участкаларининг қийматини кўшиш кўрсатилади. Қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати эса махсус кўлланма ёрдамида аниқланади. Бунда ерларнинг турлари, миқдори, банитет баллари, экинларнинг салмоғи, ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси ҳамда ер участкаларининг жойлашганлиги эътиборга олинади. Ерларнинг қиймати хўжалик Устав жамғармасининг умумий миқдорини кўпайтирмаслиги алоҳида таъкидланиши зарур. Чунки ер давлат мулки. У пай шаклида аъзоларга тақсимланмайди, балки унинг қиймати тақсимланади. Мазкур бўлимда пай жамғармасини ўзгартириш шартлари, тартиблари ҳам ёритилиши лозим.

4-бўлим. Устав жамғармасининг ҳисоб-китоби ва уни рўйхатга олиш тартиби баёнини қамраб олади. Бу бўлимда Устав жамғармаси бухгалтерияда қандай тартибда ҳисобга олиниши, хўжалик аъзоларининг махсус рақамли муҳрланган реестр китоби ҳамда шахсий ҳисоб ва рақамларининг юритилиш тартиби ёритилиши шарт.

5-бўлим. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда Устав жамғармасини тақсимлаш тартиби қайд этиладиган бу бўлимда хўжаликни тугатиш учун тузилган тугатиш комиссияси матбуотда хўжаликнинг тугатилиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг даъволарини қабул қилиш шартлари, муддатлари, уларни кўриб чиқиш вақтида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда бўлинмас жамғарманинг аъзолар ўртасида мулкӣ пайларга мос равишда тақсимланиши акс эттирилади.

Комиссияда ширкат хўжалигининг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тузилади. Унинг умумий қоидалардан иборат *1-бўлимида* хўжаликнинг бўлинмас жамғармаси хўжалик тасарруфида бўлиши ҳамда пайчилар ўртасида тақсимланиши, уни қандай йўналишларда ишлатиш, назорат этиш тартиби ёзилади.

2-бўлим бўлинмас жамғармани ташкил этиш ва ундан фойдаланиш масалаларини ўз ичига олади. Ундан ширкат хўжалиги ташкил этилаётганда бўлинмас жамғарма умумий мажлис қарорига кўра, Устав жамғармасининг қирқ фоизидан кам бўлмаслиги, соф фойда бу жамғарманинг асосий манбаси эканлиги, хўжалик ундан мустақил равишда фойдаланиши ёзилади.

3-бўлим бўлинмас жамғарманинг ҳисоб-китоби қайдидан иборат бўлади. Унда хўжаликнинг бўлинмас жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш ҳисоб-китоби, унинг объектлари ва манбалари бўйича рўйхатга олиниши акс эттирилади.

4-бўлим ширкат хўжалигини тугатишда бўлинмас жамғармани тасарруф қилиш масалаларига бағишланади. Бу бўлимда умумий қоидалар бўйича хўжалик тугатилаётганда бўлинмас жамғарманинг тақсимланиши ёритилади.

Пай жамғармасини шакллантириш, мулкӣ пайларни тақсимлаш ва улар бўйича дивидентлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тузилади. Бу низомнинг

1-бўлими умумий қоидаларга бағишланиб, унда пай жамғармасининг ташкил топиши, мулкӣй пайларга бўлиниши кўрсатилади.

2-бўлимда мулкӣй пайни ҳисоблаш тартиби баён этилади. Унда мулкӣй пайни ҳисоблаш учун ширкат хўжалигида ишлаган ва ишлаётган аъзоларнинг фаолият кўрсатган даври (стажи) ва охириги йилдаги ўртача иш ҳақи акс этирилади. Уни ҳисоб-китоб қилиш учун олинадаган даврни хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси тасдиқлайди. Ҳар бир аъзонинг меҳнат (стажи) даври тасдиқланган йилдаги ўртача йиллик иш ҳақиға кўпайтирилиб, унинг йил-сўми жамланиб, жами ишловчиларнинг йил-сўмлари чиқарилади. Сўнгра ширкат хўжалигида ишловчи аъзолар ўртасида тақсимланадиган пай жамғармаси юқорида аниқланган жами йил-сўмлар миқдориға тақсимланиб, бир йил-сўмға тўғри келадиган мулкӣй пайни акс этирувчи рақам аниқланади. Бу рақам ҳар бир ишловчининг йил-сўмиға кўпайтирилиб, ширкат хўжалигидаги ҳар бир аъзонинг мулкӣй пайи суммаси белгиланади.

Нафақахўрларға тақсимланадиган мулкӣй пай суммаси ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий аҳволиға қараб жами пай жамғармасининг ўн фоизгача бўлган қисми миқдорида бўлишини умумий мажлис белгилаб беради. Сўнгра ҳар бир нафақахўрнинг хўжаликда ишлаган даври (стажи) аниқланади ва уларнинг умумий йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади. Нафақахўрларға ажратилган мулкӣй пай суммаси барча нафақахўрларнинг умумий меҳнат давриға (стажига) тақсимланиб, бир йиллик стажға тўғри келадиган мулкӣй пай қиймати аниқланади. Бу қиймат ҳар бир нафақахўрнинг умумий стажига кўпайтирилиб, унинг мулкӣй пайи қиймати (суммаси) ҳисобланади.

3-бўлимда ширкат хўжалиги пайчи-аъзолари таркибини ва уларнинг мулкӣй пайларини аниқлаш тартиби баён этилади.

Пайчиликка асосланган ёпиқ турдаги ширкат хўжаликларида ҳар бир хўжалик аъзосиға тегишли мулкӣй пай суммаси аъзонинг номи ёзилган гувоҳномада акс этирилади ва унга берилади. Очиқ турдаги пайчилик хўжаликларида эса гувоҳномада пай эгасининг номи ёзилмайди, хўжаликдаги ҳар бир аъзонинг мулкӣй пайи таркиби кўрсатилади. Ҳар бир аъзонинг бошланғич мулкӣй пайи, кўшимча пай бадали, мулкӣй пайнинг йиллик кўпайган суммаси ҳамда тўланган дивидентлар аниқланади. Ҳар бир ишчининг мулкӣй пайини кўшимча кўпайтириш манбалари ҳам ёзилади.

4-бўлимда мулкӣй пайни ажратиб чиқариш ва мерос қилиб қолдириш тартиблари қайд этилади. Бунда амалдаги қонунларнинг талабларига таянилади.

5-бўлим дивидентларни шакллантириш ва тўлаш тартибларини ўз ичига олади. Унда дивидент сифатида тўланадиган соф фойда суммаси ёзилади. Бу сумма мажлис қарориға кўра белгиланади. Бир сўмлик мулкӣй пайға тўғри келадиган дивидент суммаси соф фойданинг дивидентлар тўлаш учун ажратилган суммасини пай жамғармаси қийматиға бўлиш орқали аниқланади. Аниқланган кўрсаткич хўжаликдаги ҳар бир аъзонинг мулкӣй пайи қийматиға кўпайтирилиб, ҳар бир аъзоға бериладиган дивидент суммаси белгиланади. Бу

пай суммаси бухгалтерияда белгиланган тартибда йилига бир марта ҳисобланиб, умумий мажлис томонидан тасдиқланади. Дивидентларнинг қандай ҳисобланганини тафтиш комиссияси назорат қилади. Бу жараёндаги келишмовчиликлар белгиланган тартибда ҳал этилади.

Комиссия томонидан тузилган юқоридаги ҳужжатлар ҳўжалик бошқаруви томонидан кўриб чиқилиб, ҳўжалик аъзоларининг умумий мажлиси муҳокамасига кўйилади. Ушбу мажлис ҳўжалик Устави лойиҳасига ўзгартиришлар, кўшимчалар киритиб, уни тасдиқлайди, шунингдек, ширкат ҳўжалигининг бошқарувини, унинг раисини, тафтиш комиссиясини сайлайди. Бу ҳолда умумий мажлис таъсис мажлиси ҳисобланади. Муҳокама этилаётган ҳужжатларда жиддий камчиликлар бўлса, улар тафтиш комиссиясига қайтарилади. Таъсис мажлисидан сўнг тегишли ҳужжатларни топшириш далолатномаси тузилади. Улар комиссия раиси, ширкат ҳўжалигининг раиси ҳамда масъул раҳбарлар томонидан тасдиқланади. Ширкат ҳўжалигининг раиси уч кун муддатда ширкат ҳўжалиги жойлашган жойдаги туман ҳокимлигига таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиши лозим. Ҳўжаликни давлат рўйхатидан ўтказиш конунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ширкат ҳўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб жамоа ҳўжалиги ширкат ҳўжалигига айлантирилган ҳисобланиб, гувоҳнома берилади.

Дивидент – бу, ширкат ҳўжалиги ихтиёрида мавжуд бўлган барча турдаги мулкларни тадбиркорлик билан самарали ишлатиш натижасида олинган фойданинг мулкдорларга бериладиган қисмидир. Қайта ташкил этилаётган ширкат ҳўжаликларида дивидент бериш учун умумий мулкдаги улушларига даъвогарлик қилаётган жисмоний шахсларни аниқлаш лозим. Уларга:

- а) қайта ташкил этилаётган жамоа ҳўжалигида меҳнат қилаётган аъзолар;
- б) шу ҳўжаликда ишлаб, нафақага чиқиб, унинг ҳудудида яшаётган фуқаролар;
- в) ҳўжаликда ишлаб, кейинчалик юқори лавозимларга сайланиб, четда меҳнат қилаётганлар;
- г) ҳўжаликда ишлаб, ҳарбий хизматга чақирилганлар ҳамда йўлланма билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига юборилганлар киради.

Мулкка даъвогарлар сафига ижтимоий соҳаларнинг ҳўжалик ҳудудида жойлашган бўғинларида ишлаётганлар, айрим ҳолларда марҳум нафақахўрлар ҳам киритилиши мумкин. Бу масала ҳўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида ҳал этилади. Мулкка даъвогарлик қилувчилар аниқланганидан сўнг уларнинг ҳар бирига мулккий ҳуқуқларини тасдиқловчи, номи ёзилган гувоҳнома берилади. Уларга ширкат молия-ҳисоб марказида шахсий ҳисоб рақами очилади.

Мулкка даъвогарлик қилувчилар аниқланганидан сўнг қайта ташкил этилаётган ширкат ҳўжалиги ихтиёрида бўлган мулкнинг умумий миқдори, қиймати, яъни Устав жамғармаси аниқланади. Ҳўжаликнинг Устав жамғармаси

асосий ва айланма фондлар ҳамда маблағлар йиғиндисидан ташкил топади. Уларга машина, тракторлар, бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, ишчи-маҳсулдор моллар, кўп йиллик дарахтлар, жорий ва валюта ҳисобидаги, кассадаги маблағлар, кимёвий воситалар, ёқилғилар ва бошқалар киритилади.

Устав жамғармасининг умумий қийматини аниқлаш жуда муҳим масала. Уни аниқлашда турли хилдаги баҳолардан фойдаланиш мумкин. Чунончи:

23. маҳсулдор ва иш ҳайвонлари, боқувдаги қўй-бузоқлар, молия маблағлари – баланс баҳолари бўйича, айримлари бозор конъюктураси баҳосида;

24. валюта маблағлари эса – Республика Миллий банкининг тижорат курси бўйича;

25. қишлоқ хўжалик техникалари, автомашиналари, агрегатлар, кўп йиллик экинлар ва бошқалар – амалдаги ва бозор баҳосида;

26. ишлаб турган, тўла амортизация қилинган асосий воситалар – комиссия белгилаган баҳода;

27. айланма фондлар жорий нархларда баҳоланади ва бошқалар.

Ширкат хўжалигининг шундай тартибда аниқланган Устав жамғармаси бўлинмас ва мулк пай жамғармаларига тақсимланади. Пай жамғармаси юқорида кўрсатилган тартибда аниқланган аъзолар (мулкка даъвогарлик қилувчилар) ўртасида қиймат (пул) шаклида тақсимланади. Мулк сифатида тақсимланадиган пай жамғармасининг умумий қиймати (суммаси) Устав жамғармасининг 60 фоизини ташкил этиши лозим. Пай жамғармасига киритилган техникалар, бино, иншоот, ускуна ва жиҳозлар асл ҳолатида (натура шаклида) пайчиларга тақсимланмайди. Ширкат хўжалигининг пай жамғармасига хўжалик ихтиёридаги ер участкаларининг қиймати ҳам қўшилади. Қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати эса «Ўздаверлойиха» институтининг «Ер кадастри» филиали томонидан 1998 йилда ишлаб чиқилган йўриқномадан фойдаланган ҳолда аниқланади. Масалан, қайта ташкил этилган ширкат хўжалигининг Устав жамғармаси 50 млн. сўмга тенг, шундан 60 фоизи мулкка даъвогарлик қилувчиларга тақсимланадиган пай жамғармасига ажратилади. Унинг суммаси 30 млн. сўмни ташкил этади. Хўжаликдаги қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати 10 млн. сўмга баҳоланган. Тақсимланадиган пай жамғармасининг умумий қиймати 36 млн. сўмга тенг. Шу пай жамғармасининг 10 фоизи, яъни 4 млн. сўми нафақахўрларга тақсимлаш учун ажратилади.

Ширкат хўжалигининг пай жамғармаси мулкка даъвогарлик қилувчи ишчи-хизматчилар ўртасида уларнинг меҳнат фаолияти даври (иш стажи) ҳамда иш ҳақи миқдорида қараб тақсимланади. Ширкат хўжалигида ишловчи аъзоларнинг мулк пайларини аниқлаш учун қуйидаги масалаларни ҳал этиш талаб этилади:

а) ҳар бир ишловчи аъзонинг меҳнат фаолияти даври (иш стажи) ва барча аъзоларнинг жами меҳнат стажи аниқланади;

б) хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланган 3 ёки 5 йил ичида инфляция даражасини ҳисобга олувчи коэффициентлар ёрдамида ўртача иш ҳақи ҳисобланиши лозим;

в) ҳар бир ишловчи аъзонинг меҳнат фаолияти даври (стажи) унинг белгиланган йиллардаги (3-5 йилдаги) ўртача иш ҳақиға кўпайтирилиб, йил-сўми аниқланади;

г) ишловчи аъзоларнинг йил-сўмлари хўжалик бўйича жамланиб, ҳосил бўлган йиғиндига ҳар бир аъзонинг йил-сўми бўлиниб, уларга тақсимланадиган пай жамғармаси ҳиссаси, индекси аниқланади;

д) ҳар бир ишловчи аъзонинг индекси уларга тақсимланадиган мулкый пай жамғармасига кўпайтирилиб, унга тегишли мулк улуши сўмда аниқланади.

Юқоридаги тартибни 4-жадвалда келтирилган мисоллар ёрдамида исботлаш мақсадга мувофиқдир. У мулкый пай асосида қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тузиш бўйича услубий тавсияларига мослаштирилган. Пайчиликка асосланган ширкат хўжалиги 2001 йилдан 60 млн. сўм соф фойда олган. Шундан 30 млн. сўми умумий мажлис қарорига мувофиқ хўжаликнинг ишчи-хизматчиларига дивидент сифатида берилиши белгиланган. Ойлик дивидент қилиб бериладиган соф фойда хўжаликнинг пай жамғармаси суммасига (30 млн. сўм) тақсимланиб, ҳар бир сўмлик мулкый пайга тўғри келадиган фойда (дивидент қилиб бериладиган) аниқланади. Уни хўжаликнинг ҳар бир аъзоси мулкый пайи қийматига кўпайтирилиб, уларнинг оладиган дивидентларини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга нафақахўрларга ҳам мулкый пай қиймати аниқланади. Бунда мулкый пай уларнинг тугатилаётган жамоа хўжалигида ишлаган иш даври (стажи)га қараб белгиланади. Шунинг учун дастлаб ҳар бир нафақахўрнинг иш даври, сўнгра улар жамланиб, барчасининг жами иш даври (стажи) ҳисобланади. Нафақахўрлар учун мулкый пай шаклида тақсимланадиган пай жамғармасининг 10 фоизи (бизни мисолимизда 4,0 млн. сўм) уларнинг жами иш даврига тақсимланиб, 1 йилга тўғри келадиган ўртача мулкый пай суммаси аниқланади. Аниқланган рақам (сўмни) ҳар бир нафақахўрнинг иш даврига кўпайтирилиб, унинг мулкый пай улуши (сўмда) аниқланади. Ҳисобланган шу маблағ хўжалик бўйича 1 сўмлик мулкый пайга тўғри келган дивидент суммасига кўпайтирилиб, ҳар бир нафақахўрга тўғри келадиган дивидент суммаси аниқланади.

Олинадиган дивидент суммасини кўпайтириш учун ширкат аъзолари йил давомида самарали меҳнат қилишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳол ширкат хўжалигининг фаолияти ривожланишига таъсир этади. Дарҳақиқат, 1999-2001 йилларда ширкат хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги юксалди. 1999 йилда республикада 978 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса улардан 512 таси ёки 60,5 фоизи ишлаб чиқаришини фойда олиш билан якунлаганлар. Улар олган фойда 6,4 млрд. сўмни ташкил этган. 2000 йилга келиб 850 та ширкат хўжалиги фаолиятини 17,3 млрд. сўм фойда олиш билан якунлаган, олинган фойдадан ширкат аъзоларига дивидент тўлаш учун 1999 йилда 1,1 млрд. сўм, 200 йилда эса 3.9 млрд. сўм ажратилган. Шу йиллар ичида дивидент

шаклида ажратилаётган маблағ 3.5 баравар ошган. Бундай ҳол ширкат аъзоларининг моддий манфаатдорлигини юксалтиришга таъсир этмоқда.

Юқори манфаатга эга бўлган ширкат аъзоларининг самарали меҳнатлари таъсирида ширкат хўжаликлари фаолияти ҳам республикада маълум даражада юксалиб, салмоқли ўринга эга бўлмоқда. 2003 йилнинг бошига келиб республика қишлоқ хўжалигида барча жамоа хўжаликлари негизида 1866 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатиб, улар 3114 минг тонна дон маҳсулотлари ҳамда 3 млн. тоннага яқин пахта хомашёси етиштирган.

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛОВЧИ АЪЗОЛАРНИНГ МУЛКИЙ УЛУШЛАРИНИ ВА
ДИВИДЕНТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ*

№	Ф.И.Ш.	Иш ста- жи	Аъзoning йиллик иш ҳақи, сўм			Иш ҳақларининг йиллар бўйича инфляция даражасига мувофиқ айлантирилган коэффициентлари			1998- 2001й. бўйича коэффи- циентлар орқали айланти- рилган иш ҳақлари- нинг жами	1998- 2001й даги ўртача иш ҳақи, сўм	Аъзoning йил- сўми, минг йил- сўмда	Хўжалик бўйича 1 йил-сўмга тўғри келадиган мулккий пай миқдори, сўм	Аъзoning мулккий пайи, сўмда	1 сум- лик мулккий пай фойда- си (диви- денд), сўмда	Аъзoning пай эгаси сифатида оладиган дивиден- ди, сўмда
		йил	1996	1997	1998	1996	1997	1998	сўм	(10га:3 га)	(3гр x11гр)	(пай жамғар- маси:12)	(12гр x13гр)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Алиев А	20	25000	27500	29000	2,06	1,75	1,1	131525	43841,7	876,8	0,026	22797	0,75	17098
2	Ботиров А	17	23000	24600	26000	2,06	1,75	1,1	119030	39676,7	674,5	0,026	17537	0,75	13153
-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
10	Яхшиев А	15	21000	22500	24500	2,06	1,75	1,1	109585	36528,3	547,9	0,026	14245	0,75	10684
	Жами	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1040000	0,026	36000000	0,75	30000000

* Мулккий пай асосида қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тузиш бўйича услубий тавсияларга мослаштирилган.

4.4. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, уларнинг ривожланиши

Республика қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида бошланди. Унда асосан фаолият кўрсатаётган колхозлар, совхозлар таркибида мустақил фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлмаган деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этила бошлади. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, уларни колхоз ва совхозларга топширар эдилар. Бу жараён қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшди. Лекин деҳқон (фермер) хўжаликлари мустақил бўлмаганлиги муносабати билан барча иқтисодий муносабатларни бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган даражада амалга ошира олмадилар. Бундан ташқари моддий манфаатдорлик ҳам талаб даражасида бўлмади. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 1991 йилдан бошлаб мустақил, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этила бошлади. 1998 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари шу тўғридаги қонунга биноан ташкил этилиб ривожлантирилмоқда.

Ҳозирги даврда фермер хўжалиги ўзига узоқ (10 йилдан 50 йилгача) муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Фермер хўжаликлари танлов асосида захира ва махсус республика фонди ҳисобланган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаган ерларда ва ҳудудларда, шунингдек, сурункасига зарар кўриб, кам рентабелли ҳисобланган қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкат хўжаликлари) негизида қонунларда белгиланган тартибда ташкил этилади.

Фермер хўжалигини шу хўжаликнинг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли билим-малака ва иш тажрибасига, яхши муомала қилиш қобилиятига эга бўлган баркамол аъзоларидан бири бошқариши мумкин. Фермер хўжалигининг Уставидаги Устав фондида кўрсатилган қуйидаги воситалар, маблағлар унинг мулки ҳисобланади. Чунончи:

28. уй-жойлар, хўжалик иншоотлари, қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатзорлари, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва моллари, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари;

29. ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотлар;

30. ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан, иш ва хизматлар кўрсатишдан тушган пул маблағлари, олинган фойда;

31. олинган кредит маблағлари;

32. аъзоларининг қимматли қоғозлари, улар эвазига олинган дивидентлар;

33. юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз хайрия, эҳсонлари ва бошқалар.

Шу мулклардан самарали фойдаланиш натижасида хўжаликни ривожлантириш аксарият унинг аъзлари шахсий меҳнатига боғлиқ. Бу шаклдаги хўжалик фаолият кўрсатиш жараёнидаги ишларга айрим ҳолларда, яъни аъзоларининг қуввати етмаганда меҳнат шартномасига асосланган ҳолда ишчи – хизматчиларни ёллаши мумкин.

Фермер хўжалиги ўз мулкидан, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда ихтисослашиши бўйича шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш, хизматлар кўрсатиш, маҳсулотларни сотиш, шунинг натижасида олган пул даромадларини тақсимлаш, ишчи-хизматчиларини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш, фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган фаолиятларни кўрсатади. Унинг иқтисодий негизини 1 оила аъзоларининг мол-мулки, маҳсулотлари ташкил этади ва хўжалик фаолиятини «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун асосида юритади. Фермер хўжалиги ўз мулки, ижарага олган ерлардан, машина, техникалардан самарали фойдаланган ҳолда талаб этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланади. Тадбиркорликнинг бу шакли иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда салмоқли ўринни эгаллайди. АҚШ, Франция, Голландия давлатларида улар жуда яхши ривожланган.

Республикамизда ҳам фермер хўжаликлари аста-секин ривожланмоқда. 2002 йилнинг 1 январига уларнинг умумий сони 55445 тага етган. Уларга 1054,7 минг гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилган. Шу майдонда 386,2 минг раҳбар ва ишчи фаолият кўрсатмоқда, шулардан 10,3 фоизи вақтинча ёлланган ишчилардир. Уларнинг бажараётган ишлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2001 йилда бу хўжаликларда 744 минг тонна дон, 664 минг тонна пахта, 30,3 минг тонна картошка, 55,6 минг тонна полиз, 42,6 минг тонна турли хилдаги мева ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштирилди. Фермер хўжаликлари пахта ва дон маҳсулотларини белгиланган давлат буюртмаларини бажариш учун шартномалар асосида давлат ташкилотларига сотмоқдалар. Бошқа маҳсулотларни шартнома асосида эркин ҳолда сотиб, пул даромадларини кўпайтирмоқдалар.

Фермер хўжаликларининг иқтисоди жамоа, ширкат хўжаликларидагига нисбатан юқорироқ бўлмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд, яъни жамоа, ширкат хўжаликларида асосий воситалар нисбатан кўплиги сабабли уларнинг харажатлар таркибидаги салмоғи фермер хўжалигидагидан юқори, шунингдек, умумишлаб чиқариш, умумхўжалик харажатлари ҳам кўпроқ. Деҳқон хўжаликларида харажатлар асосан уруғлик, ёқилғи, озуқа ҳамда агротехник тадбирларни амалга оширишга сарфланади. Бу хўжаликлар ихтиёридаги воситалардан фойдаланганлик учун уларни эскириши билан боғлиқ бўлган харажатлар доимо ҳам ҳисобга олинмайди. Бундай ҳол талабга жавоб бермайди. Шунинг учун бу масалани ижобий ҳал этиш зарур.

Ҳозирги даврда фермер хўжаликларининг ер майдони бўйича ҳажми жуда кам. 2002 йилнинг 1 январига республика миқёсида 1 та фермер хўжалигига ўртача 19 гектар ер берилган. Бу кўрсаткич 8,7 гектардан (Андижон вилоятида) 36 гектаргача (Қорақалпоғистон Республикасида) етиштирилаётган маҳсулотлари ҳажми ҳам унчалик кўп эмас. Фермер хўжаликларининг бу ўртача кўрсаткичлари оптималга нисбатан 3-4 марта кам. АҚШ, Франция, давлатларидагига нисбатан эса ўнлаб марта кам. Шунинг учун ҳам майда фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш имконияти чекланган. Сабаби фермерлар ҳозирги даврда ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминланган эмас. Давлат томонидан берилаётган эътиборга қарамасдан улар доимо ҳам молиявий маблағлар, кредитлар билан талаб даражасида таъминланаётгани йўқ. Келажақда фермер хўжаликларини ривожлантириш самарадорлигини юксалтириш учун ташкилий, иқтисодий, ижтимоий тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳукумат томонидан фермер хўжаликлари сонини кўпайтиришга қаратилган ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2002 йилнинг 5 январида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида»ги 8-сонли қарори қабул қилинди. Унда республикадаги норентабел 37 та хўжалик фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилган. Келажақда уларни ривожлантиришни таъминлайдиган иқтисодий тадбирларни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликлари билан биргаликда мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар. Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига (меросхўрга) фойдаланишга беркитилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради. Бу маҳсулотларни даставвал ўз талабларини қондириш учун ишлатиб, ортиқчасини турли хилдаги бозорларда истеъмолчиларга сотадилар. Деҳқон хўжалиги фаолиятини «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширади. Деҳқон хўжаликлари таркибига томорқа ерларига эга бўлган оила хўжаликларини ҳам киритиш мумкин. Уларнинг асосий мақсади – шахсий меҳнатлари, мол-мулкларидан фойдаланган ҳолда ўз талабларини ҳамда бошқаларнинг талабларни қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш. Оила хўжаликлари чорвачилик, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлдиришда фаол қатнашмоқдалар. Аҳоли истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг аксарият қисмини деҳқон хўжаликлари етказиб бермоқда.

Улар 2000-2001 йилларда республикада етиштирилган жами гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 91-92 фоизини, сут маҳсулотларининг 93-94 фоизини, картошканинг 80-82 фоизини, сабзавотнинг 74-76 фоизини, пахта

хомашёсининг 17-19 фоизини, дон маҳсулотларининг эса 19-21 фоизини етиштирдилар. Боғдорчилик, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини кўшни давлатларга ҳам чиқариб сотмоқдалар. Шунинг натижасида ўз иқтисодиётини юксалтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида экинларнинг ҳосилдорлиги, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги жамоа, ширкат хўжаликларидагига нисбатан анча юқори. Чунки уларда мулк ва унга эгалик қилиш имкониятлари мавжуд. Ўз меҳнатлари натижаларига ўзлари эгалик қилади. Шундай экан, келажакда фермер, деҳқон хўжаликларининг фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча корхоналар, шу жумладан, ҳар қандай турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият кўрсатиш натижасида фойда олиши зарур. Акс ҳолда инқирозга учрайди. Демак, бундай корхоналар иқтисодиётини ривожлантириш объектив зарурият ҳисобланади. Одатда, тадбиркорлик шакллари иқтисодиётини барқарорлаштириш ҳамда юксалтириш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, сурункасига зарар кўриб фаолият кўрсатаётган корхоналар негизида тадбиркорликнинг самарали шакллари ташкил этилиб, мулкчиликнинг ҳам бошқа тури барпо этилади. Натижада мулк фойдаланувчилар ихтиёрига берилади. Чунончи, республикамиз қишлоқ хўжалигида 1998-1999 йилларда сурункасига зарар кўраётган корхоналарни санация қилиш (иқтисодий соғломлаштириш), тармоқда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари белгиланди: мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси 1999 йил 25 декабрда 453-сонли қарор қабул қилди. Қарорда 1998-1999 йилларда сурункасига зарар кўриб фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналари негизида мулкый пайга асосланган қишлоқ хўжалик кооперативларини (ширкатларни), фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш назарда тутилган.

Шу асосда вилоят ва туман ҳокимларининг ҳам қарори қабул қилиниб, комиссиялар тузилади. Бу комиссиялар ҳукумат комиссияси билан келишилган ҳолда сурункасига зарар кўриб фаолият кўрсатаётган жамоа хўжаликлари иқтисодиётини соғломлаштириш бўйича батафсил дастур тузишлари лозим. Дастурда тугатилаётган хўжалик ихтиёридаги ер майдонлари, асосий воситалар, моддий-товар воситалари, бошқа мулклар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда ортиқча ҳисобланиб, сотилиши лозим бўлган асосий воситалар, моддий-товар буюмлари, тузилган шартномалар тўлиқ текширилиши кўзда тутилиши талаб этилади. Дебиторлик қарзларини тўлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади. Санация қилиш муддатида (йигирма тўрт ой) хўжалик иқтисодиётини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ва унинг ривожланишини (бизнес режа) таъминлаш бўйича режаларнинг бажарилишини таъминлайдиган тадбирларни тузиш ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши кўрсатилади.

Хўжаликлар иқтисодиётини соғломлаштириш бўйича тузилган ҳудудий комиссиялар меҳнат ресурслари билан шуғулланадиган ташкилотлар билан биргаликда янгитдан барпо этиладиган хўжаликлар учун талаб этиладиган

меҳнат ресурсларининг миқдорини аниқлашлари лозим. Бунда маҳсулот етиштириш бўйича технологик карталар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш керак.

Туман комиссияси сурункасига зарар кўриб ишлаётган хўжаликни тугатиш тўғрисида эълон бериб, унинг негизида фермер хўжаликларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорни тегишли кредиторларга етказиб, улар билан бўладиган иқтисодий муносабатларни амалга ошириш тартибини келишиб олади. Эълонга мувофиқ мустақил фермер хўжаликлари ташкил этишни хоҳлаган хўжалик аъзоларининг аризаларини белгиланган тартиб ва мазмунда қабул қилади. Ташкил этиладиган фермер хўжаликлари тендер (танлов) асосида аниқланади. Улар тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқарилиб, давлат рўйхатидан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказилган фермер хўжаликларига тугатилаётган хўжаликнинг барча ер майдонлари, асосий воситалари, материал ва хомашёлари, дебиторлик, кредиторлик қарзлари тақсимланади. Ер майдонлари рўйхатдан ўтказилган фермерларнинг аризаларига, етиштириладиган маҳсулотларига, хўжаликдаги ишчилар сонига мувофиқ равишда бўлинади. Бунда унумли ҳамда унуми пастроқ бўлган ер майдонлари мутаносиб равишда тўғри тақсимланишига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ер майдонлари ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланганидан сўнг уларга ерга эгалик ҳуқуқини берувчи далолатнома берилади.

Тугатилаётган хўжаликларнинг мулклари ва манба билан қопланмаган кредиторлик қарзлари янгитдан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига қуйидаги тартибда тақсимланади: даставвал санация қилинаётган хўжалик ихтиёрида мавжуд бўлган барча мол-мулкларнинг миқдори, қиймати, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари суммаси белгиланган тартибда батафсил рўйхатга олинади. Хўжаликлар ихтиёридаги ижтимоий соҳа объектлари эса баланс қиймати (айрим ҳолларда эркин келишилган баҳолар) бўйича маҳаллий ҳокимият балансига ўтказилади. Шу билан биргаликда ташкил этилаётган фермер хўжаликларининг талабларидан ортиқча ҳисобланган машиналар, механизмлар, бошқа техникалар ўзга юридик ва жисмоний шахсларга келишилган бозор баҳоларида сотилиб, тушган пул хўжаликнинг кредиторлик қарзларини тўлашга сарфланади.

Ишга яроқсиз ҳисобланган машина-механизм ва техникалар белгиланган тартибда хўжалик ҳисобидан чиқарилади.

Сотилган ва ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар қиймати бошланғич баланс баҳоларида ҳисобдан чиқарилиши зарур. Тақсимладиган асосий воситаларнинг миқдори, қиймати шу суммага камайтирилади.

Санация этиладиган хўжаликлардаги ишчи, маҳсулдор, ўстириш ва боқувга қўйилган чорва ҳайвонлари ҳам тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг баҳолари (барча харажатлари қўшилиб) аниқланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ва талабни эътиборга олиб, бу молларнинг эркин сотиш баҳолари белгиланади ва улар шу баҳолар бўйича сотилади. Улар бошланғич

қийматларида ҳисобдан чиқарилиб, тақсимланадиган асосий воситаларнинг умумий миқдори ва қиймати шу суммага камайтирилади.

Юқорида кўрсатилган тартибда тугатилаётган хўжаликнинг ҳақиқатда тақсимланиши лозим бўлган мулки, дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари аниқланади.

Масалан, тугатилаётган хўжаликнинг мулки қуйидагилардан ташкил топган дейлик: жами – 200 млн. сўм.

Шундан:

- асосий воситалар қиймати – 80 млн. сўм;
- тугалланмаган қурилиш қиймати – 15 млн. сўм;
- сотиб олинган акциялар суммаси – 5млн. сўм;
- ишлаб чиқариш захиралари қиймати – 29 млн. сўм;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари – 20 млн. сўм;
- тайёр маҳсулот – 20 млн. сўм;
- келгуси давр харажатлари – 1 млн. сўм;
- пул маблағларининг суммаси – 10 млн. сўм;
- дебиторлик қарзлари суммаси – 20 млн. сўм.

Ташкил этиладиган фермерларга юқоридаги мулклардан қуйидагилар тақсимланади:

- 80 млн. сўмлик асосий воситалар;
- 15 млн. сўмлик тугалланмаган қурилиш қиймати;
- 29 млн. сўмлик ишлаб чиқариш захиралари.

Тақсимланиши лозим бўлган жами мулк қиймати – 124 млн. сўм. Шундан сотилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган мулк қиймати – 24 млн. сўм. Уларга қуйидагилар киради:

- КАМАЗ – 3 млн. сўм; автомашина;
- молхона – 4 млн. сўм;
- маҳаллий ҳокимият балансига ўтказиладиган ижтимоий соҳа объектлари – 3 млн. сўм;
- маҳсулдор моллар – 10 млн. сўм;
- боқувдаги ва ўстиришдаги чорва моллари – 4 млн. сўм.

Фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланадиган мулк 100 млн. сўмга тенг (124-24).

Шу мулк ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ўртасида ерларнинг миқдорини, сифатини эътиборга олган ҳолда қуйидаги тартибда тақсимланади: тугатилаётган хўжаликнинг жами ер майдони 3000 гектарни ташкил этган, шундан 500 гектари 40 баллик, 500 гектари 50 баллик, 800 гектари 60 баллик, 600 гектари 70 баллик, 400 гектари 80 баллик, 200 гектари 90 баллик. Ҳар хил баллик ер майдонини унинг балларига кўпайтириб, жами гектар баллини аниқлаймиз:

$$(500 * 40) + (500 * 50) + (800 * 60) + (600 * 70) + (400 * 80) + (200 * 90) = 20000 + \\ + 25000 + 48000 + 42000 + 32000 + 18000 = 165000 \text{ га/балл}$$

Тақсимланадиган мулк суммасини жами гектар баллига нисбати билан 1 гаҒбалл.га тўғри келадиган мулк қийматини аниқлаймиз. Бу қиймат хўжаликда 606 сўмни ташкил этган (100 млн. сўм: 165 минг га Ғ балл).

Шундан сўнг ҳар бир фермер хўжалигининг гектар баллини ҳам аниқлаб чиқиш зарур. Масалан, фермер хўжалигига жами 50 гектар ер берилган дейлик. Шундан 20 гектари 50 баллик, 20 гектари 70 баллик, 10 гектари 80 баллик. Унда бу фермернинг жами гектар балли 3200 ни $= (20 \cdot 50) + (20 \cdot 70) + (10 \cdot 80)$ ташкил этган. Шу гектар баллини хўжалик бўйича 1 гаҒбаллга тўғри келадиган миқдорга кўпайтириб, фермер хўжалигига тўғри келадиган мулк қийматини аниқлаймиз. У 1939,2 минг сўмни ($3200 \cdot 606$) ташкил этади. Бошқа фермер хўжаликлари гектар балли ҳам шу тартибда ҳисобланади.

Тугатиладиган хўжаликнинг кредиторлик қарзи 150 млн. сўмни ташкил этган. Уларни қуйидаги манбалар ҳисобига маълум миқдорда қоплаш мумкин:

- дебиторлик қарзини тўлаш ҳисобига – 20 млн. сўм;
- тайёр маҳсулотни сотиш ҳисобига - 20 млн. сўм;
- асосий ва айланма воситаларни сотиш ҳисобига – 21 млн. сўм;
- кредиторлик қарзини тўлаш ҳисобига – 9 млн. сўм.

Демак, тугатилаётган хўжаликнинг ташкил этилаётган фермерлар ўртасида манба билан қопланмасдан тақсимланадиган кредиторлик қарзи – 90 млн. сўмга тенг ($150 - 20 - 20 - 21 = 9$). Тақсимланадиган кредиторлик қарзини хўжаликнинг жами гектарҒбаллига бўлиб, 1 гаҒбаллга тўғри келадиган суммани аниқлаймиз.

Тугатилаётган хўжаликда 1 гаҒбаллга манба билан қопланмаган 545,5 сўм (90 млн. сўм: 165 минг га 1 балл) кредиторлик қарзи тўғри келар экан. Шу суммани биринчи ташкил этилаётган фермернинг гектар баллига кўпайтириш натижасида унга тўғри келадиган кредиторлик қарзи суммасини аниқлаймиз. Бу 1745600 сўмни (3200 га балл \times 545,5 сўм) ташкил этади.

Тугатилаётган хўжалик мулкларининг фермерлар ўртасида тақсимланган суммаси аниқлангандан сўнг фермер хўжаликларига уларнинг миқдори ва қийматини тасдиқловчи далолатнома берилади. Шундан сўнг фермер хўжаликлари кредиторлар билан қарзларини тўлаш шартларини ёзма равишда келишиб оладилар.

Фермер хўжаликлари шундай тартибда ташкил этилади.

1.

2. 4.5. Қишлоқ хўжалигидаги қўшма корхоналар

3.

Республика мустақиллигига қишлоқ хўжалик тармоғида аралаш (қўшма) мулк ва унга асосланган қўшма корхоналар бўлмаган. Мустақиллик натижасида эркин бозор иқтисоди барпо этилиши мулкчиликнинг шу турини ва унга асосланган тадбиркорлик шаклини ташкил этиш ҳамда у фаолият юритиши учун ҳуқуқий, иқтисодий асослар яратиб берди. Жумладан «Мулк тўғрисида»ги, «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари ҳамда

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Уларда мулкнинг аралаш (қўшма) шакллари мулкдорларнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил этилиши таъкидланган. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган ширкат, фермер хўжаликлари қайта ишлаш саноати корхоналари билан аралаш (қўшма) мулкчиликка асосланган корхоналарни ташкил этишда унинг шакллантирилаётган Устав фондидаги улушларини келишган ҳолда белгилашлари мумкин. Бу улуш масалан, 50:50 ёки уларнинг қўшма корхона фаолиятидаги аҳамиятига кўра, 30:70 ёки 70:30 бўлиши мумкин. Агарда ширкат ёки фермер хўжаликлари чет эл юридик шахслари (корхоналари) билан қўшма корхона ташкил этадиган бўлсалар, чет эл корхонасининг қўшган улуши умумий шакллантирилаётган Устав фондининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги шарт. Аралаш (қўшма) мулкка эгалик қилиш ҳиссавий иштирок этиш принципи асосида ҳам, шунингдек, ўз маблағларини бирлаштирган мулкдорлар ўртасида даромадларни уларнинг қўшган маблағининг улушига қараб тақсимлаш усулларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қўшма корхоналарни ташкил этиш натижасида ишлаб чиқаришни юксалтириш ривожланган давлатлардагидек республикада ҳам мустақиллик йилларида кенг раванқ топмоқда. Жумладан, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, озиқ-овқат, пахта тозалаш, мева, узум саноати тармоқларида. Лекин мамлакат қишлоқ хўжалигида қўшма корхоналарни ташкил этиш жараёни талаб даражасида амалга оширилаётгани йўқ. Бу муаммо ҳал этилишини таъминлайдиган асосий шартлар мавжуд. Энг аввало чет эл корхоналарининг ҳамда фуқароларининг қонун доирасида эркин фаолият юритиш ва мулкка эгалик қилиш кафолати таъминланган. Шунинг билан биргаликда экологик жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан барқарор равишда ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, пахта хомашёси, буғдой, шоли, қарам, помидор, узум, ўрик, олма, қовун, тарвуз, ер ёнғоқ, гўшт, сут, қорақўл териси, жун, қимиз, қумрон, турп, сабзи ва инсон организми учун зарур моддаларга бой бўлган бошқа маҳсулотлар.

Уларни қайта ишлашда ўзларининг меҳнатларини сарфлайдиган оддий, серҳаракат, инсофли, диёнатли, янги техника ва технологияга чанқоқ бўлган фуқаролар ҳам мавжуд.

Республикада халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи чет эл юридик ва жисмоний шахсларига солиқ ҳамда божхона тўловларига оид айрим имтиёзлар ҳам жорий этилган. Келажакда республикада чет эллик инвесторларга яратилган барча имкониятларни етказиб, уларни тушунтира оладиган ҳамда уларни ишонч ва эътиборларини қозониш имкониятига эга бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг раҳбарларига, тадбиркорларига кўп нарса боғлиқ. Улар ташқи бозорни ўрганган ҳолда манфаатдор ҳамкорларни қидириб топишлари лозим. Бунинг учун анча билим ва меҳнат сарфлаш талаб этилади. Улар ташқи бозорда ўзларини ва маҳсулотларини танитиш билан бирга ўз ўринларини эгаллашга интилишлари

керак. Шундай тадбирлар натижасида чет эллик ҳамкорларни топиш мумкин. Уларнинг маблағларини жалб этиш орқали бу борадаги фаолиятини ривожлантиришга эришиш мумкин.

Республика қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни истеъмол учун тайёр бўлган маҳсулотларга айлантириш учун турли хилдаги қўшма корхоналарни ташкил этиш мумкин. Бу жараён мамлакат қишлоқ хўжалигига янги техникалар, илғор, самарали технологиялар кириб келишини таъминлайдиган чет эл валюталари оқимини кўпайтиради. Натижада тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва мақсадга мувофиқ жойлашиши таъминланади. Қишлоқ хўжалигида қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши халқаро миқёсда меҳнат тақсимотини ривожлантиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Улар туфайли қўшимча иш жойлари ташкил этилиб, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинишига маълум даражада улуш қўшилади. Бу корхоналарда фаолият кўрсатаётганларнинг моддий шароити яхшиланишини таъминлайди. Пировард натижада аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминланиш даражаси юксалиб, турмуш даражаси ошади.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган аграр-иқтисодий ислохотлар натижасида нодавлат турлар ҳисобланган жамоа, шахсий, хусусий ва аралаш мулкчилик шакллари босқичма-босқич барпо этилиб, муттасил ривожлантирилмоқда.

Жамоа мулкчилигига асосланган жамоа, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, шахсий ва хусусий мулкчилик асосида фермер ва деҳқон хўжаликлари ва кичик корхоналар ташкил қилиниб, тараққий эттирилмоқда.

Аралаш (қўшма) мулкчилик негизида қўшма корхоналар ташкил этилмоқда, лекин уларнинг ривожланиши ҳозирги даврда талабга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Келажакда шахсий, хусусий ҳамда аралаш мулкчиликка асосланган корхоналарни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- Тармоқда мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий асослари қайси қонунларда ўз аксини топган?
- Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг қандай шакллари мавжуд?
- Қишлоқ хўжалигида қандай мулк субъектлари мавжуд?
- Нималар корхоналарнинг мулк объекти ҳисобланади?
- Жамоа, ширкат хўжаликлари ҳақида тушунча беринг.
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари таърифини изоҳлаб беринг.

- Фермер хўжаликлари ривожланишининг самарадорлигини исботлаб беринг.
- Қўшма корхоналар ҳақида тушунча беринг.

Асосий адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, «Адолат», 1997.
- Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
- Абдуғаниев А. Тадбиркорлик шакллари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги»-ж. 1998, 3-сон.
- Абдуғаниев А. Фермерчилик муаммолари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги»-ж. 5-сон, 2001.
- Усмонов С.Н, Дадабаев Ю.Т. Дехканское (фермерское) хозяйства Т.1997.
- Сулейменов М. Америка қишлоқ хўжалиги. Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2000.

V боб. ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

5.1 Ер-сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби, фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши

Ернинг жамиятдаги аҳамияти беқиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Демак, ернинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти улкан. Чунки у шу тармоқнинг энг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ерга уруғ, кўчат экиб, ишлов бериш натижасида турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Демак, тармоқда етиштириладиган барча турдаги маҳсулотлар ердан, сувдан фойдаланган ҳолда олинар экан. Инглиз иқтисодчиси Уильям Петтининг айтишича, «ер бойликнинг онаси...».

Республика деҳқончилиги суғоришга асосланган. Шунинг учун сув ҳам ер каби энг зарур восита ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидан олинаётган маҳсулотлар, масалан, пахта, шоли, тамаки, сабзавот, полиз, маккажўхори, буғдой, арпа, ем-хашақларнинг аксарият қисми суғориладиган ерларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ерлардан олинади. Саноатнинг қишлоқ хўжалик хомашёларига, аҳолининг эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ерлардан, сувлардан қанчалик оқилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми шунчалик кўпаяди, натижада юқорида таъкидланган талабларнинг қондирилиш даражаси ортади. Лекин ердан асосий восита сифатида фойдаланишда унинг бир қанча хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

а) ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги. Она замин табиатан чекланган, унинг майдонини инсон кенгайтира олмайди. Чунки у табиат маҳсули ҳисобланади. Бошқа асосий воситаларни, масалан тракторларни, машиналарни талабни қондириш мақсадида хоҳлаганча ишлаб чиқариш мумкин;

б) ернинг табиат маҳсули эканлиги. Ерни табиат яратган. Шунинг учун уни келажакдаги тақдири табиатга боғлиқ. Бошқа асосий воситалар, яъни бинолар, иншоотлар, комбайнлар, тракторлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Зарурият туғилганда улар инсон томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Ерни эса инсон ишлаб чиқара олмайди;

в) ер - қишлоқ хўжалигининг абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Республика ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда биздан олдинги авлодлар фойдаланган, ҳозирги даврда биз фойдаланмоқдамиз, келажакда эса авлодларимиз фойдаланади;

г) ерни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган. Ундан

жойлашган маконида, яъни стационар ҳолатда оқилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли хилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни ҳам талаб этилган жойга қуриш мумкин;

д) ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши қараш натижасида унинг ошиб бориши. Дарҳақиқат, тупроққа вақтида ишлов берилса, ўғитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши оқибатида жисмоний жиҳатдан ишдан чиқади. Улар вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти натижасида маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Лекин ерга эътибор берилса, ундан фан-техника ютуқларини жорий этган ҳолда оқилона, самарали фойдаланилса, унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Аммо бу, унинг унумдорлиги чекланмаган, дегани эмас. Шундай экан, ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлиги катта аҳамият касб этади. Ҳаётда тупроқ унумдорлигининг қуйидаги турлари мавжуд: табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлик. Тупроқнинг табиий унумдорлиги—табиат маҳсулидир. У табиатнинг таъсири натижасида узок йиллар мобайнида шаклланади. Унинг ҳолати куёш нури ҳамда ёғингарчилик миқдорига, шамол ва сувларнинг таъсирига боғлиқдир. Уларнинг ижобий таъсирида тупроқ табиий унумдорлиги яхши бўлади. Сунъий ва иқтисодий унумдорлик эса инсон меҳнати натижасида шакллантирилиб, оширилиши мумкин. Жумладан, меҳнат, маблағ сарфлаб, ерларнинг ирригацион, мелиоратив ҳолатини яхшилаб, уруғ экиб, уларни ўғитлаш, яхши сифатли ишлов бериш орқали тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги юксалтирилиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларнинг сифати ҳам барча вилоятларда бир хилда бўлмай, бир-бирларидан фарқ қилади.

Масалан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг аксарият ҳудудларида экинларни суғоришда фойдаланиладиган сувларнинг сифати яхши, яъни уларнинг таркибида ҳосилдорликка салбий таъсир этувчи турли хилдаги минераллар кам, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудудларида фойдаланилаётган сувларнинг таркибида хлор ва бошқа моддалар кўп. Шунинг учун ҳам уларнинг сифати ниҳоятда ёмон. Бундай ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига, сифатига салбий таъсир кўрсатади. Келажакда ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувларнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш орқали зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини, миқдорини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

2002 йилнинг 1 январига республикаимизнинг умумий ер майдони 44410,3 минг гектарни ташкил этган. Шу майдон фойдаланувчилар бўйича қуйидагича тақсимланган (5-жадвал).

**Ўзбекистон Республикасининг ер фонди ва унинг фойдаланувчилар
бўйича тақсимланиши***

№	Ердан фойдаланувчилар	1999 йил		2001 йил	
		минг. га	фоиз	минг. га	фоиз
	Жами ер фонди Шундан	44405.0	100.0	44410.3	100.0
1	Қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари фойдаланаётган ерлар	25295.9	57.0	24968.6	56.3
2	Ўрмон хўжалик корхоналари ерлари	8696.5	19.6	8409.2	18.9
3	Саноат, транспорт, муҳофаа, алоқа ва бошқа ташкилотлар ерлари	1883.0	4.2	1928.1	4.3
4	Аҳоли яшаш жойлари	230.4	0.5	234.0	0.5
5	Захирадаги ерлар	7488.6	16.9	7469.6	16.8
6	Гидротехника ва бошқа сув хўжалиги ташкилотлари ерлари	799.3	1.8	819.2	1.8
7	Табиат муҳофазаси, соғломлаштириш ва маданий аҳамиятга эга ерлар	11.3	0.03	72.5	0.2
8	Бошқа ерлар	-	-	509.1	1.2

*Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Республикада жами ер фондининг 56,3 фоизидан қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари, 18,9 фоизидан эса ўрмон хўжалиги корхоналари фойдаланмоқдалар. Лекин 2002 йилнинг бошига улар фойдаланаётган ерлар саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ташкилотларига, аҳоли учун уй-жойлар, шаҳар хўжаликлари қурилишига ажратилиши муносабати билан 1999 йилдагига нисбатан 614,6 минг гектарга ёки 1,4 фоизга камайган. Бу жараён давом этаверади. Чунки келажакда ҳам республикада саноат, транспорт, алоқа тизими ривожланади. Аҳоли ўсиши натижасида уларнинг яхши яшаш учун қўшимча ер майдонлари ажратилаверади. Экологияни яхшилаш мақсадида табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш учун қўшимча майдонлар ажратилади. Бу ҳаёт талабидир.

Республика ер фондининг 7,2 фоизидан ҳозирги даврда юқоридаги мақсадларни ҳал этишда фойдаланилмоқда. Шунинг билан бирга келажакда мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун имкониятлар, жумладан, захирадаги ердан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ҳозирги даврда шундай ерларнинг умумий майдони 7.5 млн. гектарга яқин. Бу жами ер майдонининг 16.8 фоизини ташкил этади.

Лекин барча ер фондининг 75.2 фоизидан қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, ташкилотлари фойдаланмоқдалар. Шу майдоннинг 26694.1 минг гектари қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобланади (6-жадвал).

Республика қишлоқ хўжалик ерларининг таркиби

Қишлоқ хўжалик ер турларининг номи	1999 й		2000 й.	
	минг га	% да	минг га	% да
Жами фойдаланилган қишлоқ хўжалик ерлари	26766.4	100.0	26694.1	100.0
Шундан: жами экин майдони	4061.9	15.1	4056,2	15.1
Ундан				
Суғориладиган экин майдони	3317.3	12.4	3309,4	12.3
Лалми ер майдони	747.6	2.7	783,5	2.9
Жами кўп йиллик дарахтзор ерлар	355.7	1.3	342,6	1.3
Яйловлар ва пичанзорлар	22271.0	83.1	22209,7	83.1
Бўз ерлар	77.8	0.02	85,6	0.03

Уларнинг таркиби қуйидагича:

хайдаладиган ерлар. Улар суғориладиган ҳамда лалми ерлардан ташкил топган, тупроғи энг унумдор ҳисобланади. Айниқса, суғориладиган ерларники. Бу ерларда сувдан фойдаланган ҳолда пахта хомашёси, шоли, буғдой, арпанинг асосий қисми, маккажўхори, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Шунинг учун улардан йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг майдони 4056,2 минг гектарни ташкил этади.

яйловлар ва пичанзорлар. Улар 22263.4 минг гектар. Бу ерларда чорва ҳайвонлари боқилиб, улар учун турли хилдаги ем-хашаклар етиштирилади. Бу ерларда асосан қўйчилик ривожланган.

кўп йиллик дарахтзорлар майдони, яъни боғзорлар, токзорлар, тутзорлар, дарахтзорлар майдони. Кўп йиллик дарахтзорлар билан 353 минг гектарга яқин майдон банд.

Шу ерлардан фойдаланган ҳолда хўжаликлар қайта ишлаш саноатини хомашё, аҳолини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан талаб даражасида таъминлаш учун турли хилдаги маҳсулотлар етиштирмоқда. Республиканинг жами ер фонди ундан фойдаланувчилар бўйича 2001 йилда қуйидагича тақсимланган:

қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган барча корхоналарга, ташкилотларга 24968,6 минг га. ер фойдаланиш учун узоқ муддатга ижарага берилган. Бу ерлардан фойдаланган ҳолда (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси, «Ўзпаррандасаноат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ва бошқа ташкилотлар) турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадилар;

ўрмон хўжалиги корхоналарига – 8409,2 минг. га ер берилган;

шаҳар, саноат, транспорт, алоқа муҳофаа ва бошқаларга – 2671,2 минг. га ер берилган;

захирадаги ерлар – 7469,6 минг гектарни ташкил этади.

Ер майдонининг тақсимланиши келажакда у ёки бу соҳалар ривожланиши натижасида ўзгариши мумкин.

Республикада сув ресурслари манбалари бўйича чекланган. Уларнинг умумий миқдори 49,4 млрд. м³ атрофида бўлиши мумкин. Шундан 30,6 млрд. м³ ёки 61,9 фоизи йирик дарёларнинг сувида, 16,5 млрд. м³ республика ҳудудидаги майда дарёларнинг сувларидан, қолган қисми эса ер ости ҳамда коллектор-зовурлардан олинадиган сувлардан иборат. Мавжуд сув ресурслари ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмайди. Шу сув ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлатилади. Сув ресурслари давлат муҳофазасида, мулкчилик шакллари бўйича тақсимланмаган.

5.2. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби

Ер, сув қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

а) **Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффиценти (фоизи).** Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$ЕФК \text{ қ } \frac{ФЕ}{ФМЕ}; \text{ ёки } \frac{ФЕ}{ФМЕ} \times 100;$$

Бунда: ЕФК—умумий ер фондидан фойдаланиш коэффиценти, (фоизи);

ФЕ—қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

ФМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффицентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий даражаси, яъни коэффиценти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

б) **Сувдан фойдаланиш коэффиценти.** У ҳақиқатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$СФК \text{ қ } \frac{СМ}{СММ}; \text{ ёки } \frac{СМ}{СММ} \times 100;$$

Бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коэффиценти ёки фоизи;

СМ-ҳақиқатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони, га.

Буни аниқлаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични аниқлашда экинларга сув бериш меъёрига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки унга риоя қилинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коэффиценти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

в) **Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси.** Уни аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ, чигит экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ЕФС_k \frac{УЭМ}{ФМ}$$

Бунда: ЕФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЭМ- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;

ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экин экиб, фойдаланилганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экин экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

г) **Ер (экин) майдонларининг маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги.** Бу кўрсаткич асосан экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натурал ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча миқдорда (кг, цен, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ЭХ_k \frac{ЯХ}{ЭМ};$$

Бунда: ЭХ- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори, ц;

ЯХ- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ц. ёки тоннада;

ЭМ- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча миқдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қуйидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш лозим. Бунинг учун ҳар бир экиннинг ялпи ҳосили қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йиғиндисини аниқлаш керак.

$$ЕМ_k \frac{ЯМК}{ЭМ} : \frac{ЯДК}{ЭМ} : \frac{СФ}{ЭМ}$$

Бунда: ЕМ- фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланади;

ЯМК- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЭМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

д) **Сувдан фойдаланиш самарадорлиги.** Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи маҳсулот миқдори, қиймат, даромад ва соф фойда суммаси қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади:

$$СФС_k \frac{ЯХ}{ФСМ} : \frac{ЯМК}{ФСМ} : \frac{ЯДК}{ФСМ} : \frac{СФ}{ФСМ}$$

Бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув миқдори. Бу натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Бунда 1 м³ сувдан фойдаланиш натижасида қанча миқдорда пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар етиштирилганлиги ҳамда неча сўмлик ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, соф фойда олинганлиги аниқланади.

е) **Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффиценти.** Унинг даражасини аниқлаш учун шу тизимнинг охирида экинларни суғориш мақсадида берилган сув миқдорини шу тизим бошида олинган сув миқдорига тақсимлаш зарур. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$СТФК_k \frac{СТОЭБС}{СТБОСМ};$$

Бунда: СТФК – суғориш системаси (тизим)дан фойдаланиш коэффиценти;

СТОЭБС – суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ – суғориш тизимининг бошида олинган сув миқдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коэффиценти 1 га интилиши керак. Чунки суғориш системасининг бошида олинган сув экин майдонларига тўлиқ етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум миқдори тизим давомида ёки парланган ёки тупроққа сизиб кетган ёки оқиб кетган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич системанинг ҳолатини ҳам исботлайди.

5.3. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари

Ер-сув умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси» да, «Сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор

беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интилоқдалар. Республика қишлоқ хўжалигида 2002 йилнинг бошига 236,7 млн. га ердан фойдаланишга эришилган. Шу ерлардан турли мақсадларда фойдаланилмоқда. Энг асосий мақсад аҳолининг озиқ-овқат, саноатнинг эса хомашё маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун 4056,2 минг гектар (2001 й) майдонга турли хилдаги экинлар экиб, улардан юқори ҳосил олишга ҳаракат қилинмоқда. (7-жадвал).

(7-жадвал).

Республика экин майдонларининг миқдори (минг га)*

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Жами экин майдони	4229,7	4240,2	4165,0	4007,0	4116,2	4029,7	4019,5	3774,9
Шундан:								
-ғалла майдони	1280,3	1522,2	1656,5	1740,5	1757,3	1686,8	1720,5	1611,9
-техника экинлари майдони, ундан:	1731,8	1579,0	1532,6	1525,1	1536,0	1614,1	1613,0	1471,2
Пахта майдони	1695,1	1540,0	1492,2	1487,3	1511,9	1631,6	1517,4	1443,7
Картошка, сабзавот ва полиз майдони	249,8	258,4	238,2	214,6	222,4	229,5	231,4	233,8
Озуқа экинларининг майдони	967,8	876,5	731,6	521,6	500,4	497,5	452,8	458,0

*Республика Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Республикада экин экилаётган майдон йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорларни, аҳолига турар жойларни қуриш, саноат, суғориш иншоотларини барпо этиш учун ажратилиши оқибатида юз бермоқда. Бу объектив жараён келажакда ҳам юз беради. Шунинг учун ҳам мавжуд ерлардан йил давомида оқилона, самарали фойдаланиш зарур. 1993-2003 йилларда республиканинг умумий экин майдони 173.5 минг гектарга ёки 4,1 фоизга қисқарган. Лекин шу даврда ғалла майдони салкам 400 минг гектарга кўпайган. Бу ғалла ҳосили кўпайишига ижобий таъсир этди. Ғалла майдонининг кенгайиши асосан пахта ҳамда озуқа экинлари майдонлари камайиши эвазига таъминланган. Шу даврда пахта экиладиган майдон 260.6 минг гектарга, озуқа экинлари экиладиган майдон эса 410 минг гектарга қисқарган. Шу майдонлардан маълум қисми юқоридаги йўналишларга берилган. Пахта майдонининг қисқартирилиши натижасида пахта яккахокимлиги бартараф этилди. Лекин озуқа экинлари майдонларининг қисқартирилиши амалда

алмашлаб экиш тартибининг бузилишига олиб келди ҳамда чорва ҳайвонларининг мустаҳкам ем-хашак базасини барпо этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис келажакда ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш учун алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги даврда экинлар экилаётган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга барча хўжаликлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳаракат ижобий натижалар бермоқда. Сўнгги йилларда бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги ошиб бормоқда (8-жадвал).

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
таркибидаги жамоа, ширкат, давлат хўжаликларида бошоқли дон ва пахта
ҳосилдорлиги (ц)**

№	Вилоятлар	Бошоқли дон					Пахта				
		1996	1997	1998	1999	2000	1996	1997	1997	1998	2000
1	Қорақалпоғистон	13,4	14,1	14,1	20,5	22,1	13,9	18,3	10,6	13,0	13,1
2	Андижон	48,6	59,3	64,6	65,2	70,2	28,7	30,1	24,3	30,2	31,8
3	Бухоро	24,1	28,3	24,8	32,9	35,6	28,6	26,3	29,5	31,3	27,2
4	Жиззах	8	7,1	12,7	13,0	16,3	12,6	15,1	13,7	21,1	14,8
5	Қашқадарё	11,2	13,1	15,5	17,0	14,9	21,7	24,3	22,9	21,9	17,7
6	Навоий	16,3	20,9	21,7	28,1	26,8	23,2	224,6	25,7	27,3	25,1
7	Наманган	31,4	32,3	29,4	29,9	34,0	26,2	26,4	21,9	23,8	25,9
8	Самарқанд	17,3	11,6	21,7	21,8	27,8	22,2	25,8	25,8	25,2	18,0
9	Сурхондарё	25,4	27,3	26,6	14,9	21,4	31,0	28,4	27,9	25,8	21,8
10	Сирдарё	14,4	13,0	20,1	21,0	20,4	14,0	14,0	13,1	17,1	12,9
11	Тошкент	21,8	20,0	25,9	25,7	27,7	23,9	22,9	20,1	24,9	23,9
12	Фарғона	30,5	32,3	29,4	28,9	32,9	23,6	29,0	22,8	25,2	29,9
13	Хоразм	18,1	39,5	45,4	51,9	48,9	28,7	32,3	21,8	29,0	22,7
	Республика бўйича	18,9	19,3	23,0	23,3	26,8	22,5	24,1	21,0	23,7	21,7

1996-2000 йиллар мобайнида бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги республика бўйича 41,8 фоизга ошиб, 26,8 ц.ни ташкил этган. Бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятидан ташқари барча вилоятларда ошган. Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ошишининг энг асосий сабаби республика ҳукуматининг ғалла мустақиллиги сиёсати амалга оширилиши натижасидир. Бу сиёсатни амалга ошириш мақсадида барча қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари уруғчиликни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга, янги техникалардан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Етиштирилаётган доннинг бир қисми аҳолига берилиши натижасида дончиликка уларнинг ҳам қизиқиши кескин ортди. Улар ўз талабларини қондириш мақсадида ғаллачиликни ривожлантиришга интиломоқдалар.

Республикада жами экин майдонининг 38,2 фоизи, яъни 1443,7 минг гектарига (2000 й.) пахта экилди. Шу майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 21-24 ц. атрофида пахта хомашёси етиштирилмоқда. Унинг даражаси республика вилоятларида 12,9 центнердан 31,8 центнергача фарқ қилмоқда. Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳудудидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон, тупроғи шўрланган. Шунинг учун бу ерлардан кам пахта, ғалла ҳосили олинмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ерлари шўрланишдан ташқари сифатли, яъни суғориладиган сув билан ҳам тўлиқ таъминламаган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг сув ресурсларига бўлган талаби охириги йилларда (2000-2001 й.) 49,4 млрд. м³ ни ташкил этмоқда. Лекин сув манбаларида сув камлиги сабабли тармоққа 42 млрд. м³ сарфланмоқда. Натижада тармоқнинг сув билан

таъминланганлик даражаси 85 фоиздан ошмаётир. Бундай ҳол, албатта, ердан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ҳолат мавжудлигига қарамай, республикада бир қанча хўжаликлар ғалла, пахта экилган майдонлардан юқори ҳосил олиб, ердан самарали фойдаланмоқдалар. Бунинг учун улар экин экиладиган ерларни вақтида сифатли ҳайдаб, сара уруғларни янги технологиялар асосида экиб, парваришга алоқадор бошқа тадбирларни эътибор билан ўтказмоқдалар. Экинларга агротехник муддатларда сув, ўғит бермоқдалар. Етиштирилган ҳосилни ҳам қисқа муддатда сифатли қилиб йиғиштириб олмоқдалар. Бу жараёнда хўжалик раҳбарлари, мутахассислари барча имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги даврда ерлардан фойдаланиш самарадорлиги жамоа ва ширкат хўжаликларига нисбатан фермер ҳамда деҳқон хўжаликларида юқори. Масалан, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги жамоа ва ширкат хўжаликларида 24,2 ц. бўлган бўлса, фермер хўжаликларида 25,1 ц. деҳқон хўжаликларида эса 39,8 ц. бўлган, картошка ҳосилдорлиги ҳам 110,2 центнердан 173,1 центнерга сабзавот экинлариники эса 153,2 центнердан 182,8 центнерга етган. Бунга асосан мулк ва унга эгаликнинг ўзгариши, яъни манфаатдорлик таъсир кўрсатган.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ердан фойдаланиш самарадорлиги юксалишини таъминлайди.

Республикада ҳар гектар қишлоқ хўжалик еридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги 1997-2000 йиллар мобайнидагина ошган (9-жадвал). Ҳақиқатда эса шундай эмас. Чунки унга баҳоларнинг ошиши бевосита таъсир кўрсатган.

9-жадвал

Ўзбекистонда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги даражаси динамикаси

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар				
			1996	1997	1998	1999	2000
1	Пахта ҳосилдорлиги	гаҒц	22,5	24,1	21,0	23,7	21,7
2	Бошоқли дон ҳосилдорлиги	га Ғц	18,9	19,3	23,0	23,3	26,8
3	1000 м ³ сув эвазига етиштирилган:						
	- пахта хомашёси миқдори	кг	-	-	101	106	113
	- ялпи маҳсулот қиймати	сум	-	-	10410	14700	31440
4	1 га қишлоқ хўжалик еридан олинган ялпи маҳсулот қиймати	сум		2032	2496	5879	13114
5	1 балл эвазига етиштирилган пахта ҳосили	кг	41	44	38	43	39

Пахтачиликда сувдан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳам ортмоқда. Лекин эришилган натижалар ўсиб бораётган талаб даражасида эмас. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун бир

қанча ташкилий, иқтисодий тадбирларни амалга ошириш лозим. Даставвал қишлоқ хўжалик ерларини ундан фойдаланувчилар ихтиёрига узоқ муддатга фойдаланиш учун бериш масаласини тўлиқ ҳал этиш зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерларини танлов асосида юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик йили бошланишидан олдин, яъни январь, февраль, март ойларида ҳамда кузги экинларни экишдан олдин, яъни июнь, июль, август ойларида 10 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга беришни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирги даврда бу масала тўлиқ ечилмаган.

Ширкат хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларни пудратчиларга бир йилга эмас, балки камида алмашлаб экишни жорий этиш муддатига фойдаланиш учун ижарага бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ердан фойдаланувчи ижара пудратида ишлайдиган фуқароларда тўлиқ ишончни шакллантиради. Сўзсиз, бу ҳол, ердан фойдаланишга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгаришини таъминлайди.

Шулар билан биргаликда иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ечишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бу тадбирлар 27-30 минг га.да амалга оширилмоқда. Бу, сўзсиз, камдир. Агарда бу муҳим тадбир қишлоқ хўжалик корхоналарига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати етмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссдорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Ерлардан, сувлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислохотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;
ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

5.4. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри

Янги асрда ёш, мустақил, келажаги порлоқ ва буюк республикаимиз тинчликка, демократияга асосланган ҳолда сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бирига айланиши муқаррар. Бунинг учун эса у ўз ҳудудидаги барча бойликлардан оқилона, самарали фойдаланиши лозим, шу жумладан, ер-сув ресурсларидан ҳам.

2002 йилнинг бошида республикаимизнинг жами ер майдони 44896,0 минг гектардан иборат. Ер мамлакатимизнинг умумий бойлиги эканлиги Республика Конституциясида ва «Ер кодекси»да алоҳида таъкидланган. Ер -халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосидир. Ундан факат бугунни эмас, келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини кўзлаб, илмий асосланган ҳолда, оқилона, самарали фойдаланиш, уни муҳофаза этиш умуммиллий долзарб масала ҳисобланади. Ўта муҳим бу вазифа ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 23 декабрида «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом» ни тасдиқлади. Ер мониторинги республика ер фондидаги барча ўзгаришларни ўз вақтида илмий асосланган ҳолда аниқлаш, ерларга тўлиқ баҳо бериш (сифат ҳамда иқтисодий жиҳатдан), уларга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини изчил тугатиш мақсадида ернинг ҳолатини кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган ахборотлар тизимидан иборатдир. Республикаимизнинг барча ерлари мониторинг объекти ҳисобланади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республикадаги бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Низомда вазирликлар ва идоралар фаолиятини ва ер мониторинги маълумотларини умумлаштиришдек муҳим вазифа Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Демак, юксак давлат аҳамиятига молик бўлган вазифани муваффақиятли ҳал этишда қўмита таркибидаги барча идоралар, ташкилотлар фаол қатнашишлари зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «Ўздаверлойиха» институтининг Ер

кадастри шўъба корхонаси ер мониторинги амалга оширилишини таъминлашга қуйидаги йирик масалаларни ҳал этиш билан ҳисса қўшишни режалаштирмоқда: қишлоқ хўжалик ерлари тупроқ мониторингини амалга ошириш учун тупроқшунослик тадқиқотларига оид тўпланган барча маълумотларни умумлаштириб, мониторинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида республика, вилоятлар ҳамда туманлар ҳудудида асосий майдонларни ташлаш ва уларни асослаш; вақт ўтиши билан тупроқларнинг асосий хусусиятлари ўзгарганлигини исботловчи маълумотларни теран ва тўлиқ таҳлил этиш; тадқиқот олиб бориладиган асосий ҳамда экологик майдонларда тупроқларнинг ҳолатини исботловчи кўрсаткичлар мажмуасини асослаш, ташкил этиш ҳамда юритиш; тупроқнинг ҳолатини кузатиш, унга оид маълумотларни сифатли тўплаш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини сув ва шамол эрозияси таъсири оқибатида ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари шўрланганлик даражасининг ўзгариш жараёни мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари оғир металллар билан захарланганлик ҳамда захарланганлик даражасининг ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг техноген ўзгариши мониторинги; нефть маҳсулотлари салбий таъсири натижасида тупроқларнинг ифлосланиши мониторинги; барча ўсимликларнинг оғир металллар билан захарланиш даражаси мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг гербицит ва пестицидлар билан захарланиш даражаси мониторинги; минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида тупроқлар таркибидаги ўзгаришлар мониторинги амалга оширилади.

Илмий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланган бу ишларни ўз вақтида, сифатли бажариш учун малакали мутахассисларга эгамиз. Лекин, бу борада кўзланган мақсадга эришиш катта маблағни талаб этади. Бу маблағ эвазига эса корхонанинг моддий-техника таъминоти барпо этилиши ҳамда ривожлантирилиши лозим.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларининг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳукукий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида барча

ташкilot, корхоналарда фуқароларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган. Давлат ер кадастри ернинг қийматини (баҳосини) аниқлашни тақозо этиб, ўз ичига олган бўлади. Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (сотишда) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади. Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат ер кадастри ва ер тузиш хизмати органлари (Давлат ер қўмитаси) томонидан юритилади.

Демак, ер кадастри қуйидагилардан ташкил топади:

34. ердан фойдаланувчилар;

35. ер майдони, унинг таркиби, сифати;

36. ерни иқтисодий баҳолаш.

Ерларни иқтисодий баҳолаш бир қанча иқтисодий муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. Энг аввало, ер умумхалқ, давлат мулки сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Шунда мамлакат миллий бойлигининг таркиби–ернинг қийматини, улушини аниқлаш имконияти яратилади. Шунинг билан биргаликда ернинг асосий восита сифатида баҳоланиши ҳам ҳал этилиши лозим. Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши бозор иқтисодиёти шаклланаётган Ўзбекистонда ҳам ер муносабатларини такомиллаштиришга муайян ҳисса қўшиши мумкин.

Республикада қишлоқ хўжалик ерларининг қийматини баҳолаш мақсадида 1998 йилда «Услубий қўлланма» ишлаб чиқилган. Унда суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш тартиби батафсил ёритилган.

Суғориладиган ерларнинг қийматини аниқлаш учун:

- барча суғориладиган майдонларнинг тупроқлари турлари бўйича, уларнинг барча хусусиятларини, ҳолатини эътиборга олган ҳолда бонитировка қилиниб, бонитет балли ишлаб чиқилди. Барча хусусиятлари бўйича энг унумдор, яхши тупроқ 100 балл қилиб белгиланган. Айрим хусусиятларини (шўрланганлик, тошлоқ, эрозия...) эътиборга олган ҳолда тупроқнинг банитет балли пасайиб боради; бу ҳол тупроқнинг табиий унумдорлигини ифодалайди;
- табиий унумдорликка асосланган ҳолда иқтисодий омиллар (инвестицияларни амалга ошириш натижасида меҳнат маблағ, техника...) таъсирида етиштирилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг меъёри аниқланган. Барча омиллардан оқилона фойдаланиш натижасида 1 балл 40 кг пахта хомашёсини етиштириш қобилиятига эга эканлиги ҳисоб-китоблар асосида аниқланган. Демак, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган барча омиллар меъёр доирасида

бўлса, у тупроқнинг 1 балли 40 кг пахта етиштириш имкониятига эга экан.

- қишлоқ хўжалигининг жойлашишини, ихтисослашишини эътиборга олган ҳолда 1га-га, 1 ц-га сарфланиши мумкин бўлган харажатлар меъёри ишлаб чиқилган;
- тупроқнинг иқтисодий унумдорлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг миқдори, уларни сотиш каналлари бўйича ўртача сотиш баҳоларини эътиборга олган ҳолда меъёрий ялпи маҳсулот қийматини аниқлаш тартиби кўрсатилган.
- юқоридагиларга асосланган ҳолда ҳар бир гектар суғориладиган майдондан олиниши мумкин бўлган соф фойда миқдорини аниқлаш тартиби ҳам кўрсатилган. Шуларга асосланган ҳолда 1 гектар суғориладиган ернинг баҳосини (қийматини) ушбу формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$E_{\text{кк}} \frac{C_{\text{ФмК}}}{C_{\text{ф}}}.$$

Бунда: $E_{\text{к}}$ - 1 га ернинг қиймати (сўмда);
 $C_{\text{Фм}}$ - олинадиган соф фойда меъёри (сўмда);
 K - ерларнинг ҳолатларини ифодаловчи коэффициент;
 $C_{\text{ф}}$ - банк ссуда капиталининг йиллик фоизи (фоизда).

Шу формуладан фойдаланган ҳолда хўжаликнинг 80 баллга эга бўлган 1 гектар ери баҳосини аниқлаш керак бўлса, шу бир гектар ердан олиниши мумкин бўлган ялпи маҳсулот қийматидан меъёрий харажатлар суммасини айтириб, олиниши мумкин бўлган соф фойда суммаси аниқланади. Бу майдон кам шўрланган, ундан 25 центнер пахта ҳосили олиш мумкин, дейлик. Агарда ҳар бир тонна пахта 2002 йил харид баҳоларида 104,6 минг сўмга сотилса, унда 267,5 минг сўмлик ($2,5 \times 104,6$) ялпи маҳсулот олиш мумкин. Ҳар бир тонна пахта хомашёсини етиштириш учун 90,0 минг сўм харажат қилинадиган бўлса, шу майдондан ($2,5 \times (104,6 - 90,0)$) = 36,5 минг сўмлик соф фойда олиш мумкин. Банк ссуда капиталининг йиллик фоизи 30 фоиз бўлса, 1 га ернинг қиймати:

$$E_{\text{кк}} \frac{36,5 \times 0,85}{30,0} \cdot 100 \text{ қ } 103,41 \text{ минг сўмга тенг бўлар экан.}$$

Агарда шу майдон ҳар томонлама яхши бўлса ($K=1,2$), унда унинг қиймати ($[(36,5 \times 1,2) : 300] \times 100$) қ146 минг сўмга тенг бўлади. Ер майдони кам шўрланганлиги учун унинг қиймати 42,6 ($146,0 - 103,4$) минг сўмга арзонроқ экан.

Лекин ер ресурсларининг чекланганлиги ва уларга нисбатан бозор талаби оша бориши натижасида уларнинг қиймати янада юқори бўлиши мумкин. Шундай тартибдан фойдаланган ҳолда ширкат хўжаликларининг суғориладиган ерлари қиймати аниқланиб, улар хўжаликнинг «пай фонди» таркибига қўшилмоқда.

Лекин келажакда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ерларнинг қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш лозим. Бунда ер рентасига

алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чунки давлат мулкнинг эгаси сифатида мутлақ ер рентасини олиши, дифференциал ренталар эса ер эгаси билан ундан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши лозим. Шу билан биргаликда бозор шароитида ерга бўлган талабни ҳам эътиборга олиш зарур.

Давлат ер кадастрини юритиш топография – геодезия, картография, тупроқ, агрохимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри «Ер кадастри» қонуни асосида амалга оширилади.

Давлат мулкни уни тасарруфидан чиқариш натижасида акционерлик, пайчилик мулкларига биргаликда эгалик қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этувчи тадбиркорлардир. Улар бозор иқтисодиётига хос бўлган, аввал бизда мавжуд бўлмаган янги масалаларни, муносабатларни мукамал билишлари лозим. Даставвал улар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибини яхши билишлари зарур. Шунинг билан биргаликда акциялар, уларнинг турларини, мазмунини қандай қилиб акциядорларга берилишини, сотилишини ҳамда дивидентларини аниқлашни билишлари лозим. Пайларни аниқлашни, уларни пайчиларига етказишни шу билан боғлиқ бўлган муносабатларни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлишлари зарур. Ҳозирги даврда ташкил этилаётган акциядорлик, пайчилик, мулкчиликка асосланган ҳўжаликларнинг ҳар бир мутахассис юқоридаги масалаларни бажара олиш имкониятларига эга эмаслар. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун шу тадбиркорларнинг билимларини ошириш ишларини ташкил этиш лозим. Шу билан биргаликда мулкчиликни шакллари ташкил этишни таъминлайдиган қўлланмаларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётда синаб тадбиркорларга етказиш зарур.

1. Қишлоқ ҳўжалигида суст суръатлар билан қўшма мулкчиликка асосланган тадбиркорлик корхоналари ташкил этилмоқда. Улардаги раҳбар тадбиркорлар ташқи иқтисодий муносабатлар амалга оширилишининг контрактларини, инвестиция сиёсатини, тартибини, маҳсулотларнинг даромадларини ўзаро тақсимлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни билишлари зарур. Улар ички ҳамда ташқи бозорнинг ҳолатини, маълумотлар, рекламалар ҳамда бошқариш санъатини ҳам эгаллашлари керак. Бу тоифадаги тадбиркорлар аввалларига нисбатан анча малакали, билимдон, уддабурон бўлишлари лозим.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, республикаимиз қишлоқ ҳўжалигида тадбиркорликнинг турли шакллари ташкил топмоқда. Улар қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшмоқдалар. Лекин, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда анчагина қийинчиликларга учрамоқдалар. Масалан, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида. Чунончи, ерларни олишда, тадбиркорлик

шаклларини ташкил этишда, кредит олишда, маҳсулотларини сотишда, улар учун ҳақ олишда мушкулликларга дуч келмоқдалар. Шунинг оқибатида улар ишчи хизматчиларига ўз вақтида иш ҳақи бера олмайдилар. Бу масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият ёрдам қўлини чўзиши зарур. Шундагина қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорлар кўпайиб, тадбиркорлик ривожланиши таъминланади.

Қисқача хулосалар

Ер ва сувга нисбатан давлат мулкчилиги сақланган ҳолда улардан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳуқуқи жисмоний ҳамда юридик шахсларга узоқ муддатга ҳамда умрбод берилмоқда.

Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик даражасини маълум бир кўрсаткичлар тизими ёрдамида таҳлил этиш лозим.

Кейинги йилларида ерлардан, сувлардан фойдаланишнинг самарадорлиги талаб даражасида эмас. Сабаби – ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроқлилик ҳолати пасайиши, ер ва сувлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг сустлигидир.

Келажакда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш учун тупроқ унумдорлигини, сувнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш зарур.

Мамлакат миқёсида ер-сув мониторинги ва кадастрлари талаб даражасида амалга оширилишини таъминлаш керак.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалигининг асосий воситаси эканлиги.
2. Ер ва сувларнинг таркиби, уларни хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ер кадастри, унинг таркиби, амалга оширилиши ҳақида нималарни биласиз?
4. Ер мониторинги, унинг мазмуни ҳақида-чи?
5. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини оширишнинг қандай йўллари бор?

Асосий адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари. Тошкент, «Адолат», 1999.

- Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами., Тошкент, «Шарқ» НМК, 1998.
- И.А.Каримов. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил яқунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. 2002 йил. «Халқ сўзи» газетаси, 2002, 21 февраль.
- Абдуғаниев А. Ўтиш даврида ер муносабатлари. Тошкент, ТДИУ, 1997.
- Абдуғаниев А. Ер мониторинги. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», №1, 2001.
- Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.
- Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

VI бoб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ, ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

6.1. Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши


Давлатнинг, аҳолининг ҳамда ташқи бозорнинг талабларини сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қондириш учун уларни етиштиришни кўпайтириш объектив зарурият ҳисобланмоқда. Бунинг учун талаб этилган миқдорда турли хилдаги ресурслар мавжуд бўлиши керак. Масалан, ер, сув, бино, иншоотлар, машиналар, тракторлар, ўрмон, боғлар, чорва ҳайвонлари, табиий ресурслар (ёғин, ҳарорат) кимёвий воситалар, меҳнат ресурслари. Лекин бу моддий-техника ресурслари таркибига маблағлар ва бошқалар кирмайди. Улар қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини ташкил этади. Шу ресурслар ёрдамида қишлоқ хўжалигида турли хилдаги ишлар, хизматлар бажарилиб, маҳсулотлар етиштирилади. Уларнинг сифатини, ҳолатини яхшилаш, янгиларини яратиш мақсадида фан-техника тараққиёти амалга оширилади. Шунинг натижасида серҳосил, тезпишар навлар, сермаҳсул чорва зотлари, ҳар томонлама қулай ва самарали ҳисобланган техникалар, илғор технологиялар яратилди.

Шу ресурсларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги аҳамияти ниҳоятда улкан. Чунки барча турдаги деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда ердан фойдаланилади. Демак, ер бўлмаса, юқоридаги маҳсулотларнинг етиштирилиши таъминланмайди. Мамлакатимиз деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги муносабати билан сув ресурсларининг аҳамияти улкан. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини иқтисодий мазмуни, моҳияти ва барпо этилиши ҳамда фойдаланилиши бўйича 2-чизмадаги тартибда туркумлаштириш мумкин. Жумладан:

- I – барпо этилиши бўйича;
- II – ишлаб чиқаришга муносабати бўйича;
- III – ишлаб чиқаришда қатнашишига кўра;
- IV – такрор ишлаб чиқарилиши бўйича.

Демак, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари республика халқ хўжалиги ресурсларининг муҳим қисми ҳисобланади. Улар мулк сифатида тармоқнинг, корхоналарнинг иқтисодий негизини, асосини ташкил этади. Корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкам бўлса, уларда иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун асос мавжудлигидан далолат беради. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари барпо этилиши бўйича табиий ва иқтисодий ресурслардан иборат. Табиий ресурслар ер, сув, ўрмон, чорва ҳайвонлари, иссиқлик ҳамда ёғингарчилик миқдоридан ташкил топади.

Уларнинг асосий қисми давлат тасарруфида бўлиб, корхоналарга, фуқароларга фойдаланиш учун берилади.



Иқтисодий ресурслар эса иқтисодий потенциалнинг таркибий қисми бўлиб, моддий, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларидан ташкил топади. Қишлоқ хўжалигини:

37. моддий-техника ресурсларига ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари: бинолар, иншоотлар, машиналар, тракторлар, комбайнлар, барча турдаги кимёвий воситалар, ўғитлар, уруғликлар, ем-хашаклар, ёқилғи, ёғловчи, қурилиш ва бошқа материаллар киради.

38. молиявий ресурсларига давлат томонидан ажратилаётган маблағлар, хўжаликларнинг жорий, валюта счётларидаги, ғазнадаги пуллари, амортизация фонди, акциялардан олаётган фойдалари, банк кредитлари ҳамда ички ва ташқи инвестицияларини амалга ошириш натижасида олинаётган маблағлар, таъсисчилар ва бошқа манбалардан келиб тушаётган маблағлар киради.

Уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўрни ва аҳамияти жуда улкан. Чунки такрор ишлаб чиқариш жараёнида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари талаб даражасида етиштирилиши ҳамда иш ва хизматлар кўнгилдагидек бажарилиши барча ресурсларнинг микдорига ҳамда сифатига боғлиқ. Республика деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги сабабли суғориладиган ерлар ва сув ресурсларининг таъсири жуда катта. Тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг амалга оширилиши асосан молиявий ресурслар билан боғланган. Шундай экан, келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари талаб даражасида барпо этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Уни давлат, тармоқ ва хўжаликлар микёсида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари тармоқда фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиганларга бўлинади. Тармоқда у ёки бу мақсадда фойдаланилаётганлари - фойдаланилаётган ресурсларни, тармоқда мавжуд бўлиб, айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, вақтинча фойдаланилмаётганлари эса фойдаланилмаётган захира ресурсларни ташкил этади. Фойдаланилаётган захира ресурсларга захирадаги мелиоратив ерлар, айрим сув ҳавзаларидаги сувлар, ўрмонзорлар киради.

Тармоқ корхоналарида фойдаланилаётган моддий-техника ресурслари барча ресурсларнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра, қуйидагича гуруҳларга бўлинади:

- ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ишлатиладиган, яъни қатнашадиган ресурслар;
- ишлаб чиқаришда билвосита қатнашадиган ресурслар.

Ишлаб чиқаришда бевосита ишлатиладиган ресурслар ёрдамида турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар ва хизматлар бажарилади. Уларга экин экилган ерлар, яйлов ва пичанзорлар, экинларни суғориш учун сарфланаётган сувлар, машина, ер ҳайдаётган, экинларга ишлов бераётган тракторлар, комбайн, маҳсулотни кўпайтириш учун сарфланаётган кимёвий воситалар, ўғитлар, ҳайвонларга берилаётган ем-хашаклар, чорва ҳайвонлари, меваги дарахтлар ва бошқалар киради. Шулар ёрдамида кўпроқ яхшироқ маҳсулот етиштириш таъминланади. Корхоналарнинг омбор, идора бинолари, айрим иншоотлари, техникалари, алоқа воситалари, компьютерлари ишлаб чиқариш жараёнида билвосита қатнашадилар. Уларни маҳсулот етиштиришга алоқаси чекланган.

Моддий-техника ресурсларининг маҳсулот етиштиришда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда аҳамияти улкан. Шунинг учун уларни яратиш, барпо этиш, такрор ишлаб чиқариш зарур. Шу билан бирга улар меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унумдорлиги юксалишини таъминлайди. Масалан, хўжаликнинг моддий-техника базаси қанчалик мустаҳкам (у замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, станоклар билан таъминланган бўлса), барча ишлар шу техника воситалари ёрдамида бажарилиши таъминланади. Меҳнатнинг индустрлашганлигини кўрсатувчи бундай шароит натижасида қўл кучи билан бажариладиган ишлар камаяди. Бу меҳнатнинг характери ўзгараётганлигидан далолат беради, айти пайтда ишчи-хизматчиларнинг билими, малакаси оширилиши талаб этади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Айрим моддий ресурслар табиат маҳсули ҳисобланади. Жумладан, ер, сув, ҳарорат, ёғингарчилик (улар ҳақида ер ва сув ресурслари масалаларига бағишланган бобда батафсил тўхталиб ўтилган). Уларнинг барпо этилиши ҳамда такрор ишлаб чиқарилиши кўпроқ табиатга боғлиқ. Лекин қишлоқ хўжалигида банд бўлган фуқаролар ўзларининг билимларини, тажрибаларини ҳамда тадбиркорлигини ишга солган, фан-техника ютуқларидан, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда бу табиий

омиллардан самарали, ўринли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, аксарият ҳолларда яхши натижаларга эришадилар. Шунинг учун ҳам тармоқ ишлаб чиқариши табиатга ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари таркибига чорва ҳайвонлари, ўсимликлар, мева-дарактлар қатнашиши тармоқнинг муҳим хусусияти эканлигига алоҳида эътибор бериш, шунингдек, саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган моддий-техника воситалари, тракторлар, машиналар, механизмлар, дастгоҳлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёнилғи ҳамда ёғловчи материаллар ва бошқаларнинг иштирокини ҳам эътиборга олиш лозим. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган моддий-техника воситалари, маълумки, инсон меҳнати натижасида яратилади. Улардан фойдаланиш самарадорлиги тармоқ ишлаб чиқаришининг мавсумийлигига ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини мустаҳкам моддий-техника базасини яратишда юқорида таъкидланган хусусиятларни эътиборга олиш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг жойлашганлиги ҳамда ихтисослашганлигига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга илғор технологияларнинг жорий этилишини ҳамда технологик жараёнларда бажариладиган барча ишларни механизациялаштириш, автоматлаштириш имконини яратиш лозим.

Юқоридаги талабларга жавоб берадиган моддий-техника ресурслари асосан қуйидаги манбалар ҳисобига барпо этилади:

- корхонанинг маблағлари;
- четдан жалб этиладиган маблағлар.

Биринчисига корхоналарнинг маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар бажариш натижасида олаётган пул даромадлари, тақсимланмаган фойдадан ажратилаётган маблағ, амортизация фондида ажратилаётган маблағ, амортизация фонди ҳисобланган маблағ, фойдаланилмаётган айрим ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан, ижарага берилаётган воситалардан фойдаланиш натижасида ва бошқа манбалардан олинган маблағлар киради. Бунда хўжаликларнинг акциялар чиқариб сотишдан олаётган пул даромадлари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Лекин бу масала республика қишлоқ хўжалигида ҳозирча ҳал этилгани йўқ. Жуда муҳим бўлган бу масалани келажакда, албатта, ҳал этиш зарур.

Иккинчисига ирригация-мелиорацияга, экологияга ҳамда ижтимоий соҳаларга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган маҳсулотларга давлат ҳисобидан ажратиладиган транш маблағлари, тижорат институтларининг кредит маблағлари, турли манбалардан жалб этилаётган инвестициялар, ҳомийларнинг, ҳамкорларнинг маблағлари ва бошқа манбалардан жалб этиладиган маблағлар киради. Бу маблағлар ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналари моддий-техника воситаларини уларни ишлаб чиқарувчиларнинг бевосита ўзларидан ёки биржалардан, кўرғазмалардан, аукционлардан шартномалар асосида сотиб олиб, моддий-техника базаларини мустаҳкамлашлари, айрим ҳолларда фойдаланиш учун ижарага олишлари мумкин. Шундай тартибда шакллантирилган моддий-техника ресурсларидан

хўжаликлар йил мобайнида тўлиқ ва самарали фойдаланишса, барча турдаги тадбирларни вақтида, сифатли амалга оширишлари аниқ.

6.2. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари, самарали технологиялар

Қишлоқ хўжалигини устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Бу ўринда таъкидлаш керакки, фан ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги фан – «Моддий-техника ресурслари» ҳам яратилиши мумкин. Бу жараён фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби - интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулидир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтариш тақозо этилади. Улар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини, серҳосил, тезпишар экин навлари, сермахсул чорва зотлари, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг, фан-техника, технология ривожланишини таъминлайди. Натижада моддий-техника ресурсларининг миқдори ошади, сифати яхшиланади.

Бу жараёни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, фан-техникани тараққий эттириш йўлидан борилаётган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати корхоналарида янги, сифатли хайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта терадиган машиналар, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида самарали, илғор технологиялар жорий этилишини таъминлайди.

Фан-техника тараққиёти ягона давлат сиёсати асосида кечиши, бу жараёнда катнашувчиларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ҳам уйғунлашиши лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали қишлоқ хўжалик техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатнинг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини

яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва ниҳоят, давлатнинг иқтисодийтини юксалтиришдир.

Фан-техника тараққиёти қишлоқ хўжалигида қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминланиш тадбирларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш, такомиллаштириш;
- тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермахсул чорва зотларини яратиш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида амалга ошириладиган барча иш жараёнларини автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигига сервис хизматларини кўрсатиш, тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг зарур миқдорини қайта ишлаб, сифатли сақлаб, истеъмолчиларга вақтида, яхши ҳолатда етказиб бериш қобилиятига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни яратиш ва уларни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш;
- фан-техника тараққиёти натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганлари рағбатлантирилишини такомиллаштириш имкониятига эга бўлган механизмларни яратиш.

Фан-техника тараққиётининг шу йўналишлар бўйича амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш таъминланади.

Фан-техника тараққиёти натижасида яратиладиган моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигида янги, самарали технология вужудга келиши, бу жараён ривожлантирилишини таъминлайди. Бу технологиялар иш жараёнларининг белгиланган муддатда, сифатли бажарилишига, меҳнат унумдорлиги ошишига ва харажатлар камайишига олиб келади. Ҳозирги вақтда пахтачиликда «Андижон технологияси» яратилиб, республикада кенг қўламда жорий этилмоқда. Бу усулда чигит аввалдан олиб қўйилган пушталарга республикада ишлаб чиқарилаётган (дастлабки йилларда у Хитой республикасида валютасига олиб келинар эди) плёнка остига экилмоқда.

Натижада тупроқ намлиги ва ҳарорат сақланиб, чигитнинг тез униб чиқишига эришилмоқда. Плёнкалардан фойдаланиш пуштада бегона ўтлар пайдо бўлишини кечиктиради. Бу ҳол биринчидан, яганани, ўтларни йўқотиш

ишларини камайитириш, иккинчидан, сув сарфини қисқартириш имконини бермоқда.

Чигитни плёнка остига экиш натижасида пахта ҳосилининг эрта пишиши ҳамда уни қисқа муддатда юқори навларда териб олиш таъминланмоқда. Шу туфайли Андижон вилоятида пахта ҳосилдорлиги 1999-2002 йилларда ўртача 32 центнерни ташкил этда. Бу республикада энг юқори кўрсаткичдир. Вилоятда 1 ц. пахта етиштириш учун 9,8 минг сўм сарфланмоқда. Бу республикадагига нисбатан 13,6 фоизга кам. Натжалар илғор технологиянинг афзалликларини бот-бот исботламоқда. Бу ўринда таъкидлаш керакки, янги технологияни қўллаш учун шарт-шароит яратиш, уни амалга ошириш жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, чигит экиш сеялқалари технология талаблари даражасида такомиллаштирилмаган. Пуштага ёпилган плёнка вақтида тўлиқ йиғиштириб олинмай, далаларда қолиб кетаётгани туфайли тупрокнинг ҳолатига ҳамда айрим бажариладиган ишларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда уларни бартараф этиш борасида илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда ва бу каби камчиликлар чигит плёнка остига экиладиган далаларни экишга тайёрлаш, экиш ва ундан кейинги амалларни бажариш жараёнида ҳам кузатилмоқда. Ёўзаларни суғоришда «Исроил технологияси» ҳам жорий этилмоқда. Бу технологиянинг асосий мақсади - сувни тежашга қаратилган. Шу усулдан фойдаланиш натижасида 1 га пахта майдонига 4-5 марта кам сув бериш таъминланади. Голландияда етиштирилган картошка уруғи уларнинг техникалари билан экилиб, ўсимликларга ҳам голланд техникалари ишлов берилиб, ҳосили ҳам технологиялар билан йиғиштириб олинди. Бу жараёнда маҳаллий тажрибалардан ҳам кенг фойдаланилди. Натижада республикада картошқачилик ривожланди. Ҳозирги даврда аҳоли истеъмоли учун четдан картошка сотиб олишга барҳам берилган. Чорвачилик тармоқларида ҳам илғор технологиялар жорий этилмоқда. Улар вақтни, меҳнатни, маблағни тежаш имкониятини беради. Натижада маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги ошиши ва ниҳоят, соф фойда суммаси кўпайиши таъминланмоқда. Шунинг учун самарали технологияларни яратишга, уларни ҳаётга татбиқ этишга доимо катта эътибор бериш лозим.

6.3. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби

Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминлашга доимо катта эътибор берилмоқда. Чунки бу сарфланадиган меҳнат ҳамда маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника воситалари билан таъминланиш ва бу воситалардан фойдаланиш жараёнини ва бу борадаги ўзгаришларни билиш талаб этилади. Бунинг учун бир қанча кўрсаткичлардан

фойдаланиш мумкин. Энг аввало, бу борадаги асосий кўрсаткич – жамоа, ширкат ҳамда қўшма ва давлат корхоналарининг, ҳиссадорлик жамиятларининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш керак. Маълумки, хўжалик ўз фаолиятида амалга оширадиган ишларни тез ва сифатли бажаришга интилади, бу жараёнда техника воситалари ўртасида мутаносибликни таъминлашга алоҳида эътибор беради. Сабаби – тракторлар кўп, уларга тиркаладиган механизмлар кам ёки акси бўлса, кутилган самарага эришиб бўлмайди. Чорва ҳайвонлари кўп бўлиб, ем-хашак кам бўлиши ҳам фойдасиздир. Демак, корхоналар самарали мувозанатдаги моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминланган бўлишлари керак. Унинг даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш лозим:

$$MTP_{\text{ТДК}} = \frac{(E_k + (A\Phi_k - A_c) + A\Phi_k + BГ_k)}{KХ_e};$$

Бунда: $MTP_{\text{ТД}}$ – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм;

E_k - қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўмда);

$A\Phi_k$ - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (сўмда);

A_c – асосий воситаларнинг ўртача йиллик эскириш суммаси (сўмда);

$A\Phi_k$ – айланма воситаларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда);

$BГ_k$ - боғлар, токзорларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда).

Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир хўжалик ихтиёридаги фойдаланилаётган 1 га қишлоқ хўжалик ерига ёки экин майдонига қанча сўмлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аниқланади. Унинг миқдори талаб, яъни меъёр даражасида бўлиши керак. Бу умумий кўрсаткич мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа аниқ кўрсаткичлар ёрдамида янада аниқлаштирилади.

Жумладан, хўжаликнинг таъминланганлик даражасини, масалан, асосий ва айланма фондлар ёки ҳайдов, чопиқ тракторлари билан таъминланганлик даражасини шу кўрсаткич таркибидаги бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқлаш мумкин. Улар ушбу дарсликнинг 7-бобида батафсил ёритилган.

Масалан, корхоналарнинг энергетик ресурслар билан таъминланганлик даражаси. Унинг миқдори хўжаликдаги жами энергетик ресурслар миқдорини (от кучи ҳисобида) фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ерлари ёки экин майдонига тақсимланиб аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Эрт к} = \frac{\text{ЭР}_k}{\text{Э}_m(KХ_e)}$$

Бунда: ЭР_k - жами энергетик ресурслар қуввати (от кучида);

$\text{Э}_m(KХ_e)$ – жами экин майдони (қишлоқ хўжалик ерлари).

Унинг миқдори ҳам меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланганлик даражаси. У юқорида таъкидланган жами энергетик ресурслар миқдорини (от кучида) меҳнат қилган кишиларнинг ўртача йиллик миқдорига (кишилар) тақсимлаб аниқланади. Бунда ушбу тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$Э_{рк} \frac{ЭР_k}{M_p}$$

Бунда: M_p – ишлаган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар корхонада бажариладиган барча ишларнинг қай даражада механизациялашаётганлигини ёки автоматлашаётганлик ҳолатини ўрганишга ёрдам беради. Лекин уларнинг миқдори, юқорида қайд этганимиздек, белгиланган меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик даражасини ҳам аниқлаш лозим. Бунинг учун трактор, механизмлар, машиналар ёрдамида бажарилган жами иш (эталон гектарда) миқдори корхона бўйича бажарилган жами ишлар ҳажмига (эталон га) тақсимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$М_{дк} \frac{M_i}{J_i} \times 100\%$$

Бунда:

M_d - ишлаб чиқаришни механизациялашганлик даражаси, фоизда;

M_i - машина, тракторлар механизмлар ёрдамида бажарилган иш (эт.га);

J_i - жами бажарилган иш миқдори (эт.га).

Бу кўрсаткич жами ҳамда айрим иш, экин турлари бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Масалан экинларни экиш, уларга ишлов бериш, ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича. Чорвачиликда эса сигирларни соғиш, чорва хайвонларини суғориш, уларга ем бериш ва бошқа иш турлари бўйича. Сигирларни соғиш жараёнининг механизациялаштирилганлик даражасини аниқлаш учун машина, агрегатлар ёрдамида соғилган сигирлар бош сонини жами соғилган сигирлар бош сонига тақсимлаб, 100 га кўпайтирилиши лозим... Бу кўрсаткичлар 100 фоиздан юқори бўлмаслиги шарт.

Янги техникалардан, технологиялардан фойдаланиш натижасида меҳнат, маблағ харажатлари тежалиши таъминланади. Унинг даражасини аниқлаш учун янги техника, технология жорий этилмасдан аввал қилинган харажатлардан улар жорий этилганидан сўнг қилинган харажатлар миқдори, суммаси айрилиб, аниқланган рақам дастлабки харажатларга тақсимланади ва 100 фоизга кўпайтирилади. Уларни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$X_{тк} \frac{X_1 - X_2}{X_1} \times 100\%$$

Бунда:

X_1 - янги техника, технология жорий этилмасдан олдинги харажатлар (сўм);

X_2 - янги техника, технология жорий этилгандан сўнгги харажатлар (сўм).

Юқорида таъкидланган кўрсаткичлар билан биргаликда хўжаликлардаги мавжуд моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун аввало, машина-трактор ҳамда автомашиналар паркидан фойдаланиш коэффиценти аниқланади. Буни ҳисоблаш учун хўжаликда фойдаланилган машина-тракторлар миқдорини унда мавжуд бўлган машина-тракторлар миқдorigа тақсимлаш лозим. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{МТПФк} \text{ қ } \frac{\Phi_c}{M_c},$$

Бунда:

МТПФк – машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффиценти.

Φс - фойдаланилган машина-тракторларнинг сони (дона).

Мс - мавжуд бўлган машина-тракторларнинг сони (дона).

Машина-тракторлар ҳамда комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлик даражаси ҳам аниқланади. Уни жами ишлаган машина кунлари сонини ишлаган машиналар сонига тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\overline{M_k} \text{ қ } \frac{\sum M_k}{M_c}; \quad \overline{T_k} \text{ қ } \frac{\sum T_k}{T_c}; \quad \overline{K_k} \text{ қ } \frac{\sum K_k}{K_c}.$$

Бунда:

$\overline{M_k}$ - битта машинанинг 1 ойда, мавсумда, йилда ишлаган (қатнашган) ўртача кун;

$\sum M_k$ - жами ишлаган машина кунлари;

$\sum T_k$ - жами ишлаган трактор кунлари;

$\sum K_k$ - комбайнларнинг ишлаган жами кунлари;

Мс-ишлаган машиналари сони;

Тс-тракторлар;

Кс-комбайнлар сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида хўжаликда 1 трактор, комбайн ёки машина йил давомида неча машина-кун ишлаганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичнинг миқдори юқorigа интилиши қонуний ҳисобланади.

Шу билан биргаликда ўртача ва алоҳида ҳар бир машина-трактордан, юк машинасидан, дон комбайни, пахта терувчи машинадан фойдаланиш даражаси ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун машиналар (тҒкм), тракторлар (эт.га), комбайнлар (гектар, тонна) ёрдамида алоҳида-алоҳида жами бажарилган иш ҳажмини шу ишларни бажаришда қатнашган, юқorigа кўрсатилган техникаларнинг ўртача сонига тақсимланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$TMK_{и} \propto \frac{Tu}{Tc}; \frac{Mu}{Mc}; \frac{Ku}{Kc},$$

Бунда:

$TMK_{и}$ – трактор, машиналарнинг ўртача бажарган иши (1 сменада, 1 кунда, мавсумда, 1 йилда эталон гектарда, тонна-км, тоннада, гектарда).

$\sum Ti, Mi, Ki$ – тракторлар, машиналар, комбайнлар ёрдамида бажарилган жами иш ҳажми (эталон гектарда, тонна-километрда, тоннада);

$\sum Tc, Mc, Kc$ – шу ишларни бажаришда қатнашган тракторлар, машиналар, комбайнларнинг ўртача сони (дона).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида, масалан, 1 та трактор маълум муддатда бажарган иш миқдори аниқланади. Унинг миқдори юқори бўлгани яхши.

Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам аниқланади. Масалан, 1 эт. гектарнинг, 1 тонна км, 1 киловат соатнинг таннархи исботланади. Улар қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$\text{ЭГтнк} \frac{\sum Mx}{\sum \text{ЭТга}}; \text{ Бунда: } \text{ЭГтн-1 эталон га. таннархи (сўмда);}$$

$\sum Mx$ – механизация ёрдамида бажарилган ишларга қилинган жами харажат (минг сум);

$\sum \text{ЭТга}$ – жами бажарилган иш ҳажми (эталон га).

Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар натижасида қўшимча олинган соф даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига тақсимлаш лозим.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб, моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланиб, чуқур таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этган омиллар аниқланиб, келажақда уларни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади.


6.4. Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантириш, бундай воситалар бозори, техника тараққиётини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини талаб даражасида шакллантириш лозим. Бу масалага бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхонанинг ўзи катта эътибор бериши керак. Чунки корхоналар мустақил фаолият юритадилар.

Демак, барча корхоналар ўзларига керак бўлган моддий-техника ресурсларини сотиб олишлари, таъмирлаб, бутлашлари, йиғишлари ҳамда қуришлари мумкин. Масалан, бино-иншоотларни ўзлари қуришлари ёки пудратчиларга беришлари, машина, трактор, комбайнларни ўзларида ёки ихтисослашган корхоналарда йиғиб, таъмирлаб олишлари мумкин. Янги қишлоқ хўжалик техникаларини кимёвий воситаларни, ёқилғиларни,

озуқаларни эса уларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан бевосита ўзлари ҳамда биржалар, аукционлар ёрдамида заводлардан сотиб олишлари мумкин (4-чизма).

Қишлоқ хўжалигидаги айрим моддий-техника ресурслари бозори.



Хўжаликлар моддий-техника ресурслари базасини мустаҳкамлашда самарали йўللardan, усуллардан фойдаланишлари, камроқ харажат қилиб кўпроқ фойда олишга интилишлари керак.

Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда айрим салбий ҳолатлар содир бўлмоқда. Маълумки, марказдан маъмурий усулда режали бошқарилган иқтисодиёт шароитида барча моддий-техника ресурслари совхозларга, колхозларга асосан марказлаштирилган ҳолда бепул берилган. Уларнинг қийматлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари: солиқлар, субсидия, дотация ва бошқа механизмлар ёрдамида ундириб олинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу масала асосан хўжаликларнинг маблағлари эвазига амалга оширилмоқда. Хўжаликларнинг маблағлари эса етмайди. Сабаби – бир томондан, саноат маҳсулотларининг баҳоси қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларидан жуда катта фарқ қилмоқда, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик корхоналари сотаётган маҳсулотларининг ҳақини ўз вақтида ололмаётирлар. Бундай ҳолатга чек қўйиш учун республика ҳукумати томонидан сезиларли ёрдам берилмоқда. Бу ёрдам транш, инвестиция, кредит шаклларида амалга оширилиб, улар ҳисобидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника ресурслари шакллантирилмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлари бўйича, тармоқда тракторларнинг, комбайнларнинг, юк машиналарининг умумий сони сўнгги йилларда камайиб бормоқда. 1996 йилда тармоқдаги жами тракторларнинг

умумий миқдори 152,2 мингта бўлган бўлса, 2001 йилнинг бошига келиб 113,1 мингтани ташкил этган ёки шу йиллар ичида 25,7 фоизга камайган. Тракторлар кескин камайишининг сабаби шундаки, улар ишга яроқсиз бўлиб қолгани учун ишлаб чиқаришдан чиқарилган. Дарҳақиқат, шу йиллар ичида мавжуд тракторларнинг ишга яроқлилиқ даражаси ҳам пасайган. Агарда 1996 йилда барча тракторларнинг 72 фоизи ишлатишга тайёр бўлган бўлса, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 70,9 фоизни ташкил этган (10-жадвал). Демак, жами трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти 1996 йилда 0,72 дан ошмаган, 2000 йилда эса унинг даражаси пасайиб, 0,71 ни ташкил этган.

10-жадвал

Республика вилоятлари бўйича жами тракторлар сони ва уларнинг ишга яроқлилиги*

	1996 й.			1997 й.			1998 й.			1999 й.			2000 й.		
	мавжуд	тайёр	фоиз	мавжуд	тайёр	фоиз	мавжуд	тайёр	фоиз	мавжуд	тайёр	фоиз	мавжуд	тайёр	фоиз
Коракалпо-гистон Рес.	15888	9160	58	15064	7837	52	13786	6593	48	12181	6314	51,8	11329	6119	54,0
Андижон	10917	8185	75	10288	6921	67	9523	6812	72	9068	7100	78,3	8511	7292	85,7
Бухоро	11605	8866	76	10706	8137	76	10366	7622	74	9221	7099	77,0	8638	6470	74,9
Жиззах	8450	5005	59	7726	4376	57	5229	3545	68	5398	3754	69,5	5261	3298	62,7
Қашқадарё	19363	13826	71	17628	11750	67	15219	9945	65	14548	10044	69,0	13695	9214	67,3
Навоий	4894	3757	77	4747	3521	74	4373	3358	77	4183	3322	79,4	4057	3104	76,5
Наманган	8974	6967	78	8839	6320	72	8499	6090	72	7907	5925	74,9	7693	5629	73,2
Самарқанд	16351	12039	74	14964	10879	73	13335	9910	74	12633	9085	71,9	11237	8342	74,2
Сурхондарё	12414	9685	78	13498	9624	71	11810	8509	72	10986	8637	78,6	10938	8164	74,6
Сирдарё	7693	4542	59	8006	4977	62	6137	3944	64	5403	3525	65,2	4931	3391	68,8
Тошкент	11388	7378	65	10133	6488	64	8699	5515	63	7695	5239	68,1	73345	5205	70,9
Фарғона	13199	11113	84	12437	9292	75	11965	8904	74	10958	8266	75,4	10481	7873	75,1
Хоразм	11019	9038	82	10835	8397	77	10028	7506	75	9537	7081	74,2	8964	6086	67,9
Жами	152155	109561	72	144871	98519	68	12895	88153	68	119718	85391	71,3	113080	80187	70,9

*Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган


Шу йиллар ичида пахта териш комбайнлари 15,1 мингтадан 12,8 мингтага камайиб, 2,3 мингтани ташкил этган ёки 6,6 марта қисқарган. Ғалла комбайнлари эса 30,4 фоизга камайиб, 2001 йилнинг бошига 6950 донани ташкил қилган. Қишлоқ хўжалик механизмларидан култиваторлар сони 1996-2000 йиллар мобайнида 19,7 фоизга, трактор култиваторлари – 28,7 фоизга, минерал ўғит сепгичлар эса 47,8 фоизга қисқарган (1-диаграмма). Республика қишлоқ хўжалигидаги машиналар, тракторлар ҳамда механизмлар сони куйидаги сабаблар таъсирида қисқарган:

- жисмоний ҳамда маънавий эскирганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилган;

- ортиқча ҳисобланган айрим қишлоқ хўжалик техникалари талабгорларга сотилган, фойдаланиш учун ижарага берилган;
- хўжаликларнинг маблағлари етишмаслиги сабабли янги, серунум техникалар сотиб олишнинг камлиги.

Лекин юқоридагиларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги машина, тракторлар, механизмларнинг сони фақатгина камайишга юз тутган деб хулоса чиқариш унчалик тўғри булмайди. Чунки хўжаликлар бозор иқтисодиёти шароитида уларни танлаш имкониятларига эга. Шунинг учун сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти натижасида бақувват, серунум, самарали техникаларни маълум миқдорда сотиб оломоқдалар. Чунончи Т-28х4 «Магнум» тракторларини, «Кейс» комбайнларини сотиб оломоқдалар. Бу жараёнда давлатнинг кўмаги катта. Бу қуйидаги диаграммада ўз ифодасини топган:

Республика қишлоқ хўжалигидаги айрим моддий-техника ресурсларининг ўзгариши



Юқоридаги ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалик техникаларига тўғри келадиган майдон, яъни бажариладиган иш ҳажми ошди. Агарда 1996 йилда 1 та ҳайдов тракторига 157,5 га ҳайдаладиган ер тўғри келган бўлса, 2000 йилга келиб унинг миқдори 84,1 фоизга ошиб, 290 гектарни ташкил этган. Шу йиллар ичида ғалла ва пахта комбайнларига тўғри келадиган майдон ҳам кўпайган. Жумладан 1 та ғалла комбайнига тўғри келадиган майдон 33,3 фоизга ошган. Иш ҳажмининг шу тарзда кўпайиши машина, трактор ва комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш даражаси ошишини таъминлади. Бу кўрсаткичлар иқтисодиёти ривожланган давлатлардагига нисбатан анча юқори бўлган. (11-жадвал).

Айрим давлатларнинг техника билан таъминланганлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	АҚШ	Англия	Германия	Россия
Трактор парки	минг дона	4750	500	1530	1065
1 тракторга тўғри келадиган хайдаладиган майдон	га	28	13	8	122
Ғалла йиғадиган ғилдиракли комбайнлар сони	минг дона	667	48	156	273
Ғалла йиғадиган 1 та комбайнга тўғри келадиган ғалла майдони	га	52	77	40	220

Изоҳ: Белтирилган маълумотлар: Россия бўйича 1996 йил 1.06.га қолган давлатларники 1993 йилдаги.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида кимёвий воситаларни, жумладан, минерал ўғитларни сотиб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки улар тупроқ унумдорлигини ошириб, экинлар ҳосилдорлиги юксалишини, ёввойи ўтлар ҳамда зараркундаларни озайтириб, меҳнат ва маблағ сарфлари камайишини, маҳсулот сифати яхшиланишини таъминлайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда сўнгги йилларда (1995-2000й) азотли ўғитларни сотиб олиш республика бўйича 19,6 фоизга кўпайган, лекин фосфорли ўғитлар сотиб олиш 7 фоизга камайган, шунингдек, калийли ўғитлар сотиб олиш ҳам қисқарган (12-жадвал).

1995-2000 йилларда қишлоқ хўжалигига етказиб берилган минерал ўғитлар*

Вилоятлар	Азотли							Фосфорли						
	Урт. Эхти ёж.	Амалда						Урт. эхти ёж.	Амалда					
		1995	1996	1997	1998	1999	2000		1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон Р	73,5	43,3	39,1	72,1	56,7	49	47,8	49,1	5,4	3,7	19,8	6,8	10,8	5,5
Андижон	65,3	34,7	38,9	57,3	51	47,3	47	47,4	10,1	9,2	17,3	11,2	14,2	11,4
Бухоро	59	36,5	47,6	55,2	51,6	46,7	45,3	39,3	4,6	8,4	13,2	6,9	11,5	10,2
Жиззах	53	34,5	27,5	42,4	40,9	38,8	38,3	39,5	8,8	3,6	13,5	6,3	9,9	6,4
Қашқадарё	75,4	38,6	55,6	73,6	63,6	56,6	54	56,4	10,3	13,4	19,6	10,5	15,9	10,9
Навоий	21,5	14,8	15,8	19,1	20,8	20,6	15,4	16,7	8,6	2,7	5,7	2,3	4,5	4
Наманган	56,1	31,4	43,7	53	47,6	41,8	40,8	39,1	8,9	7,5	14,6	9,8	12	10,3
Самарканд	56,2	26,8	44,3	39,1	52,6	43,6	41,5	48,9	6,7	10,5	16,3	9,4	12	9,3
Сирдарё	54,1	31,9	32,7	43,2	41,5	39,6	39	42,5	10,1	9	14,9	6,9	10,9	7,1
Тошкент	63,5	33,6	38,1	54,4	50,8	45,4	44	49,1	11,9	12,4	16	10,3	12,5	9,2
Фарғона	72,4	41,7	51,9	67,7	60,4	47,2	48,3	50,6	11,1	11,1	18,2	11,8	14	12,6
Хоразм	55,8	54,3	60,5	66,2	62,4	47,8	43	36	14,5	15,2	16,6	8,7	11,3	6,6
Дехқон фермер х.	55					10,8								
Жами	820	460,7	540,2	705,4	666,4	571,9	551	590	118,9	111,7	199	109,8	152,4	110,6

*Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Бу ўринда таъқдлаш керакки, қишлоқ хўжалик корхоналарининг машина, трактор, механизмларга бўлган талаблари ҳам тўлиқ қондирилгани йўқ. Бу муаммони ҳал этиш учун машина, трактор ва механизмларни қишлоқ хўжалик корхоналарининг талабини қондирадиган даражада сотиб олиш зарур. Бунинг учун уларни қайси манбалар ҳисобидан, қаерлардан, қандай йўллар билан, қандай тартибда олиш мумкинлигини ҳам билиш керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилган сармоялар ҳисобидан моддий-техника ресурсларининг айримларини қуришлари, таъмирлашлари, баъзиларини сотиб олишлари, ижарага олишлари, айримларини эса парвариш қилиб, барпо этишлари мумкин. Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида корхона маблағларининг камлиги, уларнинг бир меъёردа шаклланмаётганлиги ҳамда саноатда яратилаётган моддий-техника ресурслари баҳоларининг юқори суръатлар билан ўсиши тармоқдаги моддий-техника ресурсларини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигида кўл меҳнати харажатлари ошиб бормоқда. Бу масалаларни ижобий ҳал қилиш қишлоқ хўжалигида лизинг кредити ривожлантирилиши, бу эса қишлоқда лизинг билан шуғулланувчи фирма, компаниялар сони кўпайтирилишини, уларнинг фаолиятлари ривожлантирилишини талаб этади. Лизинг билан шуғулланувчи ташкилотлар ўз маблағларига қишлоқ хўжалиги корхоналари учун зарур бўлган техникаларни, бино-иншоотларни ҳамда бошқа асосий воситаларни ижарага берувчилардан олиб беришлари мумкин. Бундай хизматлари учун улар қишлоқ хўжалиги корхоналаридан лизинг фоизларини оладилар.

Лизинг ташкилотлари лизинг кредити фоизларини тўлаш муддатларини кечиктириши ҳамда чўзиши мумкин. Лизинг кредитларини, хизматларини амалга оширишда уч томон – асосий воситаларни ижарага берувчи корхоналар, лизинг ташкилотлари ҳамда ижарага олувчи қишлоқ хўжалик корхоналари қатнашадилар. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий механизмлар, масалан, давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар, имтиёзли кредитлаш тизимини ва бошқаларнинг кўламини келажакда кенгайтириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари таркибида чорва ҳайвонларининг ҳам салмоғи улкан. Уларнинг турлари, бош сони қишлоқ хўжалик корхоналарининг жойлашиши ҳамда ихтисослашидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилади. Маълумки, қишлоқ хўжалик корхоналари асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашганлиги учун айримлари шаҳарларга яқин жойлашган. Шунинг учун хўжаликларда асосан қорамолчилик мавжуд. Бошқа турдаги чорва ҳайвонлари эса хўжаликларда ички талабни қондириш мақсадида сақланади. Бош сони хўжаликларда 1996-2000 йиллар мобайнида камайиб борган. (13-жадвал).

Республика вилоятлари қишлоқ хўжалик корхоналарида қорамол бош сонининг ўзгариши*

Вилоятлар	Қишлоқ хўжалик корхоналарида				
	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон Р.	109,6	107,4	96,4	91	92
Андижон	95,1	86,6	80,2	74	70
Бухоро	76,4	65	56,5	49	45
Жиззах	51,8	35,7	28,5	26	23
Қашқадарё	124	106,7	100,7	97	91
Навоий	27	24	21,3	20	20
Наманган	84,9	72,8	62,9	58	55
Самарқанд	95,2	73,7	71,1	66	60
Сурхондарё	77,2	67,6	61,4	56	55
Тошкент	106,6	92,6	81,4	82	82
Фарғона	109,6	91,3	74,9	71	65
Хоразм	97,1	93	90,1	85	68
Жами	1095,6	948,9	845,7	794	743

*Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Агарда 1996 йилда қорамол 1095,6 минг бошни ташкил этган бўлса, 1997 йилда улар 13,4 фоизга, 1998 йилда-22,8 фоизга 1999 йилда-27,5 фоизга, 2000 йилга келиб 32,2 фоизга камайган. Бу ҳол қуйидаги сабаблар таъсирида содир бўлди: Чорвачиликда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида айрим камчиликларнинг мавжудлиги. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилда эълон қилинган «Чорва фермаларини хусусийлаштириш тўғрисида» ги қарорига биноан чорвачилик фермаларини хусусийлаштириш тез суръатларда бошланди. Унинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш ҳам йўлга қўйилди.

Лекин бу ислохот кўзлаган самарани бермади. Чунки чорва молларини хусусийлаштиришда уларни ем-хашак билан таъминлайдиган ер майдонлари ижарага берилмади. Натижада чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланмади. Шу билан бирга хусусийлаштирилаётган чорва ҳайвонларининг бош сонини сақлаш масаласи ҳам тўлиқ ҳал этилмаган эди. Озуқа базаси талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли чорва ҳайвонларини хусусийлаштириб олганлар зотли ҳайвонларни сота бошлашди. Бундай ҳолни бартараф этиш мақсадида ҳозирги даврда чорвачиликда иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш билан биргаликда улардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш лозим.

Демак, тармоқ корхоналарида улардан фойдаланилаётганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун юқорида таъкидланган кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Лекин ўтиш даврининг ҳозирги босқичида улардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Чунки машина, трактор, комбайнларнинг ишга яроқлилиқ ҳолати юқори даражада эмас. Жами тракторларнинг ишга яроқлилиқ даражаси 1996-2001 йиллар мобайнида 68-72 фоиздан, пахта териш машиналарининг тайёргарлик ҳолати эса 25-36 фоиздан, ғалла комбайнлариники 30-33 фоиздан ошгани йўқ. Бундай ҳолат машина, трактор ҳамда комбайнларнинг ишга яроқлилигини таъминлаш учун зарур бўлган бутловчи воситалар етишмаслиги, уларни сотиб олиш учун эса молиявий ресурслар камлиги туфайли содир бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган техникаларнинг юқоридаги ҳолати ишлаб чиқариш жараёнлари комплекс механизациялаштирилишига имкон бермаётир. Натижада пахта териш жараёни 30 фоиз атрофида, сигирларни соғиш 25 фоиз атрофида механизациялаштирилган. Оқибатда тармоқда ишлаб чиқарилаётган кўпчилик маҳсулотларнинг таннари юқори, меҳнат унумдорлиги паст. Бундай ҳолга чек қўйиш мақсадида республика ҳукумати катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, туманларда ихтисослашган хўжалик ҳисобидаги машина-трактор парклари, уларни таъмирлаш корхоналари ташкил этилмоқда. Шу тарзда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тизими яратилмоқда.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, унинг самарадорлигини юксалтиришда моддий-техника ресурсларининг, фан-техника тараққиётининг ҳамда илғор технологияларнинг аҳамияти бекиёс. Уларсиз қишлоқ хўжалигида кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Фан-техника тараққиёти натижасида моддий-техника ресурсларининг янги, унумли, чидамли, сифатли турлари яратилади. Улардан оқилона фойдаланиш туфайли янги, самарали технологиялар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этилади. Улардан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини тегишли кўрсаткичлар тизими ёрдамда аниқлаш лозим.

Тармоқда моддий-техника ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси, самарадорлиги талабга тўлиқ жавоб бермайди. Чунки улар ўртасидаги мутаносибликка ҳозирча эришилгани йўқ. Хўжаликларнинг улар билан таъминланганлик даражаси пастроқ, техника ресурсларининг ишга яроқлилиги ҳам талаб даражасида эмас, бундай воситалар эркин баҳоларининг ўсиш даражаси юқори.

Илғор, самарали технологиялар қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида барча омилларни эътиборга олган ҳолда жорий этилиши лозим. Моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти маҳсули бўлган воситалар ҳамда илғор технологиялар бозорини ривожлантириш зарур.

Келажакда тармоқнинг моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражасини ҳамда иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун барча чоратadbирларни вақтида, сифатли амалга ошириш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Моддий-техника ресурслари деганда нимани тушунасиш?

Тармоқни ривожлантиришда моддий-техника ресурсларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурсларининг таркиби нималардан иборат, улар ўзига хос қандай хусусиятларга эга?

Моддий-техника тараққиёти, йўналишлари, самарали технология деганда нималарни тушунасиш?

Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги кўрсаткичлари деганда-чи?

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси нималардан ташкил топади? Унинг ўзгариш сабабларини кўрсатинг.

Тармоқнинг моддий-техника ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қандай масалаларни ҳал этиш керак?

Асосий адабиётлар

Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.

Абдуғаниев А., Ражабов И.Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг элдектроэнергия ресурсларидан фойдаланиш, уни ривожлантириш масалалари. АСМда энергиядан самарали фойдаланиш муаммолари. Республика илмий-амалий конференциясининг мақолалар тўплами. Тошкент, 2001.

Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рўнку. Москва, ИПО «Поигрон», 1992.

Р.Хусанов, Д.Ҳамдамов. «Муқобил машина-трактор парклари (ММТП)», Т.:2001.


VII бoб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВА АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ, УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

1. Асосий ва айланма фондлар (воситалар) ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва туркумлаштирилиши

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ҳисобланган ер, машина-трактор, комбайнлар, кимёвий воситалар, ёқилғилар, ем-хашаклар, уруғликлар ва бошқа воситаларнинг қиймат ҳолидаги кўриниши тармоқ фондларини ташкил этади. Улар иқтисодий моҳияти, шаклланиши, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Уларни айрим ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва билвосита қатнашадиганларга ҳам бўлинади. Масалан, ер, сув, ўғит, уруғлик, ем-хашак, ер ҳайдайдиган, ишлов берадиган тракторлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бевосита қатнашади. Чунки улар маҳсулот етиштириш ҳажмига, сифатига бевосита таъсир этади. Хўжаликларнинг маъмурий, маданий ва бошқа бинолари, дала шийпонлари, омборхоналар, хизмат кўрсатувчи техникалар, компьютерлар ва бошқа воситалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига, уларнинг сифатига билвосита таъсир этади. Лекин уларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги умумий аҳамиятини инкор этиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар иқтисодий моҳиятига, яъни шакллантирилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш жараёнида қатнашишига кўра, асосий ҳамда айланма фондларга бўлинади. Улар натурал ҳолида кўриниши ва қатнашиши бўйича асосий ва айланма воситалар ҳам деб аталади (5-чизма).

5-чизма

Қишлоқ хўжалик фондларини туркумлаштирилиши



Улар ишлаб чиқариш жараёнидаги функционал фаолиятига кўра, меҳнат предметлари ҳамда меҳнат воситаларига бўлинади. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида

яратилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда инсон меҳнати ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашиб, ўз шакллари тўлиқ ўзгартирадиган предметлар тармоқнинг меҳнат предметларини ташкил этади.

Уларга саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган ёқилғи, ёғловчи материаллар, кимёвий ўғит, ем ва бошқалар киради. Улар тармоқнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида бир марта қатнашиб, ўз шакллари тўлиқ ўзгартириб, қийматини ҳам уларга ўтказадиган предметлардир. Тармоқда банд бўлган инсонларнинг онгли меҳнати қаратилган меҳнат предметлари ёрдамида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, хизматларни бажариш мақсадида бир неча йиллар давомида фойдаланиладиган нарсалар меҳнат воситалари ҳисобланади. Улар табиат томонидан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалик тармоқларида яратилган бўлиб, турли хилдаги маҳсулотларни етиштиришда, хизматларни, ишларни бажаришда бир неча йиллар давомида фойдаланилиб, ўз кўринишини, шакллари ўзгартирмасдан, лекин қийматининг маълум бир қисмини маҳсулотларга, ишларга, хизматларга ўтказиб борадиган воситалардир. Уларга қишлоқ хўжалик техникалари ҳисобланган машина-тракторлар, комбайнлар, сеялкалар, культиваторлар суғориш иншоотлари, бинолар, станоклар ва бошқалар киради. Ерлар, табиий ўрмонлар – табиат маҳсулидир. Ишчи ва маҳсулдор чорва ҳайвонлари, боғзорлар, токзорлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун бир неча йиллар мобайнида фойдаланилади. Асосий воситалар йиллар давомида жисмоний ҳамда маънавий эскиради. Фан-техника тараққиёти натижасида янги, замонавий техникаларнинг яратилиши туфайли улар маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Асосий воситаларнинг эскиришини уларнинг амалдаги эскириш меъёрлари (нормативлари) ёрдамида аниқлаш мумкин. Уларнинг эскириш қиймати амортизация суммалари, деб аталади. Асосий воситаларнинг эскириш меъёрини белгилаб берувчи амортизация меъёри асосида уларнинг эскириш қиймати (суммаси) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Асқ \frac{АБк}{Ан} \cdot 100 \text{ ёки } \frac{АБк}{Ан};$$

Бунда: Ас - асосий воситанинг амортизация суммаси (сўм);

АБк - асосий воситанинг баланс қиймати (сўм);

Ан - асосий воситанинг эскириш меъёри (коэффициентда, йилда).

Асосий воситаларнинг эскириш меъёри (нормативи) берилмаганда асосий воситанинг баланс қийматини унинг хизмат муддатига тақсимлаш натижасида эскириш меъёри аниқланади. Хўжаликда бир неча йиллар давомида ишлатилган воситалар капитал таъмирланган бўлса, улар баланс қийматига қўшилади.

Бозор иқтисоди шароитида корхоналар фан-техника тараққиёти натижасида яратилган янги, серунум техника воситаларини сотиб олишга

интилади. Хўжаликда узоқ йиллар давомида ишлатилаётган, маънавий жихатдан эскирган воситалар эса ишлаб чиқаришдан чиқарилади. Бунда асосий воситаларнинг эскириш суммасини аниқлашда тезкор амортизация усулидан ҳам фойдаланилади. Уни аниқлашнинг белгиланган меъёри йўқ. Шунинг учун хўжаликлар эскириш суммасини ўз имкониятларини, фан-техника тараққиёти таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳисоблайдилар. Агарда ишлатилаётган машиналар, тракторлар, комбайнлар маънавий жихатдан эскирган бўлса, уларни норматив бўйича эмас, қисқароқ даврда эскиришини ҳисоблаб, ишлаб чиқаришдан чиқариш мумкин. Лекин бу жараён улар ёрдамида етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархларига бевосита таъсир этади. Чунки бунда маҳсулот таннархига олиб бориладиган амортизация суммаси кўпаяди. Шунинг учун бу усулни қўллашдан аввал уларнинг ўриндошлигини ҳамда сарф-харажатларини, даромадларини ва бошқа жихатларини эътиборга олиш лозим.

Эскириш қийматлари етиштириладиган маҳсулотларга, хизматларга белгиланган тартибда ўтказилади.

Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат предметларидан ҳамда меҳнат воситаларидан оқилона фойдаланиш натижасида турли хилдаги сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, фойдали хизматларни бажарадилар. Уларнинг йиғиндисини қишлоқ хўжалиги воситалари ёки фондлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалик фондлари тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашишига ёки фойдаланилишига кўра, ишлаб чиқариш фондлари ҳамда ноишлаб чиқариш фондларидан ташкил топади. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашишининг зарурийлиги ҳамда муддатига кўра, юқорида кўрсатилганидек, асосий ва айланма фондларга бўлинади. Уларни натура ҳолдаги кўринишига кўра, асосий ва айланма воситалар, умумий ҳолда эса ишлаб чиқариш воситалари, деб аталади.

Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йиллар давомида қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга, бажарилаётган хизматларга йилма-йил қисман ўтказиб боради (яъни эскириш қийматини). Бундай воситалар ҳозирги даврда республикада 15 (Россия Федерациясида 50) минимал ойликдан юқори қийматга эга бўлган ва 1 йилдан кўпроқ хизмат қиладиган ишлаб чиқариш воситаларидир. Уларга қишлоқ хўжалик ерлари, машиналар, тракторлар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, қурилмалар, станоклар, ишчи, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик мевали дарахтлар ва бошқалар киради.

Айланма фондлар ёки воситаларга, маблағларга эса маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматларни бажариш жараёнларида бир марта қатнашиб, қийматларини шу маҳсулотларга тўлиқ ўтказиб, ўз шаклларини ҳам ўзгартирадиган арзон, тез тўзувчи воситалар киради. Уларга уруғликлар, ёқилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар, кимёвий воситалар, ем-хашаклар, кам қийматли, тез ўзгарувчи материаллар, жорий, валюта счётларидаги, кассадаги маблағлар, берилган иш ҳақлари ва бошқалар киради.

Асосий ва айланма воситалар маҳсулот ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бениҳоят катта аҳамият касб этади. Чунки уларсиз талабни қондирадиган миқдорда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас. Улардан оқилона фойдаланиш натижасида меҳнат ва маблағ харажатлари тежалади.

Демак, асосий ва айланма воситалардан оқилона ва самарали фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалиги иқтисоди ривожланади. Натижада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланади. Шунинг учун бундай воситаларни яратишга, қуришга, таъмирлашга, улардан яхши фойдаланишга ҳукуматимиз алоҳида эътибор бериб келмоқда...

2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари (воситалари) ва улардан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг аниқланиши

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондлари (воситалари)нинг катта қисмини асосий фондлар ташкил этади. Уларга қишлоқ хўжалигида қатнашадиган барча меҳнат воситалари киради. Улар қишлоқ хўжалик корхоналарининг доимий капиталини ташкил этади. Функционал вазифасига қараб асосий фондлар (воситалар) ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. (6-чизма).

Ишлаб чиқариш воситаларига бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашадиган фондлар (воситалар), ноишлаб чиқариш воситаларига эса, хўжаликнинг клублари, маданият саройлари, мактаблар, соғлиқни сақлаш идоралари, ясли, ҳаммом, омбор ва ҳоказолар киради. Улар меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришда катта роль ўйнайди.


Асосий фондларнинг алоҳида турлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бир хилда иштирок этишмайди. Улардан баъзилари асосий ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғланган ва чорвачилик, ўсимликчилик маҳсулотларини кўпайтиришда асосий омил ҳисобланади. Уларга тракторлар, комбайнлар, юк машиналари, қишлоқ хўжалиги машиналари, техникалари ва ҳоказолар киради. Бошқа асосий фондлар қурилиш, савдо ва қишлоқ хўжалик корхоналаридаги умумий овқатланишга ва бошқаларга йўналтирилган. Шунинг учун асосий фондлар (воситалар) қишлоқ хўжалигида бевосита қатнашувчи ва қишлоқ хўжалигида қатнашмайдиганларга бўлинади.

Тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий роль қишлоқ хўжалигида қатнашувчи фондларга тегишлидир, чунки улар асосий ишлаб чиқариш фондининг 80 фоизини ташкил қилади. Бу фондларга қуйидагилар киради:

- ер ресурслари;
- бинолар;
- иншоотлар;
- машина ва техникалар;
- транспорт воситалари;

- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- сут берувчи қорамоллар;

Қишлоқ хўжалиги асосий фондлари (воситалари) нинг туркумлаштирилиши



- гўшт берувчи қорамоллар;
- кўп йиллик экинлар;
- ерни яхшилаш учун қилинган сарфлар (иншоотлардан ташқари).
- асбоблар ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари тармоқ хусусияти бўйича ўсимликчилик, чорвачилик ва умумий фондларга бўлинади. Кўп укладли иқтисодиёт шаклланишида эса асосий фондлар хусусий, ижарага олинган ва ижарага берилган фондлардан ташкил топади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида тор доирада фаолият кўрсатадиган асосий фондлар борки, улардан фақатгина бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Масалан: дон комбайнлари, пахта терувчи машиналар, соғиш аппаратлари ва ҳоказо.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришнинг сўнгги натижаларига бир хилда таъсир этмайдилар. Шунинг учун улар актив ва пассив фондларга ажратилади. Актив фондларга ишлаб чиқариш жараёнида фаол қатнашадиган тракторлар, комбайнлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникалари, транспорт воситалари, маҳсулотларни реализация қилишда иштирок этадиган воситалар ва бошқалар киради.

Пассив фондларга эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бевосита қатнашмайдиган бинолар, иншоотлар, мелиорация объектлари киради. Барча асосий воситалардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш керак.

Асосий фондлар (воситалар)дан фойдаланиш даражаси ҳамда самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлардан, жумладан, асосий воситалардан фойдаланиш даражасини исботловчи натурал кўрсаткичлардан фойдаланилади. Чунончи, битта машинанинг бир йил мобайнида бажарган иши, битта комбайннинг бир йилда ишлаган куни, ҳосилини йиққан майдони ҳамда йиғиштирган ҳосили. Уларни қуйидаги формулалардан фойдаланган ҳолда тиклаш мумкин:

$$ХМ_{\kappa} \frac{МИ}{ХМ}; \quad ХТ_{\kappa} \frac{ТИ}{ХТ}; \quad ХК_{\kappa} \frac{КИ}{ХК}.$$

Бунда: ХМ, ХТ, ХК - ишлаган машиналарнинг, тракторларнинг, комбайнларнинг ўртача сони (дона);

МИ, ТИ, Ки - машиналар, тракторлар, комбайнлар билан жами бажарилган иш ҳажми (тГкм; этга; га, тонна...).

Асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлиги эса бир қанча кўрсаткичлар билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар натура ва қиймат ҳолида иштирок этадилар.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг қиймат кўрсаткичлари: фонд қайтими ва фонд сиғимидир. **Фонд қайтими**ни қишлоқ хўжалигида ишлатилган асосий фондларнинг ўртача йиллик суммасига қишлоқ хўжалигида бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қайтимини тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин.

$$\Phi_{\text{КК}} = \frac{ЯМ_{\text{К}}}{ХА\Phi_{\text{К}}}$$

Бунда: \bar{X} Афк - фонд қайтими (сўм);

Ямк - ялпи маҳсулот қиймати (сўм);

ХАФк - асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати (сўм).

Фондлар қайтимини бир сўмлик асосий фонд эвазига маълум муддатда олинган ялпи даромад ва соф фойда кўрсаткичлари ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Улар ялпи даромад, соф фойда суммасини асосий фондларнинг йиллик ўртача қийматига тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунда қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$ЯД\Phi_{\text{КК}} = \frac{\sum ЯД}{ХА\Phi_{\text{К}}} : \frac{\sum СФ}{ХА\Phi_{\text{К}}}$$

Бунда: ЯДФк-ялпи даромад бўйича фонд қайтими (сўм);

$\sum ЯД_{\text{К}}$ йиллик ялпи даромад суммаси (сўм);

СФФк – соф фойда бўйича фонд қайтими (сўм);

$\sum СФ$ - йиллик соф фойда суммаси (сўм).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида 1 сўмлик асосий фондлар эвазига неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф фойда олинганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичлар миқдори юқори бўлгани яхши.

Фондлар сиғими. Уни аниқлаш учун асосий фондларнинг йиллик ўртача суммасини етиштирилган ялпи маҳсулот қийматига тақсимлаш зарур. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\Phi_{\text{СК}} = \frac{ХА\Phi_{\text{К}}}{ЯМ_{\text{К}}}$$

Бунда: $\Phi_{\text{С}}$ -фонд сиғими (сўм).

Фонд сиғими эса, бир сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш учун қанча асосий фонд қиймати тўғри келишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш фондларининг (асосий ва айланма) иқтисодий самарадорлиги рентабеллик кўрсаткичи билан ҳам характерланади. Иқтисодиётда бу кўрсаткични фойда нормаси (меъёри) дейилади. У қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Phi_{\text{НК}} = \frac{\Phi_{\text{С}}}{А\Phi_{\text{К}} + А\Phi_{\text{К}}} * 100\%$$

Бу ерда: $\Phi_{\text{Н}}$ -фойда нормаси, фоиз;

$\Phi_{\text{С}}$ -реализациядан тушган фойда, сўмда.

Фойда нормаси бир бирлик ишлаб чиқариш фондлари қийматига қанча фойда олинганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг даражаси юқорига интилиши мақсадга мувофиқдир.

7.3. Айланма фондлар (воситалар), бу фондларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг аниқланиши

Қишлоқ хўжалиги фондларининг муҳим қисмини айланма фондлар ташкил этади. Айланма фондлар ишлаб чиқариш ва реализация жараёнининг тўхтамай амалга ошишини таъминлаб туради. Уларнинг натура ҳолидаги кўриниши айланма воситалар дейилса, пул (қиймат) шаклидаги кўриниши айланма фондлар, маблағлар, деб аталади. Асосий фондлардан фойдаланиш даражаси хўжалик, унинг ишчи ва хизматчилари фондлар билан таъминланганлигига ҳамда меҳнатнинг курулланганлигига боғлиқ. Шундай экан, хўжаликда бу кўрсаткичларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидаги тартибда аниқланади: жумладан, хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланганлигини аниқлаш учун ундаги асосий фондларнинг ўртача йиллик суммасини унда фойдаланилган ер майдонига тақсимлаш лозим. Бу қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Аф\tau\kappa \frac{\overline{X} A\Phi\kappa}{\Phi e}$$

Бунда: Афτ – асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси (сўмГга);

$\overline{X} A\Phi\kappa$ – асосий фондларнинг йиллик ўртача суммаси (сўмда);

Φe – фойдаланилаётган ер майдони (га).

Меҳнатнинг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси эса, асосий фондларнинг йиллик ўртача суммаси, шунингдек, уларнинг қуввати ишлаган ишчи-хизматчилар (меҳнат ресурслари) нинг ўртача йиллик сонига тақсимланади. Уларни ушбу формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M\tau\kappa \frac{\overline{X} A\Phi\kappa}{\overline{X} M\tau} ; \quad M\tau\kappa \frac{\overline{X} A\Phi\kappa y}{\overline{X} M\tau y}.$$

Бунда: Мτ – меҳнатнинг (1 кишига) асосий фондлар билан таъминланганлиги (сўмГкиши);

$\overline{X} A\Phi\kappa y$ – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қуввати (от кучида);

$\overline{X} M\tau$ – меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар хўжаликларнинг ихтисослашишига, машина-техникалар билан таъминланганлигига кўра, фарқ қилиши мумкин. Айниқса, охириги формула ёрдамида аниқланган кўрсаткич ишлаб чиқариш механизациялаштирилишини, автоматлаштирилишини таъминлаб, жонли меҳнат харажатларини тежаб, меҳнат унумдорлиги юксалишига олиб келади.

Айланма фондларга (воситаларга) ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситалари ва моддий неъматларнинг айримлари киради. Айланма воситалар, маблағлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, бир шаклдан иккинчи шаклга айланиб туради. Масалан, буғдой уруғи экилиб, ниҳоли униб чиқиши. Бу жараён фалсафа қонунига кўра, инкорни-инкор этиш, деб аталади. Айланма фондлар асосий фондлардан фарқли ўлароқ, бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз моддий қийматини ва шаклини тўлиқ ўзгартиради. Мисол: экилган уруғ ўсимликка, минерал ўғитлар эса озиқа моддаларга айланади, ёнилғидан фойдаланиш натижасида машина-тракторлар иш бажаради ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий бўлганлиги учун, айланма фондларнинг сарфланиши, таркиби йил давомида ўзгариб туради. Масалан: қишда айланма фондларнинг кўп қисми уруғ ва озуқада, ёзда эса фондларнинг аксарият қисми нефть маҳсулотлари, машина эҳтиёт қисмлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг айланма фондларига (воситаларига) қуйидагилар киради:

- хомашё материаллар;
- ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар;
- ёқилғи, ёғловчи моддалар;
- идиш ва идиш материаллари;
- уруғ ва уруғлик материаллари;
- қурилиш материаллари;
- эҳтиёт қисмлари;
- озуқалар, ем-хашаклар;
- боқувдаги ҳайвонлар;
- арзон баҳоли ва тез эскирувчи предметлар;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари:

а) ўсимчиликда;

б) чорвачиликда;

в) саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда;

1. реализацияга тайёр маҳсулот;
2. харидорлар билан ҳисоб-китоб қилишдаги маблағлар;
3. материал ва хомашёларни сотиб олиш учун пул маблағлари;
4. ҳисоб рақамидаги, ғазнадаги маблағлар ва бошқалар.

Уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бажараётган вазифаларини эътиборга олган ҳолда қуйидагича гуруҳлаштириш, ишлаб чиқариш захираларига, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда муомаладаги восита ва маблағларга бўлиш мумкин (7-чизма).

Айланма фондларининг айланиши ўзида уч босқични мужассамлаштиради: таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация (сотиш).

Айланма фондлар (воситалар) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик фаолиятининг сўнгги натижаларига бир хил таъсир этмайди. Таъсир этиш даражасига қараб айланма фондлар:

10. қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ортиш ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи;
11. ишлаб чиқариш жараёнига ва самарадорлигига билвосита таъсир қилувчи фондларга бўлинади.


Биринчи гуруҳга: уруғлик, кўчатлар, озуқа, ўғитлар, химикатлар, боқувдаги ҳайвонлар кабилар, **иккинчи гуруҳга:** ёқилғи материаллари, машина эҳтиёт қисмлари ва бошқалар киради.

Айланма фондларнинг таркиби корхонанинг ихтисосига қараб ўзгариб туради. Масалан, дон маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарда айланма

фондларнинг асосий таркибини ёқилғи, уруғлик, эҳтиёт қисмлар, техникалар банд этган бўлса, чорвачилик корхоналарида бу таркибни асосан озуқа, боқувдаги ҳайвонлар банд этади.

7-чизма

Қишлоқ хўжалиги айланма фондлари (воситалари) нинг туркумлаштирилиши



Айланма фондлар (воситалар)дан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

Даставвал **айланма фондларнинг айланиш коэффициенти**. Уни аниқлаш учун сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, кўрсатилган

хизматларнинг, бажарилган ишларнинг умумий қийматига асосий подага ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қийматини қўшиб, ундан асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган маблағни айиргандан сўнг қолган қийматни айланма фондларнинг йиллик ўртача қолдиқ суммасига тақсимлаш лозим. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_k \frac{C_k + E_{x_k} - X_c}{X_{AF_{kk}}}$$

Бунда:

K - айланма фондларнинг айланиш коэффициенти;

C_k - сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, бажарилган ишлар, хизматларнинг қиймати (сўм);

E_{x_k} - асосий подага ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қиймати (сўм);

X_c - асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган тушум (сўм);

$\bar{X}_{AF_{kk}}$ - айланма фондларнинг йиллик ўртача қолдиқ қиймати (сўм).

Бу кўрсаткич хўжаликлардаги айланма фондларнинг бир йил давомида айланиш тезлигини кўрсатади. Унинг миқдори имконият доирасида бирдан юқори бўлгани маъқул. Шу кўрсаткичга асосланган ҳолда айланма фондларнинг айланиш муддати ҳам аниқланади.

Уни юқоридаги кўрсаткичдан фойдаланиб, **йил давомида айланма фондлар (воситалар) айланишининг ўртача даври**ни топамиз. Бунинг учун бир йилдаги календарь кунлари умумий сонини (365 ёки 366) айланиш коэффициенти тақсимлаб, қуйидаги тенгликдан фойдаланилади:

$$Адк \frac{365}{K};$$

Бунда-Ад-айланма фондларнинг айланиш муддати, кун.

Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналарида айланма воситаларнинг айримларидан фойдаланилганлик даражасини ҳам аниқлаш мумкин. Жумладан, минерал ўғитлардан, ем-хашак ва озуқа моддалардан, ёқилғилардан ва бошқалардан. Уларни натура ёки қиймат ҳолида аниқлаш имконияти мавжуд. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M\ddot{y}_{ск} \frac{YX_m(YX_k)}{MU_m(k)}$$

Бунда:

$M\ddot{y}_c$ – сарфланган минерал ўғитларнинг соф ҳолдаги миқдори самарадорлиги;

YX_m – олинган ялпи ҳосил миқдори (экинлар бўйича), тонна;

YX_k – олинган ялпи ҳосил қиймати, сўм;

$MU_m(k)$ – сарфланган минерал ўғитлар миқдори, қиймати, кгҒсўм.

Бу кўрсаткич ёрдамида сарфланган соф ҳолдаги бир килограмм (цент.) ўғит миқдorigа сўмда қанча ялпи ҳосил ёки қанча миқдорда маҳсулот олинганлигини аниқлаш мумкин. Унинг миқдори қанчалик юқори бўлса,

минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юксалаётганлигидан далолат беради.

Чорвачиликда эса сарфланган озуқа бирлигининг самарадорлик даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$CO_{C\kappa} \frac{ЧМм(ЧМк)}{COм}$$

Бунда:

Сос – маҳсулот етиштириш учун сарфланган озуқа миқдорининг самарадорлик даражаси;

ЧМм – етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг (гўшт, сут) миқдори, цен (кг);

ЧМк – етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг (гўшт, сут) қиймати, сўм;

СОм – чорва маҳсулотларини етиштиришга сарфланган озуқа бирлиги.

Албатта, айланма фондларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда фонд қайтими ва фонд сиғими кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

7.4. Асосий ва айланма воситаларнинг, фондларнинг шакллантирилиши, барпо этилиши

Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган асосий ва айланма воситалар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турлича йўллар билан шакллантирилиб, барпо этилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги корхоналар айрим асосий воситаларни (бино, иншоотларни) ўзлари қурмоқдалар, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирламоқдалар, чорва ҳайвонларини парвариш қилиб, етиштирмоқдалар. Масалан, боғзорлар, токзорларни барпо этмоқдалар. Айримларини, яъни техникаларни сотиб олмоқдалар, баъзи бирларини ижарага олмоқдалар. Бунда ўз маблағларидан ҳамда четдан жалб этилган маблағлардан, асосий воситаларни барпо этишда соф даромадларидан ажратилаётган маблағ, амортизация фонди, асосий воситаларни сотишдан, тугатишдан тушаётган маблағлардан фойдаланмоқдалар. Улар етмаган ҳолларда акциялар чиқариб, сотиш натижасида ҳам маблағларни барпо этиш мумкин. Лекин бу муносабат қишлоқ хўжалиги корхоналарида айрим сабабларга кўра ривожланаётгани йўқ.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида давлат маблағлар билан таъминлашга ёрдам бермоқда. Даставвал давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш, фойдаланилаётган зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув билан таъминлаш ишлари ҳамда экологияни соғломлаштириш учун маблағ ажратилади. Бунинг учун Республика Молия Вазирлиги қошида давлат буюртмалари бўйича белгиланган миқдордаги маҳсулотларни сотиб олиш учун махсус фонд ташкил этилган. Шу фонддан қишлоқ хўжалигига маблағлар транш шаклида берилмоқда. Унинг асосий қисми йилнинг бошида хўжаликларга ажратилмоқда. Хўжаликлар бу маблағларни 93 фоизидан кўпроқ қисмини

ўғитлар, ёқилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олганликлари учун мақсадга мувофиқ сарфлайдилар. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий ва айланма воситаларни таъсисчиларнинг, ҳомийларнинг маблағларидан фойдаланган ҳолда ҳам қуриш, сотиб олиш мумкин. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналари ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида суғориш, коллектор-дренаж тизимларини ҳамда хўжалик учун зарур бўлган бино ва иншоотларни қуришда, капитал таъмирлашда ихтисослашган қурилиш ташкилотлари хизматларидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Бу каби ишларни бажаришга хўжаликларнинг ўз маблағлари етишмаган ҳолларда улар ўзгаларнинг вақтинча бўш бўлган маблағларидан кредитлар шаклида ҳамда лизинг кредитларидан ҳам фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда республикада фаолият кўрсатаётган «Агромашлизинг» компаниясининг хизматларидан фойдаланиш мумкин. Четдан жалб этилаётган маблағларга давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, тижорат банкларида, ҳамкорлардан, чет эллардан олинаётган узоқ, қисқа муддатли қарзлар киради. Улар ҳисобидан асосий ва айланма воситаларни барпо этилмоқда. Асосий ва айланма воситалар барпо этишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Энг аввало қишлоқ хўжалик корхоналари ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан олгани маъқул. Бундай муносабатда ўртада воситачилар бўлмаслиги сабабли тегишли воситалар арзонроққа тушади. Шунинг учун хўжаликлар бу алоқанинг доимийлигини таъминлашга ҳаракат қилишлари керак.

Лекин ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги корхоналари аксарият асосий ва айланма воситаларни хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ташкилотларидан, базалардан (ёқилғи, кимёвий воситалар), биржалардан, аукционлардан ҳамда кўргазмалардан сотиб олмоқдалар. Улардан сотиб олинаётган ишлаб чиқариш воситаларининг баҳоси воситачилик устамаси эвазига анча юқори бўлганлиги сабабли кўплаб маблағлар ортиқча сарфланмоқда.

Келажакда қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш воситаларини барпо этиш манбалари ҳамда шакллантириш йўллари ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари, яъни тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга эришишлари мақсадга мувофиқдир. Бунда улар ҳамкорлар билан имконият доирасида узоқроқ муддатга шартномалар тузишга интилишлари, шартномаларнинг сифатли тузилишини, тўлиқ бажарилишини таъминлаб, ўзаро ишонч муҳитини яратишлари керак.

Шу билан бирга ички ва ташқи инвестицияларни олиб киришга ва уларнинг кўламини кенгайтиришга катта эътибор бериш лозим. Бунинг учун катта, кичик ҳажмдаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Шу йўллар билан тармоқ ва хўжалик раҳбарлари асосий ва айланма воситаларга бўлган талабини қондиришга эришишлари мумкин.

7.5. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий ва айланма фондлар (воситалар) дан самарали фойдаланиш ва бу фондларнинг

юксалишини таъминлаш йўллари

Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти шакллантирилаётган йилларда тармоқда мавжуд бўлган асосий воситалар ҳамда фойдаланилаётган айланма воситаларнинг миқдори камайганлиги, тармоқ шу воситалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги бизга олдинги бобдан маълум. Лекин, эслатиб ўтиш керакки, шундай вазиятда тармоқдаги мавжуд асосий ва айланма воситаларнинг қиймати йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Чунончи, тармоқнинг асосий фондлари 1997 йилда 176 млрд. сўмликни ташкил этган бўлса, 2002 йилни бошига келиб у 465 фоизга кўпайиб, 837,7 млрд. сўмликка етган. Шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашган айланма воситалар қиймати 389 фоизга ортиб, 2002 йилнинг бошига 347 млрд. сўмни ташкил этган. Бу қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан сотиб олинаётган асосий ва айланма воситаларнинг эркин баҳолари тез суръатларда ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Масалан, 1995 йилда 1 дона «МТЗ-80» маркали тракторнинг баҳоси 487 минг сўм бўлган бўлса, 2002 йилга келиб, 19,3 мартага ошиб, 9,4 млн. сўмни ташкил этган. (14-жадвал).

14-жадвал

Қишлоқ хўжалиги корхоналари сотиб олаётган айрим асосий ва айланма воситалари эркин баҳоларининг ўзгариши*

Кўрсаткичлар	Йиллар				2002 йил	
	1995	1998	2000	2002	1995 й.га нисбатан марта	2000 й.га нисбатан фоизда
	Минг сўмда					
Бензин	15,6	26,7	125,6	196,3	12,6	156,3
Амофос	7,4	18,5	55,3	122,5	16,6	221,5
Суперфосфат	2,7	7,5	23,5	28,4	10,6	120,9
«МТЗ – 80»	487,0	2200,0	3500,0	9393,0	19,3	268,4
2 ярусли плуг	22,6	138,0	600,0	1280,0	56,6	213,3

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Айрим қишлоқ хўжалик техникаларининг баҳолари жуда юкори суръатларда ошган. Масалан, 2 ярусли ер ҳайдайдиган плугнинг эркин баҳоси 2002 йилда 1995 йилдагига нисбатан салкам 56,6 мартага, 2000 йилдагига нисбатан эса 2,1 мартага ошган. Шу йиллар ичда бензин ёқилғисининг баҳоси 12,6 мартага, амофос ўғитининг баҳоси эса 16,6 мартага қимматлашган.

Қишлоқ хўжалиги асосий ва айланма фондлари қийматининг ошиши тармоқ хўжаликларининг фондлар билан таъминланиши ошишига олиб келди. Шу билан бирга асосий воситалар таркибида ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. Хўжаликлар механизаторлар учун қулай имкониятларга эга бўлган бақувват, серунум тракторлар, комбайнларни турли йўллар билан ола бошладилар.

Жумладан, «Магнум» тракторларини, «Кейс» комбайнларини ва бошқа техникаларни. Улар қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати машина ва механизмлар ёрдамида бажарилишини таъминламоқда. Лекин ҳозирги даврда асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги талаб даражасида эмас. Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки йилларида (1991-1997 й.) тармоқдаги ҳар бир сўмлик фойдаланилган ишлаб чиқариш фондлари эвазига фойда олинмаган бўлса, 1999-2002 йилларда жуда кам миқдорда бўлса ҳам фойда олинмоқда. Бундай ўзгариш республика қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган асосий ва айланма фондларнинг иқтисодий самарадорлиги аста-секин юксалаётганлигидан далолат беради.

Келажакда бу ўсиш суръатини янада оширишга эришиш лозим. Бунинг учун тармоқда мавжуд бўлган барча асосий ва айланма фондлар (воситалар) дан йил мобайнида тўлиқ ва мақсадга мувофиқ самарали фойдаланиш зарур. Янги, серунум техникалардан, самарали технологиялардан оқилона фойдаланиш натижасида даставвал меҳнат ҳамда маблағ сарфлари тежалишини таъминлаб, етиштириладиган маҳсулотларнинг бир бирлиги таннарини пасайтириб, экинлар ҳосилдорлигини, чорва хайвонлари маҳсулдорлигини ошириш эвазига олинадиган пул даромадлари ҳамда соф фойда миқдорини кўпайтиришга эришиш лозим.

Аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган барча раҳбар, мутахассис ва ишчи-хизматчиларнинг асосий ва айланма воситалардан самарали фойдаланиш жараёнидаги барча муносабатлари тўғри шакллантирилиши, малакалари, маъсулиятлари оширилиши тақозо этилади. Шунингдек, уларда мулкка эгаллик қилиш ҳиссини реал шакллантириш ва мулкдан самарали фойдаланиш манфаатдорлик юксалишини таъминлашига амалда ишонч уйғотиш керак. Бу уларнинг меҳнатлари онгли ва мақсадга мувофиқ изга тушишига олиб келади.

Айни пайтда корхоналар ихтиёридаги барча асосий ва айланма фондлар (воситалар)дан йил давомида, оқилона ҳамда самарали фойдаланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни вақтида, сифатли амалга ошириш лозим. Шундагина корхоналарнинг жойлашиши, ихтисослашиши ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлигига, улар ўртасидаги мутаносибликка алоҳида эътибор берилади. Агарда хўжаликлар барча воситалар билан талаб даражасида яхши таъминланмаган бўлса, бу масалани ҳал этиш билан боғлиқ тадбирларни, йўлларни аниқлаш зарур. Жумладан, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги масалалар вақтида, сифатли амалга оширилишини таъминлашга доимо эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

12. корхоналарнинг асосий воситалар билан таъминланганлигини меъёрига етказишга, улар ўртасидаги мутаносибликни, яъни бир дона қишлоқ хўжалик машинасига бир нечта механизмлар бўлишини таъминлашга;

13. меҳнат воситаларнинг ҳолатини, яъни ишга яроқлилигини яхшилашга, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга;
14. МТП нинг техник хизмат кўрсатишини яхшилаш, тез ва арзонроқ қуриш, режадаги мавжуд қурилиш материалларидан оқилона фойдаланишга;
15. саноат корхоналари етказиб берадиган қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаларини арзонроқ баҳоларда, қулайроқ усулларда сотиб олишга;
16. қишлоқ хўжалигига янги, самарали технологияларни жорий қилиш ва ҳоказолар;
17. механизатор кадрларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантиришни ривожлантиришга.

Айланма фондлари (воситалар)дан самарали фойдаланишда қуйидагиларга эътибор берилиши зарур: қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ўсишига, ҳайвонлар маҳсулдорлигининг ошишига, маҳсулот сифатининг юксалишига, минерал ўғитлар, озуқалар, уруғлар, ёқилғи маҳсулотларининг тежамли сарфланишига.

Айланма фондлар (воситалар) дан самарали фойдаланишда қуйидаги йўналишларга эътибор бериш керак:

18. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган меҳнат предметларини тадбиркорлик билан арзонроқ баҳоларда сотиб олиш, ўзларида ишлаб чиқариладиганлари таннархини тушириш ва сифатини яхшилашга;
19. меҳнат ва маблағ сарфларини тежаш, бунинг учун янги техникалар, илғор технологиялар кенгроқ ва тезроқ жорий этилишини таъминлашга;
20. айланма воситаларнинг оптимал (мақбул) таркибини таъминлашга;
21. айланма фондларнинг айланиш даврини қисқартиришга;
22. илмий-техник тараққиёт натижаларини қишлоқ хўжалигига жорий қилишга;
23. меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш ва уни рағбатлантиришни ривожлантиришга.

Бу кабиларнинг ҳал этилиши келажақда қишлоқ хўжалигидаги асосий айланма воситалардан, фондлардан, маблағлардан йил давомида самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этишда, жонли меҳнат сарфлари тежалишида, экинлар ҳосилдорлиги, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлиги ошишида, маҳсулотлар сифати яхшилашда асосий ва айланма воситаларнинг аҳамияти улкан.

Уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашишини эътиборга олиб, илмий ва амалий жиҳатдан туркумлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Асосий ва айланма воситалардан фойдаланиш даражасини ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳолатини аниқлашда тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш керак. Ҳозирги даврда асосий ва айланма воситалардан фойдаланиш даражаси, самарадорлиги талабга тўлиқ жавоб бермайди. Чунки асосий воситаларнинг ишга яроқлилиқ даражаси паст бўлган хўжаликлар улар билан тўлиқ таъминланмаган, улардан фойдаланишнинг рағбатлантирилиши суст. Улардан фойдаланиш даражасини ва самарадорлигини ошириш учун хўжаликларни бундай воситалар билан тўлиқ ва мутаносиб равишда таъминлаш, асосий воситаларнинг ишга яроқлилигини ошириш, улардан йил давомида оқилона фойдаланишга эришиш, шунга кўра, моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш, уларнинг бозорини ривожлантиришга эришиш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Асосий, айланма фондлар, маблағлар, воситалар деганда нимани тушунасиш?
Асосий ва айланма воситаларнинг, маблағларнинг, фондларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти қандай?

Асосий ва айланма воситаларни барпо этишнинг қандай манбаларини биласиз?

Ишлаб чиқариш воситалари бозори деганда нимани тушунасиш?

Асосий ва айланма фондлардан, воситалардан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини йўқаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартибини тушунтириб беринг.

Асосий воситаларнинг эскириш қиймати қандай тартибда аниқланади?

Асосий ва айланма фондлардан, воситалардан, маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қандай масалаларга эътибор бериш керак?

Асосий адабиётлар

Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО «Поигрон», 1992.

VIII бoб. MEХНАТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ, УЛАРДАН ФOЙДАЛАНИШ ВА MEХНАТ УНУМДОРЛИГИ

1. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган барча талабларини қондиришда жонли ва буюмлашган меҳнатнинг аҳамияти улкан. Чунки у қийматни яратади. Қолаверса, инсоннинг онги–мақсадга йўналтирилган фаолиятидир. У билан меҳнат предметлари ҳамда воситалари уйғунлашган ҳолда иш жараёни амалга оширилади. Бу жараённинг маҳсули қиймат ҳисобланади. Демак, талабни қондира олиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотларни етиштириш, хизматларни бажариш инсоннинг жонли фаолияти (меҳнати) билан меҳнат предметлари ва воситаларининг мақсадга мувофиқ боғланишига боғлиқ. Яъни, инсон меҳнатиҚерҚтракторҚчигит (уруғ)Қёқилғилар ижобий боғланиши натижасида пахта ёки буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Уларнинг миқдори, сифати бевосита юқоридаги омилларга боғлиқ. Лекин инсон ва унинг онгли фаолияти бўлмаса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди, иш ёки хизмат бажарилмайди. Шундай экан, фақат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда табиий шароитнинг (ҳарорат, ёғин ва иссиқ кунлар миқдори) аҳамияти катта. Ишлаб чиқариш инсон меҳнати ҳамда меҳнат проедметлари ва воситалари, табиий шароитларни эътиборга олган ҳолда самрали уйғунлашишини талаб этади. Инсон шу ишлаб чиқариш воситаларини маълум ҳудудда, даврда ишга солиб, ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширади. Бу жараён бир қанча меҳнат жараёнларини ўз ичига олади. Жумладан, экинлар экиладиган ерларни ҳайдаш, экишга тайёрлаш, экиш, сув бериш, ишлов бериш, ҳосилни териб олиш ва бошқалар. Ишлаб чиқариш жараёнининг самараси, аввало, инсоннинг онгига, билимига, малакасига, муносабатига, қолаверса, фан-техника тараққиётига, ишлаб чиқариш воситаларининг сифатига, ҳолатига ва ниҳоят, табиий шароитга боғлиқ. Демак, инсон ўз фаолиятини уларнинг барчасини оқилона, уддабуронлик билан самарали ишга солишга қаратиши керак. Шундай меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг табиати ишлаб чиқариш муносабатлари билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хусусиятларга эга:

1. меҳнат ва унинг самараси табиий шароит билан боғлиқлиги;
2. меҳнатдан фойдаланишга ишлаб чиқариш мавсумийлигининг таъсир қилиши;
3. қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ўсимликлар ҳамда тирик мавжудотлар (ҳайвонлар, ўсимликлар) билан узвий боғланганлиги;

4. қишлоқдаги меҳнат савияси ва билим даражасининг нисбатан пастлиги;
5. ўсимчилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилганлик ва механизациялаштирилганлик ҳамда электрлаштирилганлик даражаси пастлиги;
6. тармоқда тор доирадаги ихтисослашишнинг камлиги;
7. қишлоқ хўжалигида сарфланаётган меҳнат таркибида аёллар ва ёшлар меҳнати салмоғи (ҳиссаси) нинг кўплиги;
8. қишлоқ хўжалигида меҳнатга тўланаётган ҳақ ва унинг ижтимоий ҳимояланиши бошқа тармоқлардагига нисбатан пастлиги ва бошқалар.

Таъкидланган хусусиятлар тармоқда сарфланадиган меҳнатнинг миқдорига, сифатига ва самарасига бевосита таъсир этади. Турлича табиий шароитда, ҳар хил даражада ихтисослашган хўжаликларда бир хил иш жараёнларини амалга ошириш учун ҳар хил миқдорда бир турдаги меҳнат сарфланади, унинг самарадорлиги ҳам бир-биридан фарқ қилади. Кеч куз, қиш ва эрта баҳорда меҳнат сарфи кескин камайиб, ҳосилни йиғиб олишда унга бўлган талаб ортади. Шу даврда мавсумий ишчилар шартнома асосида жалб этилади. Ўсимчилик ва чорвачиликда бажариладиган ишларнинг кўпчилиги юқори даражада билим ва малака талаб этмайди. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат таркибида аёллар меҳнатининг салмоғи ҳозирги даврда анча юқори. Шунинг учун ҳам тармоқда меҳнатга тўланаётган ҳақ камроқ. Тармоқнинг янги, унумли техникалар билан талаб даражасида таъминланмаганлиги айрим иш жараёнларини (суғориш, чиканка қилиш, ҳосилни йиғиб олиш, чорва ҳайвонларини озиклантириш, соғиш...) тўлиқ механизациялаштириш имконини бермайди, натижада оддий жонли меҳнат харажатлари ортади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнини амалга оширишда унинг самарали бўлишини таъминлаш учун барча хусусиятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқароларни меҳнат ресурслари деб аталади. Уларнинг ҳуқуқий асослари таркиби ҳамда фаолияти Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Меҳнат кодекси»да (04.1996й), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (05.1998й) қонунда батафсил кўрсатилган. Меҳнат ресурслари 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ўсмирлар ва нафақахўрлар ҳам меҳнат ресурси саналади. Уларнинг таркибида иқтисодий фаол меҳнат қилиш имкониятига эга бўлганлар алоҳида аҳамият каб этади. Уларни 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар ташкил этади. Улар меҳнат ресурсларининг асосини ташкил этади. Улар Республикада 2002 йилнинг бошига мавжуд меҳнат ресурсларининг 38,6 фоизини ташкил этган.

Ўзбекистон Ресубликасида 2002 йилнинг бошига 12718 минг кишидан иборат меҳнат ресурслари мавжуд. Бу жами аҳолининг 50,9 фоизини ташкил

этади. Мавжуд меҳнат ресурсларининг 45 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатади. Улар ўзларининг онгли, мақсадли меҳнатлари билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, унинг самардорлигини юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши лозим. Демак, уларнинг меҳнатлари унумли бўлиши керак. Шу билан «меҳнат унумдорлиги» тушунчаси пайдо бўлмоқда. Меҳнат унумдорлиги деганда фойдаланилаётган техникалар, технологиялар ёрдамида бир бирликдаги маҳсулотни етиштириш, ишни бажариш учун сарфланадиган вақтнинг миқдорини назарда тутиш лозим. Бу «Меҳнатни тежаш» иқтисодий қонунининг амал қилишидан далолат беради. Меҳнат унумдорлигининг амалиётдаги тушунчаси ҳам мавжуд. Яъни сарфланаётган бир бирликдаги вақт ичида яратилган қиймат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш меҳнатнинг унумдорлик даражасини ифодалайди. Меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги бу тушунчалар бир-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдиради. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат онгли, мақсадга йўналтирилган бўлса, унинг унумдорлиги юқори бўлади. Бу эса тармоқнинг ривожланишини таъминлайди.

8.2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда қатнашиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотларни талабни қондирадиган миқдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга ҳаракат қилади. Шундай экан, улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланишга эришиш лозим. Бунинг учун меҳнат ресурсларидан фойдаланилаётганлик даражасини аниқлаш керак. Уни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

а). Мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти. Уни аниқлаш учун ишлаб чиқариш жараёнида ҳақиқатда қатнашган меҳнат ресурслари миқдорини (киши) хўжаликда шартнома (буйруқ) бўйича мавжуд бўлган меҳнат ресурслари миқдorigа тақсимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$MK = \frac{\sum IMp}{\sum MMp}.$$

Бунда: M_k – меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти;

$\sum IMp$ – ҳақиқатда ишлаган жами меҳнат ресурслари, киши;

$\sum MMp$ – мавжуд бўлган жами меҳнат ресурслари, киши.

Бу кўрсаткичнинг даражаси бирга яқин бўлгани яхши. Шунда у мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш юқори бўлганлигидан далолат беради.

б). Меҳнат ресурсларининг хўжалик фаолиятида қатнашиши (1 ойда, 1 йилда). Унинг миқдорини хўжалик фаолиятида жами сарфланган вақтни

сарфланган меҳнат ресурсларининг умумий миқдорига тақсимлаш натижасида аниқлаш, бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.:

$$MrX_{kk} = \frac{\sum Mr_{св}}{\sum IM_r}.$$

Бунда: MrX_{kk} – меҳнат ресурсларининг маълум бир муддатда ўртача ишлаган иш вақти, киши куни, киши соати;

$\sum Mr_{св}$ – меҳнат ресурсларининг жами сарфлаган вақти, киши - куни, киши- соат.

Бу кўрсаткичнинг мутлақ (абсолют) миқдори аниқланаётган даврдаги (ойда, йилда) бир кишининг иш вақти фондидан юқори бўлмайди. Меҳнат ресурсларининг ҳар бир гуруҳи учун амалдаги қонунларда йиллик ёки ойлик иш вақти фонди белгиланади. Унинг миқдорини бир йилдаги календарь кунлар миқдоридан барча турдаги байрам (агар у қонун бўйича дам олиш куни ҳисобланса), дам олиш ҳамда таътил (отпуска) кунларини айириш орқали аниқланади. Республикада йиллик иш вақти фонди 276-286 кун миқдорида белгиланган. Бу иқтисодий фаол меҳнат ресурсларининг йиллик иш вақти фонди ҳисобланади. Ўсмирлар учун бу фонд уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилган ҳолда белгиланган. Худди шундай имтиёзлар инсон саломатлиги учун зарур ишларни бажарувчилар учун ҳам ўрнатилган.

в). Белгиланган иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти ҳам аниқланади. У бир ишчи ёки хизматчининг ишлаб чиқаришда ҳақиқатда ишлаган вақтини (киши куни, киши соатини) қонунда белгиланган миқдорда ишлаши лозим бўлган вақтга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$IV_{fk} = \frac{Mr_{Ив}}{Mr_{Ин}}.$$

Бунда: IV_{fk} – иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти;

$Mr_{Ив}$ – меҳнат ресурслари ҳисобланган бир кишининг бир йилда ишлаган вақти, киши куни, киши соати;

$Mr_{Ин}$ – бир киши учун қонунда белгиланган, ишлаши лозим бўлган вақт, киши куни, киши соат.

Бу коэффициентнинг миқдори бирдан ошмаслиги керак. Агар у қанчалик кам бўлса, бу меҳнат ресурси фойдали меҳнат жараёнида кам қатнашганлигидан далолат беради.

г). Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти. Унинг миқдорини бир йил, бир ой мобайнида энг кўп иш кунини шу даврдаги энг кам иш куни миқдорига тақсимлаш натижасида ҳисоблаш мумкин. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$M_m = \frac{!oЭИк}{!oКИв}.$$

Бунда: M_m – меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти;

$!oЭИк$ – бир йилдаги ёки ойдаги энг кўп иш куни;

ЮКИВ – бир йилда ёки ойдаги энг кам иш куни.

Унинг миқдори ҳам 1-1,2 атрофида бўлгани мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда унинг миқдори 2-2,3 га тенг бўлмоқда. Бу меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш жараёнида бир меъёрга қатнашмаётганлигидан далолат беради. Бу ҳолни юмшатиш зарур. Бунинг учун кам меҳнат сарфланадиган ойларда ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалани ҳар бир корхона ўзи ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиши мумкин.

д). Меҳнатнинг унумдорлиги даражаси. Унинг мутлақ (абсолют) даражасини аниқлаш учун ҳақиқатда сарфланган жами иш вақти миқдорини шу даврда ишлаб чиқилган маҳсулот миқдorigа, қийматига ҳамда бажарилган иш ҳажмига тақсимлаш зарур. Бу меҳнатни тежаш иқтисодий қонунининг талаби.

Амалиётда эса у ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, бажарилган ишнинг миқдори ёки қийматини унга сарфланган иш вақтига тақсимлаш натижасида аниқланмоқда. Бундай усулда улар бир-бирларини инкор этмайди, балки тўлдиради. Уларни аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Муқ} \frac{C_{\text{в}}}{E_{\text{м}}} \text{ёки} \frac{E_{\text{м}}}{C_{\text{в}}}$$

Бунда: Му–меҳнатнинг унумдорлик даражаси, киши-куни, соати, сўм;

Св–маҳсулот етиштириш, хизмат кўрсатиш учун сарфланган иш вақти, киши-куни, соатда;

Ем–сарфланган вақт ичида етиштирилган маҳсулот, ц, сўм.

Бу кўрсаткич етиштириладиган бир бирликдаги (цен, тонна, сўм) маҳсулот учун қанча вақт сарфланганлигини ёки сарфланган бир бирликдаги вақт эвазига қанча маҳсулот етиштирилганлигининг, хизматлар бажарилганлигининг даражасини ифодалайди. Маҳсулот бирлигига сарфланган жонли меҳнат миқдори камайса ёки сарфланган бир бирлик меҳнат эвазига етиштирилган маҳсулот бирлиги кўпайса, меҳнат унумдорлиги ошганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида айрим иш, маҳсулот турлари, даврлари ҳамда хўжалик миқёсида натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Унинг даражасини қиймат кўринишида бир неча йиллар давомида аниқлашда киёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Шунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари ўзгаришининг таъсири бартараф этилади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашаётган меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланилаётганлик ҳамда сарфланаётган меҳнатнинг унумдорлик даражаси аниқланиб, чуқур таҳлил этилади.

Шунга асосланган ҳолда келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва сарфланиши зарур бўлган меҳнатнинг унумдорлигини ошириш учун қандай тадбирларни ишлаб чиқиш кераклиги белгиланади.

Булардан ташқари қишлоқ хўжалигида тармоқ сифатида банд бўлган меҳнат ресурслари салмоғи ҳам аниқланади. Унинг даражаси тармоқда банд

бўлган меҳнат ресурслари миқдорини макроиқтисод даражасида, яъни республика миқёсида банд бўлган меҳнат ресурслари сонига тақсимлаш натижасида аниқланади. Аниқланган рақам 100 га кўпайтирилади. Чунки у фоизда ифодаланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$ТБМс = - \frac{ТБМм}{МБМм} * 100$$

Бунда: ТБМс—тармоқда банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи, фоиз;

ТБМм—тармоқда банд бўлган меҳнат ресурсларининг миқдори, млн. ишчи;

МБМм—макроиқтисод миқёсида банд бўлган меҳнат ресурсларининг умумий миқдори, млн. киши.

Бу кўрсаткични қишлоқ хўжалиги таркибидаги тармоқлар (ўсимчилик, чорвачилик, пахтачилик...) доирасида ҳам аниқлаш мумкин. Бунда у қишлоқ хўжалиги асос қилиб олинади. Ички тармоқларнинг шунга нисбатан салмоғи аниқланади. Тармоқ миқёсида мамлакат қишлоқ ҳудудларида яшаётган аҳолининг қандай салмоқа эгаллиги қишлоқ хўжалигида бандлиги ҳам аниқланиши мумкин. Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг умумий аҳоли миқдорини қишлоқ ҳудудларида яшаётган умумий аҳоли миқдорига тақсимлаб, 100 га кўпайтириш керак. Чунки бу кўрсаткич фоизда аниқланади.

Шу кўрсаткичлар ёрдамида макроиқтисод доирасида қишлоқ хўжалик тармоғида банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи, улар меҳнатининг унумдорлик даражаси аниқланиб, таҳлил қилиниши мумкин. Шунинг натижасида тармоқда меҳнат ресурсларининг бандлигига оид чора-тадбирлар макроиқтисод доирасида ишлаб чиқилиши мумкин.

8.3. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражаси

Республика аҳолисининг умумий миқдори 2002 йилнинг бошига 24966,8 минг кишини ташкил этган. 2001 йилда аҳоли сонининг ўсиши 1,27 фоизга тенг бўлган. Жами аҳолининг 62 фоизга яқини қишлоқ ҳудудларида яшамоқдалар. Уларни иш билан таъминлаш ва меҳнатлари унумдорлигини юксалтириш жуда катта аҳамиятга эга.

Республикада 2002 йилнинг бошига 12718 минг кишидан иборат меҳнат ресурслари мавжуд. Уларнинг аксарият қисми қишлоқ ҳудудларида яшаб, меҳнат қиладилар. Демак, жами аҳолининг 50,9 фоизи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Улардан 9173,5 минг нафари ёки 72,1 фоизи иқтисодий фаол меҳнат ресурсларидир. Уларнинг 99,6 фоизи ёки 9136 минг нафари республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларидир. Макроиқтисод доирасида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 36,1 фоизи қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатмоқдалар (15-Жадвал).

**Республика қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган меҳнат
ресурсларининг сони ва салмоғи***

№	Тармоқлар	Йиллар							
		1995		1999		2000		2001	
		минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
1	Қишлоқ хўжалиги	3458	40.9	3421	38.5	3369	37.5	3302	36.1
2	Саноат	1087	12.9	1142	12.9	1176	13.1	1209	13.2
3	Қурилиш	528	6.2	583	6.6	595	6.6	621	6.8
4	Бошқа тармоқлар	3376	40,0	3739	42,0	3843	42,8	4004	43,9
	Жами	8449	100	8885	100	8983	100	9136	100

*Республика макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг миқдори 1995-2001 йиллар мобайнида 156 минг кишига қисқарган. Натижада тармоқда банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг салмоғи 40,9 фоиздан 36,1 фоизга тушган ёки 4.8 фоизга камайган. Бу, албатта, ижобий ҳол. Иқтисодий ривожланган давлатларда, яъни АҚШ, Олмония, Франция, Испания, Голландияда қишлоқ хўжалигида жами аҳолисининг 3 фоиздан 10 фоизгача бўлган қисми фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнатининг унумдорлик даражаси ниҳоятда юқори. Уларда фаолият кўрсатаётган ҳар бир киши 120 нафаргача кишини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминламоқда. Республика миқёсида бу кўрсаткич даражаси ҳозирги даврда анча паст. Демак, уни юксалтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тармоқда банд бўлган меҳнат ресурслари миқдори ва салмоғининг пасайиши республикада амалга оширилаётган аграр-иқтисодий сиёсатнинг маълум даражадаги натижасидир. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида республика Президенти И. Каримов саноатни қишлоққа олиб бориш зарурлигини асослаган ҳолда исботламоқдалар. Шу мақсадда узоққа мўлжалланган турли хилдаги чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, уларни босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу сиёсатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятлилигини қуйидагилар исботламоқда: даставвал аҳоли жуда зич жойлашган Андижон вилоятининг Асака туманидаги қишлоқ ҳудудида «Ўзбекистон - Корея» автомобилсозлик қўшма корхонаси қурилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятлари қишлоқларида нефть, газ, тўқимачилик саноатининг йирик қўшма корхоналари яхши фаолият кўрсатмоқда. Шу каби саноат корхоналарининг ишга туширилиши натижасида қишлоқларда яшаётган меҳнат ресурсларининг сезиларли қисми иш билан таъминланди. Бу уларнинг оилалари реал даромадлар билан таъминланишини юксалтирмоқда. Улар республикада

автомобилсозлик, ёқилғи, тўқимачилик саноатининг барпо этилишини ҳамда ривожланишини таъминламоқда.

Юқоридаги ижобий натижаларга асосланган ҳолда мамлакатнинг қишлоқ ҳудудларида саноат корхоналари ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар барпо этиш ишлари изчиллик билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бу жараён қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш кучлари оқилона жойлашишини таъминлашга ҳам ижобий ҳисса қўшади. Натижада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффицентининг ошиши ҳам таъминланади. 1999 йилда республикада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти 0,995 ёки иқтисодий фаол меҳнат ресурсларининг 99.5 фоизи иш билан таъминланган бўлса, 2001 йилда унинг даражаси 99.6 фоизни $[(9136:9175)*100]$ ташкил этган. Лекин бу кўрсаткични мамлакат қишлоқ хўжалиги корхоналари миқёсида маълумотлар етарли бўлмаганлиги муносабати билан аниқлай олмадик. Аммо уни айрим хўжаликлар миқёсида аниқлаш мумкин. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхонасида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг умумий миқдорига хўжаликда ишлаган кишилар сонини тақсимлаш лозим. Кейинги йилларда Республикада деҳқон (томорқа) хўжалигида, фарзандларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш билан шуғулланадиган фуқароларнинг меҳнатларини эътиборга олган ҳолда уларни меҳнат билан банд бўлганлар таркибига қўшиш лозимлиги тўғрисида ҳукуқий ва меъёрий ҳаражатлар яратилмоқда. Унинг ҳал этилиши, албатта, меҳнат ресурсларини, уларнинг бандлигини ҳисобга олиш масалаларини ечилишига кўмаклашади.

Меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланмаган қисми ишсизлар ҳисобланади. Қонуний жихатдан ишсиз ҳисобланиши учун улар туманлардаги "Меҳнат биржаси"га мурожат этиши зарур. Меҳнат биржалари мурожаат этган ишсизларни белгиланган тартибда рўйхатга олиб, уларга ишсизлар мақомини беради. «Ишсиз» мақомини олган фуқаро эса ижтимоий жихатдан ҳимояланиши учун унга минимал иш ҳақи миқдоридаги маблағ ҳар ойда бериб турилади.

Меҳнат биржалари иш билан таъминланмаганларни тумандаги имкониятларни эътиборга олган ҳолда малакасини ошириш ёки касбларини ўзгартириш бўйича тадбирларни амалга оширади. Шулар натижасида уларнинг иш билан таъминланиши яхшиланади. Бу эса меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти юксалишини таъминлайди.

Қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш кучларининг ривожлантирилиши тармоқдаги меҳнат ресурсларининг маълум бир қисмини саноат ва бошқа ташкилотларга ўтишига таъсир этмоқда. Шу туфайли қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурсларининг тармоқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш даражасини оширмоқда. Яъни уларнинг йил давомида иш билан тўлиқ таъминланишини оширмоқда. Натижада Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги жамоа, ширкат корхоналарида бир йил мобайнида ишлаган иш кунлари 1998-2001 йилларда 17,5 фоизга ортиб, 671,4 млн. киши кунни ташкил этмоқда. Улардан ўсимчилик тармоқларида меҳнат

қилаётганлари 421,7 млн. киши кун ишлаган бўлса, чорвачилик тармоқларидагиси эса 242,7 млн. киши кун ишлаганлар.

Тармоқда мавжуд бўлган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этиш, уларнинг меҳнатлари унумдорлигини юксалтиришда моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг, яъни уларни меҳнатларига ҳақ тўлаш, яхши ишлаганларини эса рағбатлантиришнинг аҳамияти улкан. Ҳозирги даврда давлат ҳамда жамоа мулкчилигига асосланган хўжаликларда шартнома асосида фаолият қилаётган ишчи-хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган миқдорда меҳнат ҳақи тўланмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарида вақтбай усулда иш ҳақи белгиланганлар меҳнатларига 22 разряд асосида ҳақ тўланмоқда. Ишбай усулдагиларга эса таъриф разрядларига асосланган ҳолда тариф ставкалари белгиланган. Тариф разряди, ставкасига асосланган ҳолда уларни меҳнатларига ҳақ тўланмоқда. Ҳозирги даврда минимал иш ҳақи миқдори ҳам белгиланган. Лекин эркин бозор иқтисоди шароитида меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг энг кам миқдори белгиланади. Юқори даражаси эса хўжаликларнинг иқтисодий имкониятларидан ҳамда ишчи-хизматчиларнинг қобилиятларига, имкониятларига асосланган ҳолда белгиланади. Бундай тартиб хусусий корхоналарда, фермер хўжаликларида маълум даражада қўлланилмоқда. Келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга доимо эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни унумдорлик даражаси сўнгги йилларда юксалмоқда. Агарда тармоқда фаолият қилган бир киши 1999 йилда 408,1 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 2001 йилга келиб бир ишчи-хизматчи 632 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарган. Демак, шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 54,9 фоизга ошган. Уни ошишига тармоқда экиладиган экинларнинг асосий қисми ҳосилдорлигини ошганлиги таъсир этган. Республикада бошқоқли дон ҳосилдорлиги 1996-2000 йилларда 41,8 фоизга ошиб, 26,8 центнерни ташкил этган.

Шу йилларда сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги 35,5 фоизга, полиз экинлариники – 98,9 фоизга, картошканики – 57,6 фоизга ошган.

Меҳнат унумдорлиги даражасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. 1999-2001 йилларда 1 тонна пахта хомашёсининг харид баҳоси 82 минг сўмдан 104,6 минг сўмга етди. Демак, шу йиллар ичида баҳо 27,6 фоизга ошган. Шунингдек, ғалланинг баҳоси ҳам ошиб бормоқда. Лекин баҳолар ошишига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ошиш суръати юқори. Бу, албатта, ижобий ҳол. Чунки қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнатга бўлган муносабатлари ўзгармоқда.

8.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори ва уни ривожлантириш масалалари

Қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, уларнинг меҳнатлари унумдорлигини юксалтириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш энг долзарб муаммо ҳисобланади. Бу муаммо муваффақиятли ҳал этилиши учун қуйидаги масалалар аниқланиб, уларнинг ечимини таъминлашга қаратилиши лозим:

9. қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг умумий миқдорини, истикболда унинг ўзгариш (кўпайиш, камайиш) даражасини аниқлаш;
10. қишлоқ ҳудудларидаги барча тадбиркорлик шаклларида қисқа ва узоқ муддатга бўш бўлган иш жойлари миқдорини мутахассислик турлари бўйича белгилаш;
11. қисқа ва узоқ муддатга бўш бўлган иш жойларини ишловчилар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни асосланган ҳолда ишлаб чиқиш (кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ...);
12. амалга оширилиши лозим бўлган ҳамма тадбирларни, барча ресурслар билан таъминловчи ишларни амалга ошириш;
13. иш билан таъминланмаганларнинг умумий миқдорини аниқлаш, уларни иқтисодий, ижтимоий ҳимоялаш бўйича меъёрий тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва бошқалар.

Таъкидланган муаммоларнинг самарали ҳал этилиши меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлганлар билан меҳнат жараёнини ташкил этувчи субъектлар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ҳимоялашни амалга оширувчи ташкилотлар ўртасида иқтисодий муносабатлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу масалаларни ҳал этиш, меҳнат бозори зиммасига юкланмоқда. Меҳнат бозори, меҳнат биржасининг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Улар ўз фаолиятларини «Меҳнат кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ҳамда «Биржалар тўғрисида»ги қонунлар асосида юритмоқдалар.

Қишлоқ ҳудудларидаги (жумладан, қишлоқ хўжалигидаги) фуқароларнинг меҳнат қилиш имкониятини, яъни таклифини, уларни ишга ёллаш (сотиб олиш), яъни иш билан таъминловчилар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонун талаблари даражасида амалга оширадиган маскан (ҳудуд) ёки субъект меҳнат биржаси эканлигидан далолат беради.

Эркин бозор иқтисоди шароитида ўз меҳнатини таклиф этаётган фуқаро меҳнат бозорига чиқади. У ерда мавжуд бўлган таклифларни ўрганиб, ўзининг интеллектуал қобилиятини, меҳнатини таклиф этади. Улар бир-бирига мос келганда шартномалар тузилиб, ишга ёлланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам шундай тартиб жорий этилмоқда. Бу вазифани қишлоқ ҳудудларида туман ҳокимияти таркибидаги Меҳнат биржаси ёки аҳолини иш билан таъминлаш бўлими амалга оширмоқда.

Демак, меҳнат бозорида ўзларининг меҳнат қилиш қобилиятини (интеллектини) таклиф этувчилар бир томондан, уларнинг шу имкониятларини

истеъмол этувчи, яъни ишга ёлловчи субъектлар иккинчи томондан учрашиб, меҳнат алмашув (меҳнат олди-сотдиси) жараёнини амалга оширадilar.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорининг назарий асослари шотландиялик иқтисодчи А.Смит, инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо, Нобель мукофоти лаурияти, америкалик иқтисодчи Пауль А.Самуэльсон ва бошқа олимлар томонидан етарли даражада асосланган. Яратилган назарияни ҳаётга татбиқ этиш йўллари ҳам ҳал этилган. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат шу бозорда эркин сотилиши лозим. Шундагина у қийматга эга бўлади, яъни товар шаклида айирбошланади.

Демак, меҳнат бозори эркин рақобат асосида амалга оширилиши зарур. Бу бозорда меҳнат муносабатларию, иқтисодий, ижтимоий қонунлар, талаб ва таклиф иқтисодий қонунлари талаблари асосида амалга оширилиши лозим. Меҳнат бозорида инсон ўзини эмас, балки меҳнат қилиш (жисмоний, ақлий) қобилиятини таклиф этади. Истеъмолчи, яъни меҳнатни оловчи шу қобилиятни сотиб олади. Демак, олди-сотди жараёнидаги иқтисодий муносабат предмети инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти ҳисобланади. Инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятига тўланаётган иш ҳақи шу меҳнатнинг қиймати, яъни баҳоси эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида эркин бозор иқтисоди босқичма-босқич шаклланиши муносабати билан меҳнат ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар ҳам аста-секин ҳал этилмоқда. Даставвал туманларда мавжуд бўлган Меҳнат ресурслари бўлими негизида ҳокимият таркибида Меҳнат биржаси ташкил этилди. Меҳнат биржаларига қишлоқ хўжалигидаги меҳнат бозорини ташкил этиш, уни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Улар фаолиятини «Биржалар тўғрисида»ги қонун, ўз Устави ҳамда юқори ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари асосида юритмоқдалар.

Қишлоқ ҳудудларидаги меҳнат бозорини самарали шакллантиришда қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш зарур:

1. республика аҳолисининг 62,5 фоизи (2001й) қишлоқ ҳудудларида яшаётганлиги муносабати билан жами меҳнат ресурсларининг 60 фоиз дан ортиғи қишлоқ ҳудудлари зиммасига тўғри келиши;
2. аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ ҳудудларига тўғри келишини, улар таркибида аёллар салмоғи кўплигини;
3. қишлоқ ҳудудларида аҳоли сонининг ўсиш даражаси шаҳарлардагига нисбатан юқори эканлигини, бу ҳол келажакда меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсишига таъсир этишини;
4. қишлоқ ҳудудларида саноат корхоналари талаб даражасида ривожланмаганлигини ва барча ресурсларни эътиборга олган ҳолда жойлаштирилмаганлигини;

5. ҳозирги даврда қишлоқ ҳудудларида иш билан таъминланмаган, иқтисодий фаол меҳнат ресурслари ҳисобланган эркакларнинг йирик шаҳарларга иш қидириб келаётганини;
6. қишлоқ ҳудудларида шахсий ва хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик шакллари талаб даражасида ривожланмаганлигини, шунингдек, инфратузилма субъектлари (маданий, маиший, коммунал ва бошқа хизматларни амалга оширувчи) кўламининг торлигини.

Меҳнат бозорлари юқорида таъкидланган барча хусусиятларни эътиборга олган ҳолда эркин шаклланиши учун:

1. қишлоқ ҳудудларидаги (жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналаридаги) меҳнат ресурсларининг умумий миқдорини, таркибини аниқлаш;
2. меҳнат ресурсларининг таклифини ва ҳудуддаги барча тадбиркорлик субъектларининг уларга бўлган талабини таркиби бўйича аниқлаш;
3. эркин меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий механизмларни ишга солиш;
4. қишлоқда меҳнат ресурсларининг мақсадга мувофиқ бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиш;
5. меҳнат билан банд бўлмаган фуқаролар миқдорини аниқлаш, уларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишга кўмаклашиш;
6. эркин меҳнат бозори амалга оширилишини таъминловчи турли кўرғазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш, уларнинг самарали ўтказилишига эришиш;
7. меҳнат бозорининг ривожланишини таъминловчи барча ресурсларни топиб, самарали сарфлаш каби вазифаларни бозор талаблари даражасида амалга ошириш лозим.

Қишлоқларда меҳнат бозорини оқилона ташкил этиб, самарали бошқариш учун ҳудудий усуллардан фойдаланиш керак.

Республикамизнинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввало, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун мазкур бозорни тартибга солишнинг анча самарали усуллари, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисобга олиш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланилишини батафсил кўриб чиқайлик.

а) Ишчи кучига талабни ошириш усули.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, зарарга ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан ишлаб чиқаришдан бўшатилаётган ходимлар – меҳнаткашлар сони тез кўпаймоқда.

Ишчи кучига бўлган талабни оширишни рағбатлантириш усуллари тадқиқ этиш меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудудлар учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар – сармоялар қўлланишининг асосий йуналишларидир.

Ишчи кучларига талабни оширишни агросаноат мажмуининг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларида иш жойларини яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги, замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш орқали тартибга солиш мумкин. Дотациялар, субсидиялар ва кредитларни агросаноат мажмуи корхоналарини, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини куриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва ҳоказоларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айти пайтда ишчи кучларининг касбий малака таркибига бевосита таъсир ўтказиши мумкин.

Муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчилик турли шакллари ривожлантириш аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири. У корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўлови ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайтириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш каби чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

б) Ишчи кучларига таклифни камайтириш усули.

Ишчи кучларига бўлган таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин. Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги ўқувдаги талаба ўринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганларга стипендияларни ошириш, аёлларга бола парвариши учун тўланадагин нафақалар ва бериладиган таътил муддатини кўпайтириш, меҳнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш; нафақахўрлар, ногиронлар ҳамда уларни

парваришлайдиган шахсларнинг нафақаларини ошириш меҳнат бозорига ишчи кучларининг оқиб келишини камайтириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Иш билан бандлар орасида иш вақти ва иш жойлари ишчи кучларига бўлган таклифни камайтириш мақсадларида қайта тақсимланади. Аҳоли бандлигининг хусусий ва вақтинчалик шаклларида ўтишини рағбатлантиришга уларга ҳам иш билан тўла банд шахсларга мўлжалланган ижтимоий муҳофаза турларини, таътиллار ва бошқа ижтимоий кафолатларнинг миқдорларини ўрнатиш, кафолатланган энг кам миқдордаги иш ҳақи билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътилларни ўз вақтида бериш, иш куни ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари етишмайдиган минтақалари (Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) да ишчи кучларига талабни камайтириш ҳамда улар таклифини кўпайтириш меҳнат бозорини тартибга солишнинг мақсадга мувофиқ усуллари дир.

Ушбу усулларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

а) Ишчи кучларига талабни камайтириш усули.

Мазкур гуруҳга ҳудудий ҳокимиятларнинг у ёки бу минтақаларида ва тармоқларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид қуйидаги чора-тадбирлар: ортиқча иш кучларидан фойдаланганлик учун қўшимча солиқларни белгилаш: изчил кредит сиёсатини ўтказиш, корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш, ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш рақобат, фойдани тақсимлаш механизми, солиқ сиёсати каби иқтисодий механизмлар ва дастаклар ёрдамида таъминланиши лозим. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхўжалик механизмлари яхши такомиллаштирилмаганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган тўловларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқ дир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кўмаклашган. Бу хил тўловлар корхона ва ташкилот томонидан штатдан ташқари ходимларни сақлаш учун қатъий ставка шаклида ўрнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун ижтимоий суғурта солинадиган солиқ ва ишсизликдан муҳофаза қилиш жамғармасига солинадиган махсус солиқдан (иккаласи ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан, фоизларда) фойдаланиш мумкин. Ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатларнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими жонли меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шакллари

ифодалайди ҳамда меҳнат бозоридаги ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатлар яратади.

б) Ишчи кучлари таклифини кўпайтириш усули.

Ҳозирги шароитларда меҳнат бозорига ишчи кучлари таклифини мутлақ кўпайтириш имконияти чекланган. Чунки ишчи кучлари таклифини мутлақ кўпайтириш, қайта ишлаш саноати ва хизмат курсатиш тармоқлари, шаҳобчалари ҳамда шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривожига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи на касб, на малака структураси бўйича ҳудуд иқтисодиётининг ноқишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи кучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандлик давлат хизмати тизимидаги ва бошқа ўқув юртларидаги ходимларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидаги махсус курсларда касб-корга ўргатишни яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар бериш маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг махсус дастурини ишлаб чиқиш керак.

Ишчи кучлари таклифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга ёрдамлашиш усуллари кўллаш орқали ҳам амалга оширилади. Бу усуллар ташкилий тусда бўлиб, бўш иш жойлари ва ишга жойлашиш ҳамда қайта ўқитишга муҳтож фуқароларнинг сони ҳақидаги маълумотлар банкини ташкил этишни, аҳолининг ишга жойлашиш имкониятлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминланишни, ишсизларни рўйхатга ва ҳисобга олишни, касбга йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади.

Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашнинг анча самарали усуллари орасида турмуш даражасини тартибга солишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур услублар ҳудудлар молиявий ресурслари ҳисобидан ходимларнинг меҳнат ва уй-жой шарт-шароитлари ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаларини яхшилаш каби тадбирларни ўтказиб, уларни тартибга солиш асосида татбиқ этилади.

8.5. Меҳнат ресурсларидан фойдланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари

Республика қишлоқ хўжалигидаги мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида уларнинг меҳнатлари унумдорлигини келажакда юксалтириш энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Уни муваффақиятли ҳал этиш кенг миқёсда ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Даставвал қишлоқ ҳудудларида, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг реал миқдорини

аниқлаш лозим. Шу билан бирга аҳолининг мутлақ (абсолют) ўсишини эътиборга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг кўпайиш ёки камайиш жараёнини аниқлаш керак. Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳолининг ҳаракатини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Шундан сўнг қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган иш жойларининг ҳозирги ҳамда истиқболдаги сонини реал аниқлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Шуларга асосланган ҳолда меҳнат баланси ишлаб чиқиши зарур.

Юқоридагиларга асосланиб, меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлик даражас, шу орқали қишлоқ ҳудудларида (корхоналарда, тармоқларда) мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлик даражаси аниқланади. Унинг даражаси бирга яқин бўлса яхши, Акс ҳолда меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари асосланган ҳолда ишлаб чиқиши керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик ичида янги иш жойларини ташкил этиш имкониятларини режалаштиради. Янги ерларни ўзлаштириш, қурилишни, таъмирлашни, маҳсулотларни қайта ишлашни (ўсимчилик, чорвачилик), халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни белгилаб, уларнинг ҳал этилишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Бу масалалар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ривожлантириш мақсадида уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни малакаларини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирларини ҳам белгилаб олиб, амалга оширилишига эътибор бериш зарур.

Корхоналарда меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат унумдорлиги даражасини юксалтиришга ҳозирги даврда алоҳида эътибор бериш лозим. Бу масаланинг ҳал этилишида энг таъсирчан омил моддий манфаатдорлик ҳисобланади. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида ким яхши, сифатли ишласа, кўп ҳақ олади. Шундай экан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам яхши, самарали меҳнат қилаётган ишчи-хизматчи меҳнатига яраша кўпроқ ҳақ олиши лозим. Шунда у рағбатлантирилган ҳисобланади. Шу билан бирга меҳнаткашларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни амалга оширишни таъминлаш керак. Энг аввало, меҳнатлари натижаларини эътиборга олган ҳолда мукофотлаш, турли хилдаги унвонларни бериш лозим. Бу унвонлар ҳам маълум даражада фуқароларни маблағлар билан таъминлайди. Жумладан, Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи, агроном, ирригатор унволарини олганларнинг асосий иш ҳақларига энг кам ойликнинг 60 фоизи миқдорида устама берилади. Демак, маънавий рағбатлантириш ҳам айрим ҳолларда моддийлашади.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида сарфланаётган меҳнатнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш мумкин. Бунинг учун хўжаликлар

ихтиёридаги барча машиналар, тракторларнинг ишга яроқлилигини ошириш ҳамда улардан йил давомида тўлиқ фойдаланишга эришиш тадбирларини шакллантириш лозим. Энг аввало, уларни малакали кадрлар, таъмирлаш устахоналари билан таъминлаш керак. Хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлигини ҳам талаб даражасига етказиш зарур. Бунинг учун эса молиявий ресурслар билан таъминлаш чораларини аниқлаб, уларнинг бажарилишини таъминлаш керак.

Демак, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг меҳнатлари унумдорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

14. тармоқнинг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш;
15. тармоқнинг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;
16. қишлоқ хўжалигига янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш;
17. қишлоқда тадбиркорлик шакллари ривожлантириш;
18. қишлоқда ишлаш ва яшаш учун барча шароитларни яратиш;
19. меҳнатни ташкил этишнинг самарали турларини ташкил этиш ва ривожлантириш;
20. кадрларни тайёрлаш, малакаларини ошириш, уларнинг моддий, маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш ва бошқалар.

Бу каби чора-тадбирларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этилиши тармоқдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаб, меҳнат унумдорлиги ошишига ижобий таъсир этади.

Қисқача хулосалар

Республика фуқароларининг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган қисми меҳнат ресурслари ҳисобланади. Уларнинг онгли равишда, аниқ мақсадни кўзлаб сарфлаган меҳнатлари натижасида янги қиймат яратилади, яъни ишлар бажарилади, маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Республика қишлоқ хўжалигида жами меҳнат ресурсларининг 34 фоизга яқини фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнат унумдорлиги паст.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасини кўрсаткичлар тизими асосида аниқлаш лозим.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бермайди. Сабаби – улар иш жойлари билан тўлиқ таъминланмаган, боз устига иқтисодий рағбатлантириш ҳам такомиллаштирилмаган.

Келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида янги иш жойларини барпо этиш, такрор

ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш лозим. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- Меҳнат ва меҳнат ресурслари ҳақида тушунча.
- Меҳнат унумдорлиги ҳақида тушунча.
- Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар нималардан иборат?
- Меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар—чи?
- Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасининг ҳолати қандай аниқланади?
- Меҳнат бозори нима? Унинг мақсади, вазифаси нималардан иборат? У қандай ташкил этилади ва ривожлантирилади?
- Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай йўллари бор?

Асосий адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Тошкент, «Шарқ», 1998.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, «Шарқ», 1998.

«Справочник по оплатѣ труда в республике Узбекистан». Т.: «Адолат», 1993.

Абдуғаниев А. Кадрлар—ҳал қилувчи куч. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №2, 2002.

Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000 йил.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Холмуминов Ш.Р. Рўноқ труда, проблемѣ формирования и регулирования. Тошкент, «Фан», 1994.

IX бoб. ИНВЕСТИЦИЯЛАР (КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР), УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

9.1. Инвестициялар (капитал қўйилмалар) ҳақида тушунча, уларнинг ижтимоий-иқтисодий зарурлиги ва аҳамияти

Инвестициялар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияларда амалга оширилади. Чунки улар давлатни, тармоқ, корхоналар, ва ниҳоят, аҳолининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга сарфланади. Эркин бозор иқтисоди босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги инвестициялар сарфланишини объектив равишда талаб этади. Демак, инвестиция маблағлари тармоқда доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади. У узоқ ҳамда қисқа муддатларга мўлжаллаб сарфланиши мумкин. Агарда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларини сотиб олишга, қуришга ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, унда бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аташади. Шу билан биргаликда инвестициялар қишлоқ хўжалигининг айланма воситаларига ҳам сарфланади. Улар қисқа муддатга сарфланган ҳисобланади. Демак, инвестициялар натижасида қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари барпо этилиб, уларнинг ишга яроқлилиги тубдан яхшиланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар қишлоқ хўжалиги (корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинадиган даромад (фойда) суммаси оширишни таъминлайди. Бу инвестицияларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

1. капитал инвестициялар;
2. инновацион инвестициялар;
3. ижтимоий инвестициялар.

Асосий фондларни барпо этишга ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялар **капитал инвестициялар**, деб аталади.

Техника ва технологияларнинг янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестициялар **инновация инвестициялардир**.

Инсон салоҳиятини, малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланган маблағлар **ижтимоий инвестициялар**, деб аталади.

Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. Моддийлашган асосий ва айланма воситаларга сарфланган маблағлар **реал инвестицияларни** ташкил этади.

Қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар эса **молиявий инвестициялар** ҳисобланади. Реал инвестицияларни капитал қўйилмалар, деб ҳам аташ мумкин. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмаларига бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи капитал қўйилмаларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма сумасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги, жумладан, корхоналар миқёсида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида асосий капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқариш воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳисобга олинади.

Лекин, республика қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари сустръатлар билан ривожлантирилаётганлиги молиявий инвестициялар кўлами кенгайишини талаб даражасида таъминламаяпти. Жумладан, жамоа, ширкат, фермер хўжаликларида қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, векселлар...) чиқарилиб, сотилаётгани йўқ. Келажакда бу муҳим масалани ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш тадбирлари ишлаб чиқиши ва улар амалиётга татбиқ этилиши лозим.

Бозор иқтисоди шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлашга. Бу қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;
2. қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур. Чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди. Бу ҳол инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга чўзилишига олиб келади;
3. чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этишга. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим ва бошқалар.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этади. Қишлоқ хўжалиги замонавий машиналар, тракторлар, комбайнлар, бино-иншоотлар билан таъминланади. Унда боғзор, узумзорлар барпо этилади. Зотли, сермахсул чорва ҳайвонлари яратилади.

Улар янги иш жойлари барпо этилишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган тадбиркорларнинг билимларини, малакаларини юксалтиради. Бозор муносабатларини шакллантиради. Уларнинг уйғунлашиши натижасида тармоқда етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайтирилиб, рақобатбардошлиги ошади. Бу, ўз навбатида, аҳолини, қайта ишлаш тармоқларини ва ниҳоят, давлатнинг талаби қондирилишини таъминлайди. Фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтиради. Буларнинг ҳаммаси инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти катта эканлигидан далолат беради.

Капитал қўйилмаларнинг халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти улкан. Биринчидан, капитал қўйилмалар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда

норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона захираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Капитал қўйилмаларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- капитал қўйилма амалга оширилаётган лойиҳага;
- мамакатдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
- давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фоиз ставкасига;
- ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга;
- миллий валютанинг ички ва ташқи курсига;
- мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги барқарорликка.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

9.2. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Инвестицияларнинг мақсади, вазифалари, манбалари ҳамда йўналишларини эътиборга олган ҳолда 8–чизмадагидек туркумлаштириш мумкин.

Барча инвестициялар (капитал қўйилмалар) қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб амалга оширилади:

1. корхонанинг ўз маблағларидан;
2. четдан жалб қилинган маблағлардан.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:


- а. корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- б. амортизация фондидаги маблағлар;
- с. асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;

- d. уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;
- e. қишлоқ хўжалик корхоналари қимматли қоғозлар чиқариб сотиш, бошқаларникини сотиб олиш натижасида олинаётган дивидентлардан ажратилаётган маблағлар.

Юқори рентабелли корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш мақсадида капитал қўйилмаларни амалга оширишда кўпроқ имкониятга эга бўлади.

8-чизма

Инвестицияларнинг мақсади, вазифаси, манбалари ва йўналишлари бўйича туркумлаштирилиши



Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал қўйилмалар манбаи чорва ҳайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

1. қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;
2. ҳамкорлардан олинган маблағлар;

3. турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
4. хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
5. хорижий давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фукароларнинг маблағлари;
6. хайрия фондларидан, ҳомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўрин тутати. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъи назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли миқдорини йиғмасдан туриб инвестиция жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини қўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал – корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инвестиция қилишда корхона ўз маблағларидан имкони борича фойдаланиши иккита устунликка олиб келади: корхонада ташқи тўловлар мавжуд бўлмайди (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва ҳоказо), шунингдек, корхонани бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Айни пайтда хўжаликларга четдан жалб қилинадиган маблағларнинг манбаларидан бири хўжалик аъзоларининг вақтинча бўш ётган маблағларини жалб этиш ҳисобланади. Бундай инвестицияни амалга ошириш учун корхона ўз ичида қисқа муддатли облигацияларни, векселларни чиқариб, уларни аъзоларига ишончли тарзда тарқатиши (сотиши) ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган ишончли далолатномаларни ҳам бериши мумкин. Хўжалик аъзолари эса муомалага берилган маблағларини маълум муддат ўтгандан сўнг белгиланган фоизи билан қайтариб олиш имкониятига эга бўладилар. Бу турдаги капитал қўйиш қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳозирги даврда яхши самара бермайди. Чунки хўжаликларда ҳозирча қимматли қоғозларни чиқариш имкониятлари чекланган, келажакда шу масалаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Четдан жалб этилаётган инвестициялар чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад

республика ҳудудида чет эл инвестициялари деб ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

1. республика қишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;
2. тармоқда чет эллик инвесторгарга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;
3. мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;
4. интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадilar:

1. давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
2. чет давлатларнинг конун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;
3. чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш билан шуғулланмоқда. Лекин уларнинг инвестициялари талабни қондирадиган даражада эмас. Шунинг учун бу масалага, яъни чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммосига келажакда алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й) қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

9.3. Инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни сарфлашдан мақсад–қўшимча фойда олиш ва фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашдир. Уларнинг даражасини лойиҳалар тузишда ҳамда бу лойиҳаларни амалга оширишда аниқлаш мумкин. Бунинг учун инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг

иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Иқтисодий самарадорлик харажатлар билан фойда суммалари таққосланиши натижасида аниқланади. У:

- макроиқтисод, яъни мамлакат миқёсида;
- мезоиқтисод, яъни тармоқлар (қишлоқ хўжалиги) миқёсида;
- микроиқтисод, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида;
- айрим йўналишлар, объектлар бўйича ҳам аниқланади.

Макро ҳамда мезоиқтисод миқёсида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлиги коэффиценти кўрсаткичи ёрдамида ифодаланади. Унинг даражаси сарфланган инвестициялар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган инвестиция суммасига нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ис(Кс) = \frac{ЯИМу}{\sum Ис(Кк)} = \frac{ЯДу}{\sum Ис(Кк)}$$

Бунда: Ис(Кс) – инвестиция (капитал қўйилма)ларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик коэффиценти;

ЯИМу – макро, мезоиқтисод(тармоқ) миқёсида маълум бир давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммаси, сўмда;

Қишлоқ хўжалигида ялпи даромаднинг ўсган суммаси ҳам олинishi мумкин.

ΣИс (Кк) – Инвестиция ёки сарфланган капитал қўйилма суммаси. Бу кўрсаткич сарфланган 1 сўмлик инвестицион маблағ эвазига неча сўмлик ёки тийинлик ялпи ички маҳсулот ёхуд ялпи даромад олинганлигини ифодалайди. Унинг мутлақ (абсолют) миқдори имкони борица юқори бўлгани яхши. Шунда инвестицияларнинг мутлақ иқтисодий самарадорлик даражаси юқори бўлади. Кам бўлса у иқтисодий самарадорлик даражаси паст бўлганлигидан далолат беради. Бундай ҳолда инвестицияларни сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Инвестициялар аксарият ҳолларда узоқ муддатга мўлжалланган харажатлардир. Шунинг учун уларнинг бир неча йиллар давомидаги иқтисодий самарадорлигини аниқашда қиёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Бунда инфляция даражаси ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида қиёсий баҳо сифатида 1996 йилги ўртача баҳолар асос қилиб олинмоқда. Келажакда бу баҳолар ўзгариши мумкин.

Шундай ҳолларда инвестициялар (капитал қўйилмалар) нинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш усулини аниқлаш;
- компаундинг (мураккаб фоизлар) усули;
- дисконтлаш усули.

Ўзини-ўзи қоплаш муддати – амалга оширилаётган лойиҳанинг фойдаси ҳисобидан дастлабки инвестиция миқдорини қоплаш даври. Уни ҳисоблашда

соф фойда молиявий харажатлар, фоизлар ва амортизация ажратмалари эътиборга олинади.

Компаундинг усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда дастлабки сумма ҳар йилги даромад фоизи ҳисобига ошиб боради. Бунда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$\dot{YK} = BK(1+i)^n$$

Бу ерда: \dot{YK} - дастлабки инвестиция суммасининг ўсган қиймати, сўмда;

BK - дастлабки инвестициянинг бошланғич қиймати, сўмда;

i – фоиз ставкасининг ўзгаришини кўрсатувчи бирлик;

n – давр, яъни муддат, йилда.

Инвестициянинг ўсган қиймати фоиз ставкаси билан давр муддатига боғлиқ. Фоиз ставкаси инвесторнинг муқобил қарорини ҳисобга олади, яъни пулни бирон лойиҳага қўйган самаралими ёки депозитга қўйган афзалми?

Дисконтлаш – ҳисоблаш принципи компаундингга нисбатан тесқари. Яъни дисконтлаш – келажакда бўлиши мумкин бўлган даромадни жорий баҳоларда ҳисоблаш. Мазкур ҳисобнинг амалий мазмуни шундан иборатки, бунда тушумларнинг минимал даражаси аниқланадики, шу даромаддан кам бўлган ҳолатда инвестиция қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Дисконтлашган қиймат фоиз ставкаларига боғлиқ.

Йиллик даромад бир хил бўлганда дисконтлашган қиймат (D_k) қуйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$D_k = \frac{K}{(1+\Phi)^x}$$

Бунда: D_k – дисконтланган қиймат, сўмда;

K – банкларнинг фоиз ставкалари асосида олиниши мумкин бўлган қиймат, сўм;

x – йиллик даромад олиниши мумкин бўлган йиллар сони, йил;

Φ – банкларнинг фоиз ставкалари, фоиз;

Банкнинг йиллик фоиз ставкаси 5 фоиз, хўжалик икки йилдан сўнг 10 млн. сўмлик даромад олишни мўлжалланган бўлса, унда дисконтланган қиймат 9,07 млн. сўмга тенг бўлади.

$$D_k = \frac{10000000}{(1+0,05)+(1+0,05)} = 9070000 \text{ сўм}$$

Дисконтлаш натижасида қандай давр бўлишидан қатъи назар даромадларнинг реал қиймати аниқланади.

Корхона миқёсида сарфланиши лозим бўлган ёки сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) мутлақ (абсолют) инвестиция(капитал қўйилма)ларни сарфлаш натижасида олинаётган соф фойданинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган инвестиция (капитал қўйилма) суммасига тақсимлаш билан ҳисобланади. Унда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ис(K_k) = \frac{C\phi}{Ис(K_k)}$$

Бунда: S_f – капитал қўйилмани амалга ошириш натижасида олинган соф фойда ёки соф фойданинг ўсган суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида сарфланган бир сўмлик инвестиция (капитал қўйилма) қанча сўмлик ёки тийинлик фойда келтирилганлиги аниқланади. Шунинг учун бу кўрсаткичнинг мутлақ (абсолют) миқдори юқори бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда айрим меъёрий ҳужжатларда инвестициялар (капитал қўйилмалар) мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик даражаси коэффициентининг меъёрий миқдори (E_m)-0,07 даражасида белгиланган. Шунга биноан сарфланаётган инвестицияларнинг ҳар бир сўми эвазига 7 тийин фойда олинса, бундай инвестициялар иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Ундан кам бўлганда эса инвестициялар самарали ҳисобланмайди. Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалигида ирригация - мелиорация иншоотларига сарфланаётган инвестициялар (капитал қўйилмаларнинг) мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлик коэффициентининг миқдори уларнинг узок йиллар давомида фаолият кўрсатишини эътиборга олган ҳолда 0,05 даражасида белгиланган. Бу коэффициентлар собиқ СССР даврида илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Лекин уларни республика шароитига мослаштирилган ҳолда кўриб чиқиш вақти ҳам келди.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган инвестициялар (капитал қўйилмалар) доимо ҳам фойда суммаси ошишини таъминламасдан, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот етиштириш учун қилинган ўртача харажатлар (маҳсулот таннарни) камайтишини ҳам таъминлайди. Шундай ҳолларда уларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси тежалган маблағ қийматини сарфланган капитал қўйилма суммасига тақсимлаб ҳам аниқланади. У қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$I(K_c) = \frac{T_1 - T_2}{I_c(K_k)};$$

Бунда: T_1 – инвестиция (капитал қўйилма) сарфланганидан олдинги таннарх суммаси, сўмда;

T_2 – инвестиция (капитал қўйилма) сарфланганидан сўнгги таннарх суммаси, сўмда.

Бу кўрсаткичнинг ҳам мутлақ (абсолют) даражаси юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция (капитал қўйилмалар) нинг қоплаш муддати.

Унинг даражаси сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) суммасини олинган ялпи ички маҳсулотнинг, соф фойданинг ўсган суммасига тақсимлаш орқали аниқланади. Бунда қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$I_m(K_m) = \frac{I_c(K_m)}{ЯИМ}; \quad I_c(K_m) = \frac{I_c(K_k)}{S_f}$$

Инвестицияларнинг (капитал қўйилма) қоплаш муддати қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан биргаликда инвестиция (капитал қўйилмалар)нинг қиёсий самарадорлиги ҳам аниқланади.

Мавжуд адабиётларда инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг қиёсий самарадорлик коэффиценти 0,12 даражасида белгиланган. Унга 1 ни тақсимлаш натижасида инвестицияларнинг неча йилда қопланиши мумкинлиги аниқланади, яъни (1:0,12) 8,3 йилда қопланса, инвестициялар қиёсий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

9.4. Инвестиция (капитал қўйилма) лар даражаси, динамикаси ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги

Ички ва ташқи бозорнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг долзарб муаммодир. Уни ҳал этиш учун инвестиция (капитал қўйилма) ларни сарфлаш зарур. Бунинг учун эса сиёсий, минтақавий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш даркор. Республикада бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида юқорида таъкидланган шароитлар яратилмоқда.

Республикада сиёсий-иқтисодий барқарорлик қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этилишига имконият бермоқда. Унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестицион сиёсатнинг ҳукуқий асослари ҳам барпо этилган. Уларнинг мавжудлиги сўнгги йилларда тармоққа маълум миқдорда инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини таъминламоқда (16-жадвал).

16-жадвал

Республикада инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби, фоизда.

№	Тармоқ номи	Йиллар				
		1996	1997	1998	1999	2000
1	Саноат тармоқлари	24.8	24.4	21.5	18.4	26.5
2	Қишлоқ хўжалиги	5.2	5.2	4.9	7.9	8.0
3	Нефть, электроэнергия	18.4	13.8	12.1	16.8	11.8
4	Транспорт, алоқа	17.5	19.8	18.1	13.0	19.3
5	Уй жой	12.7	13.3	21.7	17.3	13.5
6	Бошқа тармоқлар	21.2	23.5	21.7	26.9	21.4
	Жами	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0

Сўнгги йилларда республика иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг 5-8 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланган. Бу талабга нисбатан кам. Шунинг учун келажакда бу инвестицион сиёсатни қишлоқ хўжалиги фойдасига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Чунки тармоқ республика ялпи ички маҳсулотининг ўртача 30 фоизини бермоқда. Худди шундай ҳол хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида ҳам юз бермоқда.

Жами чет эл инвестициясининг 7-10 фоизигина қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда. Бу борада ўзгариш қилинмаса, қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш бироз узоқ муддатга чўзилиши мумкин.

Мамлакат агросаноат мажмуасига сарфланаётган инвестициялар 1996-2000 йилларда 3.2 мартага кўпайган (17-жадвал).

17-жадвал

Республика АСМ га киритилган инвестициялар, фоизда

№	Инвестиция манбалари	1996й	1997й	1998й	1999й	2000й
1	Жами инвестициялар (шу йиллар баҳосига) шундан:	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
А	Давлат бюджетидан	42.2	32.3	52.3	21.7	26.9
Б	Банк кредитлари	1.3	16.9	6.2	26.8	36.8
В	Корхона маблағлари	39.1	33.1	35.8	36.6	37.2
Г	Аҳоли маблағлари	-	-	-	-	0.01
Д	Чет эл инвестициялари	17.6	17.7	27.7	4.9	5.1

Агросаноат мажмуасига, жумладан, қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан ажратилаётган инвестицияларнинг миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Инвестиция (капитал қўйилма)ларни амалга ошириш учун маблағларни асосан хўжаликларнинг ўзлари сарфламоқдалар. Уларнинг маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигига сарфланаётган инвестицияларнинг 35-40 фоизга яқини шакллантирилмоқда. Бу бозор иқтисодиёти талабига мосдир. Хўжаликлар инвестицияларни амалга ошириш учун банк кредитларини ҳам кенг миқёсда жалб этмоқда. Уларнинг ҳиссаси 1999-2000 йилларда кескин ошган. Лекин бу ҳисса уларга бўлган талабга нисбатан кам, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигининг асосий воситаларни барпо этиш учун талаби ошиб бормоқда. Бироқ акциядорлик-тижорат банклари қишлоқ хўжалиги асосий капиталига бераётган узоқ муддатли кредитларнинг умумий миқдори жуда кам. Бундай ҳол қуйидаги сабаблар натижасида шаклланмоқда:

- қишлоқ хўжалик корхоналари банклардан узоқ муддатли кредитларни олишда гаровга қўядиган ресурсларининг камлиги: ҳозирги даврда уларда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг аксарият қисми жисмоний ва маънавий эскирган. Улар банкларнинг талабларига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам уларни гаровга олишмайди;
- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлик даражаси пастлиги, яъни аксарият корхоналар рентабеллик даражасининг 5-8 фоиз атрофидалиги. Шунинг учун ҳам хўжаликларнинг кредиторлик қарзлари ортиб бормоқда. Бундай ҳолда кредит институтларининг бераётган маблағларини вақтида қайтариб олишга бўлган ишончи оқланмайди;

- қишлоқ хўжалигининг устувор даражада ривожланишига давлат кўмаги, яъни молиялаштириш, кредитлаштириш дастурлари талабни тўлиқ қондирадиган даражасида эмаслиги;
- қишлоқ хўжалик корхоналари сотаётган маҳсулотлари учун истеъмолчилардан маблағларни белгиланган муддатларда ололмаётганлиги. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг дебиторлик қарзлари сўнгги йилларда ортиб бормоқда.

Таъкидланган масалалар ижобий ҳал этилиши натижасида қишлоқ хўжалигига банк кредитлари оқимининг кўпайиши таъминланиши мумкин.

Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигини инвестициялашга сарфланаётган маблағ миқдори йил сайин камайиб бормоқда. Бу объектив жараён. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳамиятига молик бўлган йўналишларни ривожлантиришига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар эвазига таъминланиши зарур.

Республика қишлоқ хўжалигига сарфлаётган инвестиция (капитал қўйилма) лар ҳисобидан машиналар, тракторлар, комбайнлар, чорва хайвонлари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинмоқда, мавжудлари таъмирланмоқда, ирригация-мелиорация ишлари ривожлантирилиб, янги ерлар ўзлаштирилмоқда, фойдаланилаётганларининг эса ҳолати яхшиланмоқда. Агарда 1996 йили республика бўйича ирригация-мелиорация қурилишига 5,2 млрд. сўмлик инвестиция (капитал қўйилма) сарфланган бўлса, 2000 йилда 20,0 млрд. сўмга яқин сарфланган (18-жадвал).

18-жадвал

Республика вилоятлари бўйича ирригация-мелиорация қурилишини инвестициялаш (капитал маблағларини сарфлаш)

(млн.сўм амалдаги баҳода)

Вилоятлар	1996 йил	1997 йил	1998 йил	1999 йил	2000 йил	2000й. 1996 й.га нисбатан (марта)
Қорақалпоғистон Р.	91,8	89	234	235	762	8,3
Андижон	353,8	430	776,7	965	1300	3,7
Бухоро	433,1	512	602,9	854	1350	3,1
Жиззах	238,3	233	474,4	626	1254	5,3
Қашқадарё	471,7	480	589,2	650	1602	3,4
Навоий	243,3	169	277	447	550	2,3
Наманган	609	627	776,4	1483	2970	4,9
Самарқанд	265,2	254	321,7	343	690	2,6
Сурхондарё	535,3	510	770,6	855	2413	4,5
Сирдарё	187,7	465	519,6	430	753	4,0
Тошкент	957,2	756	1005,2	1430	1972	2,1
Фарғона	237,1	243	460,5	450	1270	5,4
Хоразм	432	585	817,6	942	2090	4,9

USUB	158	108	298	317	1012	6,4
Жами	5213,5	5461	7923,8	10027	19988	3,8

1996-2000 йилларда мамлакат микёсида ирригация-мелиорация қурилиши учун сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) лар қиймати 3,8 мартага ортган. Шу инвестицияларнинг аксарият қисми Хоразм, Сурхондарё, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳудудларига тўғри келади. Ирригация-мелиорация иншоотлари барпо этилиши натижасида хўжаликларнинг сув билан таъминланиш даражаси ошди. Бу ҳол янги ерларни ўзлаштириш имкониятини яратди. 1996-2000 йилларда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хўжаликлари ҳудудларида 54149 га янги ер ўзлаштирилган. Лекин инвестициялар чекланганлиги сабаби сўнгги йилларда янги ерларни ўзлаштириш даражаси нисбатан пасайган. (19-жадвал).

19-жадвал

Республикада ўзлаштирилган янги ер майдони, гектар

	1996 йил	1997 йил	1998 йил	1999 йил	2000 йил
Қорақалпоғистон Р.	500	300	300	287	300
Андижон	1000	235	260	230	200
Бухоро	2516	975	851	702	488
Жиззах	1330	535	737	806	750
Қашқадарё	2602	6669	855	589	527
Навоий	1335	420	477	450	412
Наманган	2605	950	807	1201	1809
Самарқанд	2502	846	904	280	240
Сурхондарё	2237	662	858	600	700
Сирдарё	435	400	255	200	80
Тошкент	1891	351	621	425	353
Фарғона	1665	530	400	402	252
Хоразм	2366	1717	1062	852	1053
Жами	22984	8590	8387	7024	7164

Янги ерларни ўзлаштириш билан биргаликда фойдаланилаётган ерларнинг сифатини яхшилашга ҳам инвестиция (капитал қўйилма) лар сарфланмоқда. Улар эвазига 1999-2000 йилларда ўртача 300 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди (20-жадвал).

20-жадвал


Республикада инвестициялар эвазига эскидан фойдаланилаётган ерлар мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши (гектар)

Вилоятлар	1997 йил	1998 йил	1999 йил	2000 йил	2000 й. 1997 й.га нисбатан %да
Қорақалпоғистон Р.					
Андижон	1300	1993	2190	1799	134,8
Бухоро	2000	1394	2064	3076	153,8
Жиззах	-	1244	2600	2400	-
Қашқадарё	1204	470	2000	2606	216,4
Навоий	1035	664	1550	1182	114,2
Наманган	1489	729	2107	4547	305,4
Самарқанд	600	1097	3006	2816	469,3
Сурхондарё	2000	1450	3200	3200	160,0
Сирдарё	97	1251	1464	2906	299,4
Тошкент	480	1782	1434	1574	327,9
Фарғона	1000	1219	2453	2653	265,3
Хоразм	2298	3055	3502	3675	159,9
Жами	13503	16358	27570	32434	240,2

Бу ҳолат ҳозирги талабни тўлиқ қондиrolмайди. Чунки, республикадаги жами суғориладиган ерларнинг 50 фоизга яқини у ёки бу даражада шўрланган. Келажакда ерларнинг сифат ҳолатини яхшилаш учун инвестиция (капитал қўйилма) лар қўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Сарфланадиган инвестиция (капитал қўйилма) лар натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сув билан таъминланганлик даражаси юксалмоқда, ишлаб чиқариш механизациялаштирилиши, кимёлаштирилиши туфайли экинлар ҳосилдорлиги ошмоқда (2-диаграмма).

2-диаграмма

Республикада қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигининг ўзгариши



1996-2000 йилларда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги 18,9 центнердан 26,8 центнерга, шолининг ҳосилдорлиги эса 23,5 ц.дан 25,8 ц.га етди. Шу йилларда сабзавот экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 35,5 фоизга ошиб, 168 центнерни, картошка ҳосилдорлиги 57,6 фоизга ортиб, 93 центнерни ташкил этди. Натижада экинларнинг ялпи ҳосили ҳам кўпайди. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти миқдори ҳамда қиймати ошишини таъминлади. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигига сарфланаётган инвестиция (капитал қўйилма)ларнинг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминламоқда.

Инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини аниқ кўрсатиш мақсадида қуйидаги маълумотларни келтирмоқдамиз (21-жадвал).

Узоқ муддатли кредит шаклида сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) нинг ширкат хўжалигидаги иқтисодий самарадорлик коэффициенти 1999 йилда 0,607; 2000 йилда эса 0,682 га тенг бўлган. Хўжаликда 2,4 млн.сўмлик узоқ муддатли банк кредитини сарфлаш натижасида 1999 йилнинг ўзида 1457,4 минг сўм, 2000 йилда 1636,1 минг сўм қўшимча соф фойда олинган. Шу тариқа олинган кредит 1,65 йил давомида қайтарилган. Хўжаликка 693,5 минг сўм соф фойда қолган. Бу маълумотлар сарфланган инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигидан далолат беради.

9.5. Инвестиция (капитал қўйилма) лар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

Келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини, тажрибаларини ошириш учун инвестиция (капитал қўйилма) лар сарфлашни давом эттириш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун аввало давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга эришиш керак. Шу билан бирга тармоқ, корхоналар иқтисодиётини юксалтириш натижасида уларнинг фаолиятини келажакда инвестициялаш учун кўпроқ маблағ ажратилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Чунки улар инвестициялар кўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестиция (капитал қўйилма) лар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб этилади. Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараёни шакллантиришда суств қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

**Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли
ширкат хўжалиги деҳқончилигига сарфланган узоқ муддатли кредитнинг
иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар	
			1999	2000
1	Пахта экини майдони	га	985	985
2	Шоли экини майдони	га	180	180
3	Буғдой экини майдони	га	900	900
4	Олинган кредит суммаси	млн.сўм	2,4	2,4
5	Кредит эвазига амалга оширилган ирригация ва мелиорация тадбирлари ҳисобига:			
	а. пахта ялпи ҳосилининг ошган миқдори	цент.	3447,5	2856,5
	б. шоли ялпи ҳосилининг ошган миқдори	цент.	144,0	108
	с. буғдой ялпи ҳосилининг ошган миқдори	цент.	870	360
6	Етиштирилган ялпи ҳосил миқдори:			
	d. пахта хомашёси	тонна	3186	2946
	е. шоли	тонна	583,0	552
	ф. буғдой	тонна	3514,0	3212
7	Жами харажат суммаси Шундан:	млн.сўм	201,0	247,0
	g. пахта хомашёсига		115,0	149,2
	h. шолига		19,2	23,9
	i. буғдойга		66,8	73,9
8	Маҳсулот сотишдан тушган жами пул Шундан:	млн.сўм	218,6	270,8
	j. пахта хомашёсини сотишдан		125,0	165,0
	k. шолини сотишдан		19,9	24,7
	l. буғдойни сотишдан		72,7	81,1
9	Маҳсулот етиштиришдан олинган фойда Шундан:	млн.сўм	17,6	24,0
	m. пахта хомашёси етиштиришдан		11,0	15,9
	n. шоли етиштиришдан		0,7	0,8
	о. буғдой етиштиришдан		5,9	7,3
10	Шундан кредитларни сарфлаш эвазига олинган фойда	минг сўм	1457,4	1636,1
11	Сарфланган кредитнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти		0,607	0,682
12	Сарфланган кредит маблағининг қоплаш муддати	йил	1,65	1,47
13	Деҳқончиликнинг рентабеллик даражаси	фоиз	8,76	9,72

Ҳозирги даврдаги чекланган миқдордаги банкларнинг кўламини кенгайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун уларга ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш зарур. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига кўмаклашаётган молия-кредит институтларини, жумладан, қишлоқ кредит уюшмалари ёки кооперативларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш керак. Бундай кредит институтларининг ҳуқуқий асоси яратилган: Республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида (2002 йил, август) «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Шунга асосланган ҳолда, Қишлоқ кредит уюшмалари ёки кооперативларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигига инвестиция оқимини кўпайтиришга эришиш мумкин. Улар нодавлат, нотижорат кредит институти бўлгани маъқул. Шунинг учун уларга давлатнинг имтиёзли иқтисодий ёрдами зарур. Бу ёрдамни давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги дастурлари асосида амалга ошириш мумкин:

1. «Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш»;
2. «Ирригация ва мелиорация ишларини ривожлантириш»;
3. «Қишлоқ фаунасини, флорасини ҳамда экологиясини яхшилаш»;
4. «Янги иш жойларини ташкил этишни ривожлантириш, ишсизликни юмшатиш»;
5. «Қишлоқда малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида «Билими-малака» дастурини тузиш»;
6. «Қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш» ва бошқалар.

Бундан ташқари янги ташкил этилган қишлоқ кредит кооперативларида айрим фондлар бўйича давлат субсидиялари ва кафолатлари тизимини жорий этиш лозим. Ташкил этилаётган қишлоқ кредит кооперативлари бошланғич капиталининг 35-45 фоизи давлатнинг имтиёзли ҳамда фоизсиз кредитлари ҳисобидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ кредит кооперативларини ташкил этиш жараёнида давлатнинг роли қуйидагилар билан чегараланиши мақсадга мувофиқдир:

- a. республикадаги қонун яратувчи идоралар бу кооперативлар учун мамлакат миқёсида ҳамда хорижий давлатларда тўлиқ фаолият юритишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериши;
- b. ушбу кооперативларнинг илмий, услубий муаммолари бўйича тадқиқот ишларини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қулай муҳит яратилиши;
- c. уларни ташкил этиш бўйича чет эл экспертларини жалб этиш ва маҳаллий мутахассислар томонидан хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганишга изчиллик билан ёрдам бериш;
- d. давлат идораларининг раҳбар ва мутахассислари янгидан ташкил этилаётган Қишлоқ кредит кооперативларининг афзалликларини барча ахборот воситалари ёрдамида тарғиб этишга, тушунтиришга

қаратилган фаол сиёсат олиб боришлари, уларни амалда ташкил этишга кўмаклашишлари зарур.

Кредит кооперативларини қишлоқ ҳудудларида ташкил этиш учун қуйидаги шартлар бажарилиб, ижобий муҳит шакллантирилган бўлиши зарур:

- е. қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбар, мутахассислари, шунингдек, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ушбу молия-кредит институтига ишониши ва уни ҳурмат қилиш ҳолатининг мавжудлиги;
- ф. шу молия-кредит институти фаолиятида фаол иштирок этиш учун аҳоли молиявий фаровонлик даражасининг юқорилиги бу аҳолининг бўш маблағлари мавжудлигидан далолат беради;
- г. барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари ва бошқа ташкилотларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини, айниқса, фермер ва деҳқон хўжаликларини, кичик корхоналарни кредитлаштириш ривожлантирилишини таъминлайдиган ушбу ғояни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унга ҳайрихоҳлик муносабатлари мавжудлиги. Чунки қишлоқ кредит кооперативларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кредитлаштириш билан шуғулланадиган молиявий бозорда эркин рақобатчилик ривожланишини таъминлайди;
- ҳ. қишлоқ жойларида ходимлар, мутахассислар кредит кооперативларининг малакали ходимларга бўлган талабини қондира оладиган даражада мавжудлиги;
- и. қишлоқ ҳудудларида янги кредит кооперативларини ташкил этиш бўйича ижтимоий, иқтисодий муҳитнинг талаб даражасида шаклланганлиги ва бошқалар.

Демак, қишлоқ ҳудудларида кредит кооперативларини ташкил этиш масаласининг ижобий ҳал этилишини жадалалаштириш учун юқорида таъкидланган шарт-шароитларни тезроқ шакллантиришга энг аввало тармоқдаги тадбиркорлар, қолаверса, давлат ва нодавлат идоралари алоҳида эътибор беришлари зарур.

Янгидан ташкил этилаётган Қишлоқ кредит кооперативлар нодавлат, нотижорат молия ташкилоти юридик мақомига эга бўлиши лозим. Уларнинг асосий мақсади фойдаланиш учун берилаётган капитал эвазига фойда олиш эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар фаолияти ривожланишига имкон берадиган кредит олиш шароитлари яхшиланишини таъминлашдир. Бундай кооперативлар бераётган кредитлари учун ўз аъзолари мажбуриятлари юзасидан, яъни жамоатчилик асосида кафолат беради, берилган қарзларни ўз вақтида суғурталайди, аъзоларидан пай бадалларини йиғади ва бошқа иқтисодий муносабатларни амалга оширади. Чунки кооперативнинг ҳар бир аъзоси жамғарма фондига қўшган ҳиссасидан қатъи назар бир овозга эга.

Ташкил этиш таклиф қилинаётганда Қишлоқ кредит кооперативлари нотижорат молия-кредит ташкилоти сифатида тижорат банкларидан муайян жиҳатлари билан ажралиб туради. (9-чизма)

Қишлоқ кредит кооперативларининг акционерлик-тижорат банкларидан
фарқи

Т.р.	Фарқ қилиш мезони	Қишлоқ кредит кооперативи (ҚКК)	Акционерлик-ижорат банки
1.	Фаолият мақсади	Аъзоларининг кредит ресурсларига бўлган талабини вақтида кондириш	Фойда олиш
2.	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Жамоа кооперативи	Акционерлик жамияти
3.	Ўз капиталининг манбалари	Аъзоларининг пай бадаллари, давлатнинг мақсадли, имтиёзли кредитлари, аҳолининг бўш маблағлари	Акционерларнинг Устав капиталига қўшаётган маблағлари, фойдадан ажратмалар
4.	Кўрсатаётган хизмат турлари	Кооператив аъзоларига кредит хизматларини бажариш, уларнинг маблағларини сақлаш, аҳолига молиявий хизматлар кўрсатиш	Талабгорларга турли хилдаги кредит хизматларини кўрсатиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларини юритиш, молиявий хизматлар кўрсатиш
5.	Фойдани тақсимлаш	Захира фондга ўтказиш	Акционерларга дивиденд шаклида бериш
6.	Хизмат доираси	Кооператив аъзоларига	Барча хоҳловчиларга

Қишлоқ кредит кооперативлари фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- истеъмолчига яқин бўлиши, бунинг учун у фермерлар, ширкатлар уюшмаси ҳудудида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Бу унга фермерлар, деҳқонлар, пудратчилар, бошқа корхоналар ҳамда аҳоли аъзо бўлишини таъминлайди;
- кредит кооперативи мажбуриятлари юзасидан унинг аъзолари чекланмаган миқёсдаги жамоатчилик асосида жавобгарликка эга бўлиши;
- кооперативга кириш бадали ҳамда пайлари суммаси жуда катта бўлмаслиги, олинган фойда кооперативнинг бўлинмас ва захира фондларини ривожлантиришга сарфланиши;
- кооперативнинг иқтисодий негизи ҳисобланган бўлинмас мулкни барпо этиш, бу мулкнинг минимал миқдорини белгилаш;

- олинган кредитлардан фақат Низомда кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиш;
- бошқариш органларининг мавжудлиги ва уларнинг жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши.

Қишлоқ кредит кооперативининг Низоми шу тамойилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Низомда кооператив фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайдиган барча масалалар тўлиқ ақс эттирилади. У кучли, ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу ўринда Низом мазмунига тўлиқ тўхталмасдан унга фақат қишлоқ хўжалигини кредитлаштиришни такомиллаштириш нуқтаи назардан ёндашамиз.

Қишлоқ кредит кооперативига кираётган ҳар бир аъзо мажбурий тартибда кириш бадали тўлаши керак. Уни тўлаган юридик ва жисмоний шахс кооператив аъзоси бўлади.

Қишлоқ кредит кооперативи фаолияти натижасида олинган даромад унинг бўлинмас ҳамда захира фондни ташкил этиш учун ишлатилади. Бундай захира фондни шакллантиришдан мақсад, энг аввало, кооператив фаолияти натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун маблағ йиғиш, яъни биргаликдаги масъулият хавфини камайтиришдир. Бундан ташқари, мазкур фонд иқтисодий танглик ва таназзуллар даврида ишончли захира бўлиб хизмат қилади, қишлоқ кредит кооперативларининг келажақда барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Кредит олишни расмийлаштириш муддати 1 кун бўлиши керак.

Кредит бериш шахсан ишониш ёки кимнингдир кафилиги остида амалга оширилиши лозим.

Кооператив аъзолари гаровсиз кредит олишлари мумкин.

Кредит кооперативлари дастлабки 5 йил давомида солиққа имтиёзли равишда тортилиши, уларнинг фойдасидан солиқ олинмаслиги кредит ставкалари мос банк ставкаларидан анча паст бўлиши ва кредитни товар билан қайтариб олиш имконияти кўзда тутилиши лозим.

Кредитларнинг қисқа муддат ичида расмийлаштирилиши маблағларнинг тез айланишига ёрдам беради.

Кооперативнинг ўз маблағлари, қарз маблағлари, шунингдек, мол-мулки бўлиши мумкин. Кооперативнинг ўз маблағлари аъзоларининг пай бадаллари, фаолияти натижасида олинган фойда, шунингдек, ўз маблағларини қимматли қоғозлар ҳамда пул шаклида банкларга жойлаштириш ҳисобига ташкил топади. Аъзолар томонидан пай бадали сифатида берилган, шу билан биргаликда ушбу кооператив фаолияти давомида сотиб олинган мол-мулклар унинг ҳуқуқий шахс сифатидаги мулки ҳисобланади.

Кредит кооперативи фақат ўз аъзолари омонатларини сақлаш ва уларга қарз бериш мақсадида тузилганлигини ҳисобга олиб, битта аъзога кредит бериш ҳажми мажбурий пай бадали ҳажми билан белгиланади.

Қишлоқ кредит кооперативи ўз фаолиятининг дастлабки босқичларида пул маблағларининг етишмаслиги ва аъзоларига керакли миқдорда қарз бера

олмаслик каби муаммоларга дуч келиши мумкин. Шу боис дастлабки даврда унга аъзоларининг қарз олишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қўшимча молиявий маблағлар керак. Бу муаммони давлат ёрдами билан ҳал этиш мумкин. Бу борада давлат бюджетидан қишлоқ хўжалик молиявий инфратузилмасининг шаклланишига, қишлоқ кредит кооперацияси тизими ривожланишига алоҳида аҳамият берган ҳолда маблағ ажратилиши, бу маблағ қайтариб берилмайдиган ёки қайтариб бериладиган кўринишларда бўлиши мумкин. Бунга боғлиқ бўлмаган равишда кредит кооперативларини ташкил этиш босқичида ишлаб чиқиладиган техник-иқтисодий асослашда давлатдан олинган қарзларни ўз муддатида (қайтарилаётган сумма миқдори ва даврийлиги) қайтариш имкониятлари ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Кредит кооперативи фаолиятининг дастлабки ва кейинги даврларида маблағ етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Бу, аввало, банкдан имтиёзли кредит олишдир. Бу ҳолатда қарзга олинган маблағдан фойдаланганлик учун тўлов (банк фоизи) хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган кооператив харажатларининг бир қисmini ташкил этади ва у кооператив аъзоларига берилган қарз учун олинган фоиз орқали қопланиши лозим. Бунда кооперативдаги берилган қарз учун фоизлар банк кредитидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоизларга қараганда юқорироқ бўлади, чунки кооператив бу турдаги хизматни амалга ошириши учун ўзи томонидан қилинган харажатларни қоплаши керак.

Қишлоқ кредит кооперативининг асосий фаолияти кооператив аъзоларига кредит бериш ва пул маблағларини жамғариш каби хизматларни кўрсатишдан иборат. Шунга мос ҳолда ушбу хизматни амалга ошириш учун кооперативнинг кредит сиёсати ишлаб чиқилади ва низомда белгилаб қўйилади. Улар қуйидагилардир:

- кимга қарз берилади;
- қандай мақсадлар учун қарз берилади;
- кооперативнинг бир аъзоси учун бериладиган қарзнинг максимал миқдори;
- қарз бериш муддати, қарздан фойдаланганлик учун тўлов миқдори (фоиз ставкаси);
- қарзни қайтариш кафолати;
- келишмовчилик ва низоларни ҳал этиш.

Қарз фақат кооператив аъзоларига берилади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қарз низомда кўрсатилган мақсадлар учунгина берилади. Қарзни ишлатиш мақсадини аниқлаш кредитор бўлганлиги сабабли кооперативнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлиги билан изоҳланади.

Кредит кооперативи фаолиятининг дастлабки даврида, яъни кредит ресурслари фонди энди шаклланаётган вақтда берилаётган қарз миқдорини аниқлаш зарур. Чегараловчи ҳолатлар берилаётган қарзнинг қайтарилиш кафолатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Битта аъзога берилаётган қарзлар миқдори ҳар хил бўлиши мумкин ва у кредит фондининг ҳолатига

қараб белгиланади. Бериладиган қарзнинг энг катта миқдорини кооперативнинг пай фонди ҳажми даражасида чегаралаш мақсадга мувофиқдир. Бу кооператив аъзосинининг ўзига боғлиқ бўлмаган у ёки бу сабаб билан қарз бўлиб қолиш ҳолатларида рўй бериши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш кафолатини беради.

Кооператив аъзоларига қарз бериш муддатини белгилаш катта аҳамиятга эга, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиш пул маблағлари келиб тушиши ва унга бўлган эҳтиёжнинг даврийлигини келтириб чиқаради. Қишлоқ кредит кооперативи учун қарз муддати 6 ой ва ундан кўпга белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Кредит кооперативи фаолиятининг муҳим жихати қарздан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ҳисобланади. Агар кооперативнинг кредит фонди фақат омонат учун қўйилган хусусий маблағлар ҳисобига шаклланса, қарзлар кичик фоиз билан берилиши мумкин. Тўлов ставкаларини асослаш ва белгилашда кредит фонди шаклланишида юзага келадиган харажатларни ҳисобга олиш керак. Иқтисодий беқарорлик шароитида жалб қилинаётган маблағлар қиймати ўзгаришини ҳисобга олиб, низомда кредит учун тўловнинг аниқ миқдорини белгилаш шарт эмас, балки унинг қуйи ва юқори чегараларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Низомда кўрсатилган вазиятнинг энг мақбул варианты кооператив бошқарувига кузатув кенгаши билан биргаликда иқтисодий вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, қарздан фойдаланганлик учун тўлов ставкаларини имкон қадар паст белгилаш ҳуқуқини бериш керак.

Фоиз ставкаларининг ўзгартирилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

унинг қўпайиши – фақат қарздан фойдаланиш учун фоизнинг ўзгариши вақтида тузилган шартнома асосида ҳисобга олинади;

унинг камайиши–барча шартномалар, жумладан, олдин тузилган шартномалар асосида ҳисобга олинади. Келишилган вақтда тузилган шартномада қарздан фойдаланиш учун фоиз кўрсатилади ва кейинчалик у амал қилаётган вақтда барча ўзгартиришлар киритилади.

Берилаётган қарзнинг кафолатли таъминоти кредит сиёсатининг муҳим жихатларидан бири ҳисобланади. Қарзни қайтаришнинг кафолатли таъминоти усуллари қуйидагилар бўлиши мумкин: қарз миқдorigа лойиқ гаров бериш (гаров шартномаси имзоланади) ёки қарз олаётган шахс билан уни ўз вақтида тўлаш мажбуриятини баробар бўйнига олган кооперативга кўпчилик аъзоларнинг ишонч билдиришлари.

Кооператив аъзоларига қарз бериш тартиби ва унинг миқдори кооператив низомига мос ҳолда умумий йиғилиш томонидан белгиланади. Бошқарув кенгаши қарз бериш бўйича қарорларни мақсадга мувофиқ ҳолда мустақил қабул қилиши керак.

Низомда қарз беришнинг тахминан қуйидагича тартиби белгиланиши лозим:

- қарзнинг умумий суммаси, қарз олишнинг аниқ мақсади, муддати ва қайтариш кафолати кўрсатилган белгиланган шаклдаги ариза;
- кооператив бошқарувининг ариза берувчининг кредитни қайтариш қобилиятига берган баҳоси;
- кооператив аъзоларига қарз бериш учун умумий йиғилиш томонидан қарор қабул қилиниши.

Умумий йиғилиш қарори асосида кооператив билан унинг аъзоси ўртасида қарз шартномаси имзоланади. Унда кредит кооперативи низомида белгиланган қонуний ҳолатлар, ўзаро муносабатлар ва асосий вазиятлар ўз аксини топшии керак. Қарз шартномасида томонлар розилиги билан қарзни узиш тартиби ҳамда қарз берувчиларнинг олинган қарздан фойдаланиши устидан назорат қилиш имкониятлари кўрсатилади.

Кредит кооперацияси фаолиятининг асосий йўналиши кооператив аъзолари шахсий жамғармаларини жалб қилиш бўлиши мумкин. Қишлоқ аҳолиси жамғармасини тўплаб, жамғарма омонатларига яхши шароит яратиш билан кредит кооперативининг ривожланиши учун мустаҳкам молиявий асос яратиш мумкин. Кооператив ва унинг аъзолари ўртасидаги жамғармаларни сақлаш тартиби ва шарти бўйича ўзаро муносабатларда шартнома тузилиб, умумий йиғилиш томонидан тасдиқланиши керак.

Қишлоқ кредит кооперативи бухгалтерия ҳисоботи андозаларига мос ҳолда ҳисоботларни амалга оширадики, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий қоидалар–меъёрий ҳужжатлар, тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби масаласи, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида жавобгарлик; ҳисоб техникаси–низом жамғармасидаги операцияларни бадалларни кўрсатган ҳолда акс эттириш; фонднинг ташкил топиши, ундан фойдаланиш тартиби ва эркин хусусий маблағларнинг қолган қисми. Кредит кооперативи умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган фойда ва харажатлар сметаси ҳар йили чорак (квартал) ларга ажратилган ҳолда тузилади.

Шундай қилиб, қишлоқ кредит кооперативлари тижорат банкдан ўз фаолиятининг мақсади, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фойдани тақсимлаш усули, хусусий маблағининг манбаи ва хизмат кўрсатиши билан тубдан фарқ қиладиган алоҳида турдаги молиявий институт ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ кредит кооперативлари тизими мураккаб ташкилий тузилмага эга. Кооперативларнинг асосий кооператив банклари уч даражали тизимга эга бўлиб, асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш ҳисобланади. Улар таркибий тузилиши бўйича қуйидагича кўринишга эга:

- маҳаллий кредит кооперативлари;
- ҳудудий кооператив банклари;
- ҳудудлараро марказий кооператив банк.

Мамлакатда қишлоқ кредит кооперативларини ривожлантириш босқичма-босқич амалга оширилиши керак, чунки, аввало, фермер ва деҳқон, шунингдек, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари бундай тузилмаларни

барпо қилиш зарурлигини ва аҳамиятини тушуниб етишлари лозим. Шундагина кооператив банклар туман ва вилоят кооперативларини бирлаштирувчи кўп даражали қишлоқ кредит кооперация тизимини шакллантириши мумкин. Бу тизимнинг вазифалари қатъий тақсимланган бирламчи кредит бўғинларидан то ҳудудий ва марказий кооператив банклар иттифоқи кўринишидаги ташкилий тузилма сифатида тузилиши мумкин. Қуйи бўғиндаги қишлоқ кредит кооперативлари, юқорида таъкидланганидек, ихтиёрий равишда деҳқон, фермер ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул маблағларини жамлаш йўли билан ташкил этилади. Улар ўз аъзоларининг маблағларидан самарали фойдаланишлари устидан назорат юритадилар.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини инвестициялаш жараёнига турли хилдаги банкларнинг, инвестиция, лизинг ва суғурта компанияларининг, ишлаб чиқариш концернларининг, савдо ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш лозим. Бунинг учун уларга давлат ҳамда қишлоқ хўжалиги томонидан маълум даражада иқтисодий имтиёзлар яратилиши зарур. Шундагина улар ўз маблағларини қишлоқ хўжалигига солиши мумкин. Барча манбалардан шаклланаётган инвестиция маблағларини қишлоқ хўжалигида қуйидагиларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажаришга;
- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- тармоқда фан ва самарали технологияларни ривожлантиришга;
- ирригация, мелиорация шаҳобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;
- янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлашга;
- ишлаб чиқариш бино-иншоотларини қуришга, мавжудларини таъмирлашга;
- кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратишга;
- сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтиришга;
- тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга;
- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга;
- ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва бошқаларга.

Барча йўналишлар бўйича қишлоқ хўжалигига сарфланаётган инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилиши таъминланиши керак. Шунда ялпи инвестиция (капитал қўйилма) лар соф инвестиция (капитал қўйилма) га айланади. Яъни фойдаланиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ресурслари кўпаяди. Улардан оқилона, самарали фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, ялпи ва соф даромади ортади. Бу инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш ресурслари билан талаб даражасида таъминлаш, уларни такрор ишлаб чиқариш учун инвестициялар жалб этилмоқда.

Инвестициялар туфайли тармоқда фан-техника тараққиёти жадаллашмоқда, унинг ютуқларидан фойдаланиш жараёни ривожлантирилиб, илғор технологиялар жорий этилмоқда. Инвестициялар корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилаётган маблағлар эвазига амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган маблағлар суммаси ортиб бормоқда.

Инвестициялардан фойдаланишнинг мутлақ (абсолют) ҳамда қиёсий (нисбий) самарадорлигини тармоқ, корхона ва йўналишлар бўйича аниқлаш мақсадида муайян кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим.

Қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган инвестициялар миқдори, иқтисодий самарадорлиги талаб даражасида эмас. Сабаби–хўжаликлар соф фойдаси камлиги сабабли мақсад учун етарли миқдорда маблағ ажрата олмаётирлар, ўзгаларнинг маблағлари, яъни чет эл инвестициялари, банк кредитлари ҳам талабни қондирадиган даражада жалб этилаётгани йўқ.

Келажакда инвестицияларни талаб даражасида жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун:

- р. инвестициялар манбаларини кенгайтиришга эришиш;
- қ. инвестициялар жалб этишда гаров ҳамда суғурта масалаларини ривожлантириш;
- г. инвестицияларни мақсадга мувофиқ, самарали йўналишларга сарфлаш керак.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Инвестиция (капитал қўйилма) деганда нимани тушунасиш?

Инвестициянинг капитал қўйилмадан қандай фарқи бор?

Ялпи ва соф капитал қўйилма нима? Улар бир-биридан қайси жиҳатларига кўра фарқланади?

Инвестициялар қандай туркумлаштирилади?

Инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг қандай манбалари мавжуд?

Инвестиция (капитал қўйилма)лар қандай мақсадларга сарфланади?

Инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг тармоқ ва хўжалик миқёсидаги мутлақ иқтисодий самарадорлиги қандай кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади?

Инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг қиёсий самарадорлиги қандай аниқланади?

Қишлоқ хўжалиги ҳамда корхона миқёсидаги инвестицион ҳолатни қандай изоҳлайсиз?

Инвестиция (капитал қўйилма) ларни қандай мақсадларга йўналтириш мумкин?

Инвестицион институтларнинг қайсиларини ривожлантириш мумкин?

Асосий адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси», № 1, 1999.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999.
- Ф.Уильям и др. «Инвестиции». М.: 1997 г. гл.21. «Фьючернўе контрактў».
- Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционнўх проектов и их отбору для финансирования. М. 1994.
- Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.
- Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.
- Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рўнку. Москва, ИПО «Поигрон», 1992.

Х 606. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯЛПИ ВА ТОВАР МАҲСУЛОТИ, УЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти

Қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналар, ташкилотлар зиммаларидаги асосий вазифасини бажариш учун ишлаб чиқариш жараёнида турли ишларни, хизматларни амалга оширадилар, хилма-хил маҳсулотларни етиштирадилар, хизматларни адо этадилар. Жумладан, пахта, буғдой, шоли, маккажўхори, картошка, карам, помидор, сабзи, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларни етиштирадилар. Етиштирилган бу каби маҳсулотлар уларнинг ялпи маҳсулоти натурал миқдорини ифодалайди. Лекин, бу натурал кўрсаткичлар хўжаликларнинг йиллик фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди, чунки уларни натура ҳолида бир-бирига қўшиб бўлмайди. Шунинг учун ялпи маҳсулот қиймат шаклида аниқланиши лозим. Бунинг учун етиштирилган барча маҳсулотларнинг қиймати қўшилган ҳолда аниқланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир йиллик ҳамда бир неча йиллик фаолиятини таҳлил этиш мақсадида ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳар йилги ҳақиқий ҳамда қиёсий баҳоларда ҳисобланади. Ҳозирги даврда қиёсий баҳолар сифатида 1996 йилдаги ҳақиқий баҳоларнинг ўртача йиллик миқдори олинган. Маълум йиллардан сўнг бошқа йилнинг ўртача баҳолари олиниши мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида натура ҳолида етиштирилган турли хилдаги маҳсулотлар тармоқнинг натура ҳолдаги ялпи маҳсулоти дейилади. Тармоқда натура ҳолда етиштирилган маҳсулотларнинг қиймат ҳолидаги умумий йиғиндиси эса қишлоқ хўжалигининг қиймат ҳолидаги ялпи маҳсулоти деб аталади. Тармоқда етиштирилаётган ялпи маҳсулот қиймати алоҳида маҳсулот турлари, тармоқлар ва хўжалик бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот тармоқнинг, корхонанинг бир йиллик фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичдир. Қиймат шаклида ҳисобланган ялпи маҳсулотнинг таркиби қуйидагича бўлади:

Тайёр маҳсулот;

Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида бир йил давомида етиштирилиб, йиғиштирилиб, ҳисобга олинган, тақсимлашга ва сотишга тайёр бўлган маҳсулотлар қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

Келгуси йилларда маҳсулотлар етиштириш учун сарфланадиган харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Жумладан, келгуси йилда пахта, буғдой, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун жорий йилда ерларни ҳайдаш, текислаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, келгуси йилда гўшт етиштириш учун жорий йилда харажатлар қилинади. Бундай харажатлар боғдорчиликда ҳам мавжуд.

Натура ҳолдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлари бўйича алоҳида-алоҳида, ўсимликчилик маҳсулотлари ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ялпи

ҳажми ҳам қиймат ҳолида ҳисобланади. Бу маҳсулотлар бир йиллик ҳажмининг қиймати шу йилги ҳақиқий баҳоларда қуйидагича аниқланади:

сотилган маҳсулотлар сотиш баҳоларида;

хўжалик ички эҳтиёжи учун берилганлари уларнинг таннархлари бўйича.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида бу усул хўжалик эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш билан шуғулланганларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини етарли даражада таъминлай олмайди. Маҳсулотлар таннархда белгиланганлиги учун фойда ололмайдилар. Фойда бўлмагач, ишчиларни маҳсулот ишлаб чиқариш натижасига кўра, рағбатлантириб бўлмайди. Шунинг учун ички эҳтиёжларга берилган маҳсулотларнинг қийматини ҳам ўртача сотиш баҳоларида аниқлаш ёки ички баҳоларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари, тармоқлар миқёсида қиймати ҳақиқий баҳоларда аниқланиши натижасида улардан ҳар бирининг жами ялпи маҳсулот қийматидаги салмоғини аниқлаб, таҳлил қилиш, бу кўрсаткичлар асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётини таққослаб, умумий хулосалар чиқариш мумкин. Лекин бунда тармоқнинг, хўжаликларнинг бир неча йиллик фаолиятини чуқур таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки ҳақиқий баҳолар ҳар йили ўзгариб туради. Масалан, 1 тонна пахта хомашёсининг давлат харид нархи 2000 йилда ўртача 52 минг сўм даражасида белгиланган бўлса, 2002 йилда 104.7 минг сўмга яқин бўлган. Шу йиллар ичида унинг мутлақ миқдори 2 марта, бошоқли донларнинг давлат харид баҳоси эса 2,4 марта ошган. Ялпи маҳсулотнинг умумий қийматига таъсир кўрсатувчи бундай ҳолларнинг олдини олиш учун ялпи маҳсулот қийматини қиёсий баҳоларда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг, тармоқдаги меҳнат унумдорлиги даражасининг, фондлар қайтими кўрсаткичларининг бир неча йиллар давомидаги ўзгаришини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги тайёр маҳсулотлар ички ва ташқи бозор талабини эътиборга олган ҳолда сотилади, яъни қишлоқ хўжалигида ҳам пул-товар (П-Т) муносабатлари амалга оширилади. Маҳсулотларнинг пул-товар муносабатлари асосида сотилган миқдори товар маҳсулоти деб аталади. Шунга асосланган ҳолда маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун сотилган маҳсулот миқдорини жами етиштирилган маҳсулотнинг натура ҳолидаги улушига тақсимлаб, 100 га кўпайтириш лозим. Чунки у фоизда ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$T_{\text{д}} = (C_{\text{м}} \div Y_{\text{м}}) * 100$$

Бунда: $T_{\text{д}}$ – маҳсулотнинг товарлилик даражаси, фоизда;

$C_{\text{м}}$ – сотилган маҳсулот миқдори, тонна, центнер, килограмм;

$Y_{\text{м}}$ – етиштирилган жами маҳсулот (пахта, буғдой) тонна, центнер

Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси тайёр маҳсулот ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Унга айрим пайтларда давлатнинг сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳозирги даврда пахтага нисбатан

давлат буюртмаси ва талабнинг мавжудлиги сабабли унинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг. Айрим техника маҳсулотлари ҳам хўжаликларда фақат сотиш мақсадида етиштирилмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг бўлади. Масалан, каноп. Айрим маҳсулотлар эса фақат ички талабларни қондириш мақсадида етиштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг товарлилик даражаси аниқланмайди. Жумладан, озуқа учун етиштирилган ем-хашак, сабзи, турп, шолғом, помидор ва бошқалар.

Ялпи ва товар маҳсулотларнинг мамлакат, тармоқлар ҳамда корхоналар иқтисодиётидаги аҳамияти катта. Жумладан, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми, қиймати ўсиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳам ўсиши таъминланади. 2000-2002 йилларда халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи 27-30 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш туфайли барпо этилаётган валюта тушуми таркибида уларнинг салмоғи сезиларли бўлмоқда.

Натижада халқ хўжалиги барча соҳаларининг ривожлантирилиши таъминланади.

Ялпи маҳсулотнинг натурал миқдори кўпайиб, улар истеъмолчиларга турли усуллар ёрдамида етказилиши қайта ишлаш тармоқлари ривожланишини ҳамда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини юксалтиради. Бу аҳолининг иш билан таъминланиши юксалиб, реал даромади ортишига яшаш шароити яхшиланашига олиб келади.

Корхоналар ялпи ва товар маҳсулотининг кўпайиши уларнинг ҳам иқтисодиёти юксалишини таъминлайди. Хўжалик ялпи маҳсулотининг, натура ҳолдаги миқдори кўпайиши тайёр маҳсулот миқдори ошишига сабаб бўлиб, ички ва ташқи талаб тўлиқроқ қондирилишига имконият яратади. Натижада сотиладиган маҳсулот миқдори ортади. Уни сотиш эвазига корхоналарнинг пул даромадлари кўпаяди. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган ҳолда ривожланишини, ишчи-хизматчиларнинг эса моддий рағбатлантирилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини оширишга, уларнинг сифатини яхшилаб, рақобатбардорлигини юксалтиришга катта эътибор бермоқда. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чет давлатларга сотиш натижасида мамлакатнинг валюта тушуми ортиб бормоқда. Чет эл валюталари кўпайиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, янги техникалар, илғор технологиялар сотиб олинмоқда.

10.2. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби динамикаси (ўзгариши)

Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Даставвал тармоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида аграр иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич олиб

борилмоқда. Натижада барқарор равишда мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилиб, уларни эркин фаолият кўрсатишлари учун сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилмоқда. Қишлоқ хўжалигига янги техникалар, самарали технологиялар киритилиб, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Тармоқдаги ишчи-хизматчиларнинг билимлари, малакалари, тадбиркорлик қобилиятлари юксалтирилмоқда. Натижада сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти йил сайин ортиб бормоқда.

22-жадвал

Республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўзгариши *

	Йиллар						
	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Ялпи маҳсулот қиймати							
- ҳақиқий баҳоларда, млрд. сўм	124,4	181,0	421,1	550,2	833,1	972,5	2086, 8
- 1995й.дагига нисбатан ўзгариши, фоизда	100,0	145,5	338,5	442,3	6,7 м.	7,8 м.	16,8 м.
- қиёсий баҳоларда, авалги йилдагига нисбатан, фоизда	102,3	93,5	105,8	104,0	105,9	104,5	104,5

*Жадвал Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўзгаришининг ҳақиқий ҳолатини унинг қиёсий баҳоларда аниқланиши реалроқ исботлайди. Чунки, бунда ҳар йилги ҳақиқий баҳолар ўзгаришининг таъсири бартараф этилади. Ялпи маҳсулот қийматининг қиёсий баҳолардаги даражаси йил сайин ўсиб борган. Лекин унинг миқдори шу йиллар ичида 2,3-4,5 фоиз даражасида бўлган. Агар республикада 1992-1994 йиллардаги беқарорлик содир бўлмаганида унинг даражаси бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди.

Жадвалдаги маълумотлар кўрстайб турибдики, республикада қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти қийматининг ҳақиқий баҳолардаги ўсиши анча юқори бўлган. Чунончи, бу борадаги кўрсаткич 1995-2000 йилларда 16,8 мартага кўпайиб, 2001 йилда 2086,8 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ўсиш қуйидаги омиллар ҳисобидан таъминланган:

қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг натурал миқдори кўпайиши ҳисобига;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоларининг ўсиши ҳисобига;

етиштирилаётган маҳсулотлар таркибининг ўзгариши, уларнинг устувор суръатларда ривожланиши, яъни диверсификация ҳисобига (23-жадвал).

Жадвалда кўрсатилган маҳсулотлар 1993 йилда 4229.7 минг гектар экин майдонидан олинган бўлса, 2000 йилда эса 3774,9 минг гектардан олинган. Шу майдонлардан 42,7 фоизига дон экинлари, 39 фоизга яқинига техника экинлари

экилган, 6,2 фоизда картошка, сабзавот ҳамда полиз ва ниҳоят, 11,8 фоизда ем-хашак етиштирилган.

23-жадвал

**Республикада етиштирилаётган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари,
минг тонна***

	Йиллар								2000й.да 1993 йилдагига нисбатан, фоиз
	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	
Жами дон жумладан:	2142,4	2466,9	3215,3	3562,0	3775,6	4147,7	4321,3	3915,7	182,8
Бугдой	876,0	1363,1	2346,9	2741,8	3073,0	3555,5	3599,7	3510,6	4 марта
Пахта	4234,5	3937,8	3934,1	3350,1	3645,0	3206,3	3652,3	3001,8	70,9
Картошка	472,4	567,1	439,8	513,5	691,9	691,4	649,6	729,8	154,5
Сабзавот	3038,7	2975,3	2712,6	2498,0	2384,2	2403,5	2651,0	2637,3	86,8
Полиз	622,3	578,0	471,9	469,7	476,2	470,0	502,1	457,2	73,5
Гўшт	814,1	827,2	853,0	800,6	800,7	808,7	819,7	841,5	103,4
Сут	3764,0	3731,6	3665,4	3403,6	3406,1	3494,9	3541,9	3656,5	97,1

* Жадвал Республика Макроиктисодиёт ва статистика ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари маълумотлари асосида тузилган.

Республикада дон маҳсулотлари етиштириш шу йиллар ичида 82,8 фоизга кўпайган. Агарда 2002 йилдаги натижа эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда дон етиштириш 2,5 мартага ортган. Чунки 2002 йилда жами 5,4 млн. тонна дон маҳсулотлари етиштирилган. Дон маҳсулотлари таркибида бугдой устувор суръатларда ортган. 1993-2000 йиллар мобайнида бугдой етиштириш 4,8 маротаба кўпайган. Бу республикада дон маҳсулотлари етиштириш жараёнига бугдой етиштиришни диверсификация қилинаётганлигидан далолат беради. Бу дон маҳсулотларига бўлган республика ички талабини қондириш борасидаги давлат сиёсатининг ижобий натижасидир. Дон маҳсулотлари етиштиришни асосан пахта яккахокимлигини камайтириш ҳисобига ошириш назарда тутилган. Натижада пахта хомашёсини етиштириш 1993-2000 йиллар мобайнида қарийиб 30 фоизга камайган.

Картошка етиштириш шу йилларда 54,5 фоизга ортган. Чунки унга нисбатан аҳолининг талаби ортиб бормокда. У ҳозирги даврда иккинчи нон маҳсулоти ўрнини босмокда. Эндиликда аҳоли истеъмоли учун четдан картошка сотиб олинаётгани йўқ.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръатлари кескин ошмаяпти. Бунга асосий сабаб тармокда иқтисодий ислохотлар бозор иқтисоди талаби даражасида амалга оширилмаётганлигидир. 1993 йилдан бошлаб чорва моллари хусусийлаштирилди, лекин хусусийлаштирилаётган фермалар озука етиштириш учун ер билан тўлиқ таъминланмади. Оқибатда сермахсул чорва ҳайвонлари сотилди, мавжудларининг эса маҳсулдорлиги пасайди. Бундай ҳолнинг олдини олиш мақсадида республика ҳукумати чорвачиликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқмокда. Бу, албатта,

чорвачилик маҳсулотлари кўпайишини таъминлаши мумкин. Республика вилоятларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бир хил суръатларда ўсмади (24-жадвал):

**Республика вилоятларида етиштирилган
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, минг тонна***

Вилоятлар	Пахта		Бошоқли дон		Сабзавот		Полиз маҳсулотлари		Гўшт		Сут	
	1996й	2000й	1996й	2000й	1996й	2000й	1996й	2000й	1996й	2000й	1996й	2000й
Қорақалпоғистон Республикаси	203,9	125,4	10	64	20,3	15,1	15,7	8,1	37,6	38,9	117	126,1
Андижон	315,9	337,4	389,7	512,8	33	37,1	0,8	0,9	49,1	55,3	274,2	331,6
Бухоро	360,6	351,1	126,7	213,5	84	23,2	4,2	5	64,1	69,4	260,6	267,5
Жиззах	139,4	155,5	175,4	316,9	10,4	13,6	5,6	7,5	57,3	60,1	197,2	194,5
Қашқадарё	375,7	265,1	321,3	263,9	28,8	60,6	11,6	18	91,5	94,4	334,1	345,8
Навоий	101,3	103,6	55,5	92,6	3,3	9,2	2,5	2	46	45,5	118,7	124,2
Наманган	239,8	243,5	251,3	258,2	61,7	110	6,2	8	51	53,6	258,9	266
Самарқанд	216,8	167,7	231,2	278,1	115,9	162	4,2	5	97	104,4	347,2	425,1
Сурхондарё	360,1	259,5	271,3	203,1	14	20,1	4,3	11	67,7	74,6	294,4	326,1
Сирдарё	186,5	174,6	153,1	185,6	4,9	12,1	4,7	6	26	25,6	119,9	119,6
Тошкент	258,8	256,4	283,1	336	135	148	6,1	20	99	102,8	337	346,7
Фарғона	301,3	362,6	295,7	325,1	26	46,1	4,2	6,3	58,9	63,7	389,9	377,4
Хоразм	290	199	52	76,7	18,7	39,5	4,5	1,1	48,6	52,3	340,9	382,6
ЖАМИ	3350,1	3001,5	2616,3	3126,5	480,3	696	74,5	98,9	793,8	840,6	3390	3633,2

* Жадвал Республика Макроиктисодиёт ва статистика ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари маълумотлари асосида тузилган.

24-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш республика миқёсида ҳам, вилоятларда ҳам унчалик ривожланмаган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида жадвалда кўрсатилган барча маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш ҳожми пасайган. Хоразм вилоятида эса пахта хомашёси етиштириш 1996–2000 йиллар ичида 31,4 фоизга қисқарган. Бундай ҳол Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятларида ҳам содир бўлган. Бунинг энг асосий сабаби шу вилоятларда фойдаланилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлигидир. Оқибатда мавжуд суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси ортиб, унумдорлиги пасаймоқда.

Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосан иккита йирик тармоқда ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида етиштирилади. Сўнгги йилларда мамлакат бўйича етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг (қиймат ҳолида) 55-58 фоизи ўсимликчиликда, 44-41 фоизи чорвачилик, бир фоизга яқини баллиқчилик, яъни сув хўжалиги ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бозор талабини қондириш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини табиий ҳамда иктисодий омилларни эътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ жойлаштириш талаб этилади. Бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш барча турдаги зарур ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш ҳамда улардан уддабуронлик билан самарали фойдаланишга эришиш керак.

Ҳақиқий баҳоларда ҳисобланган ялпи маҳсулот қиймати тез суръатларда ўсишига маҳсулотларнинг баҳолари ҳар йили ўзгариши таъсир этган. Агарда 1 тонна пахта хомашёсининг харид баҳоси 1992 йилда 2400 рубль бўлган бўлса, 1994 йилда пул ҳамда баҳолар ислоҳоти натижасида 8000 сўм даражасида белгиланган, 2000 йилда 52,5 минг сўм ва ниҳоят, 2002 йилда эса 104,7 минг сўмни ташкил этган. Агар республикада амалга оширилган пул ислоҳотлари туфайли рубль сўм купонига, сўм купон эса миллий пул бирлиги сўмга ўзгартирилишини эътиборга олсак унда пахта хомашёсининг баҳоси неча минг марта ўзгарганлиги маълум бўлади. Бу фикр дон маҳсулотлари баҳоларига ҳам тегишлидир. Чунончи, бир тонна доннинг ўртача сотиш баҳоси 1991 йилда 235 рубль бўлган бўлса, 1995 йилга келиб 2500 сўмни, 2000 йилда 21,8 минг ва ниҳоят, 2002 йилда 53 минг сўмга яқинни ташкил этган. Қайд этилган йилларда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари ҳам ошиб борган. Бу, албатта, ялпи маҳсулот қийматининг ошишига таъсир этган.

Республикада етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 98,7 фоизи (2001 йил) нодавлат сектор зиммасига тўғри келмоқда. Бу, албатта, ижобий ҳол. Лекин тармоқда маълум миқдорда давлат сектори бўлиши мақсадга мувофиқдир. Улар асосан қишлоқ хўжалигида фан, техника, технологияларни ривожлантириш билан банд бўлиши мумкин. Жумладан, фан ютуқларига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларининг сифатли, серунум навларини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини, янги, серунум техникаларни, самарали технологияларни яратиш, уларни ўз ишлаб чиқаришимизда синашимиз ва ҳаётга кенг татбиқ этишимиз лозим.

Қишлоқ хўжалигининг нодавлат секторида жамоа, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар маҳсулот етиштириш билан банд. Жамоа, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари асосан товар маҳсулотлар етиштириб, бозор талабини қондириш билан шуғулланмоқдалар. Деҳқон хўжаликлари эса ўз ички талабларини қондириш мақсадида маҳсулот етиштириб, эҳтиёждан ортидан қисмини бозорга чиқарадилар. Ҳозирги даврда республикада етиштирилаётган пахтанинг 100 фоизини, доннинг 80 фоизга яқинини жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари етиштирмоқдалар. Сабзавот маҳсулотларининг 75 фоизга яқини, картошканинг 80 фоизи, гўштнинг 91,1 фоизи, сутнинг эса 93,6 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу республика қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт шаклланаётганлигидан далолат беради.

Хўжалик юретишнинг бу шакллари янада ривожлантириш учун давлатнинг истикболга мўлжалланган самарали дастурлари ишлаб чиқиши ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилиши зарур. Шундагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

10.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш, сотиш ва уларнинг товарлиқ даражаси

Қишлоқ хўжалигининг энг асосий вазифаси республика ҳудудидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг хомашёга, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришдир. Шу билан биргаликда, тармоқ ташқи бозор талабини қондиришда ҳам қатнашиши мақсадга мувофиқдир.

Бу талаблар қишлоқ хўжалиги учун давлатнинг пахта ва ғаллага бўлган энг муҳим буюртмаларини бажаришга асосланади. Бу маҳсулотларга давлат буюртмаларининг миқдори уларни етиштириш бўйича режалаштирилган ҳажмга нисбатан 30 фоиз даражасида белгиланган. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тармоқда етиштирилган маҳсулотларнинг чунончи, уруғлик, ем-хашак, озуқа кабиларнинг маълум бир қисми ички талабни қондиришга сарфланади. Акс ҳолда тармоқда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши таъминланмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминлаш учун етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми бу борадаги талабларини қондириш мақсадида ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ўрнига натура ҳолида берилади, уларнинг овқатланишлари учун ажратилади. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга маълум миқдордаги маҳсулотлар текинга берилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлар муайян каналлар бўйича тақсимланмоқда ва сотилмоқда, (10-чизма).

Чизмадан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик корхоналари, аввало, етиштирган пахта, дон маҳсулотларининг давлат буюртмасида кўрсатилган миқдорини «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» компаниясининг жойлардаги корхоналари билан тузилган шартномалар асосида сотадилар. Бу турдаги маҳсулотларнинг давлат буюрмаларидан ортиқча қисми эркин савдода шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга сотилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бозор иқтисоди шароитида корхоналарга етиштирган маҳсулотларини эркин сотиш имкониятлари тўлиқ борилиши зарур. Шунинг учун давлат буюртмалари ўрнига иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик давлатлардагидек маҳсулотларни эркин сотиб олиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим. Шу орқали давлатнинг иқтисодиётни эркинлаштириш сиёсати амалга оширилиши учун тўлиқ имконият яратилади. Бунда корхоналар ўз ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш учун зарур маҳсулотларни ички талабларни қондирадиган миқдорда ажратишлари лозим. Бунинг учун ҳам ички шартномалар тузиш керак. Уларда хўжалик ичидаги муносабатларни амалга ошириш тартиби тўлиқ кўрсатилиши зарур.

Шундан сўнг улар қолган маҳсулотларини шартномалар асосида эркин бозорларда, жумладан, биржаларда, кўргазмалар ёрдамида, аукционлар ҳамда чакана савдолар орқали сотишлари мумкин.

Эркин бозор шароитида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилиши тақозо этилади.

Шартномалар ҳар икки томоннинг эркин келишуви асосида тузилиши шарт. Шартномаларни тузишдан олдин томонлар бозорни (маркетинг масалаларини) мукамал ўрганишлари, хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, менежерлар зарур воситаларни қаердан, қачон, қандай баҳоларда, қанча ва қандай усулларда олиш мумкинлигини, шунингдек, ўз маҳсулотларини фойдаси билан сотиш йўллари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, амалиётдаги қонун ва қоидаларни ҳам мукамал билишлари, улар асосида иш юритишлари керак.


Шартномалар узоқ, қисқа муддатга ва бир марта амалга ошириладиган муносабатлар бўйича тузилиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларини сотиш учун ҳар йили шу маҳсулотларни (пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқ.) сотиб олувчилар билан шартномалар тузадилар.

Шартномалар ҳар бир ҳамкор билан маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва хизматлар бўйича алоҳида-алоҳида тузилиши лозим. Уларни тузишни осонлаштириш мақсадида Ўзбекистонда намунавий шартномаларнинг бир неча

тури мутасадди ташкилотлар томонидан тавсия этилган. Чунончи, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоятлардаги, туманлардаги бошқармаларига, туманларга ҳамда давлат хўжаликларига, фермер хўжаликларига ўз иш фаолиятларини юритиш учун ерни узоқ муддатга ижарага бериш; боғ ва токзорларни улар жойлашган ер участкалари билан ижарага бериш бўйича намунавий шартномаларни давлат тилида тақдим этган.

10-чизма

Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тақсимланиши ва сотилиши



Намунавий шартномаларнинг аксарияти рус тилидаги сабабли тадбиркорлар кўп ҳолларда уларни тушунишга қийналмоқдалар, хатоликларга йўл қўймоқдалар. Қолаверса, улар эскирган тизим қолипида бўлганлиги боис талабларга тўла жавоб бермаётир. Шунинг учун тавсия этилган барча намунавий шартномалар давлат тилига қайта, замон талабларига жавоб бера оладиган даражада ўгирилиши шарт. Намунавий шартномаларда томонларнинг вазифалари, бурчлари, мажбуриятлари, барча шартлар аниқ, тўғри, равон ёзилиши талаб этилади. Масалан, давлат талабини қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш бўйича тузиладиган шартномада қуйидаги масалалар аниқ кўрсатилиши лозим: шартнома тузувчиларнинг

юридик номлари, раҳбарнинг исми-шарифи; сотувчининг қандай маҳсулотларни, қайси муддатларда, қанча миқдорда тайёрлаб бериши, олувчининг сотиб олган маҳсулотлар учун белгиланган вақтда ҳақ тўлаши лозимлиги; сотилган маҳсулотларнинг ассортименти давлат андозалари бўйича; маҳсулот ишлаб чиқарувчининг уларни сотиб олувчи ташкилот томонидан молиялаштириш тартиби аниқ ёзилган бўлиши; томонларнинг юридик жиҳатдан кафолатланганлиги ҳамда бу кафолатнинг муҳлати; сотувчининг сотиладиган маҳсулотларни олувчига етказиб бериш тартиблари ва муддати; сотилган маҳсулотларнинг баҳолари тўлиқ кўрсатилиши; сотиб олинган маҳсулотларга ҳақ тўлаш тартиби, уларни етказиб бериш шартлари; томонларнинг мажбуриятлари; идишлар ва маҳсулотларни жойлаштириш ишлари, уларга белги, тамға босиш тартиби; тузилаётган шартноманинг ҳаракат муддати, томонларнинг жавобгарлиги; муносабатлар жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш тартиби; шартномаларга ўзгартириш киритиш шартлари; томонларнинг ўзаро алоқаларни ўрнатиш тартиби; форсмажор ёки томонларнинг махсус, тасодифий (ёнғин, сув тошқини, уруш, зилзила) ҳолатларидаги вазифалари, бурчлари; томонларнинг юридик маскани; маҳсулот сотувчи ва сотиб олувчи ҳақидаги тўлиқ маълумотлар; томонларнинг муҳри, раҳбарларнинг исми-шарифи тўлиқ келтирилган бўлиши шарт. Бу шартнома қишлоқ хўжалиги корхоналари билан пахта заводлари, дон комбинатлари ўртасида тузилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шартномаларни тузишда ҳозир ҳам яккаҳокимлик аломатлари мавжуд. Чунки эркин бозорда қайта ишловчи уларнинг рақобатчилари бўлмаганлиги, бўлганда ҳам жуда камлиги сабабли яккаҳокимлик улар томонида бўлади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сотилаётган пахтанинг, ғалланинг баҳоси эркин, келишилган ҳолда ўрнатилаётгани йўқ. Бу муаммоларни тўғри ҳал этиш учун мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Лекин, ҳозирги даврда эркин савдо субъектлари чекланганлиги сабабли қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотларини эркин сотиш имкониятлари жуда тор, яъни эркин рақобатли бозор тўлиқ шакллангани йўқ. Масалан, корхоналар маҳсулотларининг давлат буюртмаларидан ортиқча қисмини эркин рақобат асосида сотиб оладиган пахта тозалаш заводлари, дон комбинатлари йўқ. Шунингдек, туманларда сабзавот, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотларини сотиб олувчи корхоналар ҳам чекланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга олиб чиқиб сотиш учун талайгина муаммолар ҳал этилиши талаб қилинади. Уларни ҳал этиш учун барча хўжалик раҳбарларининг имкониятлари йўқ. Шунинг учун келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини яратиш зарур. Бунда даставвал нодавлат мулкчилигига асосланган турли хилдаги кичик, ўрта корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу орқали қишлоқ ҳудудларида қўшимча иш жойлари ташкил этилиб,

маҳсулотларни сотишда эркин бозорни шакллантириш таъминланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маҳсулотларини (рақобатбардош бўлса) эркин сотиш имкониятларини кенгайтириш, бу жараёни соддалаштириш керак.


Қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган маҳсулотларни сотишга Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг жойлардаги бўлимлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам беришлари зарур. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик корхоналарида бозорни ўрганиб, савдо-сотик ишларини ривожлантирадиган маркетинг бўлимлари ташкил этиб, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариши самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида етиштирган маҳсулотларининг маълум қисмини ўз такрор ишлаб чиқариши учун уруғликка, кўчат етиштиришга, емга, озуқага сарфлайди, ишчи-хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иш ҳақи эвазига, умумий овқатланишга беради. Буларнинг ҳаммаси ҳозирча таннархда берилади. Ҳозирги даврда хўжаликлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида иқтисодий ночор оилаларга, кексаларга, болалар уйларига ҳайрия шаклида ҳам ўз маҳсулотларини бермоқдалар. Бундай муносабатларда хўжаликлар даромад олмайдилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган маҳсулотлар сотилиши натижасида уларнинг товарлилик даражаси ошиб бормоқда. (3-диаграмма).

3-диаграмма

**Республикада айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
товарлилик даражасининг ўзгариши, фоизда**



Бу пахтадан ташқари маҳсулотларга тааллуқлидир. Чунки пахтага нисбатан давлат монополияси мавжудлиги сабабли унинг ҳаммаси давлатга сотилмоқда. Дон маҳсулотларининг товарлилик даражаси 1993 йилда 51,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 1996 йилда 65,1 фоизни, 2001 йилга келиб салкам 70 фоизни ташкил этган, картошканинг товарлилик даражаси шу йиллар ичида 56,1 фоиздан 60 фоизга, сабзаёт маҳсулотлариники эса 60,4 фоиздан 64,9

фоизга, гўшт маҳсулотлариники 30,8 фоиздан 63 фоизга, сутнинг товарлилик даражаси 22,3 фоиздан 50,4 фоизга етган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда, сотишда табиий шароитларни ҳамда халқимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларини, албатта, эътиборга олиш зарур. Чунки айрим маҳсулотларни етиштиришга табиий шароитлар, айримларини етиштиришга миллий одатларимиз йўл бермайди. Жумладан, чўчкачиликни ривожлантиришга. Лекин бу соҳа самарали ҳисобланади. Етиштирилаётган маҳсулотларни эркин сотишда аҳолининг миллий эҳтиёжини эътиборга олиш лозим. Чунки мусулмон динига мансуб бўлган аҳоли чўчка гўштини, чўчка гўшtidан тайёрланган маҳсулотларни сотиб олмайди, чунки уларни истеъмол қилмайди. Лекин унни, нон маҳсулотларини, шолени кўпроқ сотиб олади. Чунки улар ҳар куни уч маҳал нон есалар ҳам кўнгилларига тегмайди. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотишда, тақсимлашда юқоридаги масалаларга эътибор бериш лозим.

10.4. Ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини ошириш йўллари

Республика аҳолисининг аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳам тўлиқ қондирилмаяпти. Уларнинг айримларини четдан олиб келиб сотиш орқали ҳам бу муаммо тўлиқ ечилганича йўқ. Бу асосан дон, қанд, шакар маҳсулотларига, катонка ва чорвачилик маҳсулотларига, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларига тегишли. Шунинг учун барча турдаги корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш энг долзарб муаммодир. У сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга. Бу муҳим муаммони ҳал этишнинг асосан икки йўли мавжуд:

Экстенсив йўл. Яъни экин майдонларини, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш. Бу усулни адабиётларда, Америка усули, деб ҳам аташади. Лекин унинг ривожлантирилиши айрим ишлаб чиқариш ресурслари, жумладан, ер ва сув ресурслари табиатан чекланганлиги сабабли тўлиқ таъминланмайди.

Бу усулда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун моддий маблағ ҳамда меҳнат сарфлари асосан янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муаммаласига киритишга ҳамда чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтиришга қаратилади. Натижада ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг миқдори кўпайтирилади. Шу билан бирга бу жараёнда янги техникаларни, илғор технологияларни, зооветеринария ишларини ҳам амалга ошириш талаб қилинади. Демак, бу усул ёрдамида ялпи маҳсулот ҳажми кўпайиши, сифати яхшиланиши таъминланади.

Интенсив йўл. Яъни фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш, фан-техника, самарали технологияларни жорий этиш

натижасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини юксалтириш, чорвачиликда зоттехнология, ветеринария ишларини ривожлантириш асосида ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш. Бу усулни адабиётларда, Пруссия йўли, деб ҳам аталади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш асосан моддий, маблағ ва меҳнат сарфларини, фан ютуқларини, янги техникаларни ҳамда илғор технологияларни, ҳайвонларнинг насл ва зотларини, ўсимлик навларини яхшилашга қаратиш орқали, бинобарин, кўшимча инвестицияларни амалга ошириш ҳисобига таъминланади.

Республикада экстенсив йўл билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш Фарғона водийсининг аксарият хўжаликларида, Хоразм вилоятида ҳамда эскидан дон суғориладиган ҳудудларда анча чекланган. Лекин интенсив усулдан барча вилоятларда фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунинг учун, аввало, бутун аҳолида ватанпарварлик руҳи ривожланишига эришиш, ўз ҳаётимизнинг юксалишини ўзимиз таъминлашимиз керак, деган тушунча барчада мустаҳкам шаклланиши керак. Ватанпарварлик, албатта, иқтисодий тадбиркорлик билан мустаҳкам, реал боғланиши, чунончи, тадбиркорликни амалга ошириш учун маблағлар бўлиши лозим. Уларни асосан ишлаб топиш зарур, етишмаган қисмини эса давлат ва маҳаллий бюджетлардан, қарзлар ва бошқа манбалар ҳисобига қоплаш мумкин. Бу маблағларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, уларнинг сифатини таъминловчи қуйидаги тадбирларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- зотли, сермахсул чорва ҳайвонларини яратиш, сотиб олишга;
- янги боғлар, токзорлар, кўп йиллик дарахтзорларни барпо этишга;
- янги ирригация-мелиорация тизимини барпо этиш, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;
- сермахсул ўсимлик навларини, чорва зотларини яратиш мақсадида фан-техникани ривожлантиришга;
- янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга изчил жорий этишга;
- ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш, кимёлаштиришни ҳамда электрлаштиришни таъминлашга;
- мавжуд асосий воситаларнинг ишга яроқлилигини таъминлашга;
- ўсимликчиликнинг, чорвачиликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабини имконият даражасида таъминлашга;
- ишчи-хизматчиларнинг билимини, малакасини юксалтириш ва моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни реал таъсирчан усуллар орқали ривожлантиришга;
- ишлаб чиқаришни либераллаштириш, эркинлаштиришга, ислоҳотларни чуқурлаштиришга;

ишлаб чиқариш, давр харажатларини, молиявий харажатларни имконият доирасида камайитиришга;
солиқлар тизмини такомиллаштиришга;
айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини эркинлаштириш ва бошқаларга.

Таъкидланган тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида ўсимликчилик, чорвачилик маҳсулотлари миқдорининг кўпайиши ва қийматининг ошиши таъминланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши улар ички ва ташқи талабни қондириш мақсадида кўпроқ сотилишини таъминлайди. Натижада ўсимчилик, чорвачилик маҳсулотларининг товарлилик даражаси оширилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда эркин, рақобатли бозор талаб даражасида шаклланмаган. Шу сабабли, жамоа, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари сотган маҳсулотларининг ҳақини вақтида ола олмаётдилар, оқибатда дебиторлик қарзлари ортиб бормоқда. Чунончи, республикадаги жамоа, ширкат хўжаликларининг дебиторлик қарзлари 2000 йилда 64,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб 71,8 млрд.сўмга етган. Бундай ҳол қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш тизимини эркин бозор талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш лозим. Бунинг учун аввало, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзида маркетинг масалалари билан мунтазам шуғулланадиган гуруҳлар ёки бўлимларни ташкил этиш, уларни эркин бозор маълумотлари билан мунтазам таъминлаш зарур.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланувчи барча ташкилотларнинг, корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бўлимларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш керак. Шундагина ортиқча харажатларга, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди: қишлоқ хўжалик корхоналари тез айнийдиган маҳсулотларни 70-100 км масофадаги заводларга ташиб, вақтдан ютказмайди, ортиқча харажатлар қилмайди ва маҳсулот сифати ёмонлашмайди, маҳсулотларнинг кўпроқ, тезроқ, арзонроқ сотилиши таъминланади.

Бундан ташқари корхоналарнинг ўзлари ҳам етиштирган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи уюшмалар ташкил этишлари мумкин. Уюшмага кирувчилар учун эркин, қулай шароитлар яратилиши лозим. Бундай уюшмалар маҳсулотларни сотишда эркин рақобатли бозор вужудга келишида муҳим ўрин тутadi.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларининг ҳақини келишилган муддатларда олиш имкониятларига эга бўладилар, уларни хўжаликлар ишлаб чиқаришга сарфлаши натижасида ялпи ва товар маҳсулотларини кўпайтиришга эришадилар.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигида аҳоли ва қайта ишлаш тармоқларининг талабларини қондириш мақсадида турли хил маҳсулотлар етиштирилмоқда. Улар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 26-30 фоизини ташкил этмоқда. Ялпи маҳсулот–тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндисидир.

Тайёр маҳсулотларни сотиш натижасида республика валюта тушумининг аксарият қисми шакллантирилмоқда. Ялпи маҳсулот таркибида тайёр ва товар маҳсулотлар салмоғини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш ва сотиш йўллари, уларнинг бозорини ривожлантиришга эришиш лозим.

Ялпи маҳсулот миқдорини талаб даражасида кўпайтириш, сифатларини яхшилаш мақсадида экстенсив ҳамда интенсив усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Ялпи маҳсулот деганда нимани тушунаси?

Ялпи маҳсулотлар қандай турларда ҳисобга олинади?

Ялпи маҳсулотнинг таркиби қандай?

Тайёр маҳсулот деганда нимани тушунаси?

Қандай маҳсулот товар маҳсулоти деб аталади?

Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси қандай аниқланади?

Ялпи ва товар маҳсулотларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти қандай?

Ялпи маҳсулотни кўпайтиришнинг қандай йўллари бор?

Экстенсив ҳамда интенсив усул ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

Маҳсулотлар сотишни ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?

Асосий адабиётлар

Кэмпбелл Р., Макконелл, Стенли Л. Брю. «Экономика». М.: «Республика», 1992, Книга-1, глава-3, стр. 54-60.

Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000 йил.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Бернли Хилл. «Иқтисодга кириш». Қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари учун дарслик, 6-боб. Т.:«Меҳнат», 1998.

XI бoб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ (ЖОРИЙ ВА ЎРТАЧА) ХАРАЖАТЛАР, УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

11.1. Қишлоқ хўжалигидаги харажатлар, уларнинг аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи, унинг серқирра фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун маълум миқдорлар моддий, пул ҳамда меҳнат сарф-харажатлари амалга оширилади. Уларнинг мамлакат миқёсидаги миқдори жами ижтимоий харажатлар деб аталади. Ижтимоий харажатлар ижтимоий маҳсулот қиймати билан тенгдир. Уларнинг таркиби қуйидагилардан ташкил топади:

Ишлаб чиқариш воситаларида буюмлашган харажатлар. Улар ўтган давр харажатлари бўлиб, C ҳарфи билан белгиланади.

Жонли меҳнат харажатлари. Улар ўзи учун янги қийматни яратади, V ҳарфи билан белгиланади.

Буюмлашган ва жонли меҳнат уйғунлашиши натижасида жамият учун қўшимча қиймат яратилади. У m ҳарфи билан белгиланган.

Ижтимоий харажатлар, яъни ялпи ижтимоий маҳсулот қийматининг умумий кўриниши қуйидагича: $C + V + m$

Мамлакатнинг жами ижтимоий харажатлари—давлат ҳамда тармоқлар, корхона ва ташкилотлар миқёсидаги барча харажатларнинг йиғиндисидир.

Тармоқнинг ижтимоий харажатлари—индивидуал корхоналарнинг, ташкилотларнинг харажатлари йиғиндисидир. Шундай тармоқлардан энг муҳими, қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги талабларни қондириш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматларни бажариш учун моддий, пул ва меҳнат харажатларини амалга оширадilar. Юқорида қайд этганимиздек, корхона миқёсидаги моддий ва буюмлашган харажатлар C ҳарфи билан, меҳнат харажатлари, иш ҳақи шаклида бўлиб V ҳарфи билан белгиланади. Корхоналар харажатларининг умумий кўриниши қуйидагича: $C + V$. Бу умумий харажат ҳисобланади.


Қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги маҳсулотларни етиштириш, хизмат ва ишларни бажариш учун моддий ва буюмлашган қуйидаги харажатларни амалга оширадilar: уруғлик, кўчат, минерал, маҳаллий ўғитлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёғловчи материаллар, озуқа ва ем-хашаклар, асосий воситаларнинг эскириш қиймати, ишчи хизматчиларнинг меҳнатларига тўланган ҳақлар, солиқлар, кредитлар учун тўловлар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, кам қийматли, тез эскирувчан материаллар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқда амалга ошириладиган харажатларнинг янги тартиби 1995 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган. У «Маҳсулот ишлаб чиқариш (иш, хизмат) ва сотиш таннархларига қўшиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»да (Тошкент, 1999 й) ўз ифожасини топган. Ҳозирги даврда

қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган харажатлар ўзгарувчан ҳамда доимий харажатлардан ташкил топади. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми, иш миқдорининг ўзгариши билан узвий боғланган бўлади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ эмас. Маҳсулот ҳажми кўпайиши ёки камайиши билан доимий харажатлар қиймати ўзгармайди. Масалан, ер учун айрим асосий воситаларга тўланадиган ижара ҳақи, айрим асосий воситаларнинг эскириш суммаси (амортизация суммаси) тўловлари ва бошқалар доимий харажатлар таркибига киради. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши ўзгарувчан харажатлар кўпроқ сарфланишини тақозо этади. Уларга уруғликлар, кўчатлар, минерал ва маҳаллий ўғитлар, озукалар, ем-хашак, меҳнатга тўланадиган иш ҳақи, электроэнергия харажатлари ва бошқа харажатлар киради.

4-диаграмма

Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ҳаракати



Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши янги техникаларни, самарали технологияларни жорий этиш, сермахсул чорва ҳайвонларини яратиш, шакллантириш ҳамда илғор тажрибаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида моддий маблағ ва меҳнат сарфларини амалга оширишда уларнинг ўриндошлигини ҳамда ҳар бир сарфланаётган қўшимча харажатни тежаш, қолаверса, ортиқча сарф-харажатлар қилмасликни талаб этади. Хўжаликларда амалга оширилаётган харажатлар маълум мақсадни ҳал этишга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда улар қуйидагича гуруҳлаштирилган:

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари (иш ҳақи);

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар

Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар:

а) маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар;

б) корхонани бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича ҳисобга олинадиган харажатлар.

Фавқулодда зарарлар, даромад (фойда)дан олинадиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган харажатларни имконият доирасида тежашга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун фан, техника ютуқларини, янги технологияларни, илғор тажрибаларни имконият доирасида ишлаб чиқаришга татбиқ этиш лозим. Харажатларнинг тежалиши бошқа ишлар бажарилишини ҳамда олинадиган фойда суммаси ошишини таъминлайди. Натижада хўжаликнинг рентабеллик даражаси ортади. Фойда суммасининг ошиши хўжаликни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш учун имконият яратади.

Шунинг учун ҳам бу масалага республикамиз ҳукумати, хўжаликларнинг барча ходимлари доимо катта эътибор бермоқдалар.

11.2. Харажатлар таркиби, уларнинг туркумлаштирилиши

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш учун қилинаётган барча харажатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисобот объектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра қуйидаги элементларга ва моддаларга гуруҳлаштирилган (11-чизма):

маҳсулот етиштириш, ишларни, хизматларни бажариш билан боғлиқ харажатлар;

давр харажатлари;

молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар;

фавқулодда қилинадиган харажатлар(фойда, зарарлар).

Иқтисодий моҳиятига кўра, бир хил харажатлар харажат элементларини, бир нечта харажат элементлари харажат моддаларини ташкил этади. Демак, харажат моддалари харажат элементларига нисбатан кенгроқдир.

Қишлоқ хўжалигидаги харажатларнинг иқтисодий элементлар
бўйича гуруҳлаштирилиши



Амалга оширилаётган ва оширилиши лозим бўлган харажатларни иқтисодий элементлар бўйича гуруҳлаштириш натижасида меънат харажатлари учун берилган иш ҳақини ва унинг таркибини, сарфланган моддий (материал) харажат, турли мақсадларга сарфланган пул харажатлари (объектлари бўйича) суммасини аниқлаб, уларни чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Сарфланаётган харажатларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қанчаси маҳсулот этиштиришга оид технологик жараёнлар бўйича сарфланганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундан мақсад – фан-техника, технология янгиликларини ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнига татбиқ этиш натижасида харажатларни тежаш имкониятини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам харажатларни маҳсулот этиштириш технологик жараёнлари бўйича ҳам туркумлаштириш мумкин (12-чизма).



Харажатларнинг бундай тартибда туркумлаштирилиши уларнинг ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш давлари бўйича қилинадиган миқдорини, қийматини аниқлаш имкониятини яратади. Шунга асосланган ҳолда уларнинг самарали амалга оширишлишини таъминлаш маблағлар билан таъминланиш масалалари ҳам ҳал этилишини тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалигида харажатларни сарфлашдан яна бир мақсад— етиштирилаётган бир бирликдаги маҳсулот, бажарилаётган ишлар, хизматлар учун ўртача қанча харажат қилинганлигини ҳам аниқлашдир, яъни уларнинг таннархларини билишдир. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархи даражаси уларнинг фойдали ёки зарарлилиги бўйича аниқланади. Шунинг учун харажатлар ҳар бир таннарх объекти бўйича тўғри олиб борилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун сарфланаётган харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш давларига қараб қўшилиши бўйича туркумлаштирилади (13-чизма).

Харажатларнинг маҳсулот етиштириш муддатлари бўйича туркумлаштирилиши



Қишлоқ хўжалигида харажат маҳсулот етиштириш жараёнида бевосита ҳамда билвосита сарфланадиган харажатларга ҳам туркумлаштирилади. Бевосита (тўғри) харажатлар маҳсулотларни етиштиришда бевосита қатнашади ва улар маҳсулот ҳажмига, сифатига тўғри таъсир кўрсатмайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда) бевосита қатнашадиган харажатларга қуйидагилар киритилмоқда:

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар, улар иқтисодий мазмунига кўра, қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли:

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматларни кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган, четдан сотиб олинadиган хомашё ва материаллар;

нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган, харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментар, мосламалар, инвентар, приборлар лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, маҳсул кийим-бош ва арзонбаҳоли бошқа ашёларнинг эскириши; сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектларида монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган, фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш ҳаракатига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади. Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, товарлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан

куйи бўғинларга, яъни цехга ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли:

табiiй хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун ёғоч, тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф–муҳитни тиклаш харажатлари;

технологик мақсадларга энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг траспорти томонидан бажариладиган, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича траспорт ишлари;

хўжалик юритувчи субъектнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия (хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияга ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади);

ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табiiй йўқотиш меъёрлари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши;

Хўжалик юритувчи субъектнинг траспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага кирази) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар);

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;

Маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати. Улар амалдаги сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;

«моддий харажатлар» элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи

иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкаларига ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган, ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларига устамалар;

иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар;

технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

кун, сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарлик, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар.

алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль траспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки катнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган, қайтишгача тўланадиган, йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва катнов хусусияти учун устама;

доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;
меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффицентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффицентлар билан белгиланган тўловлар;
хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек, метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);
иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишлаган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;
ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йили) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йили) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;
мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;
донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқаларда қатнашганлик учун) меҳнат ҳақи тўлаш;
хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;
белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондида киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ижтимоий суғурта ажратмаларига қуйидагилар киради:

қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар;
нодавлат пенсия жамғарларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар;
асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш). лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар, қонун ҳужжатларида амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари – бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.

Ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўриқ ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукаммал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рўйхати билан мукаммал тузатиш ишларини ўтказиш учун маблағлар

заҳирасини такшил қилишлари мумкин. Ушбу заҳирага ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объекти мукамал тузатишларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Заҳирага ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукамал тузатишга заҳира маблағлари суммаси ушбу объектни тузатишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак, агар ҳақиқий харажатлар ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

Ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа махсус талабларини таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Юқоридагилардан ташқари қўриқлаш харажатлари бундай қўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар.

Табиатни маҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, шу жумладан, ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча атроф-муҳитга чиқарганлик учун тўловлар.

Ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари.

Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни сақлаш тадбирлари.

Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат, айрим тармоқлар ходимларига бериладиган озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси).

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, формали кийим-бош, махсус овқатлар ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси).

Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.

Ишлаб чиқариш ишчиларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра, бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

2. Қишлоқ хўжалигида давр харажатлари ҳам амалга оширилади. Улар маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлмай, балки хўжаликнинг соҳалари бўйича ташкил этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборатдир.

Бу харажатлар ҳам мақсад вазифаларига кўра, қуйидагича туркумлаштирилади:

етиштирилган маҳсулотларни сотиш, хизматларни кўрсатиш учун қилинадиган қуйидаги харажатлар: маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар;

маъмурий харажатлар, уларга тармоқни, корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, жумладан, бошқарув тизимларининг фаолияти, бошқарув соҳасидаги воситалар билан боғлиқ бўлган харажатлар;

бошқа операцион харажатлар, жумладан, кадрлар тайёрлаш, лойиҳаларни тузиш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ харажатлар;

ҳисобот даврининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Уларга барча турдаги кредитлар бўйича, мол-мулкнинг ижара ҳақи тўловлари ҳамда қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

4. Фавқулодда юз берадиган ҳодиса, воқеаларни қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Уларга корхоналарнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар киради. Масалан, ер қимирлаши, тинчликка ҳавф солувчи ҳаракатларни маълум миқдорда қоплаш харажати. Чунки улар асосан давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.

11.3. Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртача харажатлар), унинг турлари ва аниқланиш тартиби

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлар, корхоналар миқёсида умумий қиймат кўрсаткичлари билан биргаликда ўртача харажатлар, яъни таннарх кўрсаткичи ҳам фаолият кўрсатиши тақозо этилади. Таннарх бозор иқтисоди шароитида иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг ёрдамида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг бир бирлиги хўжаликлар учун қанча сўмга тушганлиги аниқланади. Уларнинг даражаси қийматни ифодаловчи баҳолар даражаси билан таққосланиши натижасида олинадиган фойда ёки кўриладиган зарарлар даражаси аниқланади. Бу кўрсаткич хўжаликларнинг ички бошқарувчилари учун жуда муҳимдир.

Ҳозирги даврда маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Таннарх деганда бир бирликдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажариш учун сарфланган моддий, меҳнат, пул харажатлари назарда тутилади. Унинг мутлақ (абсолют) даражасини аниқлаш учун барча бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси шу харажатлар ёрдамида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори тақсимланади. Қишлоқ хўжалигида 1 ц. маҳсулотнинг нархи; 1 эталон гектарнинг; 1 тонна-км³нинг; 1 квт³соат электроэнергиянинг таннархи аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$T_n = \frac{\sum I_x}{\sum M_m (I_m, X_m)};$$

Бунда: T_n – маҳсулот, иш, хизмат таннархи, сўмда;

$\sum I_x$ – ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси, сўмда;

$\sum M_m (I_m, X_m)$ – ялпи етиштирилган маҳсулот, жами бажарилган иш, хизматлар миқдори цен., тоннада, эталон гектарда...

Етиштирилаётган маҳсулотларнинг:

ишлаб чиқариш таннархи;

тўлиқ таннархи, тижориат таннархи аниқланади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш усули юқорида келтирилган. Унинг тўлиқ ёки тижорат таннархи жами харажатларни

(жумладан, сотиш харажатлари билан) етиштирилган ялпи маҳсулот миқдорига ёки сотиладиган маҳсулот миқдорига нисбати билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар)нинг ҳақиқий ҳамда режа таннархлари аниқланади. Ҳақиқий таннарх даражаси йил якунидаги маълумотлар ёрдамида ҳисобланади. Режа таннархи эса нормативлар, эришилган маълумотлар асосида аниқланиб, «Бизнес режа»да акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалигида барча харажатларни амалга ошириш натижасида турли хилдаги асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотлар олинади. Жумладан, пахтачиликда пахта хомашёси асосий маҳсулот ҳисобланса, ғўзапояси қўшимча маҳсулот саналади. Дончиликда дон асосий, сомони (пояси) қўшимча маҳсулотдир. Қорамолчиликда гўшт, сут асосий, бузоқ қўшимча, гўнг эса ёрдамчи маҳсулот ҳисобланади. Лекин тармоқдаги барча харажатлар асосий маҳсулотни етиштиришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда 15-чизмада акс эттирилган объектлар таннарх объектлари ҳисобланади.


Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархлари куйидаги усулларда ҳисобланади:

Масалан, дончиликда қўшимча маҳсулотлар белгиланган коэффициентлар ёрдамида асосий маҳсулотларга айлантрилади. Уларни асосий маҳсулотларнинг миқдорига қўшиб, жами ялпи дон маҳсулотининг шартли миқдори аниқланади. Шартли маҳсулот таркибидаги асосий ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг шартли миқдори салмоғи аниқланади. Шундан сўнг жами ишлаб чиқариш харажатларидан шартли маҳсулот салмоғига мутаносиб равишдаги салмоғи ҳисобланиб, уларнинг умумий суммаси аниқланади. Шу аниқланган сумма асосий маҳсулот миқдорига тақсимланиб, асосий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Шартли ёрдамчи маҳсулот ҳиссасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларини ёрдамчи маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорига тақсимлаб, ёрдамчи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади.


Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ўзини оқлаган «Директ-костинг» тизимини Республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам жорий этиш йўли танланган.

«Директ-костинг» тизимининг моҳияти шундан иборатки, бунда жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратилади ва маржинал даромад миқдори аниқланади. Ушбу тизимда маҳсулотлар таннархи фақатгина тўғри (ўзгарувчан) харажатлар чегарасида аниқланади. Маҳсулотларни сотишдан келган пул тушуми билан уларнинг харажатлар бўйича таннархини таққослаш натижасида хўжаликнинг маржинал даромадини аниқлаш мумкин. Маржинал даромаддан доимий харажатларни айириш орқали хўжалик маҳсулот сотиш натижасида олган соф фойда аниқланади. Ушбу услубнинг моҳияти 13-15-чизмаларда ифодаланган.


Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи объектлари




Харажатларни тақсимлаш услублари



Харажатларни тақсимлашнинг маржинал-костинг услуби



Абзорбшн-костинг услуби



Маржинал-костинг услубини республикаимиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш натижасида етиштирилаётган маҳсулотларнинг реал, аниқ ишлаб

чиқариш таннархини ҳисоблаш имкони пайдо бўлди. Бу молиявий ҳисоб учун жуда зарурдир. Лекин бошқарув ҳисоби учун бу услубнинг маълумотлари етарли эмас. Чунки бошқарув ҳисоби учун фақатгина ишлаб чиқариш таннархи эмас, балки тўлиқ танарх кўрсаткичи ҳам зарур. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида харажатларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун уларнинг бошқариш самарадорлигини оширишда абзорбшн-костинг услубини қўллаш мақсадга мувофиқди. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда барча харажатлар маҳсулотнинг тўлиқ таннархини шакллантиради. Унинг мазмуни 16-чизмада ифодаланган.

Маҳсулот харажатлари ва таннархини ўрганиш бошқарув ҳисобининг муҳим бўлимларидан биридир.

Меҳнат ва моддий кўринишидаги тўғри харажатлар бевосита аниқ бир маҳсулот ёки хизмат турига оид бўлиши, умумишлабчиқариш харажатлари маҳсулот турига қараб фақат махсус усуллар ёрдамида тақсимланиши мумкин.


Харажатларни тақсимлаш - қилинган харажатларнинг аниқ бир харажат объектига бориш жараёнидир.

Харажатлар объекти – ташкилий бўлинма, шартнома ёки бошқа ҳисоб бирлиги бўлиб, у бўйича харажатлар ҳақидаги маълумотлар йиғилади ва жараёнлар, маҳсулот, шу капитални қўйиш лойиҳаси ва ҳоказолар қиймати ўлчанади.

Маҳсулотлар таннархларини ҳисоблашда таъкидланган маржинал-костинг ва абзорбшн-костинг услублари асосида турли хилдаги усуллар қўлланиши мумкин. Ушбу усуллар 18-чизмада ифодаланган.

17-чизма

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари



Ушбу усулларнинг ижобий томонларини бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулотлар таннархларини ҳисоблаш жараёнида татбиқ этиш зарур.

Харажатларни тақсимлашнинг муҳим категорияси бўлиб, харажатлар маркази ҳисобланишини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Харажатлар маркази – ташкилий бирлик ёки фаолият соҳали бўлиб, у ерда активлар хариди учун қилинган чиқимлар ва харажатлар ҳақида ахборот тўплаш мақсадга мувофиқдир.

Барча харажат гуруҳлари бошқарув ечимларини қабул қилишга мўлжалланган. Бошқарув ҳисобида харажатлар икки асосий объект гуруҳлари

бўлинмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсимланиши керак. Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилади:

харажатлар жавобгарлик марказлари бўйича тўпланади;

харажатлар муайян бригадада етиштираётган аниқ маҳсулот таннархига тақсимланади.

Тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблашда қуйидаги усулларга мурожаат қилишади: ҳамма харажатларни ҳисобга олган ҳолда харажатларни калькуляция қилиш ёки уларнинг бир қисми бўлган ўзгарувчан харажатларнигина ҳисобга олиб, калькуляция қилиш мумкин.

11.4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарх даражаси, динамикаси ва харажатларни қисқартириш, маҳсулотлар таннархларини пасайтириш йўллари

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш, ишлар ва хизматларни бажариш жараёнида материал, пул ва меҳнат сарфламоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу харажатлар йил сайин ошиб бормоқда. Агарда 1997 йилда жами ишлаб чиқариш харажатлар суммаси 104,2 млрд.сўм, 1998 йилда 128,6 млрд.сўм, 1999 йилда 196,6 млрд.сўм бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 265,7 млрд.сўмга, 2001 йилда эса 469,2 млрд.сўмга тўғри келган.

1997-2001 йилларда харажатларнинг ўсиш даражаси йил сайин ошиб борган. 1998 йилда харажатлар 1997 йилдагига нисбатан 23,4 фоизга ўсган, 1999 йилда 1998 йилдагига нисбатан ўсиш 52,9, 2000 йилда 1999 йилдагига нисбатан 35,1 фоизга тенг бўлган, 2001 йилда эса 2000 йилдагига нисбатан ўсиш 76,5 фоизни ташкил этган. Шу йиллар ичида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг умумий суммаси 2,5 мартага кўпайган. (25-жадвал)

Шу йиллар ичида ишлаб чиқариш харажатлари барча вилоятларда ўсган, лекин бу жараён Жиззах, Фарғона, Сирдарё, Навоий вилоятларида юқори суръатларда кечган.

Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига асосан қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган саноат маҳсулотлари баҳоларининг юқори суръатлар билан ўсиши таъсир этган. Жумладан, ёқилғи, ёнилғи материалларининг ўртача баҳоси 1996-2001 йилларда 5,2 мартага ортган.

Шу билан биргаликда, ирригация-мелиорация ишлари ривожланишида янги техникалар, технологияларнинг жорий этилиши ҳам харажатлар ошишига олиб келган.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
тизимидаги жамоа, ширкат хўжаликларининг ишлаб чиқариш
харажатлари динамикаси (млн.сўм)**

Вилоятлар	Йиллар				2000 йилда 1997 йилдагига нисбатан фоизда
	1997	1998	1999	2000	
Қорақалпоғистон Республикаси	7008,5	7777,8	13172,7	14514,6	207,1
Андижон	13547	15517,9	24785,3	31609,8	233,3
Бухоро	9338,9	10839	17830,1	21650,4	231,8
Қашқадарё	13551,7	15583,1	21189,7	27116,2	200,1
Самарқанд	9573,1	11365,4	20015,3	22419,1	234,2
Сирдарё	4020,1	4558,7	6529,2	11122,1	276,7
Сурхондарё	1035,7	11428,4	13969	18229,1	175,7
Наманган	8509,1	9403,1	13409	21561,6	253,4
Навоий	3296,3	3938,2	6206,8	8206,5	249,0
Жиззах	3298,4	3926,8	694,5	11297,7	342,5
Фарғона	1134,3	12910,2	18616,4	32134,4	283,3
Тошкент	7711,7	8725,8	14284,7	19082,3	247,4
Хоразм	12831,2	12609,6	19674	26722,2	28,3
ЖАМИ	104196	128584	196586,7	265666	246,3

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибида иш ҳақи сарфи ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот тўловларини қўшиб ҳисоблаганда 1998-2001 йилларда 33,7 фоиздан 35,9 фоизга етган. Шу йилларда унинг салмоғи 2,2 фоизга ортган. Бу ижобий ҳол. Яъни ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш биров ривожлантирилган. Лекин бу борада эришилган даража талабга тўлиқ жавоб бермайди.

1998-2001 йилларда ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ёқилғи ва ёнилғи маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган харажатлар 8,9 фоиздан 10,6 фоизгача ортган, иш ва хизматларга тўланган ҳамда материал харажати билан боғлиқ бўлган сарфлар 10,4 фоиздан 12,9 фоизга ортган (26-жадвал).

Худди шундай ўзгаришлар тармоқнинг ўсимликчилик соҳасига ҳам хосдир. Лекин чорвачиликда энг асосий харажатлар ем-хашак ва иш ҳақи билан ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот сарфларига тўғри келган. Бу соҳада ҳам юқорида кўрсатилган элементлар бўйича харажатлар ортган.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш, ишлар, хизматлар бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ортиши натижасида етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархлари (ўртача харажатлари) ҳам ошган.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
таркибидаги жамоа ва ширкат хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш
харажатларининг салмоғи, фоиз**

Харажат турлари	Харажатлар салмоғи, фоиз		Шундан			
			ўсимликчиликда, фоиз		чорвачиликда, фоиз	
	1998	2001	1998	2001	1998	2001
Меҳнат ҳақи сарфи ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотга ҳисоблангани билан	33,75	35,9	32,5	36,2	22,3	23,5
Уруғлик ва кўчатлар	6,8	6,4	8,7	7,65	-	-
Ем-хашак	5,9	4,8	-	-	47,9	44,0
Маданий ўсимликлар	10,74	9,96	13,6	12,0	-	-
Ёқилғи ва ёнилғи маҳсулотлари	8,9	10,6	10,3	11,1	5,5	6,1
Электр энергияси	2,2	1,3	2,5	1,27	1,9	1,6
Таъмирлаш ва қурилиш материаллари	2,95	1,54	3,4	1,6	2,1	1,7
Иш ва хизматга тўланган, бошқа ташкилотларнинг базарган ишлари ва материал харажатлари	10,44	12,95	11,9	14,54	6,7	7,5
Ер унумдорлигини ошириш, ўғитлаш ва агрохимё таъмири	2,93	3,3	3,6	3,76	0,8	0,8
Техника учун	5,2	4,26	5,8	4,8	2,2	2,3
Ветеринария ва зоотехника хизмати	0,25	0,2	-	-	2,0	1,8
Асосий воситаларнинг амортизацияси	1,76	2,1	1,9	1,93	1,5	1,7
Суғурта тўловлари	0,3	0,33	0,3	0,4	0,2	0,1
Банк қарзи фоизлари	0,08	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Бошқа харажатлар	7,8	6,26	5,4	4,6	6,8	8,7
Ҳамма харажатлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида 1997-2001 йилларда етиштирилган 1 центнер бошоқли доннинг таннархи 4,4 мартага ортиб, 4638 сўмга тенг бўлган. Лекин шу йиллар ичида буғдой таннархининг ўсиши дон маҳсулотлари тизимида айниқса юқори бўлган. Пахта хомашёсининг 1 центнери таннархи эса, 2440 сўмдан 10380 сўмга етиб, 4,3 мартага ошган. Худди шундай ўсиш сабзавот ва полиз маҳсулотлари бўйича ҳам содир бўлган. Уларнинг таннархлари тегишлига 4 дан 4,5 мартагача ошган. Шу йиллар ичида чорвачилик маҳсулотларининг

таннархлари жуда юқори суръатлар билан ошган. Жумладан 1 центнер сутнинг таннархи 5,5 мартага, тирик вазндаги 1центнер гўштнинг таннархи эса, 10,3 марта ортган (27-жадвал)

27-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги хўжаликларда айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи даражаси, динамикаси, цен. сўмда

	Йиллар					2001 йилда 1997 йилдагига нисбатан, марта
	1997	1998	1999	2000	2001	
Бошоқли дон	1043	1353	2013	3075	4638	4,4
Шу жумладан	913	1186	1791	2986	4567	5,0
Буғдой	1279	1698	2020	2686	3107	2,4
Картошка	2440	3272	3240	6770	10380	4,3
Пахта хомашёси	335	466	543	1094	1518	4,5
Сабзавот	230	283	366	621	926	4,0
Полиз	717	844	1119	1352	1717	2,4
Мева	846	1247	1448	1399	2457	2,9
Узум	2047	2865	3794	6347	11380	5,6
Сут	7186	11015	15441	97666	74370	10,3
Гўшт(тирик вазнда)	3466	3526	5252	14365	25057	7,2
Жун	9018	11581	22006		52156	5,8
Асал	10363	18252	10765	38388	50890	4,9
Пилла						

Қишлоқ хўжалигида сарфланган харажатлар ўсиши билан етиштирилган маҳсулотлар таннархларининг ўсиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Агар жами ишлаб чиқариш харажатлари 1997-2001 йилларда 4,5 мартага ошган бўлса, дон маҳсулотлари, пахта хомашёси, сабзавот, полиз маҳсулотларининг таннархлари 4-4,5 марта ортган. Булар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг асосий қисмини ташкил қилади. Лекин айрим чорвачилик маҳсулотлари бўйича таннарх юқори суръатлар билан ўсган. Жумладан, 1 цен. сутнинг таннархи 5,6 марта, тирик вазндаги шунча гўштники 10,3 мартага, жунники эса 7,2 мартага ошган. Бу қилинган қўшимча харажатлар доим ҳам самарали бўлмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган маҳсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун:

деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик

билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашга;

экинларнинг тезпишар, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борича кўпроқ татбиқ этишни таъминлашга;

харажатларни тежайдиган янги техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартиришга;

ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали ҳал бўлишини таъминлашга;

меҳнатни ташкил этишнинг самарали шакллари ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга;

экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишга эришиш лозим.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш негизида ривожлантириш ҳамда самарадорлигини юксалтириш учун маълум миқдорда моддий, маблағ ва меҳнат сарфлар талаб этилади. Улар ёрдамида ишлар, хизматлар бажарилиб, турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Бундай сарфлар доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат бўлади. Харажатлар иқтисодий элементлар, маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари, муддатлари ва бошқа мақсадларга кўра туркумлаштирилади. Улар ялпи ва ўртача харажатлардан ташкил топади. Сўнгги йилларда ялпи ва ўртача харажатлар суммаси (миқдори) йил сайин ошиб бормоқда. Улар таркибида, айниқса, моддий-техника ресурсларига йўналтирилаётган харажатларнинг салмоғи улкан.

Ялпи ва ўртача харажатлар миқдорини камайтириш мақсадида тармоқдаги барча жараёнларни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириб, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Қандай харажатлар ижтимоий ва индивидуал харажатлар деб аталади?

Жами ва ишлаб чиқариш харажатлари деганда нимани тушунасиш?

Қандай харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатлар деб аташ мумкин?

Харажатлар элементлари ва моддалари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

Маҳсулот таннархи деганда нимани тушунасиш?

Маҳсулот таннархи даражасини, динамикасини қандай тушунасиш?

Маҳсулот таннархи таркиби деганда нимани тушунаси?

Харажатларни камайтириш, таннархни пасайтиришга қандай чора-тадбирлар
ёрдамида эришиш мумкин?

Асосий адабиётлар

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.

Справочник по оплатѣ труда в республике Узбекиста, -Т.: Адолат, 1993.

Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди (Маърузалар матни). Т.: ТДИУ, 2000.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. ва бошқалар. Микроиқтисодиёт. Т.: Шарқ, 2001.

ХП БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БАҲОЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

12.1. Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари

Бозор иқтисоди эркин пул-товар муносабатларига асосланган. Бу муносабатлар эса баҳолар ёрдамида амалга оширилади. Баҳо товар қийматининг пулда ифодаланганлигини исботловчи восита, яъни механизмдир. Унинг абсолют миқдори бозор иқтисоди шароитида самарали, чекланган харажатларга асосланади, яъни улар баҳонинг иқтисодий асосини ташкил этади. Ҳар қандай харажатлар ҳам самарали ҳисобланмайди. Шунинг учун маълум бир миқдоргача бўлган, яъни мақсадга мувофиқ сарфланган харажатларгина эътиборга олинади. Бозор иқтисоди шароитида юқоридаги ҳолатлар билан биргаликда талаб ва таклиф асосида иқтисодий жиҳатдан асосланган реал мувозанатли баҳо ўрнатилади. Рақобатли бозорда талаб ва таклифнинг ўзгариши баҳолар даражаси ўзгаришига бевосита таъсир этади. Шунинг учун корхоналар бозор талабини ҳамда таклифини чуқур ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришлари лозим. Бунда улар имконият доирасида ишлаб чиқариш харажатларини тежашга алоҳида эътибор беришлари керак. Бунинг учун маҳсулот етиштириш жараёнларини механизациялаштиришга, илғор технологияларни жорий этишга ҳамда мавжуд бўлган барча табиий ва иқтисодий ресурслардан йил давомида оқилона ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор беришлари лозим.


Демак, қишлоқ хўжалик корхоналари бозор иқтисодиётига хос бўлган ҳолларни, яъни кимга, қандай маҳсулотларни қанча миқдорда, қандай қилиб етиштиришни билишлари зарур.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб эса ҳозирги даврда қуйидаги омилларга боғлиқ: истеъмолчиларнинг даромади, диди, ўриндош товарларнинг нархи, харидорлар миқдори ва бошқаларга.

Маҳсулотларга бўлган талабни ўрганишда халқимизнинг миллий урф-одатларини, албатта, эътиборга олиш керак. Жумладан, халқимизнинг нонни, ун маҳсулотларини, гуручни, қўй ва мол гўштини кўпроқ истеъмол этишга мойиллигини. Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз маҳсулотларини талабни эътиборга олган ҳолда таклиф этишлари мумкин. Бунда улар қуйидаги омилларга асосланишлари лозим: етиштириладиган маҳсулотларнинг баҳосига, ишлатиладиган ресурслар баҳосига, қўлланилаётган технологиялар даражасига, самарасига, солиқ ставкасига, дотация миқдори, ишлаб чиқарувчиларнинг сонига ва бошқаларга.

Юқоридаги ҳолатларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, иш ва хизматларнинг баҳоларини 19-чизмадаги тартибда шакллантиришга эътибор қаратилади. Шакллантириладиган баҳолар эса бир қанча вазифалар бажарилишини таъминлаши зарур.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида баҳонинг шаклланиши ҳамда вазифалари



Демак, талаб ва таклиф омиллари ҳамда корхоналарнинг мақсадларини эътиборга олган ҳолдагина мувозанатлашган баҳо шаклланади. Мувозанатли баҳо эса иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан асосланган мувозанатли баҳо 20-чизмада қайд этилган функцияларни, вазифаларни бажариши лозим.

Маҳсулотга бўлган бозор талабини ҳамда баҳонинг шаклланишини эътиборга олган ҳолда белгиланган мувозанатли баҳолар хўжалик нуқтаи назаридан қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:


хўжаликларнинг мақсадга мувофиқ, самарли ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қоплаш;

корхонанинг давр ва молявий харажатларини қоплаш;

хўжаликка келажакда ривожланишини таъминлайдиган оптимал миқдорда фойда келтириш.

Мувозанатли баҳолар истеъмолчилар ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг харажатларини, даромадларини, фойдаларини тўғри тақсимлаб, уларнинг иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар монополист, сотиб олувчилар олигополист бўлган ҳолда маҳсулот баҳоларининг мутлоқ даражаси кескин ўзгариши, бу истеъмолчилар ҳамда ишлаб чиқарувчилар иқтисодиётига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. 2001 йили сув танқислиги оқибатида шולי ҳосили кескин камайди, бу ҳол 2002 йилнинг дастлабки ойларида бозорларда гуручнинг баҳосини 2-3 мартага ошиб кетишига олиб келди.

Бозор шароитида баҳонинг функциялари, вазифалари




Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ортади, истеъмолчиларнинг даромадлари эса аксинча камаяди. Бундай ҳол уларнинг турмуш даражаси нисбатан пасайишига олиб келди. Пахта хомашёсини етиштиришда эса харажатлар вилоятлар, туманлар доирасида бир-биридан анча фарқ қилади. Сабаби- ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонроқ бўлган Хоразм воҳасида, Мирзачўлда кўпроқ харажат талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, уларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам узок ҳудудларда жойлашган хўжаликларда кўпроқ бўлади. Сабаби-масофа сарф- харажатларнинг ортишига таъсир этади Лекин давлат пахта ҳам ашёсини сотиб олиш бўйича ўрнатган харид баҳоларининг мутлоқ миқдори республика ҳудудларида бир хил. Бундай ҳол юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлган хўжаликларнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Чунки сўнгги йилларда етиштирилган пахта хомашёси тўлиқ давлатга давлат буюртмалари ҳамда шартномалар асосида сотилган.

Шундай экан, иқтисодий жиҳатдан асосланган мувозанатли баҳоларни шакллантиришда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни эътиборга олиш лозим. Бунда давлатнинг ҳам роли бўлиши керак.

12.2. Қишлоқ хўжалигида баҳолар тизими, уларнинг даражаси ва динамикаси

Қишлоқ хўжалигида барчав талабларни қондириш мақсадида турли хилдаги ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади, ишлар ҳамда хизматлар бажарилади. Уларни истеъмолчиларга етказиб беришда, сотишда турли хилдаги баҳолардан фойдаланилади. Баҳолар маҳсулот (иш, хизмат) ларни айрибошлаш масканига, мақсадига, вазифасига кўра, бир қанча турлардан ташкил топади. (20-чизма)

20-чизма



Қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган пахта хомашёси ва буғдойнинг 30 фоизи «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» корпорацияси корхоналарига шартномалар асосида давлат буюртмаларини бажариш мақсадида давлат харид баҳоларида сотилмоқда. Уларнинг мутлоқ миқдори талаб ва таклиф эътиборга олинган ҳолда ўзгариб бормоқда (21-жадвал).

**Давлатнинг харид нархлари
(центҒсўм)**

	Йиллар				2002 йилда 1995 йилдагига нисбатан, марта
	1995	2000	2001	2002	
Пахта хомашёси	800	5200	8000	10460	13,1
Бошоқли дон	250	2181	3360	5295	21,2

Давлатнинг харид баҳолари 1995-2002 йилларда пахта хомашёси бўйича 13,1 марта, бошоқли дон маҳсулотлариники эса 21,2 марта ошган. Пахта хомашёси харид нархлари унинг саноат навлари, синфлари ҳамда толасининг типлари бўйича ҳам белгиланади. Жумладан, ўрта толали пахта нави ҳам ашёсининг 1-нави 2 синфга тааллуқли бўлиб, толасининг типини IV бўлганда харид нархи VII типдагига нисбатан 23,5 фоизга юқори. Пахта толасининг IV типини I саноат навларининг харид баҳосини IV типга нисбатан 2,1 марта юқори ўрнатилган. Демак, сифатни эътиборга олган ҳолда баҳоларнинг мутлоқ миқдори бир-биридан анчага фарқ қилади.

Бошоқли донларнинг ҳам харид нархлари уларнинг сифатларига қараб ўрнатилган. Яъни маҳсулот сифати юқори бўлса, харид баҳолари ҳам юқори. Баҳолар рағбатлантирувчи вазифани бажариши лозим. Республика ҳукумати бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Бу яхши натижалар бермоқда. Жумладан, давлатнинг хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида ўз буюртмаси учун буғдойнинг харид нархларини йил сайин ошириши унинг ялпи ҳосили ошишига ижобий таъсир этмоқда. Бу ҳол, баҳо ва ялпи ҳосил ўртасида ўзаро боғлиқлик, яъни эластиклик мавжуд эканлигидан далолат беради (5-диаграмма)


Давлат ўз буюртмаси бўйича сотиб олаётган ҳар тонна буғдой харид нархларини сўнгги йилларда нисбатан юқори суръатлар билан ошириши унинг ялпи ҳосили ошишига олиб келди. Бунга харид нархлари шундай суръатларда ошишидан ишлаб чиқарувчилар манфаатдор бўлганлиги туфайли эришилди.

Ҳозиргача республикада буғдойнинг баҳосини биан унинг ялпи ҳосили ўсиши ўртасидаги корреляция коэффиценти $R=0,9321$ га тенг. Бу давлатнинг дон маҳсулотлари баҳолари борасида олиб бораётган иқтисодий сиёсати тўғрилигидан далолат беради.

Корхоналар давлат буюрмасидан ташқари барча маҳсулотларини эркин ва бошқа турдаги баҳоларда сотмоқдалар. Эркин баҳо бозорда маҳсулот сотувчи ва уни сотиб олувчилар ўртасида, уларнинг иқтисодий манфаатлари ҳамда бозор талаби ва таклифи асосида шаклланади, яъни белгиланади. У тармоқларнинг маҳсулот олди-сотди муносабати бўйича тузилган шартномаларида ўз аксини топади. Шунинг учун эркин баҳоларни шартнома баҳолари деб ҳам аташади. Унинг абсолют миқдори маҳсулот сотиш даврига, унга бўлган талабга ҳамда маҳсулот сифатига боғлиқ.

5-диаграмма

Бугдойнинг баҳоси билан унинг ялпи ҳосили ўртасидаги боғлиқлик



Тармоқдаги эркин (шартнома) баҳоларнинг мутлақ (абсолют) миқдори қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари баҳоларининг ўсиши, маҳсулотларга нисбатан талабнинг ошиши натижасида сўнгги йилларда ўзгариб бормоқда (22-жадвал)

22-жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўртача эркин баҳолари*

Маҳсулот турлари	1 ц. сотиш баҳоси, сўм				
	1997й	1998й	1999й	2000й	2001й
Бошоқли дон	1123	1503	2381	2983	4608
Шу жумладан, бугдой	1018	1332	2106	2845	4482
Картошка	1463	1748	2908	4086	6263
Пахта	1986	2408	3539	567	851
Сабзавот	451	725	874	1591	2250
Полиз	265	374	536	887	1242
Мева	647	915	1545	2175	3337
Ўзум	936	1346	2195	2598	3519
Суг	1419	1884	2691	4801	7629
Ўшғ (тирик вазнда)	6409	10260	15500	24988	38092
Жун	2160	2542	4593	10759	16169
Асал	15380	18693	30720	66398	92523
Пилла	7117	14709	8757	32300	46018

* Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Давлат харид ҳамда эркин (шартнома) баҳоларида маҳсулотлар истеъмолчиларга улгуржи ҳолда, яъни кўп миқдорда, катта партияларда ҳам сотилади. Шунинг учун уларни улгуржи баҳоларга ҳам тенглаштириш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жаҳон баҳоларида ҳам сотилмоқда. Унинг мутлақ (абсолют) миқдори жаҳондаги ихтисослашган йирик биржаларда белгиланиб, маҳсулот экспорти ва импорти шартномаларида акс эттирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари даражасига жаҳондаги йирик товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларни сотиб олувчилар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга уларнинг барқарорлигига дунё миқёсидаги тинчлик, иқтисодий барқарорлик ҳам таъсир этади. Жумладан, 2001 йил сентябрь ойидаги воқеалар ва кейинги ҳолатлар таъсирида жаҳон миқёсида нефтнинг баҳоси ўзгариб турган ҳолда, пахта толасининг баҳоси пасайиб бормоқда, гуруч ва буғдойнинг баҳолари эса ўзгариб турибди (23-жадвал).

23-жадвал

Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги баҳоси, 1990 йил баҳосида, ўртача тонна/доллар*

Товарлар	Йиллар						2001й.да 1990й.дагига нисбатан, фоиз
	1990	1997	1998	1999	2000	2001	
Пахта толаси	1819	1613	1387	1131	1232	1163,5	≈64,0
Буғдой	135,5	147,2	121,1	108,2	114,9	119,9	88,5
Гуруч	270,9	280,0	291,9	239,9	244,9	248,2	91,6

* Global Commodity Markets. A Comprehensive Review and Price Forecast. January 2000. Number 1-Washington, D.C. The World Bank, 2001 p.98.

Пахта толасининг ўртача жаҳон баҳоси асосан Нью-Йорк ҳамда Ливерпул хомашё товар биржаларидаги савдода белгиланади. 1990-2002 йилларда пахта толасининг жаҳон бозоридаги баҳоси салкам 40 фоизга, буғдой билан гуручнинг баҳоси эса 8-12 фоизга пасайган. Бундай ҳол шунинг учун рўй бердики, талабни ўриндошлик маҳсулотлари толасига талаб мавжудлиги билан қондириш анча мараққаб, лекин пахта толасининг ўрнини бошқа маҳсулотлар билан қондириш имконияти анча юқори.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида етиштирилган маҳсулотларининг маълум бир қисmini қайта ишлайдилар (уруғлик, ем, овқатланишга ...). Бу жараёнда қатнашадиган маҳсулотлар ички муносабатларни ҳисобга олган ҳолда таннархлари бўйича берилади. Шунинг учун бундай баҳолар таннарх баҳолари ҳам дейилади.

Хўжаликлар маълум миқдордаги ортиқча маҳсулотларини фуқароларга чакана баҳоларда сотишлари мумкин. Ҳар бир фуқаро ўзи хоҳлаган миқдордаги маҳсулотларни эркин бозорлардан, дўконлардан сотиб олиши мумкин. Бу жараёнда фойдаланилган баҳолар чакана баҳолар ҳисобланади.

Чакана баҳолар – савдо жараёнида сотилатган товарларнинг баҳосидир. Чакана баҳолар орасида улгуржи ҳамда чакан савдо корхонаси сотиб олган

товарлар баҳоси ётади. Савдо корхоналари улгуржи баҳоларга савдо устамасини қўядилар, шунинг ҳисобидан қилинган харажатлар қопланади ва фойда олинади. Савдо устамаси миқдорини савдо корхоналари ўзлари белгилайдилар, лекин маълум чегарадан ўтмайдилар. Шунингдек, савдо устамасига қўшимча қиймат солиғи ва махсус солиқ ҳам қўшилади.

Корхоналар иқтисодиётининг бир неча йиллигини ўрганиш мақсадида, яъни маҳсулотини, меҳнат унумдорлигини, фондлар қайтими ўзгаришини таҳлил этишда қиёсий баҳолардан фойдаланилади. Қиёсий баҳолар асосида мамлакат миқёсидаги маълум бир йилнинг ҳақиқий ўртача баҳоси ётади. Ҳозирги даврда қиёсий(таққослама) баҳо сифатида 1996 йилдаги ҳақиқий баҳолар олинган. Келажакда қиёсий баҳо учун инфляция ва бошқа асосий иқтисодий масалаларни эътиборга олган ҳолда бошқа йилнинг ҳақиқий баҳоси асос қилиб олинishi мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот айрибошлаш жараёнида пул ўтказиш операциялари маълум даражада бузилиши туфайли маҳсулотларни натура ҳолида (бартер) айрибошлаш амалга оширилмоқда. Маҳсулот айрибошлаш жараёнида эквивалентлик ҳолатини таъминлаш учун шу маҳсулотнинг баҳолари эътиборга олинмоқда. Бартер жараёнида корхоналар ўз мақсадларини ҳал этсалар давлат маълум миқдорда даромад ололмай қолади. Чунки бартерда маҳсулотнинг қиймати пулда ҳисобланмайди. Оқибатда давлат бюджетига фойдадан олинadиган солиқ тўланмайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қурилиш, транспорт хизматлари, маиший хизмат кўрсатилади. Бу хизматларнинг қиймати смета ҳамда тариф баҳоларида ҳисоб-китоб қилинади.

Трансферт баҳолар – бир бирлашма ёки корпорация ичидаги ўзаро ҳисоб-китобда қўлланиладиган баҳолардир.

Уларнинг мутлақ (абсолют) миқдори бозор иқтисодига ўтиш даврида талаб ва таклифдан, фан-техника тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб болрмоқда. Буни пахта хомашёси учун ўрнатиладиган давлат харид баҳолари ҳам исботлаши мумкин.

12.3. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларни такомиллаштириш масалалари

Фан-техника тараққиёти шароитида талаб ва таклиф ўзгаришини эътиборга олган ҳолда баҳоларнинг мутлақ (абсолют) миқдорини ўзгартириш, такомиллаштириш, яъни либераллаштириш лозим. Бу ниҳоятда мураккаб масала. Унинг ижобий ҳал этилиши жуда кўп томонларга, ҳолатларга боғлиқ. Республика миқёсида бу масалани ҳал этишда ўтиш даврининг ҳозирги босқичида давлатнинг роли анча улкан. Шунинг учун бу жараёнда агросаноат мажмуасини ривожлантиришда қўлланилаётган нарх ва молия-кредит сиёсати қуйидаги вазифаларни ечишга йўналтирилган бўлиши керак:

давлатнинг истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини тезлаштириш;
қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини таъминлашга эришиш;
қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражада рағбатлантириш;
фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилишда кўмак бериш;
давлат ичида ягона иқтисодий режани ташкил қилиш, яқин ҳамда узоқ хорижга чиқиш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

эркин баҳоларни давлат томонидан бошқариладиган баҳолар билан уйғунлаштириш;
таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг баҳоларини ҳисоблашда норматив усуллардан фойдаланиш;
товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромад олишларини таъминлаш;
ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва самарадорликни ошириш;
нарх ва молия-кредит муносабатларининг ўзаро алоқасини оптималлаштириш;
талаб ва таклиф таъсири натижасида мувозанатли баҳоларни шакллантириш;
фан-техника тараққиётини, илғор технологияларни рағбатлантириш ва бошқалар.

Улар барча тамойиллар, далиллар ёдамида исботланиши лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини белгилашда монополия, олигополиянинг мавжудлиги, эркин рақобатнинг нисбатан камлиги, инфляциянинг мавжудлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги монополия маълум даражада юз бераётганлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Маълумки, қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган пахта хомашёсининг асосий қисмини «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси сотиб олмоқда. Бу ҳол маълум даражада эркин бозор, яъни рақобат мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг маҳсулотларига дастбалки баҳоларни белгилашда қуйидагиларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

маҳсулотларни етиштириш учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларининг баҳолари, уларнинг даражасига. Ҳозирги даврда улар эркин бозор баҳоларида сотилмоқда. Лекин уларни белгилашда республика шароитида монопол ҳолат мавжуд. Масалан, республикамизда тракторсозлик, машинаасозлик заводлари

яккаҳоким. Демак, шу масалани ҳал этишда давлатнинг роли бўлиши мақсадга мувофиқдир;
маҳсулотларни етиштириш ҳамда сотиш жараёнларидаги муносабатлар натижасига;
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш жараёнларидаги муносабатларнинг оқибатларига ва бошқаларга.

Ҳозирги даврда тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархлари таркибида ўғитлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёғловчи материалларнинг, электроэнергия ҳамда асосий воситалар амортизациясининг салмоғи 45-55 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини белгилашда қуйидаги услублардан фойдаланилмоқда:

баҳоларни белгилашда ўртача харажатлар (таннарх) ҳамда фойданинг (оптимал миқдорда) таъминланишини;

баҳоларни белгилашда маҳсулотнинг реал қийматига асосланиш;

баҳоларни белгилашда реал ўртача баҳоларга асосланиш. Бунда талаб ва таклиф муаммолари ҳам маълум даражада ўз аксини топади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари даставвал талаб ва таклифни эътиборга олиши лозим. Бунинг учун маҳсулотлар сифатли бўлиши зарур. Шу билан бирга хўжаликларнинг барча харажатларини қоплаб, оптимал миқдорда фойда билан таъминланишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун улар фан-техника ютуқларини, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишлари, ишчи ва хизматчиларнинг биим ва малакаларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятларини юксалтиришга эришишлари лозим.

Бундай тартибда белгиланган баҳолар иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиб, улар вазифаларини тўлиқ бажаришлари мумкин. Шундай баҳоларгина томонларнинг манфаатларини самарали равишда қондириш имкониятига эга бўлади.

Қисқача хулосалар

Баҳо қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг энг муҳим категорияси, яъни механизми ҳисобланади. Унинг мутлақ (абсолют) миқдори иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Баҳолар зарур бўлган барча харажатларни қоплаб, корхонага ўзининг ривожланишини таъминлайдиган миқдорда фойда келтириши лозим.

Иқтисодий жиҳатдан асосланган баҳолар ўз олдиларига қўйилган бир қанча функциялар, вазифалар бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида баҳолар тизими шаклланган. Лекин уларнинг мутлақ (абсолют) миқдори ва ўсиши бир-биридан катта фарқ қилади.

Баҳолар доимо ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг самарадорлиги ошишини таъминлайвермайди. Келажакда қишлоқ

хўжалигидаги баҳоларнинг турларини ва мтулақ (абсолют) миқдорини бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Қиймат, баҳо деганда нимани тушунасиш?
Баҳо қандай шаклланади?
Баҳонинг қандай вазифалари мавжуд?
Баҳонинг қандай функцияларини биласиз?
Қандай баҳоларни биласиз?
Харид баҳолари қандай баҳолар?
Жаҳон баҳоси деганда нимани тушунасиш?
Қиёсий баҳо деганда нимани тушунасиш?
Баҳоларни либераллаштиришнинг қандай йўллари мавжуд?

Асосий адабиётлар

Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов и их отбору для финансирования. - М., 1994.
Махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори. «Халқ сўзи», 1994 йил, 6 феврал.
Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди (Маърузалар матнлари). Т.: ТДИУ, 2000.
Абдуғаниев А. Ер ва сув солиғи. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №2, 1998.
Абдуғаниев А. Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишнинг айрим масалалари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» №1, 2002.
Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

ХШ БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ФОЙДАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

13.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромад ва фойдалари, иқтисодий самарадорлиги ҳақида тушнча, унинг аҳамияти

Тармоқда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятида ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадилар, хизматларни бажарадилар. Улар даставвал натура шаклида ҳисобга олинади, кейин ҳар хил талабларни қондириш мақсадида сотилади, айирбошланади ҳамда истеъмол учун ишлатилади. Бу жараёнда етиштирилган маҳсулот, хизматларнинг қиймати пул-товар муносабатлари ёрдамида аниқланади.

Маълумки, ялпи маҳсулотнинг қиймати буюмлашган (C) ҳамда жонли меҳнат (V) харажатларидан, шунингдек, қўшимча қийматидан (m) ташкил топади. Ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган моддий воситаларнинг қиймати ҳамда эскириш суммаси (C) айирилиши натижасида тармоқнинг, корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат аниқланади (VKm). У тармоқ миқёсида ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромад деб аталади. Маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш натижасида хўжаликнинг банклардаги жорий ва валюта счётига кассасига келиб тушадиган маблағлар унинг пул тушумлари (даромадлари) ни ташкил этади. Шу пул тушумларидан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатларини айириш натижасида корхонанинг ялпи фойдаси аниқланади. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, солиқлар, тўловлар, жарима ва пеня суммалари айирилиши натижада соф фойда аниқланади.

Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, корхона ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда мукофотлаш учун ҳам, маҳаллий ва давлат бюджетига ҳам ва ниҳоят, корхона ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заминида ривожлантириш учун ҳам кўпроқ маблағ ажратилади. Натижада ишлаб чиқаришга янги техникалар, самарали технологияларни жорий этиш таъминланади. Бу ҳол меҳнат характерини ўзгартириб, унумдорлиги ошишини таъминлайди.

Демак, юқоридаги иқтисодий категориялар салмоғи ва қийматининг ўсиши корхонанинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодиёти, самарадорлик юксалиши негизидир. Шунинг учун бу масалага республикамызда алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид баҳолари имконият доирасида оширилмоқда, тижорат банкларидан олинаётган кредитларнинг тўлаш

муддатлари айрим вақтларда биров кечиктирилмоқда, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит олишда, солиқлар тўлашда имтиёзлар яратилмоқда, чет эл инвестицияларини жалб этишда ёрдам кўрсатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди. Бунинг учун корхоналар ўз фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ташкилий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирларни вақтида, сифатли ўтказишлари зарур.

Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса, иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди. Масалан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, ем-хашаклардан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар. Демак, «самарадорлик» ҳамда «иқтисодий самарадорлик» категориялари бир-бирлари билан боғлиқ бўлган энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларни юксалтириш учун корхоналар барча масалаларни ижобий ҳал этишлари лозим. Корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти, халқимизнинг турмуш даражаси юксалади.

13.2. Даромадни, фойдани, иқтисодий самарадорликни аниқлаш тартиби

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соф фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шу кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолияти молиявий таҳлил қилинади. Улар билан мамлакат ҳамда корхона иқтисоди бевосита боғлиқ. Уларни аниқлашда бир қанча маълумотлардан фойдаланилади. Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш натижасида аниқланади. Унда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Пд = См \times Мб$$

Бунда: Пд – пул даромади (сўмда);

См – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, цент.);

Мб – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари, тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат суммасини ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган

қийматини, яъни амортизация суммасини (С) айириш натижасида аниқлаш мумкин. Унинг формуласи қуйидагича:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Бунда: С – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси, сўмда;

V – иш ҳақи фонди, сўмда;

m - қўшимча қиймат, сумда.

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсуот сотиш (хизмат кўрсатиш) дан тушган пул даромадаларидан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш натижасида аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Яф = Cд - Ст$$

Бунда: Яф – ялпи фойда, сўмда;

Сд – маҳсулот сотишдан, иш, хизмат кўрсатишдан тушган пул, сўмда;

Ст – сотилган маҳсулот учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади. Буни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Cф = Яф - (Дх + Мх + Кх)$$

Бунда: Сф – соф фойда суммаси;

Дх – давр харажатлари, сўмда;

Мх – молиявий харажатлар суммаси, сўмда;

Кх – кўзда тутилмаган тасодифий харажатлар, сўмда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич рентабеллик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$Рд = \frac{Cф}{Cт} \times 100\%, \text{ Бунда: } Рд - \text{рентабеллик даражаси, фоизда.}$$

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Шу усул ёрдамида 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бунинг учун олинган соф фойда суммаси ишлаб чиқариш харажатларига тақсимланиши лозим. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам юқори, яъни яхши эканлигидан далолат беради.

Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг ҳам, асосий воситаларнинг ҳам қийматлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ернинг қиймати эса қишлоқ хўжалик ерлари қийматини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма ёрдамида

аниқланади. Бунда рентабеллик меъёри ушбу тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$P_n = \frac{C\phi}{A\phi + (A\phi \cdot E_k) + E_k} \times 100\%,$$

Бунда: P_n – рентабеллик меъёри, фоизда;

$A\phi$ – айланма фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

$A\phi$ – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

E_k – асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлик коэффиценти (0,12);

E_k – ернинг қиймати, сўмда.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона ихтиёридаги барча ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий жихатдан самарали фойдаланганлик даражаси аниқланади.

13.3. Қишлоқ хўжалиги даромадлари, ялпи ва соф фойдасининг ўзгариши

Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди муносабатлари босқичма-босқич давлат раҳбарлигида шакллантирилмоқда. Унга тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар далил бўлади. Масалан, баҳолар, солиқлар, кредитлар тизимидаги ислохотлар.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, барча харажатлари, шунингдек, пул даромадлари ҳам ортиб бормоқда. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларига нисбатан саноат маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш даражаси юқори бўлганлиги учун тармоқда олинаётган соф фойда суммаси доимо ҳам ортаётгани йўқ. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1991-1998 йилларда ўртача сотиш баҳоси 15150,9 мартага ошган бўлса, саноат маҳсулотларининг ўртача сотиш баҳолари 134431 мартага ошган. Улар ўртасидаги мутаносибат 1:8,9 га тенг. Бундай ҳол қишлоқ хўжалигида фойданинг камайишига салбий таъсир кўрсатган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги корхоналари барча ишлаб чиқариш ресурсларидан етарли даражада яхши фойдаланмаган. Шуларнинг оқибатида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги тармоқ корхоналари хўжалик фаолиятини 1996 йилда 11153,5 млн.сўм, 1997 йилда эса 16111,3 млн.сўм зарар билан яқунлаган. Шу йиллар ичида фақатгина Андижон ва Фарғона вилоятларидаги хўжаликларнинг умумий фаолияти фойда билан яқунланган.

Қишлоқ хўжалигида сўнгги йиллардаги иқтисодий ислохотлар ижобий натижа бермоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш натижасида тармоқнинг ялпи маҳсулоти ҳажми кескин ошди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари ҳам анчага кўтарилди. Лекин харажатлар суммаси кўп ошмади. Натижада тармоқнинг соф фойдаси ортиб, 2001 йили 111,7 млрд.сўмни ташкил этди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги корхоналарнинг рентабеллиги 26,9%га етди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади.

Иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллар:

қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси;

хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражаси;

меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ҳамда рағбатлантирилиши;

ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси;

чорва ҳайвонлари, уларнинг маҳсулдорлиги;

баҳолар, солиқлар, тўловлар даражаси;

сув ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси;

давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағ ва бошқалар.

13.4. Қишлоқ хўжалигининг пул даромадларини, ялпи ва соф фойдаларини кўпайтириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари

Қишлоқ хўжалигининг пул даромадларини, ялпи ва соф фойдаларини келажакда янада кўпайтириш унинг барча тармоқларида бозор иқтисоди талабларига мос келадиган ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизими ҳаётга ўз вақтида, сифатли татбиқ этилишини объектив равишда тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Қишлоқ хўжалигида ялпи ҳосилни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тадбирлари:

экинларнинг серҳосил навларини, чорва ҳайвонларининг эса сермаҳсул зотларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни сув билан таъминлаш тадбирларини ривожлантириш;

чорва ҳайвонларини сифатли озуқа билан таъминлаш ва озиклантиришни талаб даражасида амалга ошириш;

экологияни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида маҳаллий, маданий ўғитлардан ҳамда кимёвий воситалардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни талаб даражасида таъминлаш;

маҳсулотларнинг сифатини, уларни ташиш ва сақлаш жараёнларини яхшилаш тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида модий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминловчи тадбирлар:

ишлаб чиқаришни самарали жойлаштириш, ихтисослаштириш ва ташкил этишни жадаллаштириш;

янги техникаларни, илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш натижасида иш жараёнларини тўлиқ механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш;

ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини ривожлантириш;

давр ҳамда молиявий харажатларни имконият даражасида камайтириш ва бошқалар.

Бозор иқтисоди муносабатларини қишлоқ хўжалигига жорий этишни эркинлаштириш ва жадаллаштириш тадбирлари:

саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, сотишни эркинлаштириш, улар ўртасидаги эквивалентликни таъминловчи тадбирлар жорий этилишини жадаллаштириш;

нодавлат мулкчилик шакллари барпо этилишига асосланган тадбиркорлик турларини ривожлантириш;

инвестициялар жалб этилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни жорий этиш;

биржаларнинг турларини ривожлантириш;

суғурта ишларини ривожлантириш ва бошқалар.

Бу тадбирлар, аввало этиштириладиган маҳсулотлар миқдорини талаб даражасида кўпайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши зарур. Маҳсулотлар миқдори экин майдонларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилиши мумкин. Экин майдонларини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш талаб этилади. Лекин бу тадбир чекланган. Шунинг учун асосий эътиборни экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратиш зарур. Бунинг учун экинларнинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш, ирригация, мелиорация, агротехник, кимёвий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида тупроқнинг умнумдорлиги ошишини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда экинларни алмашлаб экишни илмий асосланган ҳолда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Алоҳида эътибор ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилиши зарур.

Юқоридагилар билан бирга ишлаб чиқариш, давр ҳамда молиявий харажатлар ҳажмини қисқартириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун корхоналарнинг, меҳнатнинг оқилона шаклларини ташкил этиш талаб этилади.

Янги техника, илғор технологияларни ҳаётга жорий этиш натижасида жонли меҳнат харажатлари камайтиришни исботлаш лозим. Бу жараённинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, агросаноат интеграциясининг ривожланиши билан бевосита боғлиқлигини исботлаш зарур. Чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ҳам ошириш лозим. Бунинг учун наслчилик ишларини йўлга солиш зарур. Чорва ҳайвонларини тўйимли ем-хашак билан таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир. Бу тармоқда ҳам барча харажатларни

қисқартириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарур.

Ялпи фойданинг кўпайиши маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар камайишини тақозо этади. Шунинг учун маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган бўлимлар, ташкилотлар миқдорини қисқартириб, бевосита алоқаларга ўтишни таъминлаш лозим. Ҳозирги даврдаги мавжуд бўлган ягона ер солиғини, тўловлар, кредит ставкаларини тартибга солиш натижасида соф фойда суммаси кўпаяди. Юқорида таъкидланган иқтисодий категорияларнинг кўпайиши, ривожлантирилиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналарнинг асосий мақсади — мавжуд ресурслардан оқилона, самарали фойдаланиш натижасида талабни қондирадиган миқдорда соф фойда олишдир. Соф фойда массасининг кўпайиши корхонанинг келажакда ривожланишини, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини таъминлайди.

Корхоналарнинг ялпи ва пул даромадлари ҳамда ялпи ва соф фойдасини тўғри аниқлаб, уларни мақсадга мувофиқ тақсимлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги даражасини тегишли кўрсаткичлар тизими ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Хўжаликларнинг даромадларини, фойдаларини кўпайитириш учун барча турдаги тадбирларни амалга ошириб, доимий ва ўзгарувчан харажатларни камайитириб, талабни қондирадиган даражада сифатли маҳсулотлар етиштириш лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Ялпи даромад деганда нимани тушунасиш?

Ялпи даромад суммаси қандай аниқланади?

Ялпи фойда нима ва у қандай аниқланади?

Соф фойда нима ва у қандай аниқланади?

Иқтисодий самарадорлик деганда нимани тушунасиш?

Иқтисодий самарадорлик даражасини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?

Рентабеллик даражаси нима ва у қандай аниқланади?

Фойда нормаси деганда нимани тушунасиш ва у қандай аниқланади?

Қандай тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини ошириб, сифатини яхшилайдилар?

Қандай тадбирлар моддий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминлайди?

Асосий адабиётлар

- Кэмпбел Р., Макконелл, Стенли Л.Брю. Экономикс. - М.: Республика, 1992.
- Бернли Хилл. Иқтисодга кириш (Қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари учун дарслик). - Т.: Меҳнат, 1998.
- Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди (Маърузалар матнлари). Т.: ТДИУ, 2000.
- Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва, ЭКМЭС, 1998.
- Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, Поигрон, 1992.

XIV БОБ. ЎСИМЛИКЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ

14.1. Ўсимликчилик тармоқларининг аҳамияти

Республика қишлоқ хўжалиги таркибида қуйидаги йирик тармоқлар мавжуд:

ўсимликчилик;
чорвачилик.

Ўсимликчилик мамлакат қишлоқ хўжалигининг энг асосий тармоғи ҳисобланади. Унинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган жами ялпи маҳсулотдаги салмоғи 1998-2001 йилларда 80-90 фоизни, товар маҳсулоти таркибидаги салмоғи эса 80-82 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоғи:

дон-ғаллачилик (буғдойчилик, шоличилик, ...);
техника экинлари (пахтачилик, канопчилик, тамакичилик, лавлагичилик, ...);
картошқачилик;
сабзавотчилик (карамчилик, памидорчилик; ...);
полизчилик (қовунчилик, тарвузчилик; ...);
боғдорчилик (узумчилик, ўрикчилик, олмачилик; ...)

ва бошқа тармоқлардан иборатдир.

Бу тармоқларда: буғдой, арпа, шоли, макка дони, мош, пахта хомашёси, тамаки барги, каноп, қанд лавлаги, ер ёнғоқ, картошка, памидор, бодринг, каром, сабзи, қовун, тарвуз, узим, олма, ўрик, ёнғоқ, анор ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Улар қайта ишлаш саноати тармоқлари учун хомашё, аҳоли учун эса озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади.

Ўсимликчилик тармоқларининг ичида пахтачилик биан ғаллачилик давлат миқёсида стратегик аҳамиятга эгадир. Бу тармоқлар республикадаги йирик ва муҳим ҳисобланган «Ўздонмаҳсулот», «пахта тозалаш саноати», тўқимачилик ва енгил ҳамда нон маҳсулотлари корхоналарини хомашё билан таъминлайди. Натижада миллионлаб ишчи-хизматчилар иш ҳамда даромад билан таъминланади.

Пахта толасини сотиш натижасида мамлакат валюта тушумининг 55 фоизга яқини оинмоқда.

Ғаллачилик асосан республика аҳолисининг дон маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат этади. 2002 йилда 5,4 млн. тонна ғалла етиштирилади жон бошига 216,5 кг. дон тўғри келди. Тиббиёт нормативлари бўйича бир киши кунига 124кг ун ва ун маҳсулотларини истеъмол қилиши лозим. Ғаллачиликда эришилган натижа республикамиз бу борадаги талабни қондириш имкониятига эга эканлигидан далолат беради. Бу Республика Президенти И.А.Каримов томонидан амалга оширилаётган «Ғалла мустақиллиги» сиёсатининг натижасидир. Ғаллачиликнинг ривожланиши

чорвачилик ва саноат тармоқлари юксалишига ҳам ижобий таъсир этиши мумкин.

Ғаллачилик билан пахтачилик тармоқларининг умумий майдони республика жами экин майдонининг 82 фоизга яқинини ташкил этмоқда. Айрим қишлоқ хўжалик корхоналарида эса жами экин майдонининг 90 фоизга яқини пахта ҳамда ғалла билан банд бўлмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг ялпи маҳсулотдаги салмоғи юқори.

Республика ўсимликчилик тармоқларида инсон саломатлиги учун керак бўлган турли хил маҳсулотлар етиштирилади. Жумладан, иккинчи нон ҳисобланган картошка, сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари ва бошқалар. Кейинги йилларда тармоқда доривор маҳсулотлар етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Уларнинг кўпроқ етиштирилишини доимий йўлга қўйиш мамлакат аҳолисининг бу борадаги талабини қондириш билан бирга ташқи бозорда кўпроқ сотилишини ҳам таъминлайди. Бу эса валюта тушумини ошишига олиб келади.

14.2. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати

Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоқларида ички ва ташқи бозор талабини қондира оладиган турли хилдаги маҳсулотлар давлат сиёсатини эътиборга олган ҳолда етиштирилмоқда.

Ўсимликчилик тармоқларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Улар микдор (натурал) ва қиймат шаклида намоён бўлади. Жумладан, экин турлари бўйича 1 гектар майдондан олинган ҳосил, яъни экинларнинг ҳосилдорлиги, озиқа экинлари бўйича қўшимча ҳар гектардан олинган озиқа бирлиги микдори аниқланади. Уни аниқлаш учун жами етиштирилган ҳосилни шу ҳосил олинган экин майдонига тақсимлаш лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\mathcal{E}x = \frac{Яx}{X_m}; \quad O_6 = \frac{\sum O_6}{O_{6_m}}$$

Бунда: $\mathcal{E}x$ – экин турларининг ҳосилдорлиги, цҒга;

O_6 – бир гектардан олинган озиқа бирлиги, цҒга;

$Яx$ – ялпи олинган ҳосил, тонна ёки цен;

$\sum O_6$ – жами олинган озиқа бирлиги, тонна ёки цен;

X_m, O_{6_m} – ҳосил, озиқа бирлиги олинган майдон, га.

Бир гектар экин майдонига, олинган бир центнер ҳосил учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари (меҳнат, маблағ), уларнинг жами сарфланган меҳнат ва маблағ харажатларини ҳосил олинган майдон ёки жами ҳосил микдорига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин. Бунинг учун ушбу формуладан фойдаланиш лозим:

$$X_{га} = \frac{\sum ИЧх}{X_m}; \text{ёки} = \frac{\sum M_x}{X_m}$$

Бунда: $X_{га}$ – 1 гектарга сарфланган ишлаб чиқариш, меҳнат харажатлари, сўмҒга, ккҒга;

$\sum ИЧ_x$ – экин турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари, млн. сўм;

$\sum M_x$ – экин турлари бўйича сарфланган меҳнат сарфи, минг киши кун.

Экинларнинг турлари бўйича ишлаб чиқариш таннари. Уни жами ишлаб чиқариш харажатлар суммасининг олинган маҳсулот миқдориغا нисбати билан, яъни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M_{тн} = \frac{\sum ИЧх}{Ях}$$

Бунда: $M_{тн}$ – маҳсулот турини етиштириш таннари, сўмҒцен. Бу кўрсаткич етиштирилган ҳар бир маҳсулотнинг бир центнари неча сўмга тушганлигини кўрсатади. Улар маҳсулотларни сотиш баҳолари билан таққосланиши натижасида ҳар бир центнер маҳсулотни етиштириш эвазига эришилган натижаларни ҳисоблаш, яъни шу маҳсулотни етиштиришдан хўжалик фойда олдимиз ёки зарар қилганлигини аниқлаш имкониятини яратади. Натижада ҳар бир маҳсулот турининг рентабеллилик даражаси аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$P = \frac{C\Phi}{ИЧх} \times 100$$

Бунда: P – ҳар бир маҳсулот турининг, ўсимликчиликнинг рентабеллик даражаси, фоизда;

$C\Phi$ – олинган фойда.

Ўсимликчилик тармоқларида ҳам бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш мақсадида ерларни фермер, деҳқон хўжаликларига узоқ муддатга, фуқароларга эса умрбод фойдаланишга бериш натижасида жамоа, ширкат ва давлат хўжаликлари ихтиёридаги ерлар камайиб бормоқда. Чунончи, ўсимликчилик тармоқларида экинларнинг жами майдони 1995-2000 йилларда 390,1 минг гектарга ёки 9,4 фоизга камайиб, 3774,9 минг гектарни ташкил этган. Қисқариш асосан пахта ҳамда ем-хашак экинларининг майдонлари камайиши ҳисобига юз берган (31-жадвал).

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда табиий-иқтисодий шароит давлат сиёсати ҳамда бозор талаби эътиборга олинмоқда. Республика аҳолисининг донга бўлган талбини қондириш мақсадида Президент И. Каримов раҳбарлигида «Ғалла мустақиллиги» сиёсати амалга оширилмоқда. Уни самарали ҳал этиш мақсадида пахта яккахокимлиги аста-секин пасайтирилмоқда. Бунга пахта экин майдонининг 48,5 минг гектарга ёки 3,2 фоизга қисқаргани далил бўлади. Унинг майдони пахтачилик учун табиий-иқтисодий шароити ноқулай ҳисобланган республиканинг шимолий худудларида сезиларли миқдорда қисқартирилди. Айниқса, Қорақалпоғистон

Республикасида шу йиллар ичида 51,0 минг гектарга ёки 34,8 фоизга, Хоразм вилоятида 13,1 минг гектарга ёки 13,0 фоизга, Қашқадарё вилоятида эса 23,3 минг гектарга ёки 13,5 фоизга камайтирилган. Сув ресурслари етишмаслиги сабабли шולי майдони Ўзбекистон бўйича 24 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқартирилган. Бу жараён асосан Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Хоразм вилоятида содир бўлган.

31-жадвал

**Республикада қишлоқ хўжалик экинларининг майдони
(минг.га)***

Экинларнинг номи	Й и л л а р						2000й.да 1995й. дагига нис. %
	1995	1996	1997	1998	1999	2000	
Ғалла экинлари	1656,5	1740,5	1757,3	1686,8	1723,1	1611,9	97,3
шундан:							
-буғдой	1164,4	1328,7	1458,8	1412,4	1419,6	1354,8	116,3
Техника экинлари	1532,6	1525,1	1536,0	1614,1	1607,0	1471,2	96,0
шундан:							
-пахта	1492,2	1487,3	1511,9	1631,6	1517	1443,7	96,8
Картошка, сабзавот,							
полиэ экинлари	244,3	219,9	322,5	231,3	238,7	263,8	108,0
Ем-хашак экинлари	731,6	521,5	500,4	497,5	449	428	58,5
Ж а м и	4165	4007	4116,2	4029,7	4017,8	3774,9	90,6

*Республика Макроиктисод ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Лекин шу йиллар мобайнида етарли даражада асосланмаган ҳолда ем-хашак экинларининг майдони 303,6 минг гектарга ёки 41,5 фоизга қисқартирилган. Қисқартирилган майдонларга асосан буғдой, картошка ҳамда полиэ экинлари экилган. Натижада буғдой экилган майдон республика бўйича 1164,4 минг гектардан (1995й) 1354,8 минг гектарга (2000й.) етказилган ва 190,4 минг гектарга ёки 16,5 фоизга кўпайган.

Аграр-иктисодий ислохотлар амалга оширила бориши натижасида ўсимликчилик маҳсулотлари етиштиришда нодавлат секторининг улуши ортмоқда. 2001 йилнинг бошига жами экин майдонининг 37,2 фоизи ширкат, 31,7 фоизи фермер хўжаликлари ихтиёрида. Келажакда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан фермер ва деҳқон хўжаликлари шуғулланиши мақсадга мувофиқдир.

Экин майдонлари таркиби ўзгариши туфайли умумий экин майдонидаги экинлар салмоғи ҳам ўзгармоқда. 1995 йилда донли экинларнинг салмоғи 39,8 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 42,7 фоизни ташкил этган ёки 2.9 фоизга ошган, техника экинларининг салмоғи шу даврда 2.2 фоизга ортиб, 2000 йилда 39 фоизни ташкил қилган. Аҳоли учун энг зарур озиқ-овқат ҳисобланган

картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонининг салмоғи 1.1 фоизга кўпайган. Лекин ем-хашак экинларининг салмоғи қисқариб бормоқда. Бундай хол экинларни алмашлаб экишга салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун келажакда экин майдонлари салмоғини тартибга солишда алмашлаб экиш жорий этилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Республика қишлоқ хўжалигида экинлар майдонлари ўзгариши натижасида етиштирилаётган маҳсулотлар миқдори ҳам ўзгармоқда. Агар 1995 йилда мамлакат бўйича жами 3215,3 минг тонна дон маҳсулотлари етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 3915,7 минг тоннани, 2002 йилда эса 5,4 млн. тоннани ташкил этди. Ғалла етиштириш 2000 йилда 1995 йилдагига нисбатан 21,8 фоизга, 2002 йилда эса 46,2 фоизга ошди. Лекин шу йилларда буғдой етиштириш устувор суъратларда кўпайган. Унинг миқдори 2000 йилда 53,9 фоизга, 2002 йилда эса 69,4 фоизга ошган. Ғалла етиштириш ҳажми Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ташқари барча вилоятларда ошиб бормоқда (32-жадвал).

32-жадвал

Республика вилоятлари қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари*

Вилоятлар	Пахта	Бошоқ,дон	Пахта	Бошоқ,дон	Сабзавот-полиз	
	1996		2000		1996	2000
Қорақалпоғистон Р.	203,9	125,4	10	64	35,4	23,8
Андижон	315,9	337,4	389,7	512,8	70,1	1,7
Бухоро	360,6	351,1	126,7	213,5	31,6	9,2
Жиззах	139,4	155,5	175,4	316,9	24	13,1
Қашқадарё	375,7	265,1	321,3	263,9	89,4	29,6
Навоий	101,3	103,6	55,5	92,6	12,5	13,6
Наманган	239,8	243,5	251,3	258,2	171,7	10,5
Самарқанд	216,8	167,7	231,2	278,1	277,9	11,2
Сурхондарё	360,1	259,5	271,3	203,1	34,1	15,2
Сирдарё	186,5	174,6	153,1	185,6	17	10,3
Тошкент	258,8	256,4	283,1	336	283	26,1
Фарғона	301,3	362,6	295,7	325,1	174	10,5
Хоразм	290	199	52	76,7	64,8	5,6
Жами	3350,1	3001,5	2616,3	3126,5	52,8	173,4


*Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Шу йилларда ғаллачилик устувор суъратларда Навоий, Жиззах ҳамда Бухоро вилоятларида ривожланган. Етиштирилаётган ғалланинг 35,1 фоизи Фарғона водийси хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу маҳсулотнинг атиги 4,5 фоизи Қуйи Амударё воҳасида етиштирилган. Тошкент туманида эса ялпи ғалла ҳосилининг 26,8 фоизи етиштирилмоқда. Бу маълумотлар ғаллачилик мамлакат миқёсида қандай жойлашганлигидан далолат бермоқда.

Сўнгги йилларда ғаллачиликнинг ривожланиши ғаллазорлар кенгайиши билан ҳосилдорлик ошиши ҳисобига таъминланган. Лекин пахта хомашёси етиштириш унинг яккаҳокимлигини сусайтириш натижасида сўнгги йилларда бироз камайиб 3,1-3,2 млн. тоннани ташкил этмоқда. 2000-2002 йилларда жами пахта хомашёсининг 31,7 фоизи Фарғона вилояти хўжаликларида, 29,5 фоизи Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, атига 10,8 фоизи Қуйи Амударё воҳасидаги хўжаликларда етиштирилмоқда. Пахтанинг экин майдони камайиши билан бирга ҳосилдорлиги ҳам пасайиб бормоқда (6- диаграмма).

6-диаграмма

Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги таркибидаги корхоналарда экинлар



Аксарият экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига экин майдонлари унумдорлиги пасайганлиги сабаб бўлмоқда. Ҳозирги даврда республика миқёсида жами суғориладиган ерларнинг 50 фоизига яқини у ёки бу даражада шўрланган. Бундай ҳолат шу ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиши оқибатида юз бермоқда.

Сўнгги йилларда кимёвий воситалар баҳоларининг кескин ошганлиги сабабли уларни талаб этилган миқдорда сотиб олиш ва экин майдонларига зарур даражада солиш имкон бўлмаяпти. Бу экинларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Республика вилоятларида экинларнинг серҳосил, самарали навларини тўғри жойлаштиришга эришилмаганлиги ҳам ҳосилдорлик ошиши йўлидаги тўсиқлардан биридир.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган саноат маҳсулотлари баҳоларининг тез суръатларда ошиши, экинларнинг ҳосилдарлиги эса тез ўсмаётганлиги натижасида тармоқларда етиштирилаётган маҳсулотлар таннархи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Фақатгина 1997-2001 йилларда бошоқли доннинг 1 центнери таннархи 3,4 марта, шу жумладан, буғдойники 3,9 марта ошган. Пахта хомашёсининг таннархи эса 3,2 марта ошиб, 10380 сўмни ташкил этган (33-жадвал).

**Республика қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ўсимликчилик
маҳсулотларининг таннархи ва рентабеллик даражаси***

Маҳсулот турлари	1997 йил		1998 йил		1999 йил		2001 йил	
	1 ц таннархи	рентаб. дар; %	1 ц таннархи	рентаб. дар; %	1 ц таннархи	рентаб. дар; %	1 ц таннархи	рентаб. дар; %
Бошоқли дон	1043	7,6	1353	11	2013	18,2	4638,3	14,2
Ш.ж. буғдой	913	11,5	1186	12,3	1791	11,7	4495,7	17,8
Картошка	1279	14,3	1698	2,9	2020	43,9	3106,7	
Пахта	2440	-18,6	3272	-26,4	3240	-7,8	10380	0,8
Сабзавот	335	34,6	466	55,5	543	60,9	1517,6	
Полиз	230	15,2	283	32,1	366	46,4	926,2	
Мева	717	-9,7	843	8,5	1119	38	1117,4	
Ўзум	846	10,6	1247	7,9	1448	51,6	2458,9	

*Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотлари барча ўсимликчилик маҳсулотларининг таннархи ошганлигидан далолат бермоқда. Шу йиллар ичида 1 центнер картошканинг таннархи 1,4 марта, сабзавот маҳсулотларининг ўртача таннархи 3,5 марта, полиз маҳсулотлариники эса 3 марта ошган. Ўсимликчилик маҳсулотлари таннархларининг ошиши шу маҳсулотлар самарадорлигига ҳам таъсир этган. Яъни маҳсулотларни сотиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойда суммаси унчалик кўпаймаган. Лекин, сўнгги йилларди қишлоқ хўжалик корхоналари экинларнинг серхосил, кам сув талаб этадиган, қисқарок муддатларда пишиб етиладиган навларини экиш, янги техникалардан, самарали технологиялардан ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларида фойдаланиб, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва ҳосилини сифатига путур етказмаган ҳолда тезроқ йиғиштириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, давлат томонидан сотиб олинаётган деҳқончилик маҳсулотларининг харид баҳолари ҳам йил сайин оширилмоқда. Чунончи, 2000-2002 йилларда пахта хомашёсининг харид баҳоси ўртача 101,3 фоизга, башоқли дон маҳсулотлариники эса 142,8 фоизга оширилган. Бу хўжаликлар муайян даражада фойда олишини таъминламоқда. Дарвоқе, 1995-1999 йилларда пахта хомашёсини етиштириш зарар келтирган бўлса, 2000 йилдан бошлаб маълум миқдорда фойда бермоқда. 2001 йилда 1 центнер пахта хомашёсини сотиш натижасида 86 сўм, дон маҳсулотларини сотишдан эса 657 сўм фойда олинган. 33-жадвал маълумотларининг далолат беришича, республика деҳқончилигининг асосий тармоқлари фойда келтириб, рентабелли тармоққа айланган, бироқ барча тармоқларнинг рентабеллиги бозор иқтисоди талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Аниқроғи, муайян соҳалар (пахтачилик, ғаллачилик, ем-хашак етиштириш) дан олинаётган фойда хўжаликлар фаолиятини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантиришни

таъминлай олмайди. Шундай экан, келажакда ўсимликчиликнинг барча соҳаларини ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш лозим.

14.3. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётини ривожлантириш масалалари

Ўсимликчилик тармоқларининг республика ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиётидаги ўрнини, аҳамиятини эътиборга олган ҳолда келажакда уларни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш энг асосий вазифалардан биридир. Бу муаммони ижобий ҳал этиш учун, аввало, эркин бозор талабларини эътиборга олган ҳолда қандай турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ва қанча миқдорда етиштириш зарурлигини аниқлаб олиш лозим. Бунда давлатнинг қандай маҳсулотларга ва қанча миқдорда эҳтиёжманд эканлигини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки давлат ўз эҳтиёжини қондирадиган товар ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар яратмоқда.

Хўжаликлар бошқа истеъмолчиларнинг қисқа ва узоқ муддатли талабларини ҳам чуқур ўрганишлари ўз ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда бошқа талабларини аниқлаб олишлари лозим. Қайси маҳсулотни ва қанча миқдорда етиштириш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашда уларнинг самарадорлигини, албатта, эътиборга олиш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик ўз талабини қондирадиган миқдорда фойда келтирадиган маҳсулотларни етиштириш билан шуғулланиши лозим. Юқорида таъкидланган масалаларни ҳал этишда экинларни алмашлаб экишнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан асосланган тизими жорий этилишига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Чунки бу тупроқнинг унумдорлиги ошишини таъминлайди.

Ўсимликчилик маҳсулотларини белгиланган миқдорда етиштириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини: уларнинг турларини, миқдорини ҳамда ҳолатини аниқлаб олиш алоҳида аҳамиятга эгалигини унутмаслик зарур. Чунки шулар ёрдамида маҳсулот етиштириш жараёнлари белгиланган муддатларда, сифатли бажарилиши таъминланади. Натижада ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатлари маълум миқдорда тежалиши мумкин.

Барча воситалардан йил давомида тўғри, тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш орқали талабни қондирадиган миқдорда сифатли ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг самарадорлигини юксалтириш учун муайян чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (22-чизма).

22- чизма

Ўсимликчилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини юксалтириш йўллари

Экстенсив ва интенсив йўллари:
а) Ўсимликчилик маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўпайтириш учун:
экин майдонларини кенгайтириш;
экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш зарур.

б) Ҳосилдорликни ошириш учун:

экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
экин майдонларини сув билан таъминлаш;
уруғларни сермахсул, тезпишар навларини экиш;
минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланиш;
бошқа кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш;
агротехник тадбирларни муддатида ва сифатли бажариш;
алмашлаб экишни жорий этиш;
ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.

в) Маҳсулот етиштиришда харажатларни тежаш учун:

янги техникаларни, илғор технологияларни жорий этиш;
маҳсулот етиштириш жараёнларини тўлиқ механизациялаштириш;
меҳнатнинг янги шакллари ташкил этиш керак.

г) Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва экинларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш зарур.

д) Етиштирилган ҳосилни ташиш ва сақлаш жараёнларини самарали ташкил этиш лозим.

е) Маҳсулотларни бозор талаблари асосида сотишни амалга ошириш керак.

Ўсимликчилик маҳсулотлари етиштиришни, 22-чизмада кўрсатилганидек, икки йўли – **экстенсив ва интенсив** йўли мавжуд.

Экстенсив йўлда маҳсулот миқдори асосан экинлар майдонини кўпайтириш ҳисобига, *интенсив* йўлда эса экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Маҳсулот миқдорини интенсив йўл орқали кўпайтириш учун тупроқ унумдорлиги ошишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, масалан, ирригация-мелиорация тизимини қуриш, таъмирлаш, ерларни текислаш, шўрини ювиш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, алмашлаб экишни жорий этиш керак.

Етиштирилаётган маҳсулотлар самарадорлигини юксалтириш учун эса ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатлари тежалишини таъминлайдиган ишларни, тадбирларни оқилона амалга ошириш зарур. Бунинг учун меҳнатни ташкил этишнинг пудрат, ижара каби мақсадга мувофиқ шакллари татбиқ қилиш, ишлаб чиқариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ишлаб чиқариш воситаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, янги техника, илғор технологияларни жорий этиш, ишчи-хизматчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилишини изчиллик билан амалга ошириш керак.

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида хўжаликларда фаолият кўрсатаётган барча аъзоларнинг ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини бозор талаблари асосида тубдан ўзгартириш лозим. Яъни, улар маҳсулот етиштириш, йиғиштириб олиш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни вақтида, оқилона амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Юқорида таъкидланган барча тадбирлар вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида ўсимликчилик маҳсулотлари миқдори кўпайиб, уларнинг самарадорлиги юксалиши таъминланади.

Қисқача хулосалар

Ўсимликчилик мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғидир. Унда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 80 фоизи етиштирилмоқда. Ўсимликчиликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш заур. Бунда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Ўсимликчилик таркибида ғаллачилик ривожлантирилиб, ғалла мустақиллиги таъминланмоқда. Лекин пахтачиликнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий самарадорлиги муттасил ошиб бораётган талабни қондира оладиган даражада эмас. Келажакда самарали турларнинг диверсификациясини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатда ўсимликчилик тармоқларини ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини юксалтириш учун ҳуқуқий, ташкилий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизимини оқилона амалга ошириш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

Ўсимликчилик тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини, аҳамиятини тушунтириб беринг.

Ўсимликчилик маҳсулотларининг инсон ҳаётидаги аҳамиятини изоҳлаб беринг.

Ўсимликчилик тармоқлари деганда нимани тушунасиз?

Ўсимликчилик маҳсулотлари миқдорининг ўзгаришини кўрсатинг.

Ўсимликчилик маҳсулотлари самарадорлигини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?

Ўсимликчилик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлик даражасини тушунтириб беринг.

Маҳсулотлар етиштиришни ривожлантириш, самарадорлигини юксалтиришнинг қандай йўллари мавжуд?

Асосий адабиётлар

Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Тошкент, «Ўзбекистон». 1993.

Абдуғаниев А. Ўтиш даврида ер муносабатлари. Тошкент, ТДИУ, 1997.

Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

XV бoб. ЧОРВАЧИЛИК (ҚОРАМОЛЧИЛИК, ҚЎЙЧИЛИК, ЭЧКИЧИЛИК) ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИ

15.1. Чорвачилик тармоқлари маҳсулотларининг аҳамияти

Чорвачилик мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмидир. Чорвачилик тармоқларининг мақсадга мувофиқ, самарали жойлаштирилиши, ривожлантирилиши республикада меҳнат тақсимоти ижобий ҳал этилишига бевосита таъсир этади. Худудларнинг табиий, иқтисодий шароитларини ҳамда бозор талабларини эътиборга олган ҳолда чорвачиликнинг қорамолчилиқ, қўйчилиқ, баллиқчилиқ, асаларичилиқ, андатрачилиқ тармоқлари жойлаштирилиши ва ривожлантирилиши зарур. Чунки бу тармоқларда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари учун гўшт, сут, жун, тери, асал ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Натижада саноат тармоқларининг ривожлантирилиши ҳам таъминланади. Чорвачилик тармоқларида инсон саломатлиги учун зарур, оқсил моддаларга бой бўлган турли хилдаги маҳсулотлар ҳам етиштирилади. 2000-2001 йилларда республикада аҳоли жон бошига ўртача 34 кг гўшт (тирик вазнда), 148 кг сут етиштирилган. Бу инсон организми учун зарур миқдор ёки тиббиёт нормативларидагига нисбатан анча кам. Шунинг учун республика ҳукумати мамлакатнинг барча соҳаларида чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган йирик дастурлар ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари чорвачиликда ўсимликчилиқ ва чорвачиликнинг айрим соҳалари ривожланишини таъминлайдиган маҳсулотлар ҳам етиштирилмоқда. Масалан, чорва чиқиндиси – гўнг тупроқ унумдорлигини оширади, ўсимликлар учун органик ўғит ҳисобланади. Сут эса аҳоли томонидан истеъмол қилинишидан ташқари янги туғилган ёш ҳайвонларга ҳам берилади.

Чорвачилик тармоқларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 11 фоизга яқини етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизга яқинини аҳоли хўжаликлари етказиб бермоқда. Демак, қолган қисми жамоа мулкчилигига асосланган хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Чорвачилик тармоқларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми республика аҳолиси талабларини қондириш мақсадида ички бозорларда, чекланган миқдори эса ташқи бозорларда сотилмоқда. Уларни экспорт қилиш натижасида 2000-2001 йилларда 0,2 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта тушган. Бу талабга тўлиқ жавоб бермайди.

Келажакда бу муаммони ҳал этишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун объектив имкониятлар мавжуд. Республика чорвачилигида экологик жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган гўшт, сут маҳсулотларини, тери, айниқса, қорақўл терисини, жун етиштиришни ривожлантириб, уларни ташқи бозорда сотиш мумкин. Бунда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш даражаси ҳам

юксалтирилади. Натижада тармоқнинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни, аҳамияти ортади.

15.2. Чорвачилик тармоқларида етиштириладиган маҳсулотлар даражаси ва самарадорлиги

Чорвачилик тармоқларининг ривожланишини, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлик даражасини қуйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- **чорва ҳайвонлари бош сонининг ўзгариш даражаси.** Уни аниқлаш учун ҳақиқий муддатга бўлган маълумот бўйича кўрсаткични қиёсланаётган вақтдаги маълумот бўйича кўрсаткичга тақсимлаш лозим. Бу усулдан фойдаланган ҳолда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари миқдорини, тармоқ маҳсулдорлигининг йиллар бўйича ўзгаришини аниқлаш, бу борадаги кўрсаткичлар коэффицентда ёки фоизда аниқланиши мумкин.

- **чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги.** Бу кўрсаткич етиштирилган маҳсулот миқдорининг (турлари бўйича) шу маҳсулотни берган ҳайвонлар бош сонига нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$ЧХмк \frac{Мм(Гушт,сут)}{Бс} ;$$

Бунда: ЧХм—чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги (кг);

Мм—етиштирилган гўшт, сут, жун, тухум миқдори (центнер, минг дона);

Бс- чорва ҳайвонларининг бош сони.

- **чорва ҳайвонларининг суткалик ўртача ўсиш вазни.** У чорва ҳайвонларининг маълум муддатдаги ўсган вазини шу ўсишни таъминлаган муддатга нисбати билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Сук \frac{Ху}{М} ; \text{ Бунда: } Су\text{—чорва ҳайвонларининг суткалик ўсиши (граммда);}$$

Ху—ҳайвонларнинг маълум муддатдаги ўсган миқдори (кг);

М—маҳсулот ўсишини таъминлаган муддат (сутка).

- **чорвачилик маҳсулотларининг 1 центнерини етиштириш учун сарфланган озуқа бирлиги.** Уни аниқлаш учун сарфланган озуқа бирлиги миқдорини шу озуқа эвазига етиштирилган маҳсулот миқдорига (турлари бўйича) тақсимлаш лозим ёки унинг аксидан ҳам фойдаланиш мумкин.

- **чорвачилик тармоқларидаги меҳнат унумдорлиги (кгҒкк; ккҒкк; сумҒкк...).** У маҳсулот етиштириш учун сарфланган вақт миқдорининг шу вақтда етиштирилган маҳсулотга нисбати билан ёки аксинча аниқланади.

- **чорвачилик маҳсулотларининг (турлари бўйича) етиштириш таннархлари.**

- **чорвачилик тармоқларининг, маҳсулотларининг (турлари бўйича) рентабеллик (фойдалилик) даражаси.** Бу кўрсаткичларни аниқлаш тартиби дарсликни XIII-XIV бобларида келтирилган.

Республикада бозор муносабатларини шакллантириш чорвачилик тармоқларида ҳам давлат раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, даставвал давлат ва жамоа мулки ҳисобланган чорвачилик тармоқлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил январдаги қарорига биноан хусусийлаштирила бошланди. Бунда сотиб олувчиларнинг маблағлари етишмаган ҳолларда кредитлар ҳам берилди. Натижада бу соҳада ҳам мулкдорлар шакллана бошлади. Аммо улкан сиёсий аҳамиятга молик бўлган бу тадбир кутилган натижаларни бермади. Чунки чорва молига эга бўлган мулкдорлар уларни ем-хашак, яъни озуқа билан таъминлай олмаганликлари сабабли кўп ўтмай зотли, сермахсул ҳайвонларни сота бошладилар. Бундай ҳолнинг шаклланишига чорвачиликни хўсўсийлаштириш жараёнида молларни озуқа билан таъминлайдиган миқдордаги экин майдонлари узоқ муддатга ижарага берилмаганлиги сабаб бўлди. Натижада Республика вилоятларининг барча жамоа, ширкат хўжаликларидаги чорва ҳайвонларининг миқдори 1996-2001 йилларда кескин камайди. Чунончи, қорамол бош сонлари 1095,6 минг бошдан 32,2 фоизга камайиб, 743 минг бошни ташкил этган. Шу йилларда сигирларнинг бош сони 310,2 мингтадан 236 мингтага тушиб, 23,3 фоизга камайган. Қорамоллар бош сони айрим вилоятларда кескин қисқарган. Масалан, Сирдарё вилоятида 58,6 фоизга; Жиззах вилояти хўжаликларида эса 55,6 фоизга; Фарғона вилояти хўжаликларида 40,7 фоизга; Самарканд ва Сурхондарё вилоятларидаги жамоа ва ширкат хўжаликларида 37,352 фоизга камайган (34-жадвал).

(34—жадвал)

Республика вилоятларининг жамоа ва ширкат хўжаликларида қорамол ва сигирлар бош сонининг ўзгариши (минг бош)*

Вилоятлар	Қорамоллар					Сигирлар				
	1996	1997	1998	1999	2000	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон Р.	109,6	107,4	96,4	91	92	33,2	28,1	26,2	26,2	25
Андижон	95,1	86,6	80,2	74	70	27,2	24,5	22,8	22,8	21
Бухоро	76,4	65	56,5	49	45	20,5	17,9	16,2	16,2	15
Жиззах	51,8	35,7	28,5	26	23	12,4	9,7	8,7	8,7	8
Қашқадарё	124	106,7	100,7	97	91	37,3	33,7	32,7	32,7	31
Навоий	27	24	21,3	20	20	8,6	7,4	7	7	7
Наманган	84,9	72,8	62,9	58	55	23,7	20,6	19,5	19,5	18
Самарканд	95,2	73,7	71,1	66	60	21,2	21,3	21,5	21,5	20
Сурхондарё	77,2	67,6	61,4	56	55	27,6	24,2	22,9	22,9	22
Сирдарё	41,1	32,5	20,3	19	17	11,3	7,1	6,3	6,3	5
Тошкент	106,6	92,6	81,4	82	82	30,3	26,9	26,4	26,4	26
Фарғона	109,6	91,3	74,9	71	65	26,7	20,4	18,7	18,7	16
Хоразм	97,1	93	90,1	85	68	30,2	28,4	26,1	26,1	22
ЖАМИ	1095,6	948,9	845,7	794	743	310,2	270,2	255	255	236

* Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Қорамолчилик асосан суғориладиган ҳудудларда фаолият кўрсатаётган жамоа ва ширкат хўжаликларида мужассамлашган. Бу хўжаликларда ем-хашак етиштирилиб, қорамолчиликнинг ривожлантирилиши учун замин яратилади. Қорамолчилик эса, ўз навбатида, хўжаликларнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Демак, хўжалик тармоқлари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин, ҳозирги даврда бу ҳолат илмий ва амалий жихатдан асосланган алмашлаб экиш талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги сабабли бузилмоқда. Чунончи, экин майдонлари таркибида ем-хашак экинларининг салмоғи меъёрга нисбатан анчага қисқарган. Масалан, 2000-2001 йилларда экин майдонларида ем-хашак экинлари салмоғи атиги 5,3 фоизни ташкил этган. Шундан 3,7 фоизи кўп йиллик экинлар ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, Мирзачўл, Сурхон, Шеробод ва Қарши чўлларида жойлашган ширкат хўжаликларида у сезиларли даражададир. Оқибатда биринчидан, қорамолчилик учун тўйимли ҳисобланган ем-хашак етарли даражада етиштирилмаётир. Иккинчидан эса, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда. Алмашлаб экиш шу тарзда давом эттирилса, унда талайгина майдонлар унумдорлиги пасайиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши мумкин.

1996-2000 йилларда қорамоллар каби қўй ва эчкилар 3,3 фоизга камайиб, 2,9 млн. бошни ташкил этган. Уларнинг асосий қисми қоракўл қўйлари (35-жадвал).

35-жадвал

Республика вилоятларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида қўй ва эчкилар бош сонининг ўзгариши *(минг бош)

Вилоятлар	Йиллар				
	1996	1997	1998	1999	2000
Қорақалпоғистон Республикаси	176,7	155,4	154,4	155	151
Андижон	86,8	77,6	75,2	75	69
Бухоро	287,1	285,9	297,5	295	302
Жиззах	338,6	297,9	296,7	297	281
Қашқадарё	546,3	545,9	556,3	556	505
Навоий	748,2	796,5	810,5	810	790
Наманган	48,3	75,8	73,3	73	71
Самарканд	232,1	256,4	257	254	240
Сурхондарё	272,5	316,1	311,1	312	302
Сирдарё	23,5	7,5	5,6	6	5
Тошкент	138,4	125,3	125,7	125	123
Фарғона	82,2	70,7	64,2	64	58
Хоразм	29,5	25,2	21,9	23	15
Жами	3010,2	3036,2	3049,4	3045	2912

* Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Қўй ва эчкилар асосан республиканинг яйлов ва чўл ҳудудларида жойлашган хўжаликларда парвариш қилинади. Бинобарин, мамлакат

миқёсидаги 2912 минг бош қўй ва эчкининг 88,3 фоизи Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида. Эслатиб ўтиш керакки, қўй ва эчкиларнинг 27 фоизга яқини суғориладиган деҳқончиликка асосланган ҳудудлардаги хўжаликлар ихтиёрида. Аммо, уларда қўйчиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд эмас. Энг муҳими, яйловлар, пичанзорлар етишмайди. Республика қишлоқ хўжалик корхоналарининг аксарият қисмида чорвачиликнинг ем-хашак базаси талаб даражасида эмаслиги, улар етарли даражада ихтисослашмаганлиги нафақат чорва ҳайвонлари бош сонларини камайтишига, балки уларнинг маҳсулдорлигига, оқибат-натижада эса тармоқда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми қисқаришига ҳам таъсир этмоқда. Масалан, республика қишлоқ хўжалик корхоналарида бир бош сигирдан ўртача соғиб олинган йиллик сут миқдори 1996-2000 йилларда 1117 кг. дан 967 кг. га тушиб қолди. Шу йилларда бир бош сигирнинг маҳсулдорлиги 13,4 фоизга камайди. Айрим вилоятларда эса, сигирларнинг маҳсулдорлиги жуда паст бўлди. Жумладан, Жиззах вилояти хўжаликларида бу кўрсаткич 612 кг. дан 435 кг. га тушган, Сурхондарё вилоятлари хўжаликларида эса 750 кг. дан 619 кг. га пасайди. Бундай ҳолат Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари хўжаликларида ҳам юз берди. Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳар бош сигирдан бир суткада ўртача 3-3,5 кг сут соғиб олинмоқда. Бу жуда кам. Тошкент ва Наманган вилоятлари хўжаликларида бу кўрсаткич 28-78,9 фоиз юқори бўлиб, ўртача 4,1-5,6 кг. ни ташкил этмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар таъсирида тармоқда сут етиштириш 355,7 минг тоннадан (1996 й.) 233 минг тоннага (2000й) тушиб қолган. Демак, беш йилда етиштирилаётган сут ҳажми 34.5 фоизга камайган. Гўшт етиштириш эса шу йилларда 33,4 фоизга қисқариб, 74.3 минг тоннани ташкил этган (2000 й.) (36-жадвал).

36-жадвал

Республика вилоятларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида сут ва гўшт етиштириш ҳажмининг ўзгариши* (минг тонна)

Вилоятлар	1996 йил		1997 йил		1998 йил		1999 йил		2000 йил	
	сут	гўшт	сут	гўшт	сут	гўшт	сут	гўшт	сут	гўшт
Қорақалпоғистон Р.	27,5	8,6	24,8	5	19,1	3,8	19,1	3,8	17,9	3,5
Андижон	32,9	6,7	27,9	5,3	23,9	5,4	23,9	5,4	22,9	4,9
Бухоро	25,7	7,6	29,2	5,4	16,5	4,9	16,5	5,1	15,3	4,5
Жиззах	6,5	5,7	4,2	4,1	3,5	3,3	3,5	3,4	2,8	3,2
Қашқадарё	36,8	14,1	33,4	10,8	33,3	10,1	33,3	1,1	25,5	10,6
Навоий	9,3	9	7	7,5	7	8,2	7	8,2	6,9	8,7
Наманган	30,3	7,4	25,1	5,9	23,8	4,6	23,8	4,5	24,2	3,5
Самарқанд	29,4	9,8	24,6	6,8	25,2	7,2	25,2	7	19,3	6,3
Сурхондарё	21,6	10	17	7,3	14,7	6,4	14,7	6,5	13,4	6,2
Сирдарё	9,7	3	5,4	1,6	4,3	1,1	4,3	1,1	4,7	0,8
Тошкент	53,1	11,2	43,5	8,7	40,8	8,1	40,8	8,1	40,8	9,4
Фарғона	34,8	11,4	28,3	9,3	24,1	8,5	24,1	8,5	19,8	7,6
Хоразм	38,1	7,1	27,2	4,5	24,2	5	24,2	5	19,5	5,1

Жами	355,7	111,6	297,6	82,2	260,4	76,6	260,4	76,7	233	74,3
------	-------	-------	-------	------	-------	------	-------	------	-----	------

*Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

35-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча вилоятларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарида сут ва гўшт етиштириш ҳажми қисқарган. Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятлари хўжаликларида сут етиштириш 2-2,3 мартага, гўшт етиштириш Наманган вилояти хўжаликларида 2,1 мартага, Сирдарё вилоятида эса 3,7 мартага камайган.

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарида чорвачиликнинг бу ҳолати унинг иқтисодий самарадорлигига ҳам таъсир этган. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган аксарият чорвачилик маҳсулотларининг таннархлари йил сайин ошиб бормоқда. Жумладан, сутнинг 1 центнери таннархи 1997 йилда 2047 сўм бўлган бўлса 1998 йилда қарийб 40 фоизга, 1999 йилда эса 85,3 фоизга ортиб, 3794 сўмни ташкил этган. Етиштирилаётган тирик вазндаги 1 центнери гўштнинг таннархи шу йилларда 7186 сўмдан 15441 сўмга етган ёки 114,9 фоизга ортган, 1 центнер жуннинг таннархи эса 51,5 фоизга ортиб, 5252 сўмни ташкил этган (37-жадвал).

37-жадвал

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг турлари бўйича самарадорлик даражаси*

Маҳсулот турлари	1997 йил			1998 йил			1999 йил		
	1ц.тан нархи	фойда зарар	ренҒ д аража.	1ц.тан нархи	фойда зарар	ренҒ д аража.	1ц.тан нархи	фойда зарар	ренҒ д аража.
Сут	2047	-628	-30,6	2865	-981	-34,2	3794	-1103	-29
Гўшт (тирик вазнда)	7186	-777	-10,8	11015	-755	-6,8	15441	-59	-0,4
Тухум (минг дона)	7607	3619	47,6	8935	4481	50,1	13378	5671	42,4
Жун	3466	-1246	-35,9	3526	-984	-27,9	5252	-659	-12,5
Пилла	10363	-3246	-31,3	18252	-3543	-11,4	10765	-2008	-18,6

*Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Чорвачилик маҳсулотлари таннархининг ошишига юқорида кўрсатилганлардан бошқа омиллар ҳам таъсир этган. Масалан, қорамолчилик фермаларининг, қўйчилик отарларининг моддий-техника базаси талабга нисбатан заифлиги. Бу ҳол кўл меҳнати сарфи кўпайишига олиб келади. Қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариладиган озуқа, маҳсулотлар баҳоларининг тез суръатлар билан ошиб бориши ва бошқалар.

Хўжаликлар аксарият чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдан зарар кўрмоқдалар. Жумладан улар 1997 йилда 1 центнер сут етиштириб, сотиш натижасида 628 сўм зарар кўрган бўлса, 1998 йилда 981 сўм, 1999 йилда эса 1103 сўм зарар кўрган. Ҳар центнер сут етиштиришдан кўриладиган зарари миқдори йил сайин ортиб борган. Бундай ҳол сутнинг сотиш баҳолари ўсиши натижасида таннархи юқори суръатларда ошиши сабабли юзага келган.

Хўжаликлар гўшт ва жун етиштиришдан ҳам зарар кўрмоқдалар. Лекин курилаётган зарарлар миқдори йил сайин камайиб бормоқда. Чунки 1 центнер гўштнинг (тирик вазнда) сотиш баҳоси шу йилларда 140 фоизга, таннархи эса 114,9 фоизга ошган. Демак, гўштнинг сотиш баҳоси унинг таннархига нисбатан юқори даражада ўсган. Бу фикр жуннинг сотиш баҳоси ва таннархига ҳам тегишли.

Хўжаликларда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозори ҳали унчалик ривожланмаган. Чунки хўжаликлар етиштираётган маҳсулотларини туманларда ягона ҳисобланган гўшт комбинатларига, сут заводларига улар белгилаган баҳоларда сотмоқдалар.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган аксарият чорвачилик маҳсулотларининг самараси йўқ. Улар сут етиштиришдан 29 фоиз, гўшт етиштиришдан 0,4 фоиз, жун етиштиришдан эса 12,5 фоиз зарар кўрмоқдалар.

Фермер, деҳқон хўжаликларида эса бунинг акси: чорвачилик юқорироқ суръатларда ривожланмоқда. Уларда чорва ҳайвонларининг бош сони 1999-2000 йилларда 13,5 фоизга кўпайган. Ҳар бош сигирдан 370 кг. дан сут соғиб олинган. Фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш асосан шахсий мулкка асосланганлиги учун улар харажатларни имконият даражасида тежашга, сифатли маҳсулот етиштириб, юқори баҳоларда сотишга интиломоқдалар. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда чорвачилик тармоқларининг рентабеллик даражаси тобора ошмоқда.

15.3. Чорвачилик тармоқларини, уларда маҳсулот етиштиришни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

Жамиятнинг экологик жихатдан тоза маҳсулотларга бўлган талаби ўсиб бормоқда. Аммо бу борадаги талаб ҳозирги даврда тўлиқ қондирилгани йўқ. Муаммони ҳал этиш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий, ижтимоий тадбирларни амалга ошириш, жумладан, чорвачиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш керак. Бу жараёни бир неча йуналишлар бўйича амалга ошириш мумкин. Масалан, республика ҳудудларининг, хўжаликларнинг йуналишларини эътиборга олган ҳолда чорвачилик тармоқларини мақсадга мувофиқ жойлаштириб, уларни ихтисослаштириш жараёнларини ривожлантиришга эътибор бериш лозим. Чорва ҳайвонларини ижара пудратчиларига, чорвачилик фермаларини эса ижарага бериш, ижарачиларга талабини қондирадиган ҳажмдаги экин майдонларини ҳам узок муддатга ижарага ажратиш зарур. Бу жараёнда самарадорликка эришиш учун ижарачилар молиявий маблағлар таъминланган билан етарли миқдорда таъминланишига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Бу тадбир очик танлов асосида шу соҳа бўйича тажрибалли, билимдон, қонун устуворлигини тан оладиган, инсофли, маънавияти юқори бўлган фуқаролар зиммасига юкланиши мақсадга мувофиқдир.

Ширкат хўжаликлари маҳсулот етиштириш мақсадида чорва ҳайвонларини аъзоларига ижара пудрати асосида беришини ҳам ривожлантириш мумкин. Бунда пудратчилар чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш, зотларини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириб, тобора кўпроқ маҳсулот етиштириш учун қилган хизматлари ва етиштирган маҳсулотлари миқдорига кўра, рағбатлантирилишлари лозим.

Хўжаликларда бу масалаларни ҳал этишда ерлар унумдорлиги ошишини таъминлайдиган тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратишлиши зарур. Бу борада ижара муносабатларини эркин бозор талабларига мослаштириш керак.

Чорвачилик фермаларининг замонавий талабларга жавоб берадиган моддий-техника базасини босқичма-босқич ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш вақти келди. Чорвачилик бино-иншоотлари фан-техника ютуқларини эътиборга олган ҳолда мослаштирган, тегишли воситалар билан таъминланишга, чорва ҳайвонлари яхши парваришланиб, сифатли маҳсулот етиштиришда янги техникалар, илғор технологиялар жорий этилишига эришиш лозим. Шудагина тармоқда ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилиб, меҳнат унумдорлигининг ошиши таъминланади. Наслчилик ишларини ривожлантириб, сермахсул чорва зотларини яратиб, улар ишлаб чиқаришга тезроқ татбиқ этилишини таъминлаш, бунда зотли, сермахсул чорва ҳайвонларини сотиб олиш вариантыдан фойдаланишни ҳам эсдан чиқармаслик кутилган натижага эришиш имкониятини кенгайтиради.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун ем-хашак етиштириладиган майдонларни кенгайтириб, экинларни алмашлаб экишни ривожлантириш лозим. Бунда ем-хашак экинлари экиладиган майдонларнинг сув таъминотиغا, мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамда органик ва минерал ўғитлардан талаб даражасида фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу масалани ҳал этиш учун қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган тўйимли озуқа моддалари талаб даражасида олинишини, чорвадор ҳайвонларига шаклланган озуқа рацион асосида вақтида берилишини ҳам ташкил этиш зарур. Бу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, республика ҳукумати хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан кўмаклашиш йўллари, механизмларини ишлаб чиққан. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, шу мақсадда четдан моддий-техника ресурслари келтирилса, улар божхона тўловларидан озод этилиши ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

Бу жараёнда чет эл инвестициялари жалб этилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки ҳозирги даврда бу масала жуда суст ечилмокда.

Юқоридагилар билан бирга чорвачилик маҳсулотларининг шартномавий баҳолари инфляция даражасини эътиборга олган ҳолда оширилишига ҳам давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу маҳсулотларни асосан давлат акциядорлик корхоналари сотиб олмоқдалар.

Таъкидланган барча масалаларнинг ижобий ҳал этилиши тармоқларда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларнинг муносабатларига, билимига,

тажрибасига, эътикодига, онггига ҳамда рағбатлантирилишига бевосита боғлиқ. Шундай экан, бу масалаларни ҳал этиш механизмларини, йўлларини янада ривожлантириш зарур. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини вақтида бериш ҳамда уларни етиштирган маҳсулотлари миқдори ва сифатини эътиборга олган ҳолда мукофотлашнинг реал усулини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Чорвачилик тармоқлари ҳисобланган паррандачилик, пиллачилик, йилқичилик, асаларичилик, балиқчилик иқтисодиёти ҳақида ҳам шу мазмундаги фикрларни айтиш мумкин. Лекин бу тармоқларнинг иқтисодиётини ўрганишда уларнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, паррандачиликни саноат негизида ҳамда ғаллачилик хўжаликларида ташкил этиб, ривожлантириши ва бошқаларни эътиборга олиш лозим.

Юқорида кўрсатилган масалаларнинг ҳал этилиши натижасида чорвачилик тармоқлари ривожланиб, самарадорлиги юксалиши таъминланади.

Қисқача хулосалар

Мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида чорвачилик тармоқларининг ўрни ва аҳамияти катта. Унда инсон саломатлиги ва қайта ишлаш корхоналари учун зарур бўлган турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида тармоқда нодавлат мулкчилиги шакллантирилди.

Чорвачилик тармоқларининг ривожланиш ва самарадорлик даражасини аниқлашда тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган мақул.

Чорвачилик тармоқларининг ҳозирги ривожланиш даражаси талабни тўлиқ қондира олмайди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида тармоқда ҳуқуқий, ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизимини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш зарур.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- Чорвачилик тармоғи мамлакат халқ хўжалигида қандай ўрин тутади? Унинг аҳамиятли эканлиги нималарда намоён бўлади?
- Чорвачилик тармоқларини ривожланишини, уларнинг самарадорлигини қандай кўрсаткичлар ифодалайди? Бу кўрсаткичлар қандай аниқланади?
- Чорвачилик тармоқларининг ривожланишини аниқ мисоллар ёрдамида исботланг.
- Чорвачиликнинг самарадорлик даражасини рақамлар ёрдамида тушунтириб беринг.
- Чорвачилик тармоқларида ислохотларни қандай қилиб янада чуқурлаштириш мумкин?
- Чорвачиликни ривожлантириш, унинг самарадорлигини юксалтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

Асосий адабиётлар

Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.

Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.

Йўлдошев З.Й. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигининг устувор ривожлантириш. Тошкент, 1996.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент, «Адолат», 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги қонун. Тошкент, «Шарқ», 1998.
- Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (I–II қисм). Тошкент. «Шарқ», 1998.
- Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. Тошкент, «Адолат», 1993.
- Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент, «Адолат», №2, 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.
- Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июнь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июнь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июнь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №2, 1999 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1996 йил, 29 декабрь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент, «Адолат», 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси». Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари, Тошкент, «Адолат», 1999.
- Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм, Тошкент, «Шарқ», 1998.
- Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.

- Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.
- Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1995 йил, 23 декабрь.
- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1996 йил, 26 апрель.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999 йил.
- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999 йил.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Давлатимиз мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти–фаровонлик манбаи. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.
- Абдуғаниев А. Ўтиш даврида ер муносабатлари. Тошкент, ТДИУ, 1997.
- Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фанидан маърузалар матни. Тошкент, ТДИУ, 2000.
- Аҳмедов, Файзуллаева А., Юнусова Р.Т. Қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш. Тошкент, «Меҳнат», 1989.
- Коваленко Я.Н. Экономика сельского хозяйства. Москва. ЭКМЭС, 1998.
- Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО «Поигрон», 1992.
- Йўлдошев З. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш. Тошкент, 1996.
- Йўлдошев З. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти. Тошкент, 1992.
- Холмўминов Ш.Р. Рынок труда, проблемѣ формирования и регулирования. Тошкент, «Фан», 1994.
- Ҳусанов Р.Ҳ. Аграрная реформа: теория, практика, проблемѣ. Т.: «Ўзбекистон», 1994.

- Хромов Ю.С. Ферма и агробизнес. М.: СО «Анкил», 1992.
- Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов и их отбору для финансирования. М. 1994.
- Р.Хусанов, Д.Хамдамов. Муқобил машина-трактор парклари (ММТП), Т.:2001.
- Кэмпбелл Р., Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. М.: «Республика» 1992 г. Книга-1. глава-3. стр. 54-60.
- Уилья Ф., Шарп и др. «Инвестиции». - М., 1997.
- Бернли Хилл. Иқтисодга кириш. Қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари учун дарслик, 6-боб. Т.: «Меҳнат», 1998.
- «Справочник по оплатѣ труда в республике Узбекистан», «Адолат», Т., 1993.
- Махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1997 йил 3-сон.
- Абдуганиев А. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг айрим масалалари. ТИҚХМИИ, 2001.
- Абдуганиев А. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш йўллари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №4, 2002.
- Абдуганиев А. Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишнинг айрим масалалари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №1, 2002.
- Абдуғаниев А. Кадрлар – ҳал қилувчи куч. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №2, 2002.
- Абдуғаниев А. Суғориладиган ерлардан фойдалангишнинг иқтисодий самарадорлиги. «Иқтисодиётни эринлаштириш шароитида республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари», Тошкент, 2002.
- Абдуғаниев А. Тадбиркорликда харажатларни режалаштириш. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №6, 2001.
- Абдуғаниев А. Тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги нималарга боғлиқ. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, №1, 2001.
- Маматурдиев Г. Проблемы управления и моделирования экономических процессов аграрного рынка (в условиях Киргизской Республики). Экономика и управления народном хозяйством. Автореферат диссер. Доктора экон.наук. ЦЕЙ КР, Бишкек, 2000.

- Маматурдиев. Формирование механизмов аграрного рынка. Теория моделирования проблем. Ош Киргиз – Узбек Университет, 1997.
- Б.С.Меламедов. Плата за земля. Сборник нормативных актов. Комментарий. М.:АОЗТ «ФБК», 1996.
- Иватов И. Развитие дехканского рынка в Узбекистане. ТГЭУ. Т.: «Фан», 1994.
- Пути аграрного возрождения. Ред.кол. Башмачников В.Ф., Бородой Ю.М., Ершова И.И., Никольский С.А. М.: «Политиздат», 1991.
- Санайдак А.Э. Земельная собственность и рента. М.: «Агропромиздат», 1991.
- ТНК в сельском хозяйстве Латинской Америки. Онуфриев Ю.Г., Гаврилова Г.С., Романова З.И. и др. М.: «Наука», 1991.
- Абдурахманов К.Х., Боев Х. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари. Ўзбекистон билим жамияти., Тошкент, 1992.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	
I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ. «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ» ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.....	
1.1. Қишлоқ хўжалигини республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти.....	
1.2. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фаннинг предмети ҳамда вазифалари..	
1.3. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди» фаннинг предметини (мақсадини) тадқиқот қилиш, ўрганиш усуллари.....	
1.4. «Қишлоқ хўжалик иқтисоди» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.	
2.1. Агросаноат мажмуасининг зарурлиги, мақсади, вазифалари ва таркиби.....	
2.2. Агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар ўртасидаги муносабатлар.....	
2.3. Агросаноат мажмуасининг ҳолати иқтисодий-ижтимоий самарадорлик даражаси.	
2.4. Озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари мажмуаси. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги.	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
III БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ДАВЛАТ РАҲБАРЛИГИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН АГРАР-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР.	
3.1. Ўтиш даврида қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлиги.....	
3.2. Ер ислоҳоти, унинг амалга оширилиши.....	
3.3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.....	
3.4. Молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислоҳоти.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
IV БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУЛК ВА ТАДБИРКОРЛИК ШАКЛЛАРИ.....	
4.1. Мулк ва тадбиркорлик ҳақида тушунча, унинг иқтисодий негизи, шакллари.....	
4.2. Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари.....	

4.3. Жамоа ва ширкат хўжаликлари, уларнинг ривожланиши.....	
4.4. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, уларнинг ривожланиши.....	
4.5. Қишлоқ хўжалигидаги қўшма корхоналар.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
V БОБ. ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН САМАРАЛИ	
ФОЙДАЛАНИШ.....	
5.1 Ер-сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби, фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши.	
.....	
5.2. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.....	
5.3. Ердан, сувдан фойдаланишни самарадорлиги, уни ошириш йўллари.....	
5.4. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
VI БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ, ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	
6.1. Моддий–техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши.....	
6.2. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари, самарали технологиялар.....	
6.3. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.....	
6.4. Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантириш, бундай воситалар бозори, техника тараққиётини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
VII БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВА АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ, УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	
Асосий ва айланма фондлар (воситалар) ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва туркумлаштирилиши.....	
Асосий ишлаб чиқариш фондлари (воситалари) ва улардан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг аниқланиши.....	

Айланма фондлар (воситалар), бу фондларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг аниқланиши.....

Асосий ва айланма воситаларнинг, фондларнинг шакллантирилиши, барпо этилиши.....

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий ва айланма фондлар (воситалар) дан самарали фойдаланиш ва бу фондларнинг юксалишини таъминлаш йўллари.....

Қисқача хулосалар.....

Назорат ва муҳокама учун саволлар.....

Асосий адабиётлар.....

VIII БОБ. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ.....

8.1. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти.

8.2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.....

8.3. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражаси.

8.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори ва уни ривожлантириш масалалари.

8.5. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.

Қисқача хулосалар.....

Назорат ва муҳокама учун саволлар.....

Асосий адабиётлар.....

IX БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР (КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР), УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.....

9.1. Инвестициялар (капитал қўйилмалар) ҳақида тушунча, уларнинг ижтимоий-иқтисодий зарурлиги ва аҳамияти.....

9.2. Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари.....

9.3. Инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш.....

9.4. Инвестициялар (капитал қўйилмалар) даражаси, динамикаси ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлиги.....

9.5. Инвестиция (капитал қўйилма) лар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари.....

Қисқача хулосалар.....

Назорат ва муҳокама учун саволлар.....

Асосий адабиётлар.....

X БОБ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯЛПИ ВА ТОВАР МАҲСУЛОТИ, УЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....

10.1. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларни аҳамияти.....	
Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби динамикаси (ўзгариши).....	
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш, сотиш ва уларнинг товарлилик даражаси.....	
Ялпи маҳсулотни кўпайтириш, унинг товарлилик даражасини ошириш йўллари.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
XI БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ (ЖОРИЙ ВА ЎРТАЧА) ХАРАЖАТЛАР, УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	
11.1. Қишлоқ хўжалигидаги харажатлар, уларнинг аҳамияти.....	
11.2. Харажатлар таркиби, уларнинг туркумлаштирилиши.....	
11.3. Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртача харажатлар), унинг турлари ва аниқланиш тартиби.	
11.4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарх даражаси, динамикаси ва харажатларни қисқартириш, маҳсулотлар таннархларини пасайтириш йўллари.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
XII БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БАҲОЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ.....	
12.1. Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари.....	
12.2. Қишлоқ хўжалигида баҳолар тизими, уларнинг даражаси ва динамикаси.....	
12.3. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларни такомиллаштириш масалалари.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
XIII БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ФОЙДАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.....	
13.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромад ва фойдалари, иқтисодий самарадорлиги ҳақида тушунча, унинг аҳамияти.....	
13.2. Даромадни, фойдани, иқтисодий самарадорликни аниқлаш тартиби.....	
13.3. Қишлоқ хўжалиги даромадлари, ялпи ва соф фойдасининг ўзгариши.....	

13.4. Қишлоқ хўжалигининг пул даромадларини, ялпи ва соф фойдаларини кўпайтириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
XIV БОБ. ЎСИМЛИКЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ.....	
14.1. Ўсимликчилик тармоқларининг аҳамияти.	
14.2. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати.....	
14.3. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисодиётини ривожлантириш масалалари.	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
XV БОБ. ЧОРВАЧИЛИК (ҚОРАМОЛЧИЛИК, ҚЎЙЧИЛИК, ЭЧКИЧИЛИК) ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИ.....	
15.1. Чорвачилик тармоқлари маҳсулотларининг аҳамияти.....	
15.2. Чорвачилик тармоқларида етиштирладиган маҳсулотлар даражаси ва самарадорлиги.....	
15.3. Чорвачилик тармоқларини, уларда маҳсулот етиштиришни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари.....	
Қисқача хулосалар.....	
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	
Асосий адабиётлар.....	
АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	

CONTENTS

INTRODUCTION.....	
CHAPTER 1. IMPORTANCE OF AGRICULTURE IN THE ECONOMY OF THE COUNTRY. SUBJECT, METHODS OF RESEARCH OF THE COURSE.....	
1.1. Role and importance of agriculture in the economy of the country.....	
1.2. Subject and tasks of the course.....	
1.3. Methods of researching the subject (aim) of the course.....	
1.4. Relations of the subject “Economy of agriculture” with other courses.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
XI. CHAPTER 2. AGRO-INDUSTRIAL COMPLEX OF UZBEKISTAN AND ITS DEVELOPMENT.....	
2.1. Necessity, tasks and structure of the agro-industrial complex.....	
2.2. Interrelations of the agro-industrial complex with other branches...	
2.3. Status of the agro-industrial complex, level of economic and social efficiency.....	
2.4. Complex of food and the goods of national consume. Food safety of the state.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 3. GOVERNMENT LEADERSHIP IN TRANSITION TO MARKET ECONOMY AND AGRIFRFIN – ECONOMIC REFORMS CARRIED OUT.....	
3.1. Governmental leadership in agriculture in the period of transition.....	
3.2. Land reform and its performance.....	
3.3. Privatization of the property.....	
3.4. Reforms of finance, tax and price.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 4. FORMS OF PROPERTY AND ENTREPRENURSHIP IN AGRICULTURE.....	
4.1. Concept of property and entrepreneurship, its economic base and forms.....	
4.2. State enterprises in agriculture.....	
4.3. Shirkats and collective farms, their development.....	
4.4. Farmer and peasants, their development.....	

4.5. Joint ventures in agriculture.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 5. WATER AND LAND RESOURCES AND THEIR EFFECTIVE USAGE.....	
5.1. Role of land and water resources in agriculture and their features, structure of its area, its distribution among users.....	
5.2. Parameters indicating the efficiency of using land and water, order of their calculation.....	
5.3. Ways of increasing efficiency of using of land and water.....	
5.4. Monitoring of land and state cadaster of land.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 6. MATERIAL AND TECHNICAL RESOURCES OF AGRICULTURE, SCIENTIFIC AND TECHNICAL PROGRESS, HIGH TECHNOLOGIES AND THEIR USAGE.....	
6.1. Concept of material and technical resources, their essence, features and classification.....	
6.2. Scientific and technical progress, its directions, effective technologies.....	
6.3. Parameters indicating the level of provision with material and technical resources and their usage, order of their calculation.....	
6.4. Formation of material and technical resources of agriculture in the conditions of market economy, performance the technical progress, their effective usage in market.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 7. FIXED AND CIRCULATION FUND OF AGRICULTURE, THEIR EFFECTIVE USAGE.....	
7.1. Concept of fixed and circulation funds (tools), their essence and classification.....	
7.2. Fixed and circulation funds (tools) and parameters indicating the level of using them, their prediction.....	
7.3. Circulation funds (tools), parameters indicating their efficiency, their them, their prediction.....	
7.4. Formation, creation of fixed and circulation tools, funds.....	
7.5. Effective utilization of fixed and circulation funds (tools) in conditions of market economy and the ways maintenance of its increase.....	
Brief conclusions.....	

Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 8. MANPOWER, LABOR MARKET, THEIR USAGE AND LABOR EFFICIENCY.....	
8.1. Essence of manpower and its efficiency in agriculture.....	
8.2. Usage of manpower and parameters reflecting its efficiency, order of their calculation.....	
8.3. Manpower of the agriculture, their usage and level of its efficiency.....	
8.4. Labor market in agriculture and problems of its development.....	
8.5. Ways of increasing the labor efficiency, improvement of the usage of manpower.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 9. INVESTMENTS (CAPITAL INVESTMENTS), THEIR ECONOMIC EFFICIENCY.....	
9.1. Concept of investments (capital investments), its economic and social necessity and importance.....	
9.2. Source of investments (capital investments) spent to agriculture, their directions.....	
9.3. Parameters reflecting economic efficiency of investments (capital investments), their calculation.....	
9.4. Level, dynamics of investments (capital investments) and their social and economic efficiency.....	
9.5. Increasing the volume of investments (capital investments) and ways of increasing their efficiency.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 10. GROSS AND COMMODITY PRODUCTION IN AGRICULTURE, WAY OF THEIR DISTRIBUTION AND INCREASE.....	
10.1. Concept of gross and commodity production in agriculture, their essence.....	
10.2. Distribution, realization of agricultural products and level of marketability.....	
10.3. Ways of increasing the gross production and its quality level.....	
10.4. Increasing gross production, ways of increasing their quality.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	

CHAPTER 11. EXRENSSES (CURRENT AND AVERAGE) IN AN AGRICULTURE, WAYS OF THEIR REDUCTION.....	
11.1. expenses in agriculture, their essence.....	
11.2. Composition of expenses, their classification.....	
11.3. Concept of cost price (average costs), their types and order of their calculation.....	
11.4. Level, dynamics of cost price of agricultural products and ways of reduction expenses and cost price of products.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 12.PRICE OF AGRICULTURAL PRODUCTS, THEIR PERFECTION.....	
12.1. Economic meaning of price, its essence and functions.....	
12.2. System of prices of agriculture, their level and dynamics.....	
12.3. Problems of improving the prices in conditions of market economy.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 13. INCOME, PROFIT OF AGRICULTURE, ITS DISTRIBUTION, ECONOMIC EFFICIENCY OF PRODUCTION....	
13.1. Income, profit of agricultural firms, concept of economic efficiency, their essence.....	
13.2. Order of calculation of income, profit, economic efficiency.....	
13.3. Elasticity of income, total and profit of agriculture.....	
13.4. Increasing the monetary income, total and net profit of agriculture, ways of increasing the economic efficiency.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 14. ECONOMY PLANT-GROWING BRANCHES.....	
14.1. Importance plant-growing branches.....	
14.2. Present condition of economy of plant-growing branches.....	
14.3. Problems of development of economy plant-growing branches...	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
CHAPTER 15. ECONOMY OF ANIMAL HUSBANDRY (CATTLE BREEDING, SHEEP RAISING, GOAT BREEDING) BRANCHES...	
15.1. Importance of products of animal husbandry branches.....	
15.2. Level and efficiency of products of animal husbandry branches...	
15.3. Improving ways of animal husbandry branches and their	

products and increasing their efficiency.....	
Brief conclusions.....	
Questions for discussion and control.....	
Main literature.....	
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	

АБДУҒАНИЕВ АБДУЛАТИВ

АБДУҒАНИЕВ АБДУҚАҲҲОР АБДУҒАНИЕВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ

(Дарслик)

Муҳаррир – З. Йўлдошев

Техник муҳаррир – Ш. Тожиев

Мусахҳих – Ж. Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – С.А. Гаффоров